

929  
155

929(5195)

**МҮЖИЗА СОДИР БҮЛМАЙДИ**

100008852

30. 11. 2009

Ли Мён Бак  
Мүъжиза содир бўлмайди. Сеул: Ewhan нашриёти, 2009. 312 б.

ISBN 978-9943-01-469-5

© Copyright, Ли Мён Бак -1995  
© Copyright, Ким Хён-Тхэк, Инна Пак, таржима — 2009  
© Copyright, Пак Джонг-Вон, дизайн — 2009  
© «Ўзбекистон» НМИУ, Ewhan нашриёти, 2009, ўзб.

# Мўъжиза содир бўлмайди

ЛИ МЁН БАК

Корея Республикаси Президенти



«Ўзбекистон» нашриёти  
Ewhan нашриёти

## **Рус тилидаги нашрға муқаддима ўрнида**

Қадрли китобхонлар!

Менинг ҳаётим, ўй-фикрларим ва кечинмаларим акс этган «Мўъжиза содир бўлмайди» китоби илк бор 1995 йилда Корея Республикасида нашр этилди. Мана энди у рус тилида ҳам чоп этилди. Бу ҳол мени чуқур мулоҳаза юритишга чорлайди ва алоҳида туйғуларга чулғайди. Зеро ушбу китобда менинг Россия ва Марказий Осиё мамлакатларидағи иш тажрибам батафсил ёритилган бўлиб, бу давлатларни доим дўстона мамлакатлар деб ҳисоблаб келганман ва ҳозир ҳам шундай.

XX асрнинг тўқсонинчи йилларида дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан сўнг, Россия ва Марказий Осиё мамлакатлари Корея Республикаси учун янада яқинроқ бўлиб қолишиди. Мамлакатларимизнинг бир-бiri учун нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини бизлар йилдан-йилга янада яққолроқ тушуниб етмоқдамиз ҳамда ўзаро алоқаларимизнинг мустаҳкамланиши ва ривожланишини янада қаттикроқ қадрламоқдамиз. Натижада кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар нафақат иқтисодиётда, балки илм-фан ва маданият каби соҳаларда ҳам жадал ривожланмоқда.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилишидан аввал ҳам мен, 80- йилларнинг охириларидан бошлаб, Кореядаги хусусий корхоналардан бирининг бош директори сифатида Россиянинг турли шаҳарларига борганман. Ушбу ташрифлар давомида Россия билан яқинроқ танишиш, унинг иқтисодиётни, маданияти, илм-фани ва техникаси, тарихи ҳамда санъатини янада чуқурроқ тушуниш имконига эга бўлдим. Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари билан дўстона алоқалар ўрнатишга эришдим ва бу дўстлик ҳануз сақланиб келмоқда.

Мана, 2008 йилнинг сентябри. Мен расмий ташриф билан Россияда бўлдим. Россия Президенти Дмитрий Медведев

ва Баш вазир Владимир Путин билан учрашувларда кенг кўламдаги масалалар бўйича иккала томонни қизиқтирган фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашдим. Ушбу ташриф давомида Транскорея темир йўлини Транссибирь магистрали билан бирлаштириш ва Корея Республикасигача газ ўтказгич куриш лойиҳаларининг амалга оширилишига кучли туртки берилгани алоҳида аҳамиятта эга. Хусусий корхона бош директори бўлиб ишлаган пайтларимдаёқ бу лойиҳаларга алоҳида эътибор берар эдим.

Россияга ташрифим чоғида Санкт-Петербург университетида ҳам бўлдим. Бу университетда менга маъруза билан чиқишини таклиф қилинди ва Фахрий доктор унвонини беришди.

Корея Республикаси Президенти лавозимига киришганидан бўён Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга зўр бермоқдаман. Фаолиятимнинг ушбу йўналиши доирасида мён Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган «Янги Осиё дипломатияси» ташаббусини олға сурдим ва уни доимо кўллаб-куватлаб келмоқдаман.

Президент этиб сайлангунимга қадар Сеул мэри бўлиб ишладим ва ўша вақтлардаёқ Марказий Осиёning кўпгина мамлакатлари раҳбарлари билан яқин дўстона алоқалар ўрнатдим. Ўтган йили Қозогистон, Ўзбекистон ва Туркманистон президентлари билан учрацдим. 2009 йилнинг май ойидага эса ушбу мамлакатларга ташриф буориши ва ўз ҳамкасларим билан турли соҳаларда дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш чоратадибirlарини белгилаб олишни режалаштироқдаман. Шунингдек, ушбу давлатларда этник корейсларнинг турмушига оид муаммоларга ҳам эътибор қаратилади. Этник корейсларни кўллаб-куватлаш уларнинг миллий ўзлигини англашларини ва тарихий ватанлари учун ифтихор туйғусини ўстиришга хизмат қиласди. Бу ҳол ватандошларимизга мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга катта ҳисса кўшиш имконини беради, деб умид қиласман.

Бу китоб илк бор нашр этилганидан кейин кўп йиллар ўтди. Юритимизда ҳам, жаҳонда ҳам кўп ўзгаришлар рўй берди. Йигирманчи аср ниҳоясига етди, ҳозир XXI асрда яша-

моқдамиз. Ҳаётимда кўп касбларни кўрдим. Парламент депутати ва Сеул мэри бўлиб ишладим. Бутунги кунда халқим менга мамлакат Президенти вазифасини ишониб топшириди. Аммо, лавозимлариму мансабларим қанчалик ўзгармасин, вақтнинг шиддатли оқимида ҳаётий шарт-шароитим қандай кўриниш касб этмасин, мен учун ўзгармас бўлиб қоладиган нарса мавжуд. Бу менинг қатъий маслагимдир:

Ҳаётда мўъжиза бўлмайди!

Илк болалик чоғларимдан университетни битиргунимга қадар туну кун камбагаллик билан боғлик муаммоларни ҳал этишимга тўғри келарди. Ҳатто мени «Хендэ» компаниясига яхшигина ишга қабул қилганларидан сўнг ҳам, қарийб ўтиз йил давомида аввалгидек бор кучимни танлаган ишинга сабот билан тинимсиз сафарбар этиб келдим. 60-йиллар охирларидан 80-йиллар охирларигача бутун Корея босиб ўтган, ҳақиқатан ҳам жадал иқтисодий ўсищдан иборат тарихий йўлдан ўз компаниям билан биргаликда одимладим.

Мен умримнинг 20-йилларидаёқ компания бошқаруви аъзоси, 30- йилларида — бош директор, 40-йилларида — компания президенти бўлдим. 50-йилларида Корея парламенти депутати бўлишга эришдим. 60-йилларида эса, Сэул аҳолиси мени ўз мэрлари этиб сайладилар. Ҳозирги вақтда менинг зиммамга кореялик сайловчиilar менга ишониб топширган фахрли, аммо, шу билан бирга, жуда масъулиятли мажбурият юклатилган.

Баъзан мени, гўё ҳаётимда ҳамма нарса худди эртакдаги-дек кечган деб ўйлаб, «мўъжизалар қаҳрамони» деб атайдилар. Аммо менинг ҳаётим — «мўъжиза» эмас, асло. Ҳаётим — изтироб ва сабр-тоқатга тўла, машаққатли узун йўлдир. Мен бу йўлдан ҳар куни, ўзимга бўлган ишончни йўқотмай ҳамда орзу-умидларимни бой бермай, қатъият ва жасорат билан одимладим. Менинг ҳаётим — бу муваффақиятта қатъий ишонган ҳолда мунтазам олға интилишдир, бу ҳар қандай ва барча тўсиқларни енгиб ўтиш, муваффақиятсизликлар ҳамда муваққат мағлубиятлар рўй бергандла тушкунлик ва умидсизликни ўзимдан нари ҳайдай билишдир.

Бу китоб мураккаб давримизда ўз йўлларини топишларида ёшларга кўмакдош бўлишига, оғир, беҳаловат ҳаётдан изтироб чекаётганилар қалбida умид учқунлари порлашига ва уларнинг ўз ҳаёт йўлларидан муваффақият ва баҳт сари янги

куч-қувват билан дадил олға интилишларига ёрдам беришіга астойдил ишонаман.


Бу китоб менинг «шахсий таржимаи ҳол»имгина эмас. Умид қиласынан, «хәётим тавсифи»ни ўқир экансиз, унда баён этилган ишончли маълумотлар билан танишгач, Корея-нинг замонавий тарихи ҳақида кўпгина нарсаларни билиб оласиз. Бу китоб Корея ва корейс халқини янада чукурроқ тушуниб олишда сизга ёрдам беради, деб ишонаман.

XXI асрда халқаро муносабатлар давлатлар ўртасидаги ракобат билангина белгиланмайди. Жаҳон ҳамжамияти олдида йил сайин кескинлашиб ва кенгайиб бораётган глобал муаммолар кўндаланг бўлмоқда. Бунга иқлим ўзгариши ҳам, халқаро терроризм ҳам, жаҳон молиявий инқизози ҳам киради. Бу муаммоларни алоҳида мамлакат ёки алоҳида халқ якка ўзи ҳал этишга қодир бўлмай қолмоқда. Фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билангина сайёрамизда уйғунликка ва бутун инсоният равнақ топишига эришиш мумкин. Ўйлайманки, бу борада Евроосиё қитъаси мамлакатлари, айниқса, Россия, Корея ҳамда рус маданияти ва рус тили билан тарихий алоқалари жуда мустаҳкам бўлган МДҲ мамлакатларининг ўзаро яқин муносабатлари ва ҳамкорликлари катта роль ўйнаши лозим.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, умид билдираманки, «Мўъжиза содир бўлмайди» китобининг рус тилида нашр этилиши мамлакатларимизни янада яқинлаштиришга дурустгина ҳисса бўлиб қўшилади, халқларимизнинг бир-бирини ўзаро тушунишини янада чукурлаштиришга ёрдам беради. Шунингдек, «алмашинув ва ҳамкорликнинг янги даври» бошлиниши бўлади, деб ишонгим келади.

Сўзим якунида ушбу китобни тайёрлаш ва нашр этишда ёрдам берган барча инсонларга чин дилдан самимий миннатдорлик билдираман. Китобни рус тилига таржима қилиш бўйича катта ва мураккаб меҳнатлари учун, профессор Ким Хён Тхэк ва таржимон Инна Пакка, шунингдек «Мўъжиза содир бўлмайди» китобининг русча нусхасини амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун Корея-Россия маданият фондига ташаккур изҳор этаман.

Ли Мён Бак  
Корея Республикаси Президенти  
2009 йил апрель



## МУНДАРИЖА

Рус тилидаги нашрға муқаддима ўрнида | 4

### *"Хендэ"ни тарк этиш болсун*

- Согвипода қабул қилинган қарор | 15  
Фахрий президентнинг қатъий талаби | 17  
Агар бу ўпирлиши бўлса, мен хонавайрон бўламан | 21  
Тўхтатишга уч бор уриниш | 23  
Садоқат мантиғи | 25  
«Хендэ»даги сўнгги вазифа | 28  
Бегараз тарк этиш | 29  
Келинг, бирга ишлаймиз | 31

### *Калишоқлик ва онам — менинг устозларим*

- Отам ибрати | 37  
Ёз кунларидан бирида пайдо бўлган ҳарбий самолёт | 40  
Кўли узун бола | 42  
Бирорлардан таом ола кўрма | 44  
Юқори мактабга киришдаги можаро | 46  
Қишида сомон шляпи кийган бола | 49  
Уйдан қочишим ва онам дуоси | 49  
Похангнинг қашшоқ туманидан Итэвон кулбаларига | 52  
Чонгечондаги эски китоблар дўконида  
тасодифан ортирган ёрдамчим | 56

Бундай саломатлик билан армияга олишмайди | 59

Кишлоқининг уриниши | 62

Зиюндаги иш ташлаш күткүчиси | 66

Мен қайта туғилған Содэмун қамоги | 70

Онаизор | 75

### *Ишда үйқыларни әзбет этиш*

Ишга киришда сусткашлик қиласлик даркор | 81

Курилиш — бу бунёдкорлик | 85

Бошлиқ ва эндиғина ишга олинган ходим ўртасидаги  
можаро | 90

Тайланддаги ҳодиса | 92

Демак, бир ўзинг ҳамма пулни чўнталингга урибсанда! | 97

Кечаси макияж қилинглар | 103

Президент аппаратининг бульдозер билан  
эзиз ташланган кўрсатмаси | 107

Директор рафиқасининг илтимоси | 112

Бизницидек йирик компания қандай қилиб уй сотиш билан  
шугулланади? | 114

### *Ўттиз беш ёшли директор*

Истаганингча йиғла | 121

Сен директор бўласан | 124

Рақобат | 129

Маошга ишловчи директор ва корпорация  
президентининг ўғли | 135

Апкуджонг туманида «Хендэ» хонадонларига талабнинг  
кескин ортиши | 138

Етказилган жароҳат ва қарши хужум | 141

Президент Пак Чон Хи билан сўнгги учрашув | 147

*Үзмә ишончнан — тап тортмаңы*

- Анойи әмас экансиз | 153  
Қонли күз ёшлар | 159  
Яңги ҳарбий ҳукумат ва Корея саноатчилари  
федерацияси раиси | 168  
Тендердаги тутуриқсиз мәглубият | 172  
Енгванг атом электр станцияси туфайли очық уруш | 175

*Сүттүн жағон бүрілаб*

- Бағдод ҳокими Ваҳоб ва Ироқ бозорига чиқиши | 187  
Инқилобий ҳукумат меҳмондүстлигидан фойдаланиб | 192  
Ироқ учун «Пони» пикапи | 197  
Бағдодни тарк этиши | 201  
Үн түрт соатлик уруш | 204  
Бош вазир Махатхир — Малайзиянинг бойлиги | 207  
Нима, бош вазирнинг кети бошқаларникидан  
каттароқми? | 215  
Маркос ва Имельда кураши | 218  
20 йилдан кейин адo этилган ваъдам | 221  
Мен унутолмайдиган инсонлар | 223

*Директор қаби фиқр юғышыб,  
бүртим болтим қаби шаша!*

- Буни сиздан кўра кўпроқ яшаган биродарингиз  
сифатида айтяпман | 229  
Биринчи бўлиб маош олиши лозим бўлган киши | 232  
Компания соҳиби — сенинг рақобатчинг | 234  
Лавозим ва ҳокимият | 235  
Директоримиз тунда ҳам ухламайдими? | 237

- 
- Феълингни ишингга мослаштири | 239  
Бошлиқ туфайли азоб чекиши | 240  
Иш ва вақт устидан ҳукмронлик қил | 241  
Шанба куни ҳам расмий кийимда | 243  
Сурункали тегатитта қарши кураш | 244

*Жаноб Ли, оланинз борми?*


- Май қироличаси қабристонда | 253  
Ли Мён Бак иккинчи хотини билан яшайди | 256  
Телесериаллардаги аёл | 258  
Кўримсиз қиёфадан ўнгайсизланиш | 260  
Яхши ота бўлиш сири | 264  
Эртага мен уларнинг машинасида кетмайман | 267  
Пул топиш ва сарфлаш усули | 269

*Келажак — Шимолда*

- Янги дунёни излаб | 275  
Умид бор | 277  
Шимолий қутбнинг ароқ билан эритилган музиклари | 281  
Сибирь табиий гази — Кореяга | 286  
Горбачев лабиринти | 293  
Приморье ўлкаси — янги Когуре даври кони | 301  
Шимолий Кореяни кашф этиш — 21-асрни кашф этиш демакдир | 303

Хотима ўрнида 308


---




## Л И М Ѕ Н Б А К

### *"Хендэ"ни тарк этиш бөйсү*

*"Хендэ"да мен бор күчимни бериб ишиладим.  
Тинмай мөхнат қилдим...  
Чөгрөккина корхона шириклашгандан сүнг,  
халқаро компанияга айланғанида, ахоли жон  
бөшигэ 100 доллардан кам бүлгэн даромад  
8 мингача күтаришганида мен вожеаларнинг  
кок марказида эдим ва бунинг учун тақдир-  
дан чексиз миннатдорман.*



ПИ. МЕН. БАК



## **Согвипода қабул қилинган қарор**

Мен 1991 йил 31 декабрда рафиқам ва түрт фарзандим билан Чеджу оролига дам олгани кетдим. Бу бизнинг илк оиласиий саёҳатимиз эди. Барчамизниң кайфиятимиз аъло. Анчадан бери биргаликда дам олмагандик. Шунга қарамай, оиласи бағрида ҳузур қилолмадим.

Бу кун ўтиб, янги йил ҳам киради. Мен эса муҳим бир қарор қабул қилишим лозим эди. «Хендэ»дан кетишими лозимми?

Ҳаётимдаги муҳим қарорни қабул қилишда икки йўл бошида турардим. Куни кеча эллик ёшга тўлдим. Согвипо шаҳрида соҳилда, дengizga боқиб турардим. Денгиз ҳадсиз-худудсиздек кўринарди. Уфқ нигоҳим етмас узоқлиқда эди. Денгизнинг бепоёнилиги ўтмишимидан кўра кўпроқ келажагимга ўхшаб кетарди.

Аммо тақдир китобини тушуна билишинг ҳаёт йўлингни қандай босиб ўтганингга боғлиқдир. Зеро ўтмишингни тартибга солмаган бўлсанг, тақдир китобини тўғри ўқий олмайсан. Мен умримнинг ўтган эллик йили ҳақида, фақат олға интилган чоғларимда тақдир китобимга нелар битилганлиги хусусида ўйга толдим.

Ҳаётимда узоқ вақт алоҳида ўрин олган дengиз бўйида анчадан бўён мана ўндан танҳо турмагандим.

Японияда туғилганим ҳолда, озод этилган ватанимизга кемада қариндошларим билан қайтгандик. Аммо кемамиз Цусима ороли яқинида ҳалокатга учраб, Японияда йиқкан пулларимиз дengизда гарқ бўлди. Ўзимиз қутулиб қолдик, бироқ шафқатсиз қашшоқлик кутаётган ватанимизга куруқ кўл билан қайтдик.

Ҳатто урушдан кейин ҳам қашшоқлик ҳол-жонимизга кўймади. Акаларим, уларнинг ортидан ота-онам ҳам Сеулга кетишгач, синглим иккимиз ёлғиз қолдик ва қай йўл билан бўлса-да, тирикчилик қилишимиз лозим эди. Ўша дамларда

биз яшаган Поханг шаҳри яқинидаги деңгиз бизга күзни қамаштирадын даражада мовий, аммо мангу совуқдек күринарди.

Кейин эса Сеулга күчіб ўтдик, университеттеда ўқидим, талабалар ҳаракатида қатнашдым, қамоқда ётдим, онам вайфот этди, «Хендэ»га ишга кирдим... Улғайиб борар эканман, мудом қашшоқлик билан курашдым.

«Хендэ»да 27 йил ишладым. 30 ёшга тұлмай директор үринбосари бўлдим, 40 ёшга тұлмасимдан директор этиб, 50га чиқмай — компания президенти этиб тайинландым. Одамлар мени күпинча «афсонавор инсон» дәя аташарди.

Аммо ҳаётим ташқаридан қарагандагина афсонадай күринали. Аслида эса, у турли инқизорзли ҳолатлар ва хавф-хатарга тұла шафқатсиз воқеилиқдан иборат эди. Мен йўлимга тұғанок бўлувчи қийинчилеклар ва қаршиликлар олдида ҳеч қачон чекинмадим, уларни доимий енгигиб ўтардим. Эҳтимол, одамлар ана шу матонатли ҳаракатни мўъжиза деб атарлар.

Эртаси, 1992 йил 1 январда мен Согвипода деңгиз соҳили бўйлаб сайр қилдим. Улғайишнинг 23 йили, тақдир тигига қарши 27 йиллик доимий кураш, яна «Хендэ»дан кетгач, 25 йил олдинда туради. Кейинги ҳаёт йўлим азалдан белгилаб қўйилганди.

«Хендэ»да мен бор кучимни бериб ишладим. Тинмай меҳнат қилдим, тер тўқдим...

Мен компания билан биргаликда экватордаги чангальзорлардан, жазирама чўлу биёбонлардан тортиб, қорли Сибиргача — жаҳонни забт этдим. Кичиккина корхона йириклишиб борганида, сўнг халқаро компанияга айланганида, мен воқеаларнинг қоқ марказида эдим. Аҳоли жон бошига 100 доллардан кам бўлган даромад 8 минггача кўтарилиганида мен шу ерда ишладим. «Хендэ» ва мамлакатимнинг шитоб билан, мислсиз юксалишига фаол ҳисса кўша олганим учун тақдирдан чексиз миннатдорман.

Рафиқам соҳил бўйлаб ортимдан келарди — ёнимга қачон келганини пайқамай қолибман. У менинг кўнглимдан нималар кечаетганлигини пайқаб туради, албатта.

Бехос директор этиб тайинланганим 1977 йил ёдимга келди. Ўшанда 35 ёшда эдим ва мен бундай лавозимда ишни удда-

## ЭНТБ ФТЭК

лай олармиканман, бундай тайинловни қабул қылсаммикан, деб ўйлаган эдим. Журналистлар уйимда ҳам ҳоли жонимга күйишмасди. Ўшанда шаҳарга кетганимдан кейин болалагим ўтган жойларга аёлим билан биринчи бор йўл олгандим. Енгиль кўрфазида денгизга термулганча қалбан ўзимга дедим: «Тақдирга қарши турмаслик керак. Шунингдек, оддий директор ҳам бўлмаслик лозим».

Ўшандан буён 15 йил ўтди. Элликка тўлганимда келган Янги йил табриклари кўп маънони англатарди. Мен «Хендэ»ни тарк этишим лозим. Рафиқамга Согвиподан кетгунимизча бир қарорга келишим лозимлигини айтдим, у босиқ овозда:

— Нимани лозим деб топсанг, ўшани қил. Бу ишни ўз принципларингта мувофиқ қил. Бу энг тўғри қарор эканлигига биз доимо ишонамиз. Унга доимо эргашамиз, — деди.

Ниҳоят, мен Согвипони тарк этдим.

«Хендэ» менсиз ҳам дадил олға интилаверади.

## Фахрий президентнинг қатъий талаби

1992 йил 3 январь тонги. Согвиподан қайтган кунимизнинг эртаси. Мен «Хендэ»нинг Гедонг туманидаги бош официга ишга чиқдим. Менинг «Хендэ»даги сўнгги куним Янги йилни нишонлаш ва янги йилнинг ilk иш кунига тўғри келиб қолди. Мажлислар залида барча директорлар йиғилишиди.

Ҳар доимгидек, ўртада, асосий стол ортида корпорация президенти Чонг Се Енг, сўл томонда мен ва Ли Хен Тэ, ўнг томонда — Ли Чун Рим ва Чонг Монг Гу ўтирадик. Қаршимизда икки қаторда барча шўъба корхоналарнинг директорлари жой олишган. Залда илиқ муҳит хукм сурар, ҳамма бир-бирини янги йил билан табрикларди.

Шу пайт компаниянинг фахрий президенти Чонг Джу Енг кириб келди, у ғалати кўринарди — эгнида спорт кийими, оёғига кроссовка кийган эди. Президент Чонг Чонгун

туманидаги уйидан доим шундай кийимда чиқар, ишга пиёда келиб, офисда кийимини алмаштирап, сүнг иш бошларди. Шу боис барча директорлар қатнашаётган тантанали талбирга спорт кийимида келиши күтилмаган ҳол эди. Шу пайтгача бундай ҳолат күзатылмаганди.

Фахрий президент компания президенти Чонг Се Енг унинг учун шошилинич тайёрлаган жойга ўтирди, Чонг Джу Енгнинг юз ифодасидан қандайдир асабийлашув уфуриб туради. У ҳеч қандай табрик сўзларисиз гапира кетди.

— Шундай қарор қабул қилиндики, бугунги кундан мен, президент Ли Мён Бак, директор ўринбосари Ли Нэ Хин сиёsat билан шуғуллана бошлаймиз ва, шу сабабли, компаниядаги ўз вазифаларимизни тарк этамиз.

Шу сўзларни айтгач, у шартта ўрнидан турди-да, қандай тез кирган бўлса, шундай тезлик билан чиқиб кетди. Зални жимлик қоплади. Беш дақиқача ҳамма сукут саклади. Ва, ниҳоят, компания президенти Чонг Се Енг жимликни бузиб, янги йил боши тантанасини тезда якунлаб қўя қолди.

Барча директорлар мажлислар залидан чиқишиди ва Мабук-лидаги тажриба марказига йўл олишди. Янги йил тантанасидан сўнг Мабук-лида семинар ўtkазиш азалий анъана эди. Мен Мабук-лига борадиган автобусга чиқмай, фахрий президент Чонг хонасига кирдим. У хонада бир ўзи эди.

— Узр, лекин мен сизга ёрдам бера олмайман. Мен компаниядан кетаман.

Шу тариқа, президент мени ўз қароридан қай тарзда хабардор қилган бўлса, мен ҳам худди шу таҳлит унга ўз фикримни айтдим. Президент Чонг ўтган йилнинг охирида менинг олдимга ультиматум кўйган эди, бу сўзларим унинг ўша ультиматумига жавобим эди. Мен унинг гапларини компания эгасининг мени «Хендэ» ишларидан бутунлай четлаштириш бўйича хуқуқларидан бир томонлама фойдаланиши деб қабул қилдим. У мени янги сиёсий партия ташкил қилишда қатнашиш-қатнашмаслигимдан қатъи назар ишдан четлаштироқчи эди. Президент Чонг 1992 йилнинг бошларida янги сиёсий партия ташкил қилиш бўйича тезкор жадвал ишлаб чиқканди.

Бу менга тазиик ўтказиш, мени иложсиз қолдиришга уриниш эди. Аммо қанчалар кучли тазиик ўтказмасынлар, мен ҳеч қачон таслим бўлмасдим.

Мен «Хендэ»ни тарк этишимни аниқ ифодаладим ва хонадаин чиқиб кетмоқчи ҳам эдим-ки, президент Чонг жойидан қўзғалди ва деди:

- Бир неча кундан сўнг учрашамиз.
- Ўйлаб кўраман.

Бундай жавоб, менимча, аслида, мен тарафдан қатъий рад этиш эди. Мен ҳеч қачон компания ходимлари ёки ишлари юзасидан бундай мавхум фикр билдирамаган эдим, шу боис бундай жавоб бўлиши мумкин эмасди. Ортимдан президент хонасининг эшиги ёпилар экан, мени «Хендэ» билан 27 йил давомида боғлаб келган мустаҳкам ришталар заифлашиб бораёттанини ҳис этдим.

Мен ўз хонамга тушдим ва «Хендэ»даги сўнгти кунимни ўша ерда ўтказдим. Барча директорлар ва топ-менежерлар тажриба марказига кетишган, бош оғисда ёлғиз ўзим қолгандек эдим. Бу ерда жимлик ва танҳолик ҳукмон эди. Ҳеч ким компаниянинг юқори профессионал бошқарувчиси бўла туриб, компания эгаси билан мен каби хайрлаша олмасди. Кўпчилик хўжайиннинг буйругига бўйсунган бўларди. Аммо мен «Хендэ»ни тарк этиш ва Халқ партиясига кўшилмаслик ҳақидаги қарорим юзасидан заррача иккиланмаётган ёки афсусланмаётган эдим. Вақт ўтиб, менинг қарорим ягона тўғри қарорлиги аниқ бўлишига ишончим комил эди.

Шунда хонамга журналистлар бостириб киришли, улар анчадан бери хатти-ҳаракатларимни кузатиб келишарди.

— Айтишларича, сиз сиёсий фаолият бошлаш мақсадида компанияни тарк этаётган экансиз. Шу ростми?

— Агар компания президенти Чонг партия тузса, унинг аъзоси бўласизми?

Журналистлар менинг «Хендэ»дан кетишими сиёсий майдонга чиқишига тайёргарлик деб қабул қилибдилар.

— Менинг янги сиёсий партия аъзоси бўлиш-бўлмаслигим бугунги кунда долзарб масала эмас. Мен бу масалани — сиёсатда иштирок этишим тўғри бўладими ёки йўқми — чуқур ўйлаб кўришим керак, -- деб жавоб бердим.

Бироздан сўнг журналистлар чиқиб кетиши.

30 йил муқаддам мен билан талабалар ҳаракатида қатнашганларнинг барчаси ўзини сиёсатга урган, биргина мен хусусий корхонада ишлашни танлаган эдим. Ўшанда мен иқтисодиётни жонлантиргач, давлатнинг барқарор асоси яратилгачина сиёсий фаолиятни бошлиш мумкин, деб ўйлагандим. Даромади аҳоли жон бошига 80 долларга тенг бўлган, халқи ўзига иш топа олмайдиган қолоқ мамлакат учун аҳолига қўшимча иш ўринлари яратиш сиёсатдан кўра долзарброқ ва муҳимроқ эканлигига амин эдим. Мамлакатимизни ҳозирги даражага олиб чиқсан асосий куч — бу сиёсат эмас, балки айнан иқтисодиёт эканлигини бугунги кунда ҳеч ким инкор килмаса керак.

Мен Сибирь ёки Хитойда хизмат сафари билан бўлганимда Корея ярим оролининг янги келажагини кўз олдимга келтирдим. Қаттиқ совуқда, зим-зиё Сибирь тунларида мен Шимолни Корея компанияларидан, қолаверса, Корея халқи келажагидан ажратиб бўлмаслигини аниқ ҳис этдим.

Шунда Корея Республикасининг келажаги айнан унинг сиёсати билан белгиланадиган давр келди, деб ўйладим. Шу пайтга қадар иқтисодиётдан кейин иккинчи ўринда бўлиб келган сиёсат эски негизларидан воз кечмаса, ўзгармаса ва янада юқори босқичга кўтарилмаса, Кореянинг келажаги истиқболли бўла олмаслиги очик-ойдин эди. Майли, кучим унча кўп бўлмасада, лекин ўзимнинг аниқ вазифам бор. Мен Корея сиёсатини соғломлаштирувчи малҳамни топишим лозимлигини тушуниб етдим. Компаниядаги фаолиятим давомида ортирган тажрибаларимни сиёсатда қўллаш вақти келди.

Кейинги 30 йил давомида ўзгармай келган Корея сиёсати марказлашишдан кескин воз кечиш ва глобаллашув даврида бугунги куннинг соат сайин ўзгариб бораётган воқелигига жавоб бера олмай қолди.

Эндиликда сиёсат бошқарув эмас, балки келажакдан олдин юрувчи менежмент бўлиши лозим, деган қарорга келдим.

1992 йил 3 январда мен «Хендэ» корпорациясини тарк этдим.

## **Агар бу ўпирлиш бўлса, мен хонавайрон бўламан**

1991 йилнинг ёзида, компания президенти Чонгнинг сиёсат билан шугуллана бошлиши ҳақидаги миш-мишлар авж олган паллада у «Халқ руҳи ҳаракати штаби» номли носиёсий ташкилот тузиш ҳақидаги қарорини эълон қилди. Ушбу ташкилотни тузишда Чонг ўзининг кенг кўламдаги алоқаларидан фойдаланишни режалаштирган эди. Президент менинг номимни ҳам ташкилот асосчилари қаторига киртишини айтганида мен оқибатини ўйламай рози бўлдим. Президент Чонгнинг мақсади нима эканлигини яхши билмасдим ва кардинал Ким Су Хван, пастор Хан Ген Джик ва бошқаларни маслаҳатчилар сифатида тайинлашни маслаҳат бердим.

Президент Чонг бу таклифимга рози бўлди ва кейинроқ уларнинг ҳаммаси билан бирма-бир учрашгандигини, улар рози бўлишганини айтди. Аммо эртасига шундай деб қолди:

— Мамлакат учун ишлаш керак бўлса, буни мен ўзим қилишим лозим. Бу борада биргина «халқ руҳи ҳаракати» билан кифояланиб бўлмайди.

Натижада штаб тузилемай қолиб кетди.

Мен унинг «ўзим қилишим лозим» деган гапларини тўлиқ тушунмадим. Мен каби «халқ руҳи ҳаракати»даги кишилар ҳам, унинг котибияти ҳам президент Чонгнинг асл ниятларидан бехабар эди. Унинг хатти-ҳаракати жуда ғалати кўринарди. Ташқаридан ҳам бу ҳаракатга қизиқиш кучайди. Унинг фаолияти бизнес билан умуман боғлиқ эмаслиги аниқ эди, лекин, бу фаолият бирон-бир партияни молиялаштириш билан боғлиқми ё ўз сиёсий партиясини тузишнинг бошлангич босқичими, ёки бевосита юқори сиёсий лавозимга даъвогарлик қилишми, тушуниб бўлмасди.

Декабрь ойига келибгина янги сиёсий партия тузилемаси ҳақидаги масала муҳокама этилаётгани ойдинлаша бошлади. Сиёсий доираларда ва давлат ҳавфсизлиги хизматида бунга ўта жиддий қарашаётганлиги ҳақида гап-сўзлар тарқалди. Тахминан ўша пайтларда президент Чонг мени ҳузурига чақирди.

— Мен ҳукуматни ҳам барча нарсадан хабардор қилдим.

Демак, янги сиёсий партия ташкил этилади. Вазият шундай эдикни, энди ортга қайтишнинг иложи йўқ.

Чонг мендан шу заҳоти жавоб беришимни талаб қилди. Президент Чонгнинг сиёсий ҳаётда иштирок этишигина эмас, унинг ўн тўртинчи сайловларда президентликка номзод сифатида қатнашиши ҳам айни ҳақиқат эканлиги ҳақида мишишлар юради. Бошқача вазиятда Чонг бундай мишишлардан норози бўлган бўларди, аммо бу гал мен ҳам унинг ишларида қатнашишимни истаётгандек туюларди. Президент Чонгнинг хатти-ҳаракатларидағи бундай ўзгаришлар бўлгуси сиёсий фаолият билан боғлиқ эканлигини тушуниб турардим ва бу мен учун кутилмаган иш эди, чунки бу менинг шахсий режаларимни ўзгартириб юборарди.

— Ли, тезроқ ҳал қил, мустақил номзод бўлиб қатнашсанми ёки менга қўшиласанми?

— Сизнинг сиёсатга кириб келишингиз айнан шу тарзда бўлади, деб ўйламагандим. Бу ҳол вазиятни мураккаблаштиради. Мен сиёсий фаолият билан шуғулланмоқчи эмасман. Мен учун сиёсий пойгада қатнашиш ҳеч қандай маънога эга эмас. Агар сиз мухолиф партия тузсангиз, мен ҳам мухолиф партияга ўтсам, умуман директорлару уларнинг ўринbosарлари ҳам сайловларда қатнашишини хоҳлаб қоссалар, ютилиздаги сиёсий вазият қандай бўлади, «Хендэ» компаниясининг обрўси нима бўлади? Корпорациямизда халқ истеъмоли моллари сотадиган компания йўқ. Бунинг устига, «Хендэ қурилиш компанияси»нинг тақдири кўп жиҳатдан ҳукуматга, мамлакат ичидаги давлат буюртмалари ва чет элдаги қурилишларга боғлиқлигини ўзингиз биласиз. Сиёсатдаги нотўғри хатти-ҳаракат буларнинг барини йўққа чиқариши мумкин. Шундай эмасми?

Партия ташкил этишга қатиий қарор қилган ва ўз дастурини оғишмай амалга ошириб келаётган Президент Чонг менинг танқидимни тинглаб, бир лаҳза саросимага тушди ва, шу боисдан бўлса керак, бундай деди:

— Ҳеч бир асоссиз нега ташвишланасан? Агар компания касод бўлса, мен ҳам хонавайрон бўламан. Мен ҳаммаси яхши бўлади, дедимми, демак, шундай бўлади. Нега хавотир оласан?

— Эҳтимол, қонун бўйича бу сизнинг компаниянгиздир, лекин мен, «Хендэ» корпорациясининг бошқа ходимлари қатори, кўнглимнинг тубида ўзимни унинг эгаси деб ҳисоблайман. Ишга кирганимдан то шу кунга қадар компания ҳақида бегонадек фикр юритмаганман, мен уни ўзимники деб ҳисоблаб келганман, унга бутун ҳётимни баҳш этганман ва бутун умр шундай яшаб келдим. Шу боис сизга айнан шу нуқтаи назарга асосланиб гапирмоқдаман.

Ичимдагини тўкиб олгач, юрагим бўшаб қолганини сездим. Бу профессионал бошқарувчи учун маънавий чегара бўлиб, мен компания эгаси ва топ-менежерни ажратиб турувчи енгиг бўлмас тўсиқ мавжудлигини яна бир бор ҳис этдим.

### **Тўхтатишига уч бор уриниш**

Мен президент Чонгни сиёсат билан шугуланиш фикридан қайтаришим лозим эди. Унинг президент Но Тхэ У ҳузуридаги иқтисодий сиёсат учун масъул шахс билан муносабатлари жуда ёмон эди. Шу сабабли мен унинг сиёсат билан шугуланишига интилиши ушбу кучларга қарши курашиб истаги билан боғлик, деб ўйладим.

Но Тхэ У президентлигининг охирги даврида ҳукумат «Хендэ» корпорациясига 160 млрд. vonga тенг жуда катта солиқ солган, бу эса, президент Чонгнинг иззати нафсига текканди. 160 млрд. vonni солиқ сифатида кўши кўллаб топширгандан кўра, бу маблагни сиёсатга йўналтириш оқилона ва самарали бўлур эди. Бундай вазиятда Чонг қандайдир сиёсатчини ёки партияни кўллаб-куватлади, деб ўйлагандим. Аммо президент сиёсатда бевосита ўзи иштирок этишга қарор қилди ва бу мен учун асти кутилмаган ҳол бўлди.

— Сиз номзод Ким Енг Самга бошқаларга қараганда алоҳида эътибор бериб, у ҳақда доимо ижобий фикр билдириб келгандингиз. Агар Ким Енг Сам ҳокимият тепасига келса, Но Тхэ Унинг 6-республикасидан фарқли равища ҳақиқий фуқаролик ҳукуматини тузади. Зоро Ким Енг Сам оқил инсон ва ҳеч қандай анъаналарни тан олмайдиган қандайдир ҳарбий маъмуриятга ўхшаб компаниялар ишларига адолатсиз равища аралашавермайди. Бордию сиз Ким Енг

Самни қўллаб-куватласангиз, менимча, ўз мақсадингизга етасиз, тўғри эмасми?

Авваллари Ким Енг Сам ҳақида гап кетганда президент Чонг доимо: «У жуда одил инсон», — дер эди. Аммо бу гал президент Чонг менинг ушбу номзодни қўллаб-куватлаш ҳақидаги фикрларимга умуман қизиқиш билдирамади. Мен эса уни кўндиришга ҳаракат қиласкердим.

— Президент Но Тхэ Уга қарши сиёсат билан шуғулланадиган бўлинса, бунинг энг яхши йўли Ким Енг Самни қўллаб-куватлашдир. Чунки агар сизнинг мададингиз билан Ким Енг Сам президентлик лавозимига сайланса, сиз, хусусий компанияларнинг асосий вакили сифатида, ўз таклифларингизни олға суришингиз мумкин бўлади. Шу тариқа сиз, давлат иқтисодиётига энг кучли таъсир кўрсатадиган корпорациянинг президенти сифатида, давлат ривожига ўзингизнинг салмоқли ҳиссангизни қўшган бўлардингиз.

Президент Чонг бу фикрга кескин рад жавобини берди.

— Бу ҳақда сўзлашдан маъни йўқ. Мен ўзим сиёсат билан шуғулланаман.

Шундан кейин президент Чонг сиёсий партия тузиш учун зарур тадбирларни тезлик билан амалга ошира бошлади. Бир неча кундан сўнг мен уни кўндиришга яна уриниб кўрдим. Бу иккинчи уриниш эди.

— Йирик компанияга эгалик қиласадиган киши сиз танланган йўлдан борадиган бўлса, келажақда унинг бошига анчамунча қийинчиликлар тушади. Бундан ташқари, корпорация Корея Республикаси иқтисодиётида катта ўрин тутгани туфайли бу ҳол, пировардида, бутун мамлакат иқтисодиётига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар эса, сизнинг қарорларингиз ва хатти-ҳаракатларингизни давлат иқтисодиётидаги салбий ўзгаришлар билан боғлашади. Сиёсий партия тузишни зарур деб ҳисобласангиз, сайловда мустақил номзод сифатида қатнашинг. Агар сизнинг партияянгиз сайловда ютиб чиқса, ўз атрофингизга ҳозирги раҳбариятдан норози кишиларни тўплашингиз мумкин. Сайлов тугаганидан кейин ҳам янги сиёсий партия тузишга кеч бўлмайди.

Аслида мен сайловдан кейин президент Чонгда партия ташкил этиш имкониятлари бўлмайди, деб умид қиласердим. У

жуда шошиларди, шу сабабли мен энг шошилинч масалани ҳал этишни таклиф қилдим, аммо у күнмасди.

— Бу — пассив иштирокчининг йўли. Мен эса фаол иш юритмоқчиман.

Эртасига мен учинчи таклифимни киритдим.

— Сиёсий партия тузмоқчи бўлсангиз, бир нечта таклифим бор — партияни олдин сиёсат билан умуман шуғулланмаган, софдил, самимий ёшлар асосида ташкил қилинг. Агар шундай қилсангиз, мен сизга яқиндан ёрдам бераман. Дарҳол ижобий натижага эришмасак ҳам, кейинти гал ҳалқнинг кўллаб-қувватлашига сазовор бўлишимиз мумкин. Уриниб кўрса арзиди. Компания ишлаб топган маблағга яхши сиёсатчиларни тарбияласак, шунинг ўзи мавжуд партиялардан ўзиб кетиш имконини беради. Бу янги бирлашманинг фарқли жиҳати саналади. Партиянинг фалсафаси ва сиёсий йўналиши шакллангач, у янгилиги ва соғлиги билан эски сиёсатдан хориган одамларни ўзига жалб қиласди.

Президентнинг жавоби қисқа бўлди.

— Бундай қилиш ярамайди. Сайловда бир нечта ғолиб бўлиши мумкин. Сайловда қайси партия ютганига қараб, ғалаба қозона олмаган, лекин ғалаба қозониш эҳтимоли юқори бўлган одамларни йиғип керак.

Ўшанда президент Чонг билан сұхбат шу зайдада ўтганди. Бирор нарсани узоқ тушунтирадиган бўлсан, у қисқа жавоб берарди. «Сиёсатда ҳам мен билан бирга бўлиш керак. Шундай эмасми? Сен менинг ортимдан эргашсанг бўлди, гапни кўпайтиришга на ҳожат», — дерди у норози оҳангда. Шу тариқа, менинг қарашларимдан қатъи назар, юзага келган вазиятни ўзgartириб бўлмасди.

## **Садоқат мантиғи**

Чонгни фикридан қайтаришга бўлган учала уриниш ҳам самарасиз бўлди, бинобарин, қарор қабул қилиш вақти яқинлашиб келарди.

Ўша даврда, ноҳақ солинган 160 млрд. wonлик солик туфайли «Хендэ» жуда мураккаб вазиятга тушиб қолган эди. Мен ушбу муаммони ҳал этмоқчи бўлдим. Айнан ўша пайтда

президент Чонг менинг олдимга декабрь охирига қадар бир қарорга келиш ҳақида ультиматум қўйди. Бу ҳар қандай ҳолатда ҳам у билан компаниядан кетишни англатарди.

Ҳаммасини синчилаб ўрганиб чиқиш лозим эди.

Чонг сиёсат билан шуғулланишидан олдин ҳам мен янги йўлдан боришим лозимлиги ҳақида бот-бот ўйлардим. Кўп йиллар олдин «Хендэ»да бошқарувни Чонгнинг ўғиллари ўз қўлига олишига оид маҳсус дастурни тайёрлаш ишлари бошланган ва кўпгина профессионал менежерлар муқимроқ жойни излашга тушибганди. Мен учун компанияни тарк этиш вақти келганлигини ва менинг кетишим ҳеч қандай бош оғриғисиз ҳал этилишини пайқадим.

Шимолни ўзлаштириш асосида хусусан сиёсатнинг қадар муҳимлигини тушуниб етдим ва «мен энди адо эта оладиган иш айнан шу», деган фикрга келдим.

Ҳаётимнинг янги босқичи Чонгнинг сиёсий фаолиятда қатнашиши билан тасодифан бир вақтга тўғри келиши иккимиз учун ҳам вазиятни оғирлаштиарди.

Мени ҳаммадан ҳам компания эгаси билан профессионал менежерлар ўртасидаги феодал муносабатлар қийнарди. Чекиз садоқат туфайлигина ҳар қандай вазиятда компания эгасига сўзсиз, кўр-кўронга бўйсуниш анъанаси билан асло келиша олмасдим.

Аминманки, ҳақиқий бошқарувчи компания эгасига қарандан кўпроқ хўжайинлик қилиши лозим. Хўжайнин, энг аввало, «ўз ҳаётининг соҳиби» ва «ўз виждонининг соҳиби» бўлмоғи керак. Шундагина ҳар қандай вазиятда ҳам яхши хўжайнин бўлиши мумкин.

Агар компания эгаси: «Келинглар, Хитойдаги «Уч дара» тўғони қурилишини зиммамизга оламиз» ёки «хусусий инвестициялар асосида Корея билан Япония ўртасида океан тубидан туннель ўтказамиз», — деса, мен, профессионал менежер сифатида, янги лойиҳани албатта қўллаб-куватлаган бўлардим.

Вазифа қанчалик амалга ошмайдиган бўлиб кўринмасин, агар компания эгаси шуни қаттиқ талаб қиласа, бу лойиҳани қабул қилиш ва вазифани қандай қилиб бўлмасин, бажаришдан бошқа илож қолмайди. Мен доимо шундай яшадим,

«Хендэ»нинг мамлакат ичкарисида ва хорижда эришган натижалари бунинг ёрқин далилидир.

Ўн учинчи президент сайловларида менинг Миллий асамблеяning депутати бўлишим мумкинлиги муҳокама қилинди ва ўзим ҳам бунга қарши эмасдим. Ўшанда «Хендэ»да касаба ўюшмалари ва иш берувчилар ўртасида кураш борарди.

Бир куни эрталаб президент Чонг: «Бу менинг охирги илтимосим. Ульсандаги иш билан шуғуланиб, ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги можарони ҳал этиб бер», — деб менга мурожаат қилди. Ўшанда мени Ульсандаги ишчилар ва компания ўртасида тўқнашувлар рўй бераётган «Хендэ» акциядорлик индустрисал компаниясининг президенти этиб тайинлашди.

Компания инқирозли вазиятга дуч келди ва мен шахсий режаларимни кейинга қолдирдим. Ўша кундан бошлаб мен Ульсанда иш бошладим, чунки икки ой давомида касаба ўюшмаси раҳбарлари билан барча масалаларни ҳал этишим лозим эди.

Лекин сиёsat хусусий бизнесдан кўп жиҳатлари билан фарқ, қиласи.

Аввалимбор, бирон-бир масалани ҳал этиш учун умуминсоний қадриятлар бўлиши зарур. Сиёsatда фалсафа ва тарихни тушуна билиш даркор. Шунингдек, давлат ривожланишининг умумий мақсади, белгиланган мақсад томон олиб борувчи стратегик йўналишлар бўлмоғи лозим.

Ўзим учун шундай қарорга келдим: давлат аҳамиятини фалсафий, тарихий жиҳатдан тушунмай туриб, кўр-кўронада садоқат туфайлигина сиёsat билан шуғулланиш менга ва президент Чонгтагина эмас, балки мен яшаётган жамиятта ҳам фойда келтирмайди.

Чонг Джу Енг сиёssий фаолиятда мамлакатдаги энг йирик корпорацияning раҳбари сифатида эмас, балки ўз мамлакатининг оддий фуқароси сифатида қатнашишини эълон қилганида, қандай йўл тутган бўлардим? Мен уни жуда ёқтирадим, чунки ёшлигига Чонг кўплаб мақтовга арзигулик хислатларга, жумладан, белгиланган мақсадга эришиш иқтидорига, қарорлар қабул қилиш, етакчилик руҳи, оддийлик ва камтарлик каби фазилатларга эга эди.

Аммо 1979 йилдаги «Хендэ» билан «Самсунг» корпорациясига қарашли «Чүнгәнг Ильбо» газетаси ўртасидаги «қаттиқ түқнашув» ҳаммасидан ҳам эсда қоларлі бўлганди. Бу түқнашув бир корпорациянинг ОАВси рақобатчи компанияга кучли таъсир ўтказа олишини кўрсатди. Қолаверса, «Хендэ» каби қудратли корпорация ҳокимият тепасига келса, қандай салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмасди. Бу мен Чонг билан биргаликда сиёсатга кириша олмаслигимнинг асосий сабабларидан бири эди.

Мен ўз фикр-мулоҳазаларим билан банд эканман, 1991 йил поёнига етиб қолди. Мен узоқ йиллардан бери биринчи маротаба оилас билан Чеджу оролига дам олгани кетдим.

Кейинчалик, президент Чонг билан ажрашиб, ўз йўлимдан кетганимда, мени қўпчилик профессионал камол топишимга имкон берган кишини қўллаб-куватламаганликда айлади. Бошқа томондан, мамлакатнинг турли вилоятларидан нотаниш кишилар мен тўғри қарор қабул қилиб, ҳақиқатда жасур ҳаракат қилганимни айтиб, мени қўллаб-куватлаб телефон қилишар, хат жўнатишарди.

Мен ўз хатти-ҳаракатларим ҳақидаги, у хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий бўлсин, мулоҳазаларга изоҳ ҳам бермадим, ўзимни оқлаб ҳам ўтирумадим. Вакт ўтгач ҳаммаси равшанлашади ва жой-жойига тушади, деб ишонардим. Ҳозир ҳам шу фикрдаман.

### **«Хендэ»даги сўнгги вазифа**

1992 йил январь ойининг бошларида «Хендэ» курилиш компаниясининг бош офисида, 500 нафарга яқин ходимлар ҳузурида ишдан кетишим муносабати билан хайрлашув нутқини сўзладим. Унда шундай сўзлар бор эди:

«Хурматли ходимлар! Мен бугун 27 йиллик умримни баҳшида этган компанияни тарқ этаман. Бунинг кўплаб сабаблари бор, лекин мен ҳозир улар ҳақида сўзлашни истамайман. Мен компаниядан виждоним пок ҳолда кетяпман, чунки «Хендэ»да қобилиятли раҳбарлар кўп ва менинг йўқлигим унинг фаолиятига салбий таъсир этмайди. Биз барчамиз — ўзимиз меҳнат қиласидан шу компаниямизнинг эгаларимиз.

Мен ва сизлар барчангиз, шунингдек, кейин келадиган ходимлар, ҳақиқий сохиблар сифатида шу компанияни яратдик, яратмоқдамиз ва келажақда ҳам яратамиз. Компанияга қалбимизда хўжайинмизми ёки қонунанми, бу ерда ишлаймизми ёки тарк этамизми, компаниямиз манфаатларига зид келувчи ҳеч қандай хатти-ҳаракат қилмаслигимиз лозим. Мен ҳам айнан шундай йўл тутаман».

Мен ўз нутқимда компания — ҳар нарсадан муҳим эканлигига урғу бердим. Шу тарзда мен компанияни сиёсий мақсадлар ва манфаатлар йўлида қурбон қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикримни юмшоқ қилиб ифодаладим. Бу — компанияни унинг эгасидан ҳам кўра кўпроқ севувчи профессионал раҳбар сифатида, оддий ёлланма ишчиликдан то раҳбариятдаги аҳамияти жиҳатдан иккинчи ўринда турадиган мавқегача ҳеч қандай қариндошчилик алоқаларисиз чиқкан киши сифатида «Хендэ»га кўрсатишим мумкин бўлган сўнгги хизматим эди.

Компанияни тарк этганимдан кейин бир неча кун ўтгач, президент Чонг Чонгун туманидаги ўз уйида ташкил этган матбуот конференциясида янги сиёсий партия тузилганилигини эълон қилди. Айни маҳалда «Но Тхэ Унинг олтинчи республикаси сиёсатининг молиялаштирилиши тафсилотларини» фош этди. Бу билан «Чонг Джу Енг сиёсати» ни ошкора эълон қилди. Чонг Джу Енг синдроми бутун мамлакатни қамраб ола бошлади.

### **Беғараз тарк этиш**

Одамлар мени «Хендэ»ни тарк этгач, катта мукофот олади, деб ўйлагандилар. Бир газетада, ҳатто, лавозимдан возкеча туриб, Инчондаги пўлат қўйиш компаниясини менга беришларини талаб қилганлигим ҳақида хабар босилди. Яна «Дэу» компаниясига ўтаётганим ҳақида ҳам миш-мишлар тарқалди.

Бироқ, 1992 йилнинг 3 январида, «Хендэ»даги лавозимимдан кеттанимда, мен 27 йил олдингидек, компанияга энди ишга келганимдагидек «бой» эдим. Расмий танловдан ўтиб ишга кирганимда бўлгани каби, ишдан кетаётганимда ҳам

ходимларни ёллаш қонунига биноан ишдан бўшашиб учун рухсатнома олдим. Мен компания ходимларидан биригина эдим, холос. «Хендэ»ни тарқ этар эканман, ҳеч қандай мукофот олмаганимдан фахрланардим. Умуман, ҳеч қачон қандайдир бонусларга умид боғламасдим, ҳеч нарса сўрамасликдек ҳаётий қоидани мен онамдан мерос қилиб олгандим. Ҳалол бўлишни ва ҳар доим, ҳатто, қаттиқ қашшоқликда ҳам, ўзига ишониш лозимлигини менга айнан онам ўргатганди.

Корпорация раҳбари ходимларни аниқ амалий ҳисоб-китоб билан ёллади. Одамлар Чонг билан мен худди ота-боладек эканлигимизни айтишганда, бунга жавобан жилмайиб қўя қоламан, холос. Компания фалсафасини билмайдиган кишиагина шундай кўриниши мумкин.

Одамларни ишга шахсий алоқалар асосида, масалан, бир вилоятданлигига ёки бир ўкув юртини тутатганлигига қараб ёлладиган корпорация эгаси бўлмайди. Ўртacha фирмадан-ирик корпорацияга айланган «Хендэ» каби компанияда ҳам истисносиз ҳаммани аниқ ҳисоб-китобга кўра ёллашади. Бунда ишга ёллашда шахсий алоқалар ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди, шу сабабли ташқаридан қараганда компанияда



«Хендэ» даги ҳамкаслар билан

тошбагир одамлар ишлаётгандек кўринади. Президент Чонг ходимларни ишга олишдаги ўзига хос ёндашуви билан азалдан бошқа раҳбарлардан ажралиб турарди.

Менинг «Хендэ»да бунчалар узоқ ишлаганимнинг боиси жуда оддий. Бошқалар уддалай олмаган ишни яхши эслардим. Компания соҳиби доимо Ли Мён Бак ҳар қандай, ҳатто, энг мураккаб вазифаларни ҳам адо эта олади, деб ўйларди. Бажарган ишларимнинг натижасига кўра, мен компания учун зарур инсон эканлигимни ҳамма биларди.

Мен ҳеч қачон президент Чонг Джу Енг учун ишлайман, демаганман. Аввал ҳам шундай эди, ҳозир ҳам шундай. У ерда севимли ишим борлиги мени ушлаб турарди. Агар иш бўлмаганда, компанияда мен ҳам бўлмасдим.

Айнан шу сабабли «Хендэ» билан хайрлашишим мумкинлигига кўзим етди. Кўпгина кишилар амалий муносабатларда инсоний омилларни, бир жойдан эканликларини, бир жойда ўқиганликларини ишга солишга ҳаракат қиласдилар. Башарти бундай ёндашув бирор жамиятда тарқалса, бу жамият носоғлом саналади. Компанияларни тарк этаётгандарнинг кўпчилиги айнан жамоадаги гайриинсоний муносабатларни танқид қилишади. Яъни, улар инсоний майлар бўлишини талаб қилишади. Мен эса, компания нимаю унинг эгаси ким эканлигини доимо аниқ тушунардим.

Шу сабабли «Хендэ»дан ҳам, президент Чонгдан ҳам ҳафсалам пир бўлмади.

### **Келинг, бирга ишлаймиз**

— «Хендэ»да ишлагач, нега ҳукмрон партияга ўтиб кетдингиз?

Кейинги вақтларда бу саволни кўп берадиган бўлиб қолишибди. Оддий савол бўлмагани боис унга қисқача жавоб бериш қийин.

1992 йилнинг январида «Хендэ»дан кетишга қарор қиласдимда, чет элга бориб бир-икки йил таҳсил олмоқчи эдим. 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ҳар гал хорижга чиққанимда, дунёда рўй берәётган ўзгаришларнинг шоҳиди бўлардим. Улар, моҳиятан, сиёсат ўз шаклини бошқарувдан

менежментта ўзгартыраёттеганлигидан иборат эди. Яньи, бу энди давлатни бошқариш эмас, балки давлат менежменти эди. Бу ҳол, айниңса, Сингапур ва Малайзияда ёрқин намоён бўлди. Ҳар қандай сиёсий етакчи биринчи навбатда менежердир. Буни маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими ривожланган давлатларда, АҚШ ва Японияда кузатиш мумкин эди. Ҳокимиятнинг марказлашувидан воз кечилгани ҳолда, жаҳонда 20 йил аввал минтақавий менежмент қўллана бошланганди.

Аслида бошқарув ва менежмент ўртасидаги фарқ катта. «Бошқарув»нинг сиёсий шаклида ҳокимият тепасида турган одам ўзини мамлакат өгаси, деб билади. Давлат хизматчиси эса унинг учун функциягина, холос. «Бошқарув»нинг сиёсий тизимида давлат хизматчилари, ўз навбатида, халқни бошқаришади. Аммо менежмент шаклидаги сиёсат бундан тубдан фарқ қиласи. Унда, фойдани мижозга, яни халққа қайта-риш мақсадида, биринчи навбатда алоҳида минтақа ёки давлат учун ишлашга ҳаракат қилинади.

Мен янги истиқболли сиёсат билан бевосита жойида танишиш учун хорижга ўқишга йўл олишга тайёргарлик кўраёттанимда хукмон партия вакилларидан бири қўнғироқ қилиб қолди. У менга минтақавий сайловларда Демократик Либерал Партиядан номзод бўлиб қатнашишини таклиф қилди. Унга шундай жавоб қилдим:

— Мен сиёсий фаолият билан айнан ҳозир шуғулланиш ниятида эмасман. Агар сайловларда қатнашсам, президент Чонг ташкил этган партия билан тўқнашишимга тўгри келади. Халқ менинг Чонг билан тўқнашувим ҳақида ОАВ орқали хабар топса, яхши бўлмайди. Катталар ўзларини бундай тутишмайди.

Ушбу суҳбатдан сунг ҳаммаси тинчиб кетди. Аммо бир қанча вақт ўтгач, эрталаб соат бда ушбу партия вакили менга қўнғироқ қилди ва биз учрашишга келишиб олдик.

— Жаноб Ли, сиз Халқ партияси туфайли минтақавий сайловларда қатнаша олмаслигингизни айтдингиз, у ҳолда партиямиздан номзод сифатида умумдавлат сайловларида қатнашинг. Сиз катта тажрибага эга инсонсиз-ку! Агар келгусида сиёсий фаолият юритиш истагида бўлсангиз, айнан

---

бизнинг партиямизда бўлишингиз лозим. Чунки умумдавлат миқёсида бизда бирорта ҳам профессионал менежер йўқ, сиз бизга жуда ҳам зарурсиз.


1992 йил февраль ойининг бошлари. Мен ижтимоий фоалиятни бир-икки йилга тўхтатиб туришни ёки компанияда олган тажрибамни ҳеч қандай танаффуссиз қўллашни танлашим даркор эди. Нимаики қўлмай, менинг асосий тамойилларим асло ўзгармайди. Мен, ҳукмрон партияда ҳам, вижданимга қарши бормай, муддаоимга эриша оламан, деган фикрга келдим. Бунинг учун муҳолиф партия эмас, айнан ҳукмрон партия мос келарди.

Глобаллашувга биринчи бўлиб айнан бизнесменлар тўқнаш келишиди ва уни ҳис этишди. Мен ўша пайтларда бошқарув тарзида бўлган сиёсатда ўз ўрнимга эга бўла оламан, деган қарорга келдим.

Компанияларимиз ўсиб-унишди ва бугунги кунда жаҳон миқёсидаги барча корпорациялар билан рақобатлаша олишади. Сиёсатда эса, худди «ўз ботқофидан нарини кўра олмайдиган курбақалар жанжали» каби, ҳануз ҳокимият учун кураш давом этмоқда. Танловимни айнан фуқаролик бурчи ҳамда компанияда ортирган тажрибам ва билимимни қўлланган ҳолда бу фарқни қисқартириш истаги белгилаб берди.

1992 йилнинг мартада мен ўша пайтда ҳукмрон партия бўлган Демократик Либерал партиядан Миллий Ассамблеяга депутат этиб сайландим ва янги мақсадлар сари ҳаракат қила бошладим.

\* \* \*



## Л И М Е Н Б А К

### *Кашшоқлик ва онам — менинг устゾларим*

Ватан дақидаги илк хотираларим — бу  
Поханғ бозоридаги ялти қашшоқлик. Кам-  
базаллик бизнинг оиласиз учун чиганоги-  
га ёпишиб олган шиллиқкурт каби эди.  
Йигирмага тўлмагунимча, узоқ йиллар  
давомида шундай бўлиб келди.

Л И М ё Н Б А К



## **Отам ибрати**

Корея озодликка эришгандан сүнг, 1945 йилнинг ноябрь ойи. Ниҳоят, саккиз кишидан иборат оиласиз ватанга қайтиш учун Осакада кўч-кўронини йигиштирди. Отам, онам, опам Кви Сун, акам Санг Ин, иккинчи акам Санг Дик, иккинчи опам Кви Э, мен ва синглим Кви Бун — барчамиз Симоносеки портида Пусанга борадиган йўловчи ҳаммага чиқдик. Биз Японияда, мангу хўрлик ва соғинчлар маконида катта қийинчиликлар билан тўплаган нарсамизниң ҳаммаси — озгина пул, унишиб кетган кийимлар, энг зарур ашёларни олиб кетмоқда эдик. Бизнинг бор мол-мулкимиз шугуна эди.

Кемада одамлар белгиланганидан кўп эди: ҳамма бирбирига тиқилиб, чайқалишдан қийналар, лекин, шунга қарамай, шод, ҳаяжонда эдик. Бу ҳаммамиз соғинганимиз — ватанга қайтиш йўли эди. Энг асосийси — биз бегона юртда йўқ бўлиб кетмадик, соғ-саломат уйга қайтаётгандик.

Аммо, ҳаяжон ва баҳтдан маст корейслар билан тўла бу кема Цусима ороли яқинида чўкиб кетди. Охир-оқибат барча одамлар кутқариб олинди, лекин юклари ва жамғармалари ҳаммага қўшилиб дентиз тубига гарқ бўлди. Биз ватанга қуруқ кўл билан қайтдик.

Корея қирғокларига илк бор қадам қўйганимда тўрт ёшда эдим. Ҳалокатга учраган кема ҳақида ҳеч нарсани эслай олмайман. Ватан ҳақидаги илк хотираларим — бу Поханг бозоридаги ялпи қашшоқлик. Бизни, баҳтиёр бўлиб омон қолганларни она ер шундай кутиб олди. Камбағаллик бизнинг оиласиз учун чиганоғига ёпишиб олган шиллиққурт каби эди. Йигирмага тўлмагунимча узоқ йиллар давомида шундай бўлиб келди.

Отам (Ли Чунг У) Кенгсангбукдо вилоятининг марказий шаҳри — Похандан 12 км шимолроқдаги Хингхе шаҳрининг Доксонг қишлоғида дехқон оиласида, уч ўғилнинг кенжаси бўлиб дунёга келганди. Бир парча ер икки катта

акага мерос бўлиб ўтган, отам эса ёшлик чоғларидаёқ тугилган жойларини тарқ этиб, жаҳонгашталик қилган. Унинг тақдири ҳам япон мустамлакаси даврида ватанидан айрилган кўплаб ёшларнинг тақдири каби кечган. Элма-эл кезар экан, отам буқа, сигир, чўчқа парваришилашни ўрганади ва шу билан тирикчилик қиласди.

Охир-оқибат, отам иш қидириб дўстлари билан Японияга жўнайди, у ерда, Осакадан унчалик узоқ бўлмаган жойда фермага ишга ёлланади. У чўпонлик қиласди: мол-ҳолга қарайди, эрта тонгда туриб сигир соғади, ем тайёрлайди. Табиийки, отамнинг Япониядаги ҳаёти тугилиб ўсган жойидагига қараганда оғирроқ ва қийинроқ кечган, лекин у сабр билан ишлашда давом этган. Натижада бирмунча пул тўплай олган.

Японияда жойлашиб олгач, Кореяга келади ва шу ерда оила қуради. Банъяволь — ҳозирги Тэгу шаҳрида яшовчи Че оиласидан бўлган қизга уйланади.

Тўйдан бир оз вақт ўтгач, келин-куёвлар Японияга қайтишади ва ўша ерда, мусоғирчиликда олти нафар фарзандни дунёга келтириб, тарбия қилишади. Кичик укам Санг Пиль ватанга қайтганларидан сўнг тугилган.

Кореяга қайтгач, отам қийинчилик билан иш топади. 1950 йил 25 июнь — фуқаролик уруши бошлангунга қадар ўша жойда ишлайди. Бу Тонгджи тижорат катта мактаби фонди директори ўринбосарининг фермаси эди. Иш унчалик осон эмасди, бироқ отамнинг характери ва тажрибасини ҳисобга олсак, унга бозорда пул топишдан кўра кўпроқ мос келарди. Отам хулқ-авторига кўра ҳақиқий зодагон эди, конфуцийча анъанаалар ва қадриятлар унинг қон-қонига сингиб кетганди. У ака-укалар ва барча оила аъзолари ўртасидаги яхши муносабатлар ҳақида сўзлар, катталар билан қандай муомала қилиш, қандай таъзим қилишни ўргатарди. Булар бари бизларнинг характеримиз шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Аслида, камбағал оиласда бир-бирига ҳурматни сақлаб туриш осон эмас. Одатда, бундай ҳолатларда қондошлиқ алоқалари болаларни калтаклаш, отанинг ичкиликка мукласидан кетиши, қийинчиликлар олдида ожизлик туфайли оиласий ҳаётдан воз кечишдан иборат бўлиб қолади. Аммо, ҳатто,

шундай шароитда ҳам отам бизнинг олдимиизда ўз обрў-эъти-  
борини сақлаб қола олди.

У фермада ишлаган чоғларида каттагина оиласиз нисбатан хотиржам яшади. Аммо 1950 йил 25 июнда уруш бошлангач, бу оила кулбасидан асар ҳам қолмади. Нактоңг дарёси мудофаа чизигининг энг шарқий нуқтасида жойлашган Поханг Шимол ва Жануб қўшинлари ўртасидаги қақшатқич жанглар майдонига айланди. Шимолликлар бу шаҳарни эгаллагач, оиласиз Хингхедаги қадрдан ерларда яширинди, отам эса, мол-ҳолни сақлаб қолиш учун, ферманни тарқ этмади. Хўжайнини бу жойларни аллақачон тарқ этган бўлса-да, отам молларни шундоқ ташлаб кета олмади. Фронт чизиги Шимолга қараб сурилди, оиласиз Похангта қайтиб келганда, отам аллақачон ишсиз қолганди.

Мен ҳам паст синфларда ўқиган пайтларимданоқ «ишлай» бошлагандим. Менинг ишим бутун вақтимни Поханг яқинидаги, Енгдок, Хингхе, Анканг, Гокканг бозорларида ўtkазишдан, баланд бўйли, қадди-қомати келишган отамнинг ортидан қадам-бақадам юришдан иборат эди.

Ўшанда отам Шимолдан қочиб ўтган бир одамнинг маслаҳати билан мато сота бошлади. Бундай савдода даромад ўлчовдан уриб қолишига боғлиқ эди. Шимолдан келган мато сотувчи отамга шойи сотаётганда бироз кам ўлчашни маслаҳат беради. Бундай иш қоидасига кўра, «қолган лахтак сийловга бериб юбориларди». Бу ҳийла бўлиб, озроқ мато совға қилинаётгандай бўларди.

Отам ҳеч қачон бундай қилмасди. У қанча керак бўлса, шунча ўлчарди, бир оз қўшиб ҳам қўярди. У матони одамларга қарзга ҳам берар, бироқ уларнинг на исмини, на маизилини сўрарди. У харидор қандай кийимдалигинигина ёзиб қўярди, шу сабабли, агар пулни келтиришмаса, қарздорни топиб бўлмасди. Отам ҳалол ва оқкўнгил инсон эди.

Бир пайлар, ёшлигида у черковга қатнаган, аммо 28 ёшида пастор билан қаттиқ тортишиб қолади ва шундан кейин ибодатга бормай қўяди. Одамлар шукроначилик кунларида қишлоқ черковига пул эҳсон қилишдан ташқари, ҳосилдан ҳам улуш ажратишарди. Отамнинг пастор билан торишиб қолишига руҳонийнинг ибодат чоғида фақат эҳсон

олиб келган кишилар ҳаққигагина дуо қилиши сабаб бўлганди.

— Нега сиз фақат эҳсон олиб келганингтина ҳаққига дуо қиласиз? Аслида эҳсон қилишни истаган, аммо олиб келишгига курби етмаганлар ҳаққига дуо қилиш керак-ку?

Отам Исонинг муҳаббатини қўйиб, тамагирлик қилган пасторни кечира олмаганди. Шундай бўлса-да, у оиласи черковга боришига тўсқинлик қилмасди. Онамиз ўз эътиодида событ эканлигини ҳам ҳеч қачон юзига солмаганди.

Бозорда матони ҳалол сотган ва пастор билан тортишиб қолган отамнинг мисолида мен виждан пок инсон ҳеч қачон ҳуқуқбузарлик қилмаслигини тушундим. Шахсий инсофиликнинг ички қонуни жуда содда мантиққа асосланган бўлса-да, катта кучга эга эди.

Кўп йиллар ўтгач, отам яна черковга қатнай бошлади. Унга катта черковлар ёқмас, шу сабабли кичик бир черковга қатнар, ўзининг озгина мулкидан эҳсон қилиб, қўлидан келганча ёрдам берарди. У пастор билан дўстлашиб қолди ва у билан тез-тез корейсча шашка ўйнарди. Ушбу черковда чўқинтирилганидан сўнг бир ҳафта ўтгач, у хотиржам вафот этди.

## **Ёз кунларидан бирида пайдо бўлган ҳарбий самолёт**

Фуқаролик урушидан кейинги даврларда Поханг чириган балиқ ҳиди анқиб турадиган кичкинагина, ифлос денгиз порти эди. Онам бозорнинг чеккасида ерга картон ёзиб, мева сотарди. Тўрт-беш ёшларимдан шу бозорда тентирадим, онамга майда-чўйда ишларда ёрдам берардим.

Мен мактабга қатнашим билан фуқаролик уруши бошланди, ўша даврлар хотирамда бир умрга муҳрланиб қолган. Чунки ўшанда опам Кви Э ва укам Санг Пиль кўз ўнгимда ҳалок бўлишган.

Отам фермада ишларди, биз эса Хингхеда, амакимнинг уйидан паноҳ топдик. Дим ва зерикарли ёз куни эди. Куннинг биринчи ярмида қуёш ҳали борлиқни қиздириб ултур-

маган. Опам Кви Э йиглаёттан укамни (у Похангга қайтганимиздан кейин туғилғанди) опичлаб, овутиш учун ҳовлиға олиб чиқди. Бир пайт самолётнинг яқинлашаётгани эшитилди, кейин чида бўлмайдиган даражада шунақанги қаттиқ тумбурлаш янгради-ки, бамисоли тунука томга муштдек-муштдек дўй ёққандек эди.

Қанча вақт ўтганини билмайман. Аммо бошимни кўтарганимда самолёт кўринмасди. Опам ва укам қани? Қариндошларимиз ваҳима билан уйдан ташқарига отилишди ва даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлишди. Опам ва укам ҳовлининг ўртасида ерда ётишар, елка ва юзларидан қон оқар, таналари куйиб кетганди...

Уларни кўриб онам хушидан кетай деди. Лекин болалар ҳали тирик эканликларини кўриб, тоғ томон югуриб кетди. Шувоқ юлиб келиб, тўйди-да, опам ва укамнинг баданига суртди. Уруш айни авж олган маҳал, қашшоқликда бирор-бир дори топишнинг имкони йўқ эди.

Катталар, ўтган тунда қишлоққа шимолликлар келиб, бутун қишлоқ аҳдини ўққа тутганликлари ҳақида америкалик аскарлар хабар беришганини эслаб, оғир хўрсинишарди.

Қишлоқ марказида жанг ҳали ҳам давом этарди, шу боис онам оиласизни хавфсиз жойга олиб кетди. Онам ҳар ёқда бомбалар портлаётган бундай хавфли жойда буткул ёлиз эди, у юролмай қолган, оғир аҳволдаги болалари ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қиласарди. Унинг астойдил қилган дуоларига қарамай, опам ва укам икки ойгина яшашди ва қаттиқ азобда вафот этишди.

Опам ва укамнинг аянчли кўриниши, уларни парваришаётган бахтсиз онам ҳали ҳануз кўз олдимдан кетмайди. Ўшандан буён уруш ва мамлакатнинг парчаланиши мен учун мавҳум тушунча бўлмай қолди, асло. Ихтилоф ва Жануб ҳамда Шимолнинг бўлиниши мен учун, биринчи навбатда, ҳалок бўлган опам ва укам билан бөглиқ.

Ҳаво ҳужуми оқибатида уларнинг фожиали ҳалок бўлиши келажакда, «Хендэ» компанияси президенти бўлган давримда, мени Шимолни, собиқ Совет Иттифоқи ва Хитойни ўзлаштиришга ундан асосий руҳий омил бўлган эди. Урушга сабаб бўлган турли мафкуравий тўсикларни енгиб ўтар-

канман, нима қилиб бўлмасин, сиёсий режимлар — мафкуралар тўқнашуви туфайли юз берадиган ҳар қандай фожиаларнинг олдини олиш лозим, деган қатъий қарорга келдим.

## Қўли узун бола

Уруш вақтида отам ишидан айрилгач, тоф ёнбағрида, бозорга яқин жойлашган уйга кўчиб ўтдик. Биз яшаган жой япон ибодатхонасининг вайронаси эди, шу сабабли уни душманлар ибодатхонаси деб атагандилар. Ҳатто ошхона ҳам бўлмаган битта хонада 15 оила бирга турарди. Булар қашшоқлик чегарасида яшаётган, бир кунлик бўлса-да иш топилса, ўзларини омадли санайдиган одамлар эди. Хона эртадан тунгача сўкинишларга, очликдан қийналганларнинг йифисига, ўлимоди инганишларга тўла эди.

Фақат бизнинг оиласиз тинч яшарди. Чунки ҳар биримиз тирик қолиш учун ўз ишимиз билан шуғулланардик. Лекин ҳатто озиқ-овқат учун пул топиш ҳам машаққат эди.

Ўшанда ароқ тайёрлаганда қоладиган дон қолдиқлари ягона таомимиз эди — улар энг арzon овқат саналарди. Аслида бу бугдойдан алкоголь ичимлик сиқиб олингач, қоладиган дон туппаси эди. Мени, уйнинг кичиги сифатида, ҳар куни икки марта овқатланардик, бугланиб кетмаган алкоголь туфайли доим юзим қип-қизил бўлиб юардим.

Балки шунинг учундир, компанияда ишлаган пайтларимдаги байрам зиёфатларида энг «чидамли» саналардим, зеро болалигимдан тоблангандим-да! Менимча, бу оиласизнинг қашшоқлигидан менга теккан «мерос» эди.

Мактабимга егулик бериб юборишларини орзу ҳам қиласдим. Тушлик танаффусда, бошқа болалар уйларидан олиб келган егуликларини ейишаётганда, крандан оқиб турган сув билан очликни қондирадим. Бошидан ўтказмаган киши бунинг нималигини ҳис этмайди. Қанчалик кўп сув ичмасин, очлик барибир тарк этмаслигини ҳам бошидан кечирган кишигина тасаввур қила олади. Отам Японияда, фермада ишлаган вақтида топган пулининг бир қисмини юртига, акасига жўнатар, қолган қисмини эса Японияга

чақириб олган жияни (амакиваччам)нинг ўқишига сарфларди. Аммо ватанга қайтиб келганида, ўзининг болалари мактабга қатнай бошлагач, уларни ўқитиш учун отамнинг пули йўқ эди.

Мактабда мени уйга, ота-онамдан ўқиши учун пул олиб келгани ҳайдаб юборган пайтлари кўп бўларди. Бундай пайтларда мен унчалик узоқда бўлмаган тоғларга чиқиб, айланиб юрадим ва қайтиб келиб, шундай дердим:

— Уйдагилар яна бироз кутиб туришингизни сўрадилар, албагта тўлар эканлар.

Ўзим эса уйда мутлақо пул йўқлигини жуда яхши билардим.

Бошланғич мактабнинг юқори синфларида ўқиб юрганимда мен уриниб кўрмаган бирорта ҳам иш қолмаганди. Гугуртчўпга олтингугурт суртиб сотардим, ҳарбийлар ротаси яқинидаги темир тўсиқ ортида денгиз карамидан ўрама қилиб сотардим, гўёки буғдой унидан қилинган «гуруч кулча» сотганим учун аскарлардан калтак ердим. Оч-наҳор юриш одатий ҳол эди, аммо оч ҳолда ҳам, бориб-келишга тўрт соат вақт кетса-да, мактабга яёв борарадим. Кичкина бўлсамда, ўрта мактабдаёқ соғлиғимга путур етиб бўлганди.

Ўрта мактабнинг биринчи синфига борганимда касалга чалиндим ва тўрт ой ётиб қолдим. У пайтда шифохонага бориш имконимиз йўқ эди, шу сабабли нима билан оғриганимни ҳалигача билмайман, лекин, ҳар қалай, касалликнинг боиси ёмон озиқланиш бўлса керак. Бироқ ёш, ўсиб келаётган организм туфайли дардни енгдим ва, олислигига қарамай, мактабга қатнай бошладим.

Эҳтимол, бўйим пастигининг сабаби ҳам шундандир. Мен оиласда энг паст бўйли эдим. Оиласиздаги барча эркаклар баланд бўйли, бошқаларга қараганда бир бош баланд эдилар. Отам, катта акам, иккинчи акам — ҳаммаларининг бўйлари бир метру саксон сантиметр атрофига бўлиб, фақат мен пакана — атиги бир метру етмиш уч сантиметр эдим.

Аммо қўлларим бошқаларнидан тахминан 10 сантиметрча узун. Бодалигимда касал бўлиб қолмаганимда, ўсиб, акаларим каби бўйчан бўлармишим. Аммо, алҳол, мен «қўли узун бола» бўлиб қолдим.

## **Биревлардан таом ола кўрма**

Онам томондан қариндошларимиз христианликни анча олдин қабул қилишганди. Онам (Че Тхэ Вон) Кенджу вилоятидан чиққан, конфуцийлик анъаналарига қатъий амал қиласидиган Ли оиласига келин бўлиб тушди. Аммо турмушга чиққанидан кейин ҳам ўз эътиқоди билан яшади ва бунинг учун қариндошлардан тез-тез танбеҳ эшигарди. Аммо онам бўлмаганда, бизнинг катта оиласиз бундай қашшоқликда омон қолмаган бўларди.

Онам ҳам бўйчан бўлиб, юзи озғин, кўзлари доим чақнаб турарди. Ўзининг айтишича, бошланғич мактабдагина ўқиган экан. Аммо уни битирганми-йўқми, номаълум, эҳтимол, ўқишини охиригача етказмаган бўлса керак. Маълумот олмаган бўлса-да, унинг хотираси бошқаларницидан яхшироқ эди, у қариндошларницида қачон маърака бўлишини, туғилган кунларни, яқинларимизнинг мансилларини, қўшниларнинг байрамларини доимо эсда тутарди.

Оиласиз учун кун тонгги соат 4 дан бошланарди: онам ҳаммамизни уйғотиб, тонгги ибодатга олиб бораарди. Онамнинг дуолари ўзига хос бўларди. Аввал мамлакат ва жамиятда тинчлик, осойишталик бўлишини сўраб дуо қиласди, сўнг худодан қариндошлари ва яқинлари учун соғлиқ-саломатлик тиларди. Кейин қўшниларга баҳт-саодат тилаб қоларди. Уларнинг ҳар бирини, бемори борми, касод бўлгани борми, уришиб қолгани борми, номма-ном зикр этиб чиқарди ва Исо Масихга байъат қилишини уларнинг ҳам кўнгилларига солишини сўради.

Шундан кейингина болаларига навбат келарди. Лекин онам ҳеч қачон ўзининг ҳаққига дуо қилмасди. Турмушимиз қанчалик машаққатли бўлмасин, ўзгалар унинг учун биринчи ўринда турарди. Фарзандлари, aka-ука ва опа-сингиллари ҳаққига узундан-узоқ дуо қиласар, менинг ҳаққимга эса, охирда, доимо бир хил дуо қиласди.

— Илоҳим, Санг Ин яхши инсон бўлиб етишсин, ўқишини яхши тугатиб олсин, Санг Дик яқинда имтиҳон топширади, имтиҳонларни ёруғ юз билан топшириб олсин... Илоҳим, Мён Бак соғ-саломат бўлсин.

Менинг ҳаққимга қилинган қисқа дуо менинг оиласдаги мавқеимни акс эттиарди. Отам Тонгджи тижорат юқори мактаби фонди директорининг ўринбосари фермасида ишлагани туфайли, катта ва ўртанча акам шу мактабни тамомладилар. Болалигидан фаҳм-фаросатли бўлган, ишнинг қўзини биладиган каттамиз уйни эрта тарк этганди. Жуда қобилятили бўлган ўртанча акам Сеулга кетган ва ўзини илм олишга бағишилаган эди. Мен, кенжатой эса, Похангда қолдим ва акамнинг ўқиши учун пул топишда ота-онамга ёрдам бердим.

Тонгти ибодат мен учун азоб эди, чунки ишдан жуда чарчаб келардим. Мудраб ўтириб, нуқул ухлаб қолардим, ўз исимимни эшитганимдагина уйгониб кетардим.

Яқинларга беминнат қилиш тонгти ибодатдан ҳам қийинроқ бўларди. Мактабдан кейин ҳориб-чарчаб бозорга, онамнинг олдига борганимда, у менга «буйруқ» бера бошлиларди.

— Мён Бак, бугун ёғ сотувчи катта қизини турмушга чиқармоқда. Бориб қарашиб юбор.

— Улар бизга қариндош ҳам эмас-ку...

— Кўшнилар қариндошдан ҳам яқинроқ бўлади. Тезроқ бора қол.

Мен йўлга тушарканман, онам кетимдан бақириб қоларди.

— У ерда ҳеч нима ея кўрма! Агар таом берсалар ҳам олмагин. Тушундингми?

Юқори мактабни тамомлагунимча мен одамови эдим. Болшида онамнинг танишларга ёрдамлашиш ҳақидаги «буйруқ»-ларини бажариш жуда қийин кечарди. Мен ҳамма ишни индамай бажаардим — ошхонада қарашардим, сув олардим, овқат таширдим, иш тугагудек бўлса, уйга қайтардим. Мен, қийинчилик билан, фақат: «Ёрдамлашгани келдим» ёки «Иш тугади, уйга кетаман», — дердим.

Бу гапларни айтишни ўрганиш қанчалик қийин бўлса, лаззатли таомдан воз кечиши ҳам шунчалик машаққатли бўларди. Ҳеч ким кўрмаётганда бир луқма таомни лўққа ютиб юбориш ҳам мумкин эди, аммо мен доим онамнинг сўзларини ёдда тутардим. Меҳмондорчилик тугаб, менга ҳам егулик тугиб беришаётганда, майли, ўзим емасам ҳам онамга,

акаларим ва синглимга олиб бораман, деб ўйлардиму, лекин ўша заҳоти онамнинг сўзларини эслаб, ҳеч нарса олмасдим. Қўшинидар норози бўлиб: «Мунча кеккайди, бирор овқат берса-ю, у бош тортса», — дейишарди.

Бундай ҳолатлар кўп такрорланарди, онам овқат олишдан нега қайтарганлигини кейинчаликкина тушуниб етдим. Беғараз ёрдам инсонга ўз қадрини билиш туйгусини бахш этар экан.

«Мён Бакнинг оиласи бошқача. Улар камбагал бўлса-да, болалари ўз қадрини асло ерга уришмайди. Ота-оналари уларни тўғри тарбия қилишган», — дейишарди қўшинилар биз ҳақимизда хурмат билан.

Ибодат ва ўзгаларга ёрдам бериш — бу иккиси мен доимо қийинчилик билан адо этадиган ишлар эди. Лекин бу мен учун яхши мактаб бўлди, унинг моҳияти, ҳатто, камбагал ва ўқимаган одамлар ҳам, эвазига ҳеч нарса олмасдан, яқинларига, ҳатто бойларга ҳам ёрдам беришлари мумкинлигига эди.

Агар камбагал киши бир умр бойнинг ёрдамига умид боғласа, у тоабад камбагал бўлиб қолади. Шу тариқа, биз, болаларда киши билмас ички куч ўсиб борди ва айнан шу нарса камбагалликни енгишга ёрдам берди. Оқила онамизнинг ҳаёт сабоқлари нақадар муҳим бўлганини йиллар ўтгачгина тушуниб етдим.

### **Юқори мактабга киришдаги можаро**

Поҳангдаги ўрта мактабни тугатаётганимда оилавий аҳволимиз ниҳоятда танг эди. Катта акам ҳарбий хизматга чақирилди, ўртанчамиз Тонгджи юқори мактабини аъло баҳолар билан битириб, таълим учун пул тўланмайдиган Корея ҳарбий академиясига ўқишига кирди. Бироқ кейин у касал бўлиб қолиб, академияни ташлашига тўғри келди ва университеттага киришга тайёрлана бошлади.

Оиламиз иккинчи акамга умид боғлаган эди. У Сеулда ўқирди ва унга бизга қараганда осон эмасди. Ота-онамиз унга бирор бўлса ҳам ёрдам бериш учун, белни янада маҳкамроқ боғлаб, янада кўпроқ ишланшларига тўғри келарди.

Мен уларнинг эътиборларидан четда эдим, албатта. Ўрта мактабнинг 3-синфида ўқиётганимда тўрт ой касал бўлиб уйда ётиб қолганимда шифохона ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Оиласизнинг аҳволини яхши билганим учун юқори мактабда ҳеч қачон ўқимасам керак, деб ўйладим.

Ўрта мактабни тугатишим арафасида ўқитувчим мен билан ўқишни давом эттириш ҳақида сұхбатлашди. Одатда, Поханг ўрта мактабининг аълочи ўқувчилари Кенгбук вилоятининг энг яхши юқори мактабига ўқигани борадилар. Мен ўзлаштириш бўйича синфда иккинчи ўринда эдим, шу боис синф раҳбарим мени ҳам шу мактабга боради, деб ишонарди. Шу сабаб у мендан ота-онам у билан сұхбатлашгани келишларини сўради.

Бу пайтларда онам мева сотмай кўйган, турли шаклдаги ловияли кулча нонлар ёпиб, бозор чеккасида сотишни бошлиған эди. Тайёргарликни талаб қилмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Кулча ёпиш учун хамир қориш, олов ёқиши, ловиядан қайла тайёрлаш керак бўларди... Мен онамга зувала ясашда қарашардим, мактабга кетганимда эса, ўзи ёпиб, бир ўзи сотарди. Шу сабабли мактабга бориб келишга вақт топа олмасди. Ўша пайтда унинг асосий дарди иккинчи акамнинг ўқиши учун пул йигиши эди ва у яқинларига бу ҳақда сўзлар экан, доим оғир хўрсиниб қўяр эди.

Шундай бўлса-да, мен синф раҳбарим чақираётганилигини барибир айтдим. Онам бир дақиқа ишини тўхтатди ва хаёл билан бир нуқтага тикилиб қолди.

— Сени юқори мактабга юборишни шароитимиз кўтармаслигини ўзинг яхши биласан-ку. Агар акант университетга кира олмаса, унда ўйлаб кўришимиз мумкин... Сен ўқишини жуда ҳам истаётган бўлсанг, алоқа юқори



Ўқувчи Ли Мён Бак сурати

мактабига боришинг мүмкін, у ерда ўқиши белуп. Лекин унда мен ёрдамчисиз қоламан. Биласан-ку, мен бир ўзим ишлай олмайман.

Мен шундай жавоб күтгандым, аммо бундай қатый сүзлардан күзларим ёшланди. Шу пайттаса ақаларимнинг эски мактаб формаларини кияр әдим, энди бўлса, яна ўшалар деб юқори мактабга бора олмайман... Ўшанда мен ҳамма балолар учун ақаларимни ва қашшоқликни айблардим.

Оиламиздаги вазият ҳақида сўзлаб берганимда, синф раҳбарим бунга йўл қўя олмаслигини айтди.

— Сеулнинг энг яхши юқори мактабига бўлмаса ҳам, Кенгбуқдаги мактабга албатта борасан, деб ўйлардим. Минг афсус! Бирор йўлини топса бўлмайдими? Поҳангда Тонгджи кечки тижорат юқори мактаби борлигини биласанми? Ҳеч бўлмаса ўшанга бор. Ҳозир сен буни тушунмайсан, лекин кейинчалик сенга юқори мактабни тутгатганлигинг ҳақидаги диплом жуда керак бўлади.

Мен синф раҳбаримнинг фикрларини онамга етказдим, аммо у қарорида қатый эди.

— Сен ишлаб пул топишинг, акантга ёрдам беришинг керак. Савдо орқасидан ҳам яхши яшаш мүмкін.

Синф раҳбари ва онам ўргасидаги бу зиддият узоқ давом этди. Уларнинг гапларини бир-бирига етказаётган менга эса янада қийин эди. Онам ўз фикрини ўзгартирмас, ҳатто кечки мактабда ҳам ўқиши учун пул тўлаш кераклигини айтарди. Аммо ўқитувчим ҳам таслим бўладиганлардан эмасди.

— Кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган ўқувчиларга ўқиши белуп бўлади. Сен буни эплайсан.

Ниҳоят онам синф раҳбарининг охирги таклифига, пул тўланмаслиги учунтина, рози бўлди.

— Унда келишиб олайлик. Мен сенга мактабга қатнашга рухсат бераман, аммо агар ўқишига пул тўлаш керак бўлиб қолса, шу заҳоти мактабдан чиқаруб оламан.

Мен юқори мактабда таълимга пул зарур бўлмаслиги шарти билан ўқидим. Охир-оқибат уни битирдим. Чунки қаторасига З йил давомида мен ҳам кундузги, ҳам кечки бўлимларда ўқийдиган барча ўқувчилар орасида энг яхши баҳолар олгандим.

## **Қишда сомон шляпа кийган бола**

Кечки юқори мактабда ўқиган кезларим онамга уй ишларыда фақат мен ва синглим Кви Бун ёрдам бера олардик. Мен юқори синф ўқувчиси эдим ва катталар билан баробар ишлай олардим. Ўрта мактабда ўқиб юрганимда қилганим — денгиз карамидан ўрама сотиш мен учун осон бўлиб қолди. Қайси фасл эканлигига қараб, гуручдан қилинган ширинликлар, музқаймоқ, қишда эса гуруч бодроқ сотар эдим.

Юқори мактабга ўқишига кирганимда онам кулча ёпиш аппарати ёнига гуруч бодроқ аппаратини ҳам ўрнатди ва иккаласини тайёрлаб сота бошлади. Харидорлар эрталабдан келишар, қўл-қўлга тегмай ишлаганимиздан терга ботардим, пешонамдан оққан тер қурумга аралашиб, юзимда қоп-қора из қолдиради.

Мен бодроқни мактаб формасида сотардим. Чунки бошқа кийимим ҳам йўқ эди, бунинг устига ишдан сўнг тўғри ўқишига кетишига тўғри келарди. Биз қизлар юқори мактабига олиб борадиган кўча ёнида савдо қиласдик. Ҳар куни, қизлар ўтаётуб менга қарашгандা, уялганимдан қип-қизариб кетардим.

Қизлар менга, мактаб формасига ва юзимдан оқаётган қора терга, бодроқ ясашимга истеҳзо билан қарашарди ва мен уялганимдан ерга кириб кетай дердим. Мен жуда мағур ва одамови эдим. Бунинг устига, расталик даврида эдим. Мен учун камбағалликдан қутулишдан ҳам кўра ўзга жинс олдида довдирашдан халос бўлиш қийинроқ эди.

Охир-оқибат, мен қаердандир сомон шляпа топиб келдим ва уни кўзимгача бостириб олиб, гуруч қовурадиган бўлдим. Ҳар гал шу шляпани кийганимда онам менга:

— Қишда ҳам сомон шляпа киясанми? — деб тегажоқлиқ қиласдирди.

## **Уйдан қочишим ва онам дуси**

Юқори мактабнинг иккинчи синфида мен «мустақиллик»ка эришмоқчи бўлдим. Барибир кўп ишлашга тўғри келарди, шунинг учун мен кўпроқ пул тўланадиган иш топ-

моқчи әдим. Албатта, бунинг асосий сабабларидан бири қызларнинг масхараомуз қарашларидан қутулиш әди. Кундузи ҳўл мева олар әдим-да, кечкурун, мактабдан қайтганимдан кейин, уларни аравада кинотеатрга олиб бориб, кинодан чиққанларга сотардим.

Янги иш бошлишимга онам осонлик билан розилик берди. Меваларни олиб ялтиратиб артардим. Карбид лампа сотиб олдим. Кинотеатр олдидаги гавжум кўчага чиқар эканман, қандай бўлар экан, деб бироз ҳаяжонландим, лекин барибир маҳсулотимдан фаҳранардим. Мевалар карбид лампа ёруғида жуда чиройли кўринарди.

Пул топиш доимо қийин кечади. Мевалар савдоси бирда фойда келтирса, бирда зарар келтиради. Чунки бунда энг муҳими вақт ва нархни тўғри белгилай олиш әди. Агар бошида жуда қимматга сота бошласанг, савдонинг охирига бориб кўп мева ортиб қолар ва уни сув текинга бериб юборишга тўғри келарди. Бу ўзига хос «олий математика» бўлиб, унда сотовчининг нархи ва харидорнинг имкониятлари мос келиши керак әди.

Мева сота бошлаганимдан бироз вақт ўтгач, ёз охирларда ёмғир майдалаб ёға бошлади. Маълумки, ёмғир савдога халал беради.

Менинг сўнгги умидим анча кеч, охирги киносеансдан чиқадиганлардан әди. Чиқаверишда туриб одамларни кутар әдим. Тўсатдан орқаси билан юриб келган машина, аравами ни сезмай туртиб юборди. Мевалар ерга сочили. Тарвузлар ёрилди.

Ерда эмаклаб меваларни йиғишириар эканман, ортимдан сўкиш эшилдим.

— Нима қиляпсан ўзи, итвачча! Аравангни нега бу ерга қўйдинг, йўлни машина ўтолмайдиган қилиб тўсиб қўйибсан-ку?! Йўлни мева сотишинг учун қуриб қўйишибдими? Тартибли иш қилсанг бўлмайдими?

Мен қўрққанимдан машина эгасидан узр сўрадим. Машина кетгач газабим келди. Ахир менинг айбим умуман йўқ әди-да! Бу бойваччанинг олдига бир лаҳза ожизлик қилганим учун ўзимдан нафратланиб кетдим. Камбағаллигинг учунгина тилинг қисиқ бўлиши қанчалик адолатсиз-

лик-а, деб ўйладим. Мени тушкунлик ва ғазаб қамраб олди.

— Бундай яшашдан нима марьно? Юқори мактабни битирдим ҳам дейлик, кейин нима қиласман? Яхшиси бирон жойга қочиб кетаман!

Чүнтагимда бор пулни ҳисоблаб күрдим. Сеулға етиб олиш учун етарли эди. Күз ёшларимни артиб, йўл четидаги овқат сотиладиган чодирга кирдим. Йўлга тушишдан олдин бироз ичиб олмоқчи эдим.

— Хола, менга бир шиша соджу (гуруч ароғи) ва газак беринг! — бақирдим.

— Сен ҳали мактабда ўқийсанку... Сенга мумкин эмас!

Мактаб формасида мевалар сотаётганимни кўрган аёл ҳайрон бўлиб, қайта сўради.

— Тезроқ ичишга беринг, нега гапни қўпайтирасиз? Хавотир олманг, пулинни тўлайман. Гап шундами?

Мен жуда аччиқланаётгандим. Лекин аёл менга ичкилик беришга шошмасди. Бир неча сония ўтди. Буютирганимни кутар эканман, миямдан бир фикр ўтди.

— Мева сотаётганимга қанча бўлибди-ю, онамга бирор марта ҳам тотиб кўргани бермабман.

Улгуржи бозордан мева олиб келганимда онам уларни ялтираши учун артар ва ўзича: «Қандай чиройли. Кўринишидан жуда ширинга ўхшайди», — дер эди. Мен эса, савдоларимизда «ҳисоб-китоб» алоҳида бўлгани сабабли, кўпроқ пул топиш мақсадида унинг гапини эшитмаганга олардим.

Онам ҳар тонг менинг ҳаққимга дуо қиласди. Менинг ҳаққимга бошқа болаларига нисбатан қисқароқ дуо қилсада, ҳар қалай ҳар тонг дуони канда қиласди.

— Умуман олганда, бугун кетишим шартми? Онамга ҳеч бўлмаса эзилган меваларни бераман, тўйиб еб олсин, эртага кетарман. Бир кун кейин кетсам ҳеч нарса қилмайди.

Меваларни аравага йиғдим-да, уйга қайтдим. Онам уйда эди.

— Ойи, дада, мевадан енглар, бугун кўп қолиб кетди.

Онам пачоқ бўлган аравани, ёрилган тарвузларни кўрди ва менинг ҳаддан ортиқ қувноқ овозимдан ҳаммасини тушуни, лекин ҳеч нарса демай, одеялга ўраниб ухлашга ётди.

Мен ҳам ухлагани ётдим, лекин хаёлимга уйдан қочишдан бошқа ҳеч нарса келмасди.

Эртасига тонгда онам ҳар доимгидек дуо қиласди. Лекин ўша куни менинг ҳаққимга жуда самимий ва узун дуо қилди. Афтидан, онам туни билан ухламай чиқсан эди.

— Парвардигор, Мён Бакни тўғри йўлга бошла, саломатлигини мустаҳкам қил. Ишларига ўзинг кушойиш бер...

Онамнинг бу хос дуоси қалбимни эзиб юборди. «Онам мен ҳақимда қаттиқ қайғурар экан», — деб ўйладим. Мен ҳам хурсанд, ҳам ҳайрон ва миннатдор эдим. Уйдан қочиши эса бир ой кейинга қолдирдим. Шу тарзда мен ҳаммаси жойжига тушгунча, бу ишни бир неча марта ортга сурдим. Она дуосининг кучи шу тариқа намоён бўлди. Бащарти у бўлмаганда, яна чодирдаги аёл ичкиликни менга тезроқ берганда, поездга ўтириб Сеулга кетиб қолган бўлардим.

### **Поҳангнинг қашшоқ туманидан Итэвон қулбаларига**

Кечки мактабдаги ўқишим давомида мен бир дўст ортидим, ундан жуда миннатдорман ва асло унутмайман. Унинг исми Янг Джे Вон бўлиб, мактабга бирга қатнардик. Кундузи у кичик бир фермада ишларди. Ишдан кейин эса, мактабга бораётганда мени чақириб кетарди.

Уларнинг уйларида бир хўророз ва ҳар куни тухум қиласиган иккита товуқдан иборат кичкина хўжалик бор эди. Джे Вон доим тухумлардан биттасини яширинча менга келтириб берарди. У озиқ моддалар етишмаслиги туфайли хушимдан кетиб қолишимдан хавотир олса керак-да, чунки мен фақат битта гуруч қайнатмаси билан тирикчилик қиласдим.

Бу тухумлар менга куч баҳш этди ва мен улғайиш давридан омон ўтиб олдим. У пайтларда тухум жуда қиммат эди, бир нечта тухумни йигиб сотилса, яхшигина пул жамғарса бўларди. Камбағалигидан мактабда тушлик қилиши учун болаларига егулик тайёрлаб бера олмайдиган оиласлар кўп бўларди, агар бола мактабга қовурилган тухум олиб келса, бу унинг бой оиласдан эканлигини англатарди.

Дўстимнинг иккита товуқ, нега қунига биттадан тухум қилаётганлигини ҳеч тушуна олмаётган ота-онаси унинг ёлғонини фош этмагунча, бир неча ой тухум еб юрдим.

Мактабни битиргач, бизнинг йўлларимиз ажралди ва шу бўйи дўстимдан қарзимни уза олмадим. Лекин Джे Вонни доимо миннатдорчилик билан эслайман.

Менга маълум бўлишича, у ҳам университетни қийинчилик тортиб тутатган, бирмунча ташвишларни бошдан кечирган, лекин ўзини тутиб олиб, ҳозир бахтли ҳаёт кечираётган экан. Агар кун келиб унга менинг кўмагим керак бўлиб қолса, кўмакка доим тайёрман.

Мен учинчи, битириувчи синфга ўтганимда онам жиддий гап айтди. Ўртанча акамга ёрдам бергани Сеулга кўчиб боришини билдириди. Мен ва синглим эса, мактабни битиргунимча, Похангда қолишимиз керак эди. Ота-онам Сеулда бир амаллаб ўрнашиб олиш учун эски ибодатхонадаги кулбамизни ва бутун хўжалигимизни сотишиди. Кейин мен билан синглим учун кичкинагина хона топиб беришди-да, ёрдам бериб туришни ваъда қилиб, Сеулга жўнаб кетишиди.

Мен синглим билан Похангда қолдик, ҳаётимиз жуда аянчли эди. Онам ҳар ойда гуруч учун пул жўнатарди. Пул етмасди, албатта. Шу боис гуруч ҳам бир ойга етмас, биз гуручни суюқ қилиб қайнатардик ва сувини ичиб егандек бўлардик. Шунинг учун доимо оч-наҳор юрадик. Синглим очликка чидай олмасди ва бир куни, яхшиси ўн кун тўйиб еб олиб, кейин йигирма кун оч юриш керак, деганди. Лекин мен бундай қилсак, ўлиб қолишимизни тушунардим.

Биз қофоз олдик-да, 30 та хатжилд ясадик. Мен гуручни тенг миқдорда хатжилларга тақсимлаб чиқдим-да, синглигга қунига фақат битта хатжилддаги гуручни қайнатишни буордим. Ҳалигача у менга ғамгин табассум билан: «Сен жуда қаттиқўл эдинг. Ҳатто сендан қочиб кетмоқчи ҳам бўлгандим», — дейди. Лекин у пайларда, ундаи шароитда кулишнинг иложи йўқ эди.

Сал нарида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган амаким яшарди, лекин ундан ёрдам олмасдик. Мен тоғдан ўтин териб келиб, ёриб, сотардим, яна нималарнидир сотишга ҳаракат қиласдим, бироқ қашшоқликни енгизнинг иложи йўқ эди.

1959 йилнинг декабрида, мактабни битирғанлик ҳақида-ти дипломлар топширилишидан олдин, синглим билан поездга ўтириб Сеулга йўл олдик. Ўқишини аъло баҳолар билан тугатганим учун, мени мактаб фонди ҳисобидан тақдирлашлари лозим эди, лекин шароитимиз кутишга имкон бермас, тақдирлаш маросимида қатнашиш учун Похангга қайтиб келгани менда пул ҳам йўқ эди. Шу сабабли менинг ўрнимта ёрлиқ ва дипломни олишни дўстим Ким Чанг Дэдан илтимос қилдим.

Сеулга кетаётганимда қалбим бўм-бўш эди. Похангда ўтган 19 йилим жуда қийин кечганди, лекин Сеулга борганимдан кейин нима ҳам ўзгаради, деб ўйлардим. Отонам ҳали ҳам ўрнашиб олганлари йўқ. Сеулда мени Похангдагига қараганда яхши томонга ўзгаришлар кутмоқда, деб ўйлашга ҳаракат қиласдим, лекин умидларим зўр эмасди.

Ота-онам Итэвондаги қулбаларидан бирида бир хонада яшашар ва бозорда сабзавот сотишарди. Ҳаммаси Похангдаги каби эди.

Лекин менинг бўш вақтим ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эди. Чунки Похангдаги каби тайинли иш йўқ, иш бошлиш учун пул ҳам йўқ эди. Шу сабабли тез-тез метрода у бошидан бу бошигача айланиб юрардим, баъзан Енгдингодан Миаригача яёв кезиб, Сеул бўйлаб сайр қиласдим.

Бироқ, нега айнан Донгсунг, Аннам ёки Синчон талабалар туманларида тез-тез бўлардим, билмайман. Ҳар гал форма кийган талабаларни кўрганимда, юрагим ҳаприқиб кетарди. У жойларни: «Қандай тирик қолишимни ўйлашим керак бўлганда, бу ерда нима қилиб юрибман», — деган сўзлар билан тарқ этардим.

Мен юқори мактабнинг иккинчи синфида ўқиб юрган кезларимда акам жўнатган открыткани сақлаб қўйганман.

«Мён Бак, ҳеч қачон таслим бўлмагин ва университетдан бош тортмагин. Кечки мактабда ўқишингга қарамай, агар ҳаракат қилсанг, университетга кира оласан».

Лекин ўшанда асосий вазифа омон қолиш эди, бинобарин, мен қачон ва қандай қилиб «ҳаракат қилишим» кераклигини билмасдим.

Бир куни, Самгақдидан Итэвонга пиёда кетаётганимда, миямга аҳмоқона фикр келиб қолди.

— Бир вактлар ўқитувчим юқори мактабни тугатганилигим ҳақидаги диплом ўрта мактабни тугатганилик ҳақидаги дипломдан кўра кўпроқ асқотишини айтганди. Демак, университетга киришга ҳаракат қилиб кўрсам дуруст бўлса керак. Ҳеч бўлмаса, имтиҳонларни топшириб кўраман. Агар кира олсан, ўқиши давом эттирмасам ҳам, менда тугалланмаган олий маълумот бўлади».

Аслида бу дон-кихотчасига фикр юритиш эди. Баҳор келди, Поҳангдан дўстим Ким Чанг Дэ келди. У кириш имтиҳонларига тайёрланиш учун Сеулда бир хонани ижарага олди. Шу заҳоти, университеттага киришга бирга тайёрланиш учун, унинг олдига кўчиб ўтдим. Лекин мен қайси китобдан тайёрланиш кераклиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасдим. Яқинда келган Чанг Дэ ҳам ҳеч нарса билмасди.

Поҳангдаги ўрта мактабда бирга ўқиган синфдошимни топдим. У Кенги юқори мактабини тамомлаб, яқинда Сеул Давлат Университетининг ҳукуқшунослик факультетига кирганди. Мен аҳволимни айтиб бергандим, у ўша заҳоти жавоб берди:

— Университетга ҳаракат қиляпсанми? Университетга истаган кишининг ҳаммаси ҳам киравермайди. Юқори мактабни битиргач эса, университет ҳақида орзу қилмасанг ҳам бўлади.

Шунда мен ундан ҳеч бўлмаса ўзи тайёрланган китобларини бериб туришини сўрадим. Лекин танишим мени ё тушунмади ёки тушунишни истамади. Мен қуруқ қўл билан қайтдим. Бироқ синфдошимдан хафа бўлмадим. Унинг огоҳлантириши ҳақиқатга тўлиқ мувофиқ келарди, у менинг аҳволимни яхши биларди. Лекин менинг мақсадим университетни тугатиш эмас, шунчаки кириш эди.

## **Чонгечондаги эски китоблар дўконида тасодифан орттирган ёрдамчим**

— Чонгечондаги эски китоблар дўконидан арzonга дарсликлар сотиб олса бўлади.

Кўшнилардан бу гапни эшитиб, пул йига бошладим. Итевон бозорида ишлаб, катта маблағ — ўн минг хван тўпладим. Шу пул билан Чонгечонга отландим. «ОЎЮга кириш учун дарсликлар сотилади» деб ёзиб кўйилган кичкинагина дўконни топдим. Дўкон соҳиби кўринишидан 40 ёшдан бироз ошган киши эди. Мен қишлоқдан келганимни ва имтиҳонларга тайёрланиш учун китоблар сотиб олмоқчи эканлигимни айтдим. У қандай китоблар кераклигини сўради.

— Гап шундаки, мен қайси китоблар бўйича тайёрланишим кераклигини билмайман.

Дўкондор менга ачиниш билан боқди.

— Гуманитар фанларми ёки табиийми?

Гуманитарми ёки табиийми? Бундай сўзларни мен биринчи бор эшитмоқда эдим, бироқ мен тижорат юқори мактабини битиргандим, акам ҳам университетда тижорат факультетида ўқирди, шунинг учун ишонч билан дедим:

— Мен тижорат факультетига кирмоқчиман.

— Ундай бўлса, демак, гуманитар йўналиш экан. Қайси университетга кирмоқчисан?

— Менга фарқи йўқ, истаганимга кириш учун керакли бўладиган китоблардан беринг.

Дўкондор менга ҳайрон бўлиб қаради ва лиқ тўла жавонлардан китоб танлай бошлади. Бир нечта жилдни танлаб олди ва чўтга ташлаб ҳисоблади.

— Ўттиз минг хван. Сенга жуда арzonга беряпман.

— Нима қилсам экан? Менда бор-йўғи ўн минг...

— Йигитча, банд одам билан ўйинчоқ ўйнаяпсанми? Жуда фалати экансан-ку...

Дўкондорнинг жаҳли чиқиб, сўкина бошлади. Сўкиниш тобора кучайиб борарди, мен чидаб тура олмадим ва мингирилаб, аста дедим:

— Мен университетда ўқиши хоҳдайман дедимми? Шунчаки имтиҳон топширмоқчиман, деб айтдим....

Бу гапни эшитиб дўкондор бадтар тутақиб кетди.

— Нима дединг!? Жинни бўлиб қолибсан. Қани, қайтарчи, нима дединг?!

Мен айтганимни бошидан қайтардим.

— Борган сари гапингни тушунмаяпман. Университетда ўқиши истамасанг, имтиҳонларни топшириб нима қиласан?

Мен ўзимни оқлашда давом этардим. Агар дўкондорни тинчтисасам, дўкончадан соғ чиқмайман деб ўйлардим. Гапларимни тинглаб бўлиб, дўкондор китобларни қайтариб жойига қўйди ва бошқаларини таnlай бошлади.

— Шу китоблар бўйича тайёрлансанг, университетта кира оласан. Ёнингда бор пулни бер-да, китобларни олавер. Қолганини кейин берасан.

Мен дўкондорнинг тезда ўзгариб қолган хатти-ҳаракатидан довдираб қолдим, лекин у елкамга туртди.

— Айниб қолмасимдан, тезроқ кет, қишлоқи.

Ишонгим келмасди, китобларни бағримга босиб, эшик томонга тисарилдим, кейин оёғимни қўлимга олиб югурдим. Фикридан қайтиб қолса, қувиб ета олмаслиги учун бор кучим билан югурар эдим.

Яхшилаб пўстагимни қоққан дўкондор туфайли дарсларни қўлга киритдим, лекин тайёрланиш учун вақт кам эди. Эрталаб ва кечкурун бозорда ота-онамга ёрдам берардим, вақт қолса, кириш имтиҳонларига тайёрланардим. Дўкондор арzon-гаровга берган китобларини ўқир эканман, мактабдаги кейинги 3 йилда олган билимларим бутунлай арзимас эканлигини тушуниб етдим. Шу боис жидду жаҳд билан тайёрланардим.

Охир-оқибат, Коре университетининг тижорат факультетига хужжат топширдим. Бунгача турли университетлардаги худди шундай фақультетга қабул щартлари билан танишиб чиқдим ва охирида айнан шу ерни танладим, чунки бу факультетга кириш учун иккинчи чет тили талаб этилмасди. Бу 1960 йилда бўлганди, Коре университетининг тижорат факультетида менежмент бўлими эндиғина ташкил қилинган ва шу сабабли танлов катта бўлиши тахмин қилинаётганди.



Коре университетида дүстлар билан

Имтиҳонларга жуда оз вақт қолган, лекин мен бозорда ота-онамга ёрдам бермасам бўлмасди. Оғир меҳнатдан шунчалар қаттиқ чарчардимки, кечкурунлари қимирлашга маъжолим қолмасди. Имтиҳонгача бир ой қолди, мен кечалари ухламасдим, ўша пайтларда ўқувчилар орасида кенг тарқалган уйқу қочирадиган дори ичардим. Шунда организмим кўтара олмади ва имтиҳонга уч кун қолганда ётиб қолдим. Уйда менинг тайёргарлигим билан ҳеч ким қизиқмас, шунчаки, имтиҳон топшириб кўра қолсин, деган маънода менга тўсқинлик қилишмасди, холос.

Имтиҳон куни чайқала-чайқала уйдан чиқдим. Инглиз тили ва математикани яхши топширдим. Лекин киришга унчалик умид қилмасдим. Кириш имтиҳонини топширганимнинг ўзидан мамнун бўлган эдим. Шу сабабли имтиҳон натижаларини хотиржам кутардим.

Бироқ ўқишга кирганлар рўйхатида менинг ҳам исмим туарди. Менинг орзуим ушалганди! Мен энди тугалланмаган олий маълумотли эдим. Итэвон бозоридаги танишларим ҳам бундан қувонишар ва ўқиш учун пулинг борми, деб сўрашарди. Мен кулиб жавоб берардим:

— Менга пул керак эмас. Чунки мен ўқишига кирдим, мен энди тугалланмаган олий маълумотларинан.

— Нима деяпсан? Тугалланмаган олий маълумотли бўлиш учун ҳеч бўлмаса бир семестр ўқиб қўйиш керак. Ўқишига киргандан эсанг-да, рўйхатдан ўтмаган бўлсанг, кирмаган ҳисобланасан.

Кейинроқ мен ҳақиқатан ҳам шундай эканлигини билдим. Билгач, кўз олдим қоронгулашиб кетди. Чунки олдимда ўқишига киришдан кўра бекиёс мashaқатли вазифа турарди. Ўқишига пулни қаердан оламан? Ҳатто, тугалланмаган олий маълумотни ҳам ҳар ким олавермас экан. Бу ишдан воз кечишдан бошқа чорам қолмаганди.

Лекин ҳар қалай иложи топилди. Қандай вазиятда эканлигидан хабардор танишларим менга иш топиб беришди, бунинг учун улардан чексиз миннатдор эдим. Бу иш — тонг саҳарда, кўчада юришига рухсат берилиши билан ахлат йигиштириш эди. Яхшилаб ҳаракат қилинса, ўқишига пул йигиш мумкиндеқ кўринарди. Бошидаёқ, осон бўлмаса керак, деб гумон қилгандим, дарҳақиқат, иш бор кучимни сўриб оларди.

Ишим аравага ахлатни ортиб, Самғақджи, Хебангчон ва Богвандонг туманлари томонга, Америка ҳарбий базаси ёнидан ўтиб, янада узокроққа, ташландик ергача боришдан иборат эди, ахлатлар ўша ерда тўпланарди. Шундай тарзда олти марта қатнаганимдан сўнг ишим тугарди. Оғир аравани тоққа итариб чиқариш қийин эди, лекин тепаликдан тушириш ундан ҳам қийинроқ ва хавфлироқ эди.

Мен биринчи семестр ҳақини тўлаш учун ишлашни бошлагандим, лекин ахлат йигиштириш билан иккинчи курсга ҳам ўтиб олдим. Учинчи курсда эса, талабалар уюшмаси президентлигига сайловларда қатнашишга қарор қилдим.

## **Бундай саломатлик билан армияга олишмайди**

1961 йилда, университетга киргандан йилим, 16 май ҳарбий тўнтариши содир бўлди. Бир йил олдин 19 апрелда талабалар инқилоби уюштирилган Коре университетида муҳит оғир эди.

Талаба бўлганимдан кейин ҳам ҳаётим айтарли ўзгармади. Эрта тонгда бозорга чиқардим, аравага ахлатни ортиб, акробатлардек чаққонлик билан Итэвон тепаликлари бўйлаб қатнардим. Ўқишдан қайтгандан кейин эса, онамга қарашишим керак эди.

Ўқишига вақт етмасди, факат тунлари, юмилаёзган кўзимни зўрга очиб дарс тайёрлардим.

Университетда ҳам аҳвол шу. Фақат маъruzалар орасида бўш вақтим бўларди. Имкон топдим дегунча китоб ўқирдим ва ўйга толардим. Бошқа талабалар каби ичгани ёки қизлар билан учрашгани вақтим бўлмасди. Бинобарин, дўстларим ҳам йўқ эди.

Иккинчи курсга ўтганимда онам бозорда дўкон сотиб олди. Бу катта ўзгаришларга сабаб бўлди.

Болалигимда, бозорда майда-чуйдалар сотганимда, Поянгда онам билан кулча ёки гуруч бодроқ сотганимизда ёхуд кимсасиз кўчаларда мева ортилган аравани итариб юрганимда бутун оиласизнинг орзузи бозорнинг бир чеккасида кичкинагина бўлса ҳам, «ўз дўконимиз» бўлиши эди.

Йўлда, дўконларнинг қаршисида бирон нарса сотаётганимизда сотувчилар бизни ҳайдашар, четга ўтишимизни буюришарди. Шундай лаҳзаларда мен улардан нафрatlаниб кетардим ва келгусида шу жойларни сотиб олишни орзу қилардим («Хендэ» курилиш компаниясининг директори бўлганимда шу бозорга бордим, лекин шаҳар тузилиши ўзгарғанлиги туфайли ўша дўкон анча илгари йўқ бўлиб кетган экан).

Ва, мана, ниҳоят, менинг орзуим ушалди.

Бироқ дўконли бўлганимиз билан иш камайгани йўқ. Мен ҳолдан тойгунча ишлардим. Ёш бўлсам-да, ҳар куни тонгда, соат 4 да туриб ахлат йиғиширишга кучим етмай қоларди.

Бир куни армия мен учун нажот бўлади, деган қарорга келдим. Менга армияда шароит анча яхшидек туюлди. Кийим-кечак, ош-нон ва бошпана тўгрисида қайтуришининг ҳожати йўқ, кўниксанг бўлди, енгил тортасан. Армия — бундай оғир ҳаётдан бироз дам олишнинг ягона имконияти, деб хисоблардим.

3-курснинг биринчи семестрини машаққат билан тугатиб, ўз ихтиёrim билан армияга кетдим. Биринчи тунни

Нонсан тайёрлов базасида ўтказдим, эртасига тиббий күрик бўлди. Ҳамма ундан муваффақиятли ўтди, лекин менинг навбатим келганда ҳарбий врач, баданимга стетоскопини қўйганча, узоқ текшириди.

— Сен бу ерга соғлиғинг қандайлигини билмай келдингми?

— Мен ҳеч нарсани билмайман.

— Бундай соғлиқ билан армияга олишмайди. Йигирма ёшдаёқ бу аҳволига тушиб қолибсан, қандай ҳаёт кечирдинг ўзи? Батафсилик текширувдан ўтиш керак.

Текширувдан кейин бронхларим жуда ҳам кенгайиб кетганини айтишди. Бронхоэкстаз деб ташхис қўйишди. Анчадан бери йўталим кетмас, ҳароратим тез-тез кўтарилиб турар, шундай пайтларда ётиб олгим келарди. Ўшанда бу бронхларнинг кенгайишидан бўлар экан. Аммо муаммо фақат уларда эмасди. Менда яна синусит ҳам бор экан. Ҳарбий врач менга шундай деди:

— Бронхоэкстазни бутунлай тузатиб бўлмайди. Кучли зўрицишда ҳарорат баланд кўтарилиб кетади, шунинг учун ҳарбий тайёргарликдан ўта олмайсан. Бунинг устига синуситнинг оғир кўриниши ҳам бор экан. Бундай соғлиқ билан қандай қилиб, армияга бормоқчи бўлдинг, нима, бу ерни сиҳатгоҳ деб ўйладингми?

Ниҳоят, мени яроқсиз деб топишиди ва тайёрлов базасидан ортга қайтариб юборишиди. Бошқалар ҳар қандай йўллар билан армиядан кутулиб қолишга ҳаракат қилганларида, мен хизматга боришини қанчалик истамай, саломатлигим туфайли қабул қилийшмади. Уйга қайтганимда, хавфсизлик ротасидан келиб, армиядан қочмаганмикан, деб текшириб ҳам кетишиди.

Сўнг дўстларимнинг ёрдами билан давлат муассасаси қошидаги шифохонага тушдим. Бу шифохонада даволаниш учун деярли пул тўланмасди. Мен камбағаллар учун энг ёмони шифохона билан қамоқ, деган гапнинг маъносини айнан ўшандада тушундим.

Бир куни врачлар беморларни кўришарди. Масъул врач бир гуруҳ амалиётчилар билан бирга эди. У менинг касаллик тарихимни кўриб чиқди-да, ўз фикрини айтди. Шу пайт кўзим

кетиб қолган экан, врачларнинг сұхбатини эшитиб, уйғониб кетдім. Масъул врач айттарди:

— Беморга бу дори түғри келмайды. Унга мана бу (номини инглиз тилида айтди) дорини ёзіб беринглар.

Шунда амалиётчилардан бири деди:

— Бемор жуда камбағал, бу дорини сотиб олишга қурби етмайды.

— Шундайми?

Улар яқинимда ётган бемор ёнига ўтиб кетишиди. Мен эса күзимни очолмасдым. Чunksи күзимни очсам, ҳамма гапни эшитганимни билиб олишар ва мен нокулай ақволта тушиб қолардым.

Мен шифохонада биринчи марта ётишим эди, бир ой ичиде анча үзимга келдім ва уйга қайтдым. У ерда олган дориларим эса, арzon бўлса ҳам, катта ёрдам берди.

## Кишлоқининг уриниши

Шифохонадан чиққач, яна университеттеги қатнаб, эрталаблари ахлат йигиштиришни давом эттирудим. Аммо оиласында ўзгаришлар рўй берди. Учинчи курсга ўтганимда акам Сеул давлат университетини тамомлади ва «Колон» компаниясига ишга жойлашиди. Ота-онамиз умид боғлаган ўғил ўқишини тутатиб, ишлай бошлади. Итэвон бозорида иш давом этарди, лекин уйдаги шароит анча яхшиланди.

Мамлакатдаги ақвол тез ўзгаради. Ҳарбий диктатуранинг шафқатсиз сиёсати туфайли 16 май воқеаларидан кейин талабаларнинг шармандали Корея-Япония саммитига қарши демократик руҳдаги норозилик намойишлари кучая борди. Саммитта қарши ҳаракат диктатурага қарши ҳаракатга айланыб бораради. 1960 йил 19 апрелдаги талабалар инқилоби вақтида тартибсиз равишда бўлиб ўтган талабалар норозиликлари уюшган тус ола бошлади. Қарши туриш сабаблари, мақсадлари ва моҳияти аниқ белгиланган эди, талабалар алоҳида ҳамжиҳатликни намойиш этардилар.

Талабалар 1964 йил 3 июнь воқеалари чоғида уюшқоқликнинг энг юксак намунасини намойиш этишди. 19 апрель инқилоби каби, айнан 3 июнь кейинги 30 йилдан

ошиқроқ вақт давомидаги демократик ҳаракатнинг бошланиши бўлди.

У пайтларда, талабаларнинг сиёсий фаоллиги қучайган паллада ҳар бир факультетда талабалар уюшмаси президентлигига сайловлар бўлиб ўтарди. Мен ўзим ўқийдиган тижорат факультетида номзодимни кўрсатишга қарор қилдим.

Мен тўгаракларда қатнаша олмасдим, дўстларим йўқ эди. Ҳатто синфдошларим орасида ҳам яқинларим йўқ эди (чунки кечки тижорат юқори мактаби очилганидан сўнг мен университетта биринчи бўлиб киргандим). Мен билан бир вилоятдан келган бир нечта дўстларимгина бор эди. Талабалардан деярли ҳеч ким мени танимасди. Ана шундай шароитда мен талабалар сайловида қатнашдим.

Қолаверса, ўрта ва юқори мактабда ўқиб юрганимда бирор марта ҳам кўпчилик орасида ўз фикримни айтмагандим. Чунки, характеримга кўра, мен тортинчоқ ва одамови эдим. Лескин мени сайловда қатнашишга унданаган асосли сабаб бор эди.

Иккинчи курсда ҳар бир куним ҳаётий шароит билан курашишдан иборат бўлганди. Мен ўқиши ва тирикчилик қилиш учун пул топиш кўйида эрта тонгдан югуриб-елишим лозим эди. Шундай вазиятда университет менинг қарашларимни анча кенгайтирди. Миллат, демократия, давлатнинг гуллаб-яшнаши. Мен шу масалалар устида ўйлай бошладим ва эътиборимни шахсий муаммолардан умумий муаммоларга қаратдим. Корея шунчалик камбағал давлат эдики, ишга жойлашган битирувчилар университетларнинг фахри саналарди. Шу мамлакатда тугилган эканман, унга менинг тажрибам, фояларим ва амалий ишм керак эканлигини тушунардим.

Назаримда, иш ташлашларга чиқадиган талабаларнинг қарашлари, мақсад ва мантиқлари унчалик аниқ-равшан эмасди. Бир нечта етакчилардан ташқари, кўплаб талабалар учун иш ташлашлар ўзига хос «кўнгилхушлик» эди.

Мен ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатини бошқа талабаларга қараганда олдинроқ ҳис этгандим, шу боис талабалар ҳаракатига жиддийроқ қарадим. Ўқиши шунчалик қиммат турадиган университетда норозилклар туфайли ўқишининг тўхтاشига йўл қўйиб бўладими? Талабаларнинг иш ташлашлари кўпинча ишсизлар ва уйсизларнинг норозилклари портла-

ши учун пилик вазифасини ўтарди, холос. Мен, күпчилик каби, ҳам университетлардаги, ҳам бутун жамиятдаги бекарор вазиятдан ташвишга тушгандим. Буни катта муаммо деб ҳисоблардим.

Бундан ташқари, ўз одамовилигимдан қутулмоқчи эдим. Ушбу феълимдан қутилиш учун, ўзим ёлғиз бўлган ички дунёймни енгигб ўтишни ният қилгандим. Эркин, очик ва фаол бўлишни истагандим.

Мен сайловларда голиб бўлиш учун эмас, балки сайланниш-сайланмаслигимдан қатъи назар унда иштирок этиш учун қатнашдим. Енгилган тақдиримда ҳам кўплаб талабалар мен ҳақимда, менинг ўй-фикрларим ҳақида билиб олган бўлишарди. «Мен энди кечаги Ли Мён Бак эмасман. Янги Ли Мён Бак дунёга келди. Ҳаётимдаги муҳим ўзгариш онини босиб ўтмоқдаман», — шундай ўйлар билан ҳаракатни бошладим.

Номзодлар рўйхатга олингандан кейин қанчалик аянчли аҳволда эканлигимни яна бир бор англадим. Бу бор-йўғи факультет ичидаги сайловлар бўлса ҳам, ижтимоий сайловлар каби эди. Номзоддан муайян машҳурлик, намоён этилган етакчилик хислатлари ва, энг асосийси — тарафдорларнинг кўллаб-кувватлаши ва молиявий манабалар талаб этиларди. Менда бу тўрт омилдан ҳеч бири йўқ эди.

Барибир, ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, рўйхатдан ўтдим ва шундан кейингина мен билан бир вилоятдан чиқсан дўстларим билан учрашдим. Бир кружка гуруч пивоси устида сайловда қатнашишим ҳақида айтганимда, менга ҳеч ким ишонмади.

— Нима??... Талабалар уюшмаси президенти сайловида қатнашасанми? Ҳали маст бўлмай туриб алжираяпсан.

Менинг сайловда қатнашишимга нима туртки бўлгани ҳақида уларга жиддий сўзлаб бердим, аммо дўстларимни ишонтириш қийин эди. Агар сен бундай ўқишдан қониқмаётган бўлсанг, буни уддалашнинг кўплаб бошқа йўллари борку, деб улар мени тарк этишиди.

Аммо мен дўстларимнинг бундай муносабатлари туфайли таслим бўлмадим, аксинча, сайловолди кампаниясига пухта тайёрлана бошладим. Иккита номзод бор эди. Мени, шу кунгача ўзининг борлигини ҳам билдирамаган кечки тижорат мактаби битирувчисини — машғулотлар тугаши биланоқ

күздан йүқоладиган қишлоқини қўллаб-қувватлайдиган ҳеч ким йўқ эди. З-курс талабалари менга ўта эътиборсизлик билан ёндашдилар. Нутқ сўзлай бошлаганимда эса, кутилмаганда 1- ва 2-курс талабалари мени қўллай бошлишди.

Ўшанда сайловолди кампаниясининг муҳим тадбирларидан бири номзод томонидан ижарага олинган автобусда куролсизланган худудга саёҳат уюштириш бўларди. Аммо мен, ҳатто гўруч пивосига ҳам пул топа олмайдиган талаба, буни орзу ҳам қила олмасдим.

— Молиявий саховат кўрсатишга имкониятим йўқ. Лекин агар президент бўлсан, университетимиз ҳақиқий университетга ўхшаши, талабалар эса ҳақиқий талабалардек бўлишлари учун барча зарур ишларни амалга ошираман. Ўз фаолиятимни ўқиши истайдиган талабалар ўқий оладиган университет яратиш мақсадларига бағишлайман.

Нутқим баланд овозда бўлмаса-да, лекин самимий ва ҳақоний эди.

Анвал рақиб томон менга умуман эътибор бермади, бироқ сайловга икки кун қолганда менга одамларини жўнатишиди. Булар режаларим ҳақида биринчи бўлиб сўзлаб берганим — мен билан бир вилоятдан келган дўстларим эди. Улар мени ниятидан воз кечади, деб ўйлашганди, лекин сайловолди кампаниясига киришганимни кўриб, жуда ҳайрон бўлишиди. Ана шунда, рақиблар лагеридан «махфий элчи» келди.

— Сендан қатнашишдан воз кечишни сўрашди, бунинг эвазига сайловга сарфлаган барча харажатингни қоплашади. Мён Бак, ютиш учун барибир имкониятинг йўқ.

— Мен ҳам имкониятим бор, деб ўйламаяпман.

— Унда нега охиригача олиб бормоқчисан? Аллақачон ўзингни танитиб бўлдинг. Пулни олиб бас қиласанг, оқилона иш тутган бўлардинг.

Аммо мен воз кечмадим. Мен сайловга ҳеч нарса сарфламадим, пул сарфлайдиган нарса ҳам йўқ эди. Улар менга виждонимга қарши иш қилишимни таклиф этишиди. Баҳс тонг отгунча давом этди. Баъзилар «ютиш имконияти бўлмаган кишига ёрдам беришдан маъно йўқ», деб кетиб қолишиди, бир неча киши эса қолиб, охиригача менга кўмак беришиди. Улар бор пулларини йифиб, сигареталар сотиб олдилар ва уларни тарқатиб, менга овоз беришни сўрадилар. Дўстларим-

нинг сигареталари — бу менинг «сайловолди кампаниямни молиялаштирган» ягона нарса эди.

Овоз беришдан кейин овозни санаш натижасини күтдим. қатнашишдан воз кечишни талаб қылганликларини айтмаса, бу сайловдан қатрача ҳам афсусланмадим. Зеро овозлар миқдоридан қатъи назар, мен барибир маънавий жиҳатдан ғала-ба қозонгандим — рақибларим таклиф этган «чиркин нафс васвасаси»ни дадиллик билан рад этгандим. Ҳатто мени сайламасалар ҳам, афсусланмасдим.

Лекин овозларни санаб чиқиши натижаларига кўра, мен 40 та овоз ортиқ олиб, голиб бўлдим. Шу лаҳзадан бошлаб менинг ҳаётимда катта ўзгаришлар бошланди. Мен янада фаол бўла бошладим ва тақдир таҳдидларига томон дадил қадам ташлардим.

Факультет сайловида голиб бўлганимдан сўнг, мен умум-университет миқёсидаги талабалар уюшмаси президенти сайловида қатнашишини истаб қолдим. Аммо у ерда ҳар бир факультетдан депутатларнинг овоз беришлари талаб этиларди. Ўша пайтда улар ҳар бирининг овозига эга бўлиш учун катта маблағ керак бўларди. Бундай вазиятда менинг бу сайловда қатнашишим бефойда эканлиги равshan эди ва мен бор куч-ғайратимни ўз факультетимнинг талабалар уюшмаси президенти сифатида сафарбар этишга қарор қилдим.

### **З июндаги иш ташлаш қутқучиси**

1964 йилда, 4-курсга ўтганимда, талабалик ҳаракати деярли чўққисига чиққанди. Сайловолди кампаниясида иқти-содиётни ривожлантиришга ваъда берган ҳарбий маъмуриятга маблағ керак эди. Шу туфайли хукумат Япония билан расмий муносабатларни барқарорлаштиришга шошиларди, бу ҳаракат президент Ли Син Ман давридан бўён амалга ошириб келинарди.

Корея-Япония муносабатларини тиқлаш борасидаги очиқ сиёсатга қарамай, корейсларнинг Японияни азалдан хуш кўрмаслиги туфайли бу оддий вазифа эмасди. Лекин ҳарбий маъмурият барибир маҳфий дипломатик музокаралар олиб борди, бу эса шубҳалар янада кучайишига ва аҳолининг норозилигига олиб келди. Ниҳоят, мухолиф партия ва жа-

моат ташкилотлари «Японияга нисбатан шармандали дипломатияга қарши кураш умумхалқ құмитаси»ни тузишди ва минтақаларни кеза бошлашды.

Шундай норозиликлар бұлғын туршигі қарамай, Республикачилар партияси спикери Ким Джонг Пиль 24 март куни музокараларни ниҳоясига етказиш учун Японияга борди, үшанды Сеул марказида 5 минг талаба құчаларга чиқди.

Сеул университетида 24 марта бошланған иш ташлашда қурбонлар бұлды, шундан сүнг норозилик бутун мамлакат бүйлаб ёйилди. 81 нафар талаба яраланды, 288 киши қамоққа олинди. Үша куни соат 3 да Коре университетида мингтacha киши йиғилди, талабалар «Японияга нисбатан шармандали, нохолис дипломатияга қарши манифест» қабул қилишди ва күчаларга чиқиши.

24 мартдаги иш ташлашлар ҳарбий маъмурият томонидан шафқатсизларча бостирилиши туфайли намойишлар түхтади, лекин норозилик сақланиб қолди. Шундан кейин уч ой давомида норозилик тадбирлари вақти-вақти билан үтказиб турғылди, бироқ үларнинг мазмуни ўзгарди. Ҳаракат Японияга нисбатан шармандали дипломатияга қарши норозиликлардан «ҳарбий маъмуриятни ағдариши» талабларини қўйишига ўтди.

Бироқ Коре университетида талабалар уюшмаси президенти пассив мавқени тутар, бирор ташкилий хатти-ҳаракатни амалга ошириш машаққат эди. Бу вазиятни муҳокама қилиш учун барча факультетларнинг талабалар президентлари йиғилишди, муҳокамадан сүнг президент ўринbosари вазифасини мен билан ҳуқуқшуслик факультети етакчisi Ли Кенг У иккимизнинг зиммамизга юқлашга қарор қилиши.

Талабалар фикрига кўра, мамлакатлар ўртасидаги миллий зиддиятларни оддий иқтисодий мантиқ билан яширган ҳолда сақлаб турғыш мақбул эмасди. Тарихимизни эслайдиган бўлсак, дарҳақиқат, Корея-Япония муносабатларини барқарорлаштириш учун шошилиш ярамасди. Қолаверса, Корея японлар билан махфий музокараларга қўлини чўзиб бормаслиги, балки, албатта, биринчи бўлғын Япония узр сўраб мурожаат қилиши керак эди. Акс ҳолда Корея миллатининг қадр-қимматига путур етган бўлур эди.

Шундай қилиб, ҳарбий маъмурият Корея-Япония муносабатларининг тикланишига ҳаётий заруриятдан келиб чиқиб ёндашарди. Талабалар ва халқнинг аксарияти эса, бунга халқ ва мамлакат тарихидаги ҳал этилмаган масала сифатида қарабарди. Шундан келиб чиқилса, ҳарбий маъмуриятнинг қарори шошмашошарлик билан қабул қилинган ва ўйлаб кўрилмаган эди.

Талабалар намойишлари Корея ҳукумати номидан музокараларда қатнашаётганларга зарар етказиб қўймасмикан, деб кўп ўйладим. Сиёсий тажрибага эга бўлмаган ҳарбийлар Корея-Япония саммитига бунчалик зўр бериб интилишлари менга ёқмасди. Лекин музокаралар бошланибдими, бизнинг тарафимиз музокараларда талабалар норозиликларини дастак қилиб, янада самаралироқ натижаларга эришишларини истардим (кеянчалик талабаларнинг вакили сифатида ҳам шу талабни қўйгандим ва ўз фикримни юқори мартабали давлат амалдорига етказганим, лекин натижасини била олмадим. Ўшанда 3 июнданги иш ташлашнинг ташаббускорлари «исёнга ундаш» моддаси билан айлангандилар, шу сабабли менинг сўзларим умуман беэътибор қолган, деган холосага келиш мумкин).

Шундай қилиб, менга Корея университети талабалар уюшмаси президентининг ўринbosари вазифаси юкланди ва мен ўз гояларим билан кенг кўламли талабалар чиқишини тайёрлашга киришдим. 1964 йил 3 июнь, туш пайтида талабаларнинг Сеул кўчаларига чиқиши ва Корея-Япония саммитига қарши оммавий намойишда қатнашишлари режалаштирилганди. Бу тадбирни ўтказишида давлат хавфсизлиги хизматларидан эҳтиёт бўлиш зарур эди, шу сабабли барча иш ўта маҳфий қилинарди, мен эса воқеаларнинг қоқ марказида эдим.

Режага кўра 3 июнь, туш пайтида 12 минг нафар талаба Сеул кўчаларига чиқишиди ва намойишда қатнашишиди. Чиқиши кўлами 19 апрелдаги талабалар инқилобидагидан кам эмасди. Кўрқиб кетган ҳукумат ўша куни кечурун соат 8 дан ҳарбий ҳолат эълон қилди. Полиция воқеаларнинг ташаббускорларини аниқлаб, Сеул давлат университетидан Ким Джунг Тхэ, Хен Синг Иль, Ким До Хенни, Корея университетидан Ли Мён Бақ, Ли Генг У ва Пак Джонг Хунни қамоқقا олиш ҳақида ордер берди. Ҳокимиятдан яшириниб юрган узоқ, машақкатли кунларим бошланди.

Мен ва Ли Генг У (хуқуқшунослик факультети президенти) полициядан яшириниб, уйимизга келдик. Менда 3 июнь намойишини тайёрлашда қатнашганларнинг рўйхати тиркалган, «бу ерда айтилганларнинг барчаси сир сақлансан» деб ёзилган ҳужжат бор эди. Агар мени бу ҳужжат билан қўлга олишса, бу барча асосий иштирокчиларни фош этиш билан тенг эди. Мен бу ҳужжатни уйга яшириб қўйдим ва чарчаб, кроссовкамни ечмасдан кроватга чўзилдим.

Кейин, куттанимиздек, уйимизга айғоқчилар келишди, биз эса, девордан ошиб қочиб қолишга улурдик. Шунда яшириниш учун бошқа жой топишга қарор қилдик. Мен шаҳарда яшириндим ва пешингача акамга, ишхонасига қўнғироқ қилдим. Акам тезда унинг дўстиникига боришимни айтди. Бу унинг курсдоши ва ҳамкасби бўлиб, яқинда уйланган эди. Мен Вонхеро туманидаги ёш келин-куёвлар уйида бир кун ётиб қолдим, сўнг уларни ортиқча ташвишга солмаслик учун жўнаб кетдим. Чунки ҳарбий маъмурият қочоқларни яширганлар ҳам жазоланишини эълон қилганди.

Мен акамнинг дўстининг уйидан чиқиб, Хан дарёси устидаги қўприк бўйлаб кетдим. Акам Пусанда яшириниш мумкинлигини айтганди ва мен мамлакат жануби томон йўл олдим.

Пусангача етиб олиш осон эмасди. Мен поездда кетардим, агар нимадандир шубҳалансам, автобусга чиқиб олардим. Пусангча етиб олгунимча бир неча кун кетди. Лекин Пусанда яширинган уйимда ҳам узоқ қолишим мумкин эмасди. Бир куни уй соҳиби газета билан келди ва:

— Мана, талаба, қараб қўй. Яширган одамларни ҳам жазолашар экан. Айтишга тилим бормаяптию, лекин сени барibir қачондир қўлга олишади. Шунда бизнинг уйимизда яширинганлигинг фош бўлади ва мен ҳам жавоб беришимга тўгри келади. Шундай экан, нима қилишни ўйлаб кўр... — деди.

Бошқа яширинадиган жойим қолмаганди. Пулим ҳам буткул тугаганди. Бу қандай адолатсизлик, деб ўйлардим. Мен нима ёмон иш қилдим?

Уй эгасининг сўзларидан кейин мен, ташвишга тушиб, кўчага, тоза ҳавога чиқдим. Шунда ўта хавфли жиноятчилар расмлари туширилган плакатга кўзим тушди. Яқинроқ бориб плакатдаги фотосуратларни кўриб чиқа бошладим. У ерда, жиноятчилар билан бир қаторда менинг ҳам суратим бор

эди. Яъни мен оғир жиноят қылғанлар билан тенглаштирилгандым. Оёқларим бўшашиб кетди. Шу заҳоти акамга қўнғироқ қилдим. Акам мендан жуда хавотирда эди. Нима қилмоқчи эканлигимни сўради.

— Уларнинг олдига ўзим бораман. Аммо бу айбига иқрор бўлиш дегани эмас.

— Агар айбингга иқрор бўлсанг, жазо енгиллашади, дейишяпти. Шаҳар полициясида бизнинг вилоятдан келган танишим ишлайди. Шунча қийналганинг етади, Сеулга қайтгин-да, унинг ҳузурига бор.

— Ака, менинг тан оладиган айбим йўқ. Қандай жиноят қилибман? Шунчаки уларнинг олдига ўзим бораман.

— Ҳа, тўғри қарорга келибсан. Лекин эҳтиёт бўл, йўлда тутиб олишмасин.

Сеулга қайтиш Пусанг қочиб кетишдан ҳам қийинроқ бўлди. Тузоққа тушмаслик керак эди. Охир-оқибат акамнинг ўша таниши билан учрашдим, шундан сўнг шаҳар полициясига «ташриф буюрдим». Лекин кейинроқ билсам, у таниш одам мени кўлга олган айгоқчи сифатида қайд қилинган, ҳатто мен туфайли мукофот ҳам олган экан.

Полицияга келганимда, у ердагилар 3 июнь намойишини қаерда ўтказишимизни билибнина қолмай, балки қўлларида ташкилий ишларда бизга ёрдам берганларнинг батафсил рўйхати ҳам борлигидан ҳайрон қолдим. Талабалар уюшмаси орасида марказий ахборот идорасидан «қулоқ» бўлганлигини бир қанча вақт ўтгач билдим. 10 йил ўтгач, ўша одам маҳсус хизмат ходими бўлганлигини эшитдим.

### **Мен қайта туғилган Содэмун қамоғи**

Менинг тергов ишларим Пильдонг туманидаги пойтахт мудофаа бошқармасига қарашли ҳарбий департаментда ўтказилди. Ўша пайтда, ҳарбий вазиятда сўроқлар қийноқдек ўтказилганини айтиш лозим. Ҳеч нарса айтмаётганимни кўриб, терговчи қўлидан келганча дўқ-пўписа қилди. Ухлашга эса умуман имкон бермасдилар.

— Сени гапиришга мажбур қилишнинг ҳар хил йўллари бор. Биз сени музлаткичга тиқиб қўйишимиз мумкин,

бўйнингта тош боғлаб Инчонда денгизга улоқтиришимиз мумкин. Умуман, нариги дунёга равона қилишимиз мумкин, бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Агар гўёки баҳтсиз ҳодисадан ўлиб кетгинг келмаса, яхшиликча гапир, абраҳ.

Лекин мен барибир жим эдим. Чунки ўртоқларимиз билан берган аҳдимизда туришим керак эди. Терговчи, вақтни бекор ўтказгиси келмади шекилли, намойиш ўтказилиши режалаштирилган жойлар рўйхати ва иштирокчилар рўйхатини қўлимга тутқазди. Бу уларнинг жосуси берган маълумотлар эди.

Тергов тугади. Суд муҳокамаси кетаётган даврда ҳарбий ҳолат бекор қилинди ва тугал қарор чиқариш ҳукуқи фуқаролик судига ўтказилди. Лекин бу — жазо енгиллашади, легани эмасди. Мени 5 йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилишибди, бошқа «ташаббускор»лар ҳам шунча муддат олишибди, бизни Содэмун қамогига олиб кетишибди.

3 июнь иши бўйича айблангандардан фақат Пак Джонг Хунгина яшириниб қолди, қолган барча — Ким Джунг Тхэ, Хен Синг Иль, Ким До Хен, Ли Генг У ва мен оддий қамоқ камераларига ташландик. Камералардаги «оқсоқоллар» бизларни жиноятчилар сифатида қабул қилишибди. Жиноятчиларнинг ўзлари эса, диктатурага қарши кураш сабабли қамалган талабаларга яхши муносабатда бўлишибди.

Мени қамаштан камерада зўрлаганлик, қотиллик, қаллоблик, ўғрилик ва бошқа оғир жиноятлари учун ҳукм қилингандар бор эди. Бўш вақтларда улар ўз «қаҳрамонликлари» ҳақида ҳикоя қилиб берардилар.

Ҳибсга олинган талабалар қамоқни яна бир кураш майдонига айлантишибди ва очлик эълон қилишибди. Демократик ҳаракатнинг курашувчанлик руҳи қамоқда янада мустаҳкамланди. Судга мухолиф партиялар сиёсатчилари, дин арбоблари, юристлар, маданият вакиллари келишар, талабалар ҳам қаттиқ қўллаб-қувватлашарди. Афтидан, биз қаҳрамонга айлангандик.

Дарҳақиқат, диктатурага қарши курашаётган жамоат арбоблари биздан қаҳрамонлар ясашганди ва, фурсадан фойдаланиб, сиёсий вазиятни ўзгартириш ниятларини яшишиб масди. Бизни руҳлантириб туриш учун қамоқча, ҳатто, машхур сиёсатчилар, собиқ президент Юн Бо Сон ва бошқалар

ҳам келишарди. Қамоқдаги талабалар жамиятнинг бундай мададини табиий деб ҳисоблашарди.

Лекин мен ўзимизни шу қамоқда жон берган ватанпарварлар ва мустақиллик учун курашгандарга таққослашга арзигулик ҳеч нарса қилмаганимизни жуда яхши билардим. Ҳукуматнинг шармандали дипломатиясига қарши норозилик ўтган даврлардаги курашчиларнинг ишлари олдида ҳеч нарса эмасди. Зеро мамлакатни танқид қиласиганларнинг барчаси ҳам ватанпарвар эмас. Бу ўз ватанини севадиган ёш авлоднинг мажбурияти эди, холос. Бу ўзини миллий қаҳрамон даражасига кўтаришга арзимасди.

Қамоқда бунинг барини мулоҳаза қилиб кўриб, нима қилишим лозимлигини тушундим. Мен факультет талабалар уюшмасининг президенти ёхуд университет уюшмаси президентининг ўринбосари бўлган пайтимда эътиборсиз қолдирган ўқишимга бор кучимни бера бошладим. Мен кўп китоб ўқидим, улар ичida соҳамга таалуқди эмаслари ҳам бор эди, кўп фикр юритдим. Ўтган 20 йилим, яшаган эмас, шунчаки кун кечирган даврларим ҳақида мулоҳаза қилдим, инсон ва жамиятнинг вазифаси ҳақида тафаккур қилдим.

Қамоқда менда, аслида, шу пайтгача бўлмаган «озодлик» пайдо бўлди. Шу боис омадим келди, деб ҳисобладим.

Қамоқда мен оптимистга айландим. Бунга қадар менинг ҳаётим чидаб бўлмас аҳволда эди, «тубанликда» ҳаёт кечираман, деб ўйлардим. Тушкунлик мени асло тарк этмайди, деган фикрда эдим.

Аммо қамоқقا тушгач, пессимизм ва оптимизм — нисбий тушунчалар эканлигини англадим. Куйида туриб, ўзини юқорироқдагилар билан тинмай солишираверадиган киши — пессимист. Ўз мавқенини бошқа кўпчиликникига қараганда юқорироқ деб санайдиган киши эса — оптимист. Агар қамоқдаги ҳаётга озод киши нуқтаи назаридан қаралса, ҳеч қандай умид йўқдек туюлади. Лекин қатл қилишга олиб кетилаётган киши учун бундай ҳаёт мусаффо ва самимий кўринади. Мен ҳар куни ўзимдан беш қадам нарида девор бўйлаб юриб, қатлгача қолган кунларини санаётган маҳбусларни кузатиб, ўзимнинг ўтмишга муносабатимни ўзгартира олдим — тушкунликдан чиқиб, уни қадрлай бошладим.



1964 йил 3 июндаги талабалар намойиши бүйича иш күрилаётган судда

Яна инсонда омон қолишининг чексиз имконияти жо қилинганигини ўзимда синаб кўрдим. Дастлабки кунларда, эрталаб ювениш учун бериладиган бир неча томчи сув билан ҳатто қўлимни ҳам юва олмасдим. Лекин бир ой ҳам ўтмай, бу сувни ювенишга бемалол етказа оладиган бўлдим.

Овқатимиз бир неча дона нўхати бўлган арпа бўтқаси эди, бу менга ҳақиқий таҳқирлаш бўлиб кўринарди. Лекин бир неча кун нўхатсиз бўтқа беришди. Ўшанда бадантарбия қиларканман (бир кунда бадантарбия учун 10 дақиқа вақт бериларди), менда умуман қуч қолмаганлигини ҳис этдим. Ҳаёт учун бир томчи сув ва бир дона нўхат ҳам шунчалик қадрли экан. Ўшанда мен инсон омон қолиши учун унчалик кўп нарса керак эмаслигини тушундим.

Шундан сўнг, «саломатликни сақлаш учун» куч берувчи воситаларни ҳали-ҳануз бирор марта ҳам ичмадим. «Саломат-

лик учун фойдали» ниманидир ейишдек ҳашаматни ўзимга эп кўрмадим. Чунки агар бунда ҳаддан ошиб кетилса, табиат қонунлари бузилади ва, одатда, аксинча бўлади — саломатликка путур етади.

Қамоқда талабалар ҳаракатининг чегараларини ўзим учун қатъий белгилаб олдим. Талабалар ҳаракати самимий интилиш асосида юзага келадиган иш бўлиб қолиши керак. Лекин уни амалга оширишга ҳаракат қилинса, бу кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин. Албатта, талабаларнинг ҳар қандай масалани кўтариб чиқишга ҳаққи бор, лекин уни ҳал этиш — бу бутунлай бошқа масала.

Қамоқда талабалар ҳаракати касбга айланмаслиги кераклигини тушундим. Мен талабалар норозиликларини сиёsatчи бўлиш учун «тажриба» сифатида қабул қила олмасдим.

Балки, талабалар ҳаракати ва катта авлод ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ҳақидаги қарашларим идеалистик бўлиб, реал ҳаётдан анча йироқдир. Лекин ҳар доим ҳам идеализм нореал эмас.

Ота-оналарнинг фарзандлар билан суҳбати энг яхши мисол бўла олади. Ота-она ва болалар ўзаро суҳбатлашмайдиган оила баҳтсиздир. Болалари қулоқ солмайдиган ота-оналар ҳам баҳтсиз. Шунингдек, ота-онаси зугум қиласидиган болалар ҳам баҳтсиз. Аммо суҳбат кўнгилдан эмас, шунчаки, гаплашиб ўтириш учун ўтказиладиган оиласи ҳам баҳтли деб бўлмайди. Мулоқот фарзанд — фарзандлигича, ота-она эса — ота-оналигича қолган ҳолларда, улар ўртасида хурмат ва ишонч бўлгандагина рўй беради. Менинг ёшлигимда жамиятда «ҳақиқий оталар» унчалик кўп бўлмаганди.

Мени 1964 йилнинг июнида олиб келишган Содэмун қамоғидаги ҳаёт ўша йилнинг октябридаёқ якун топди. Олий судда 2 йиллик қамоқ жазоси 3 йилга шарғли равишда озод қилиш билан алмаштирилди. Озодликка чиқдим ва бу қисқа муддат ичida машкур бўлиб кетганимни билдим. Қўлга олиш, хибс, суд, қамоқ — булар ҳақида ҳар гал газеталарда хабар бериларди.

Шундай ҳам бўлганди. Онам томонидан қариндошларимиз Банъяволда, Тэгудан сал нарида яшашар, мева етиштиришарди. Биз жуда қашшоқ бўлганимиз боис уларникiga кам борардик. Улардан ҳам ҳеч қандай хат-хабар йўқ эди. Тўсат-

дан шу қариндошларимиз менга бир кути олма жүнатишиди. Лекин бу әмас, балки қутидаги манзил күпроқ ёдимда қолди. «Сеул шаҳри. Енгсан тумани. Ли Мён Бакка».

Кейинроқ маълум бўлишича, улар газетада мен ҳақимда мақолани ўқишигач, менга раҳмлари келган ва, манзилимизни билишмаса-да, олма жүнатишган. Улар Похангдан кўчиб кетганимизни, Сеулда, Енгсан туманидами-ей яшашимизнигина билишарди, холос. Шунинг учун ҳам: «Сеул, Енгсан, Ли Мён Бакка» деб ёзиб юборишган. Мен шунчалик машхур эдимки, олмали кути айлануб-айлануб бўлса-да, Хечанг туманидаги хароба кулбамизгacha етиб борди.

## Онаизор

Университетда ўқишим тиклангач, «тажрибам»ни ҳисобга олиб, битирув имтиҳонларисиз ҳам ўқиши туталлашим мумкинлигини айтишиди. Мен бундан миннатдор бўлдим, албатта, лекин университетнинг дардисар талабадан тезроқ кутулиш сиёсати кўнглимга ўтирмади. Менга бундай муносабатда бўлишларига йўл қўя олмасдим. Қолаверса, қамоқда ихтисосим бўйича кўп тайёрлангандим.

Менга йўқ жойдан баҳо кўйиб бериш керакмаслигини айтдим, ҳар бир профессорнинг олдига бориб, имтиҳон топширишимни билдиридим. Университетдагилар, ўз-ўзидан кўйилаётган баҳодан бош тортаётган талабани биринчи бор кўраётгандикларини айтиб, ҳайрон қолишарди. Ўқитувчилар мени деб имтиҳон саволларини қайта тузишга, имтиҳон олишга, ишни текшириб вақтларини йўқотишга мажбур бўлишарди, лекин ҳеч қайсилари аччиқланганликларини кўрсатишмади. Профессорларнинг хоналарига қатнаб имтиҳон топширадим. Таъбир жоиз бўлса, қамоқда мен имтиҳонларга тайёрлангандим ва шу боис баҳолар ҳам яхши бўларди.

Талабалар уюшмаси президентлигига сайловлар, 3 июнь воқеалари, қочоқлик ва қамоқдаги даврим — бу йил мен жуда кўп воқеаларни бошимдан кечирдим ва ўзимни қанотлари пайдо бўлган гумбакдек ҳис қилдим.

Үйимизда ҳам ўзгаришлар бўлганди. 4-курсга ўтишим билан иккинчи акам Хечангда икки хонали кичикроқ уй топди

ва Итэвондаги каталак хонадаги ҳаётимиз якунига етди. Ҳаётимдаги асосий таянчим бўлган онам, эндиликда ўзим оёққа тура олишимга кўзи етганидан бўлса керак, мустақил яшашимга ижозат беришга қарор қилди. Япониядан қайтганидан кейинги ўтган 20 йил давомида онамнинг бирор куни ҳам тинч ўтмаганди ва бу унинг саломатлигига путур етказганди. Агар онам мен армиядда ўтганимдек, тиббий кўрикдан ўтганида, унга қандай ташхис қўйилган бўларди? Унинг бутун организми заифлашган, айниқса, доимий фам-ташвишлар ва оғир меҳнат туфайли юраги касал эди.

Онам мени кўргани қамоққа бир мартагина келди. Бу 1964 йил сентябрь ойининг охирларида эди. Мен онамга маҳбус кийимида кўрина олмасдим, у шусиз ҳам кенжা ўғлини қамаганларидан сиқилиб юради. Қамоқхона нозиридан фуқаро кийимини кийишга рухсат олдим ва учрашув хонасига чиқдим.

Онам оппоқ мотам кийимида эди. Унда бошқа кийим ҳам бўлиши керак эди, нега айнан шундай кийинди экан? Шу кийимни киймаса, юрагим бунчалар эзилмаган бўларди. Бемор онам эса, зўр бериб ўзини сорлом кўрсатишга уринарди. Мен ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. У менинг ўсан соқолимга, кейин кўзларимга боқди.

— Мён Бак, мен сендан маъни чиқмайди, деб ўйлардим. Лекин, аслида сен ҳаммадан яххисан. Ҳозир ҳам сен тўғри иш қилдинг деб ўйлайман. Доим эътиқодинг буюрган ишни қилгин, мен эса, сенинг ҳаққингга дуо қиласман.

Учрашувда онам менга фақат шу сўзларнигина айтганди. У менинг тарафимни биринчи марта олиши эди. Ўртамизга оғир, ҳатто, қамоқнинг панжараларидан ҳам оғирроқ сукунат чўқди. Лекин бу сукунат ўғилга нисбатан ишончга, шунингдек, са-мимий миннатдорчилик туйғусига лиммо-лим тўла эди. Онам менга яна бир бор боқди ва индамай ортга ўгирилди.

— Яна вақтларинг бор.

Қамоқхона нозири яна 5 дақиқа қолганини хабар қилди, унга она ва ўғилнинг учрашуви жуда қуруқ кўриндими ёки бизга раҳми келдими, билмадим.

— Дийдорини кўрганимнинг ўзи етади.

Онам шундай инсон эди.

Болалигимда қариндошларни кига ёрдамлашгани боришига мажбурлаганида узоқ тушунтириб ўтирасди. Қисқа ва аниқ буйруқнинг ўзи етарли бўларди. Аммо учрашувда онамга ҳам ўз ҳиссиётларини тийиб туриш қийин бўлгандир. Агар қамоқдаги ўғлига яна бироз қараганида йиглаб юборган бўларди. Шу учрашувдан кейин унинг «эътиқодинг буюрган ишни қил» деган сўзларини бир умр эслаб қолдим.

Қамоқдан чиққанимда онам оғир касал эди. Аҳволи тобора ёмонлашарди. Онам етти фарзандни дунёга келтирди, иккитасидан жудо бўлди, кенжасини ҳам йўқотишига бир баҳя қолди ва, афтидан, мени озод қилишгачгина хотиржам бўлди.


Аввал айтганимдек, барчамизни оёққа турғазмагунча онам бир дақиқа ҳам тинчимади; у ўзи учун ҳеч қачон вақт ва пул сарфламасди; унинг ўзиники бўлган ҳеч нарса йўқ, эди — ўша йилнинг 15 декабрида онам вафот этди. Бу воқеа ўрганча акам Имун туманидан уй сотиб олишга шартнома тузганидан кейиноқ рўй берди.

Онам «ўз уйи»га эга бўлиш орзуси ушалган лаҳзада жон берди. Отам ва онам ватангга қайтишда кема ҳалокатида тирик қолишибди, оиласлари учун Поханг ва Итэвон бозорларида ишлаб, барча нарсадан воз кечишибди. Онамнинг бегона уйдаги ўлеми қанчалар қайгули эди! Онамнинг руҳи арши аълога кўтарилаётганида барча қариндошлар йиглашди, янги уйга кўчган кунимиз ҳам ҳамма йиглади.

Фарзандлар ўйидаги она ва отам ўйидаги рафиқа — бу бутунлай бошқача сиймолардир. Отам қолган умрини Кенги вилоятидаги Ичон шаҳрида ўтказди. Катта акам унинг учун кичикроқ хўжалик сотиб олиб берди. У ерга кўчиб ўтиши билан онамнинг қабрини ҳам ўша ёққа кўчириб олиб борди. Қабр тошидаги битикни ҳам ўзи ёзди:

«Ҳаёт азбларини адогига етказсанг-да, фарзандларинг камолини кўриш сенга насиб қилмади. Энди бу ерда ором олмоқдасан. Ҳаёт лаззатини сенсиз totaётганим учун мени маъзур тут».

Отам 1981 йилда, мен «Хендэ» қурилиш компаниясининг директори бўлган пайтимда вафот этди. У ҳам, онам каби, декабрь ойида дунёдан ўтди.



Л И М ё Н Б А К

*Ишда үүккіларни  
Забт этиш*

Пичокни юзим олдида сермаши, сұнг мени  
тепа бошлаши. Бирок сейфнинг калит-  
ларини баривиғ бермадым.

Бунга ийл құя олмаслигимни үйлаб, кам-  
ситилишдан күтулиб қолиши инстинкти  
тұфайлы тишижни тишижга қаттық бос-  
дым.

Л И М ё Н Б А К



## **Ишга киришда сүсткашлик қилмаслик даркор**

Мен қамоқдан чиқдим, күлимда дипломим бор, шунга қарамай озод инсон эмасдим. «Исёнга ундаш»да айбланиб қамалганим боис, акамнинг Имун туманидаги уйидан 2 км дан олисрөкқа борадиган бўлсам, ҳар гал бу ҳақда маҳаллий полиция участкасига хабар беришим керак эди.

Содэмун қамофига ўтиарканман, «сиёсий ҳаракатни касб қилиб олиш» ниятидан воз кечиб, ихтисосим — иқтисодиёт бўйича ўқишига эътиборни кучайтиргандим. Чунки ўша пайтда иқтисодиёт мен учун сиёсатдан кўра зарурроқ вазифа, деган хуносага келгандим.

У пайтларда Корея шундай аҳволда эдики, ҳатто обрўли университетни туталлагандан кейин ҳам иш топиб бўлмасди. Кўчада иписизлар тўлиб ётар, шу сабабли аҳоли жон бошига йиллик даромад атиги 80 доллар бўлган қолоқ мамлакатга, энг аввало, «иш ўринлари» керак эди. Бу муаммони сиёсат эмас, балки иқтисодиёт ҳал эта оларди. Сиёсат билан давлатнинг иқтисодий асослари барқарор бўлгандан кейин ҳам шугулланса кеч бўлмайди, деган қарорга келдим.

Мен университетни тамомлаб, ишга жойлашиш учун бир неча марта имтиҳон топширдим, лекин ҳар гал хужжатлар текширилганда ёки суҳбатда «йиқилардим». Мен озод эмасдим ва ҳеч қаерда ишлай олмасдим. Талабалар ҳаракатида бирга қатнашган дўстларим сиёсат билан шугуллана бошлиши. Кўнглим бўм-бўш, худди сахрова танҳо яшаётгандек эдим. «Ўтмишдаги тажрибам», аникроғи, давлатнинг ўзи менинг келажак сари йўлимга тўганоқлик қиласарди. Кўринмас кўл ёқамдан маҳкам тутиб олган, бундан даҳшатга тушардим.

Ишга жойлаша олмаганимдан тушкунликка тушганимда тўсатдан университетдагилар иш топишга ёрдам бериши. Бу Тэгудаги кичкина тўқимачилик фирмаси эди. Бу ерда узоқ қолиб бўлмасди, лекин, ҳар ҳолда, меҳнат фаолиятини бошлишга арзигулик тайинли иш эди. Университетдагилар, агар вилоятта кетсан, маҳсус хизматлар жонимга тегишимаслиги-

ни айтишди. Ўқитувчиларим мен ҳақимда қайгурғанларидан миннатдор эдим.

Шундай қилиб, мен Сеул аталмиш улкан қамоқдан күтүлдім. Афтидан, тұқымачилик фирмасыда Сеулнинг обрұли университети битирүвчисини биринчи бор ишга олишганди, шу сабабли менинг қатый белгиланған ишим йўқ эди. Ўша ерда Похангдан келган дўстим яшарди ва мен вақтингча уникида яшаб туришга қарор қилдим.

— Ли, фирмада ишлаб юрганингда менинг ўғлим билан ҳам шугуллан...

Ишга кирганимнинг тўртинчи куни директор мени ҳузурига чорлади ва уларнинг оиласи өрепетитори бўлишимни сўради. Шундагина мен бу компанияга вилоятдан чиқсан ва яхши маълумотга эга малакали ишчи нега кераклигини тушундим.

Амаллаб тирикчилик қилиш учун бу маънавий жиҳатдан ҳам, жисмоний жиҳатдан ҳам қийин иш эмасди. Лекин бу Содэмун қамогида ўтирганимдаёқ жойлашишни орзу қилганим «компания» эмасди, асло. Бу ерда ишлаб туриб, давлат ва жамият тараққиётига қандай ҳисса қўшиб бўларди? Менинг бу ердаги аҳволимни таълабалар ҳаракатидаги ўртоқларим кўриб қолишиша, нима дейишарди?

Улар билан учрашиб қолсам, бошимни кўтара олмаган бўлардим. Кўнглим хижил бўлиб, бир ой шу ишда ишладим, аммо барibir Тэгуни тарк этдим.

Сеулга қайтгач, келажагим ҳақида ташвишланиб юрганимда тасодифан газетада кичкинагина эълонни ўқиб қолдим ва у эътиборимни жалб этди.

«Чет элдаги қурилиш ишларига ишчилар таклиф қилинади».

Бу «Хендэ» қурилиш компаниясининг эълони эди, улар Таиландда ишлаш учун ишчилар таклиф қилишарди. У вақтда ушбу қурилиш компанияси ҳақида деярли ҳеч нарса билмасдим, фақат қандайдир унчалик катта бўлмаган «Хендэ» қурилиш компанияси Либерал партия хукмронлиги даврида ўсиш суръатлари бўйича Кореяning бешта асосий қурилиш компаниясидан ўзиб кетгани ва жадал ўсиб бораётгани ҳақида миш-мишлар қулогимга чалинганди.

Бу реклама мени компаниянинг кўлами туфайли эмас, иш чет элда эканлиги билан жалб қилди. Ўша вақтларда хорижга чиқиши имконияти фақат чет элда ўқиши учун давлат стипендиясини олган талабаларга, давлат хизматчиларига ва бошқа алоҳида ҳоллардагина бериладиган имтиёз саналарди. Мамлакатда 60-йилларда юзага келган вазият кўплаб ёшларни чет элга юзланишга мажбур қиласди.

Кореяда менга жой йўқ эди, шу сабабли четга чиқиб кетиш — кутулишнинг ягона йўли эди. Шарт-шароитлари қандай бўлмасин, менга «ишилагани» имкон берсалар, бу мен учун нажот эди. Мен, худди сеҳрлангандек, «чет элда иш» деган сўзлар кетидан эргашиб бордим.

1965 йилнинг май ойида «Хендэ» курилиш компаниясига ишга киришга хужжатлар топширдим. Ўша пайтда, такрор айтаман, ҳатто обрўли университетни битиргандан кейин ҳам ҳеч қандай иш топиб бўлмасди. Бу ерда эса, хорижда ишлишга таклиф қилинмоқда эди, шу сабабли суҳбатта келган одамлар сон-саноқсиз эди. «Ёш ишсизлар» тўдаси ичида жамиятнинг ҳақиқий аҳволини янада яхшироқ тушунган ҳолда, ўзимнинг имтиҳон билетимни олдим.

Биринчи босқич — ёзма имтиҳонни яхши топширдим. Ўта олармиканман, ўта олсам ҳам четга чиқа олармиканман, қачон мендан бу «қамоқ, кишанлари»ни олиб ташлашар экан? Ана шундай кечинмалар билан бир ҳафтани ўтказдим, лекин ҳеч қандай хабар йўқ эди ва ҳафсалам пир бўлиб, умидимни узуб қўйдим.

Лекин менга «кадрлар бўлими бошлиғи билан учрашув» ҳақидаги хабар ёзилган телеграмма келиб қолди. Агар мен ёзма имтиҳондан ўтган бўлсам, менга шунчаки суҳбат ўтказиладиган сана ва жойни хабар қилишлари керак эди. Бу ерда эса шахсан кадрлар бўлими бошлиғи билан учрашув, деб ёзилган! Афтидан, тақдирнинг кўринмас қўллари яна ўзининг тўрини тортаётганди.

«Хендэ» курилиш компаниясининг кадрлар бўлими бошлиғи менинг хужжатларимни бироз афсусланиш билан қўлига олди.

— Ёзма имтиҳон натижалари жуда яхши, лекин... сиз олдин талабалар ҳаракатида қатнашган экансиз. Ҳозирча

рахбарият бундан бехабар, лекин мен уларни бу ҳақда хабардор қилишим лозим. Бу вазиятдан қутулишнинг бирор йўли йўқми?

Кейин билсам, бўлим бошлиғи мен битирган ОЎЮда ўқиган экан. Шу боис у бошиданоқ менга меҳр билан ёндашди.

Мен бирон нима ўйлаб топишта ҳаракат қилишимни айтдим, лекин нима қилиш мумкинлиги ҳақида умуман тушунчага эга эмасдим. Ҳеч қаерга бориб, ҳеч кимдан сўраб бўлмасди. Бу ҳақда иккинчи акамга сўзлаб бердим. Ўша пайтда акам давлат корпорацияси директорининг оиласида репетитор бўлиб ишларди ва у мен учун директорнинг шахсий тавсияномасини ундириб берди. Акам у оилада катта ишонч қозонгани сабабли бу ишни удалади. Лекин, кўришидан, ҳатто бундай тавсиянома ҳам менга ёрдам бера олмайдигандай эди.

Шунда таваккалига иш қилиш лозим, деган қарорга келдим. Уйга келиб мактуб ёздим. У президент Пак Чонг Хига аталган эди. Мен талабалар ҳаракатида қатнашганимда ниятларим холис бўлганлиги ҳақида ёздим, ҳозирги аҳволимни батафсил ёритдим ва менинг жамиятга ихтиёрий суратда хизмат қилишимга тўсқинлик қилаётгани учун хукуматни қаттиқ танқид қилдим.

Бир неча кундан кейин президент аппаратидагилар мен билан боғланишди. Бу жамоатчилик билан алоқалар бўйича масъул котиб Ли Нак Сон эди. Бошида у холис кишига ўхшаб кўринди. Лекин менинг кучли мулоҳазаларим унга таъсир кўрсатмади. У ўз қарашларида қатъий эди.

— Давлат режимига қарши чиққан кишиларда кейинчалик муаммолар туғилиши адолатдан эмасми? Нима ҳам қилардик, лекин бу талабалар ҳаракатида энди иштирок этмоқчи бўлганлар учун яхшигина сабоқ бўлади.

Лекин бирордан сўнг, менга раҳми келди, шекилли, Ли Нак Сон бир таклифни айтди.

— Давлат тизимида ишлашни ёки чет элда ўқиб келишини хоҳлайсанми? Мен сенга ёрдам беришим мумкин. Бошқа ҳар хил имкониятлар бор, хусусий корхонада нима қиласан?

Мен давлат муассасасида ишлашни ҳам, чет элда ўқишини ҳам истамаслигимни қатыйй айтдим. Чунки мен қачонлардир «душманим» бўлган ҳукуматдан бу «эҳсон»ни ололмасдим. Бу мен томондан ожизлик бўлур эди. Менинг маънавий принципларим бундай қилишга йўл қўймасди. Мен ўз норозилигимни билдиридим ва ҳукумат нега хусусий компанияда ишлашимга тўсқинлик қилаётганини тушунмаётганлигимни айтдим. Кетишидан олдин шундай дедим:

— Агар давлат ўз кучи билан ишлашни истаётган кишининг йўлида ҳар гал ана шундай тўғаноқ бўлаверса, у бундай фуқаролар олдида тоабад қарздор бўлиб қолади.

Кейинчалик мен бу сўзларимни унтиб юбордим. «Хендэ» курилиш компанияси раҳбари бўлганимда Ли Нак Сон солик агентлигининг директори эди. Бир куни у билан тасодифан учрашиб қолдик ва у менинг сўзларимни эслаб, шундай деди:

— Жаноб Ли, кетар чоғимда айтган сўзларингиз менга қаттиқ таъсир қилганди. Шу даражада таъсир қилганники, президент аппаратида маслаҳатчилар мажлиси ташкил этилди ва унинг хulosаси асосида сизга, ҳеч қандай ижтимоий ҳаракатларда иштирок этмаслигингиз шарти билан, «Хендэ»да ишлашга рухсат берилди.

Ҳозир ўйлаб қаралса, менинг сўзларим кўпол кўринар. Лекин, менинг тинглагани учун Ли Нак Сондан миннатдорман. Ҳар гал бу ҳодиса ҳақида эслар эканман, беихтиёр юзимга табассум югуради.

## Курилиш — бу бунёдкорлик

Ахийри, кўплаб қийинчиликлардан сўнг, 1965 йилнинг июнь ойида «Хендэ» компаниясининг Муте туманидаги, олдин «Мунхва Ильбо» газетаси таҳририяти жойлашган жойдаги бош офисида сұхбатдан ўтдим.

Сұхбатда олти киши: директор Чонг Джу Енг, тижорат бўлими бошлиғи Ли Чун Рим, ўринбосар Квон Ги Тэ ва бошқалар иштирок этилди. Директор Чонг марказда, «Хендэ» курилиш компанияси» деган ёзувли иш кийимида ўтиради. У компания директоридан кўра кўпроқ ҳарбий рота-

нинг командирига ўхшаб кетарди, қаттиққўл ва ўзига ишонган кишидек кўринарди.

Мен ўзимни таништирдим, шундан сўнг директор Чонг маълумотномамни ўқиди, кейин кўзимга тик қараб сўради:

— Нима деб ўйлайсан, қурилиш — бу нима?

Бу мен кутмаган савол эди. Лекин жавоб ўз-ўзидан қуилиб келди.

— Менимча, қурилиш — бу бунёдкорлик.

— Нега?

— Чунки ҳеч нарсадан нимадир яратилади.

— Яхши гапирайсан.

Директор Чонг табассум қилди. Лекин ҳамма ҳам унинг қувончига шерик бўлмади.

— Бизнинг давримизда чиройли сўзлайдиганлар кўп.

Улар менга яна бир қанча саволлар беришди. Афтидан, уларнинг бари менинг «исёнкор» ўтмишпимдан хабардор эдилар, лекин бу ҳақда эсламадилар.

Суҳбат натижасини кутар эканман, ёзма имтиҳондан кўйингидан ҳам кучлироқ ҳаяжонланар эдим. Мен ишга ҳам



Янги ходимлар учун уюстирилган кечада

маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан тайёр эдим, лекин дунё буни қабул қиласди. Шу сабабли мен кетишпим керак. Бу эса энг қулай имконият эди.

Менга Чонг Джу Енг деган киши ёқиб қолди, у дадил ва талабчан кўринди, у менинг «курилиш — бу бунёдкорлик» деган жавобимга жилмайиб қўйди. Бу киши билан ишлаб, кўп нарсага эришиш мумкинлигини кўнглим сезарди ва бу мени руҳлантирарди. Бошқа томондан эса, президент аппарати вакили билан учрашув натижаларидан чўчиб турардим. Уларнинг тўсқинликларига нисбатан норозилигимни билган ҳукумат менга нисбатан озгина бўлса ҳам юмшармикан?

«1 июлдан ишга чиққисин». Бир ҳафтадан кейин мен бошофисдаги курилишни назорат қилиш бўлимига ишга кирганим ҳақида хабар олдим. У ерда сентябргача, уч ой ишладим.

Бошқалар аввал ўқиб, кейин биринчи бор ишга кирсалар, мен бошланғич мактабдан бошлабоқ ишлар эдим. Бозорда отам билан матолар сотишидан бошлаб, турли шакллардаги кулчалар, гуруч бодроқ, тугурт, аравада мева сотганим, ниҳоят, ахлат йиғиширганим — мен қилмаган иш йўқдек эди. Шу сабабли, агар фақат юқори мактабдан бошлаб ҳисоблаганде ҳам, мен ўн йилдан ортиқ стажга эга ёш ишчи эдим. Шу сабабли компаниядаги иш менга биринчи иш бўлиб кўринмасди, шунчаки бошқа турдаги янги ишни бошладим, деб ўйлардим.

Лекин компанияга келганимда ғалати ҳолни кузатдим. Компанияда қоғозбозлик авжиди эди. Энг оддий мисол: иш куни тугаб, ҳамма иш бажариб бўлинганда ҳам ходимлар уйларига кетмай, бошлиқнинг муносабатини кузатишарди. Бу ўша пайларда жамиятимизда кенг тарқалган одатий ҳол бўлса-да, мен учун гайриоддий кўринарди.

Мен бунга узоқ чидай олмадим. Тез орада мен ходимларга саволномалар тарқатдим. Қоғозбозлик туфайли компанияда ишнинг секин бориши ва самараасизлиги ҳақидаги фикрларини йиғдим. Табиийки, кўпчилик ўзгартиришлар киритиш лозим, дея фикр билдириди. Сўровнома натижаларини раҳбариятга тошишардим. Ушбу воқеадан кейин мен билан эҳтиёт бўлиш кераклигини айтишди. Бунда, албатта, менинг талабалар ҳаракатида қатнашганлигим ҳисобга олинганди.

«Хендэ»га ишга кирганимдан кейин қылган дастлабки ишим — раҳбариятга ёқишига интилмаслик бўлди. Агар мен, давлатга қарши исёнга унданғанлиги учун судланган шахс, маҳсус хизматдагиларга эътиборлироқ бўлганимда эди; ўзимни ҳаммадан ҳам кўра босиқроқ тутишим ва, албатта, раҳбариятга энг одобли ходим бўлиб кўринишим лозим эди. Лекин, шубҳасиз, янги жамоада ҳам мен яна муаммоли шахсга айландим. Мен компания тузилмасининг оғиркарвонлиги сабаби ҳақида ўйлар эдим. Менинг кутилмаган хатти-ҳаракатларимда маънавий жиҳатдан танқидга сабаб бўладиган ҳеч нарса кузатилмасди. Мени ошкора айблайдиган одамлар ҳам йўқ эди.

Суҳбатдан кейин директор Чонгни биринчи бор ўша йилнинг ёзида, янги ходимларнинг Кангриндаги тажриба орттириши вақтида кўрдим. Бир йил олдин бу тадбир Маллипода ўтказилганди, лекин биз ишга келгандан кейин Кангринда ўтказила бошланди ва бу анъана ҳозирга қадар сақланиб қолди.

Биз расман ишга олинган иккинчи гурӯҳ ходимлар эдик. Бир йил олдин ўн нафарга яқин олий маълумотли кишини ишга олишганди, биз иш бошлаган йили эса нақ 28 нафар шундай киши ишга кирганди. Айнан ўша йили компанияга яхши маълумотли бунча кўп ходим ишга олинганди. Балки шунинг учундир, Кангринда ҳамма, директордан тортиб ходимларгача, ҳаяжонда эди.

Бу «қабул маросими» эди, унда компания соҳиби Чонг ўз ходимлари билан биринчи бор учрашарди, ҳеч қандай расмиятчиликларсиз суҳбатлашар, ичишар, қўшиқлар айтар, миллий кураш тури — сирим бўйича мусобақа ўтказарди. Бу тадбир «Хендэ»нинг бирдамлиги ва яқдиллигини тасдиқлаш учун ташкил этиларди.

Кангринда ходимлар биринчи кунданоқ денгиз бўйидаги биргаликда дам олишдан қувончга тўлардилар. Директор Чонг ходимлар билан танишиб, улар билан турли спорт ўйинлари ўйнарди. Охириги кечада гулхан ёқилди ва директор биз билан ўтираркан, деди:

— Келинглар, тун бўйи ичамиз. Эркак киши бу борада саботли бўлиши керак. Осмонда ой кўринмай қолгунча ичамиз.

Директор Чонг соджу қўйилган стаканни кўтарди. Гулхан атрофида ўтирган ҳамма ходимларга ароқ қўйилди. Бир неча стакандан ичгандик, ўрганмаганлар маст бўлиб қолиб, аҳмоқона сўзлар айтишни, кумга думалашни бошладилар.

— Ким маст бўлиб қолган бўлса, кетинглар. Биз эса ичишни давом эттирамиз.

Давра торайиб борарди, лекин директор Чонг умуман маст эмасдек кўринарди. Фақат беш киши қолдик. Янада тезроқ куя бошлашди. Кейин тўрт киши: директор Чонг, мен, кейинчалик Гуамга ишга юборилган ва ўша ерда қолиб кетган жаноб Ли ва яна бир муҳандис қолдик.

— Ҳақиқий эркак кишининг қалби мана шу денгиздан ҳам кенгроқ бўлиши керак.

Чонгнинг овози аввалгидек жарангли эди. Шунда муҳандис кетди ва биз учаламиз қолдик. Мен ҳозирча ҳушёр эдим. Мен ичишни хуш кўрмасдим, лекин кўп ичиб ҳушимни йўқотиб қўйган вақтим бўлмаганди. Мен бироз асабийлашардим. Директор Чонг билан учрашув бошиданоқ мени ҳаяжонга солаётганди. Ой деярли кўринмай қолди ва тонг ота бошлади. Шу вақт директор Чонг ўрнидан қўзғалди.

— Мен кетишим керак, сизлар ичишда давом этаверинглар.

Жаноб Ли билан мен қолдик, лекин у бошқа ичмас эди. «Ваъда»га вафо қилиш учун мен ой йўқолгунча бир ўзим ичдим. Аммо шу пайт молия бўлимининг ходими ҳаяжонланганча югуриб келиб, бақирди.

— Директор жароҳатланди!

Биз директорнинг хонасига югуриб бордик, лекин у ердаги ходимлар хавотир оладиган ҳеч нарса бўлмаганлигини ва, яххиси, бориб ухлашимиз кераклигини айтишди.

Эртасига директор Чонг юзини қўли билан тўсиб юрди. Тонгда, хонасига кетаётганида темир тўрга қоқилиб кетиб, йиқилиб тушган ва юзи жароҳатланганди. Жароҳат лабининг тепасида эди. Директор Чонг бизга деди:

— Кеча йиқилиб тушдим, бироз жароҳатландим, бу ерда даволаниб бўлмайди, шу сабабли Сеулга кетишим керак. Сизлар билан охиригача бирга бўлолмаслигимдан қаттиқ афсус-

даман. Лекин бу ерда яхшилаб қувнаб олишингиз учун сизларга яна бир кун бераман.

Хозир ҳам, агар яхшилаб қарасангиз, президент Чонгда ўша пайтдан қолган чандиқни кўришингиз мумкин.

## **Бошлиқ ва эндиғина ишга олинган ходим ўртасидаги можаро**

Октябрь ойи бошида мен курилиш обьектидаги бухгалтерияда ишлай бошладим. Бу Джинхадаги тўртинчи ўфит заводи курилиши эди. Курилиш обьекти — бу улкан оркестр кабидир. Унинг бошлиғи эса гёё ушбу оркестрнинг дирижёри саналади, Джинхадаги тўртинчи ўфит заводининг бошлиғи «Хендэ» курилиш компаниясининг ёш жиҳатдан энг катта муҳандиси эди. Катта авлодга мансуб ҳамма муҳандислар каби у ҳам университетда тизимли таълим олмаган, лекин япон мустамлакаси даврида курилиш соҳасида яхшигина тажриба тўплаганди, яъни у «курилиш оқсоқоли» эди.

Бошлиқ эрталаб соат 4 да турага ва муҳандислар ҳамда ишчиларни уйғотарди.

— Хозирги ёшларга нима бўлган-а... бунча узоқ ухласа, пул топиб бўладими?

Унинг ҳамма иши шу зайлда эди. Айниқса, у университет битирувчиларини ёқтирмасади: «она сути оғзидан кетмаган ёшлар китобда ёзилганини билади, холос». Улар қаторида, албатта, мен ҳам бор эдим.

Ишчиларга бўнак тарқатиш бухгалтер сифатида менинг асосий вазифам эди. Одатда, бўнакни кечки соат бешдан кейин берардим. Кун бўйи иш билан банд бўлган ишчилар фақат кечки пайт, бўш вақт топганларида бўнак ҳақида эслардилар ва олдимга келардилар. Мен эса, уларга қулай бўлиши учун, барча чораларни кўрадилар. Ана шу, менимча, бошлиғимизга ёқмасди.

— Сен, бухгалтер, нега бўнак пулини кечки бешдан кейин берасан? Сен банқда кечки бешдан кейин пул беришганини қачон кўргансан?

Бу оддий қайсарлик эди. Чунки банк — бошқа, қурилиш объекті — бошқа эди. Ахир бу ишчилар иш кунининг ўтасида ишларини ташлаб, бүнак олгани навбатда туришлари кераклигини англағади-ку? Аммо мен қаршилик қила олмасдым. Чунки бошлиқнинг сўзи, аслида, қонун эди.

Бир неча кундан кейин бошлиқ олдимга бўнак учун келди, соат бешдан ошган эди.

— Мен сизга пул берса олмайман.

— Ие, нега?

Бошлиқ қулоқларига ишонмай, ҳайрон бўлиб қайта сўради. Курилиш обьектидаги энг катта бошлиққа қарши гапириш, яна компанияга ишга кирганига ярим йил ҳам бўлмаган ёш ходим-а!

— Мен билан ҳазиллашма, тезроқ бер. Шошилинч рашидда керак.

— Биласиз-ку, кечки бешдан кейин нақд пул бериш тақиқланган.

— Биламан, лекин мен бошлиқман.

— Ўзингиз белгилаган қоидани ўзингиз бузсангиз, унга ҳеч ким амал қилмай қўяди. Шу боис сизга бўнак бера олмайман.

— Менга қара, эсинг жойидами ўзи? Ўйлаб гапирайсанми? Ахир менга пуллар иш бўйича керак. Бу жуда муҳим иш.

— Компания қоидаларига риоя қилиш ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

— Қизиқмисан? Йўқ, бунинг қилаётган ишини қаранглар...

Бошлиқ ҳеч нарса қила олмай, қуруқ қўл билан қайтиб кетди. Мен кейинчалик аламини олишига тайёр эдим. Лекин у менга қарши бирор иш қилмади. Аксинча, банкка боришим керак бўлганда машинасида олиб бориб қўйиб, кейин ўз иши билан жўнаб кетарди. Умуман, менга яхшироқ муносабатда бўладиган бўлиб қолди. Бир куни, мени банкка олиб кетаётиб, шундай деди:

— Ли, қачондир сен компаниямизда катта одам бўласан.

Бу гапни кейинги гал бўнак пулини индамай беришим учун айтяпти, деб ўйладим ўзимча. Лекин келгусида бошлиқ бирор марта ҳам бешдан кейин бўнакни сўраб келмади.

## **Таиланддаги ҳодиса**

— Ли Таиланддаги қурилишга жүнайди. Тезда бош оғисінде келсин.

Декабрь ойининг бошларыда, Джинхадаги қурилишда ишлаб юрганимда, директор Чонг қўнғироқ қилди. Джинхадаги қурилиш обьекти мен учун яхши мактаб бўлди. Ўша пайтларда Кореяда завод қуриш тажрибасига эга компаниялар йўқ эди ва нафақат мен, балки барча ишчилар ҳам қурилишда ўз хатоларимиздан ўрганиб тажриба орттираардик. Ўшанда мен чет элда ишлашга танлангандим. Менга, янги келган ҳодимга омад қулиб боқди. Мен компанияга айнан шу мақсадда кирган эдим, лекин имконият кутганимдан ҳам олдин келиб қолди.

Бу Таиланд жанубидаги, Малайзия билан чегарарадан салнарида, Диэ туманиндағи Патани ва Наративат номли иккита шаҳарни боғловчи, узунлиги 98 км бўлган иккита томонлама магистрал бўлиб, Корея учун чет элдаги дастлабки қурилиш эди. Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) кредити асосида Таиланд ҳукумати буюртма берган ушбу қурилиш бўйича 1965 йилнинг 30 сентябрида тендер ўтказилганди. Гарбий Германия, Япония, Франция, Италия, Нидерландия, жами 16 мамлакатдан 29 та компания қатнашган ушбу тендерда «Хендэ» қурилиш компанияси голиб чиққанди.

Тендернинг умумий суммаси 5 млн. 220 минг АҚШ долларини ташкил этар, ўша пайтда бу компаниямизнинг йиллик даромадига тенг эди. Шу сабабли «Хендэ» ютиб чиқиш учун зўр бериб қурашди.

Таиланддаги қурилиш обьекти Сеулдаги бош оғисга қарангда мураккаброқ тузилмага эга эди. Директорнинг муҳандислик ишлари бўйича ўринбосари Ли Ен Суль ва компания бошқарувчиларидан бири — Квон Ги Тэ доим Таиландда бўлиб, обьектни бошқаришарди. Шунингдек, обьектга бош бошқарувчилар ва техник ҳодимлар юборилганди. Мен бу обьектда кичик ҳодим — бухгалтер эдим. Бевосита бухгалтерия бўлими бошлиғига бўйсунардим, у эса — обьект бошқарувчи бошлиғига бўйсунарди. Ушбу обьектда ишлаганлар-

нинг барчаси кейинчалик «Хендэ»нинг етакчи мутахассислари бўлишди.

Бу лойиҳа Корея учун шунчаки чет элдаги дастлабки қурилиш обьекти эмас, балки мамлакат тарихида биринчи бор кореялик мутахассисларнинг хорижий бозорга чиқишилари эди. Ўшанда йирик компаниялар ҳам уддасидан чиқа олмаган ишни кичкинагина «Хендэ» компанияси биринчи бўлиб бажарганди. «Хендэ»нинг бугунги кундаги мавқеи айнан ана шундай қатъият ва ўзлаштириш руҳи туфайли таъминланди.

Мен ҳозир ҳам Наративатта етиб борганимизда Таиланд вакили сўзлаган нутқни эслайман:

«Япония Иккинчи жаҳон уруши даврида юртимизга қурол билан, одамларимизни қириш учун келганди. Корея Республикаси эса жиҳозлар билан, еримизда йўл қуриш мақсадида ташриф буюрди. Корея уруши авж олганда биз Кореяга ёрдамга боргандик, мана энди Корея бизга ёрдамга келди. Мен сизларни самимий кутлайман».

Курилиш тугаллангач, бу тарихий лойиҳадан эсдалик сифатида хотира ёдгорлиги ўрнатилди ва унга мазкур сўзлар тушнирилди. Бу тош ҳали ҳам сақланниб турибди.

Курилиш 1966 йилнинг 7 январида бошланганди. Лекин Корея учун хориждаги дастлабки қурилиш бўлган бу обьект лойиҳасининг ишлари режа бўйича кетмаётганди. Чунки бу йўналишда ҳали ҳеч қандай тажриба йўқ эди, иш фақат ғайрат-шижоат асосида борарди. Патани-Наративат магистрали қурилиши халқаро стандартларга жавоб бериши керак эди. Лекин у даврда Кореяда тезорар магистрал сўзининг ўзи ҳаммага ҳам таниш эмасди. Нафақат тегишли жиҳозлар, балки магистрал қуриш бўйича мутахассислар ҳам йўқ эди.

Ўзимиз билан олиб келган жиҳозлар шу даражада эски эдики, америкалик бир мутахассис: «Агар бу қурилиш беш йил ичida тугаса, шляпамини еб ташлайман», — деганди. Жиҳозларимиз тез-тез бузилиб, ишдан чиқарди. Курилишни бошқариш ҳам шу зайлда эди. Ҳеч ким, бошлиқми ёки кичик бухгалтерми, обьектни комплекс ва тизимли равишда бошқара олмасди.

Ишчи кучидан тежаш учун Таиланддан ишчилар ёлландик, лекин тилни тушунмаслик туфайли низолар ва

тушунмовчиликлар келиб чиқарди. Биринчи йил режалаштирилган харажатларнинг 70 фоизи сарфланган бўлиб, қурилиш фақат 30 фоизга битган эди. Бундан ташқари, халқаро жанжал биз учун энг катта муаммо эмасди. Компания касод бўлиш ёқасига келиб қолган ва бизнинг келажагимиз ушбу лойиҳага боғлиқ эди.

Сейф билан боғлиқ воқеа ўша мураккаб вазиятни акс эттиради, шунингдек, у мен «Хендэ» компаниясида узоқ муддат қолиб кетганилгимнинг ҳам сабаби бўлди.

Бу воқеа низоли вазият авж нуқтасига чиққан кечалардан бирида рўй берди. Мен офисда бухгалтерлик ҳисобларини тўлдириб ўтирадим. Бу пайтда офисда Таиландда ёлланган иккита бухгалтерия ходимигина қолганди.

Тўсатдан дераза ортидан қандайдир шовқин эши билди. Мен нима бўлаётганилгини билиш учун қарагандим, тайландлик бухгалтер шошиб гапириб қолди:

— Жаноб Ли, бу ердан тезроқ қоч.

Мен тайландлик ишчилар исён кўтаришди, деб ўйладим, лекин яхшилаб қарагач, билдимки, бу корейс ишчиларининг тўполонлари эди. Улар жанговар ханжарлар билан



Хориждаги қурилиш обьектини кўриш чоғида

компаниянинг барча мулкини вайрон қилиб ташлашганди. Бу ҳақиқий исён эди. Объект бошлиқдари гап нимадалигини билиб, тезда машиналарга ўтиришди-да, жўнаб қолишиди. «Босқинч»лар қўлида корейслардан бир ўзим қолдим. Таиландликлар эса, аксинча, кўпчилик эди.

Исённинг сабаби Кореядан жўнашимиздан анча олдинги воқеаларга бориб тақаларди. Сеулда техника бўйича усталар кераклиги ҳақида эълон берилди, кейин маълум бўлишича, ишга олинганлар Инчондаги мафиячилар гурухи аъзолари экан. Чет элдаги қурилиш объектида ишлаш кўпгина имтиёзлар берарди. Улар шу имтиёзларни қўлга киритиш учун номига ишга кирган эканлар. Объектда таиландлик ишчилар кўп норозилик билдирадилар, лекин исён айнан корейслар орасида содир бўлди.

Босқинчилар тўдасининг асосий нишони айнан мен ўтирган офис эди. Аммо мен қочиб кета олмасдим — улар хонамини ўраб олишганди. Қочишга уринганимда ҳам, улар, барibir, мени тутиб олишарди. Қолаверса, қочиб кетган тақдиримда сейф ва бухгалтерлик ҳисоби китоби нима бўларди? Мен офисда қолишга қарор қўлдим.

Босқинчилар йўлларида учраган барча нарсани синдириб, қийқирганча хонамга яқинлашиб келишарди. Охирги лаҳзагача олишган таиландликлар ҳам, яқинлашаётган тўданинг шовқинини эщитиб, қочиб қолишиди ва хонада бир ўзим қолдим.

Хона эшиги тарақлаганча очилди. Ичкарига ўн бештacha киши бостириб кирди. Улардан гупиллаб ичкилик ҳиди келиб турибди. Маст босқинчилар пичноқ ва таёқлар билан қуролланиб олган, ҳаммаси газабнок, оғир нафас олишарди. Улардан ҳар нарсани кутса бўларди.

Бир ўзим эканлигимни кўрибми, улар бироз ҳовурдан тушишди. Тўсатдан биттаси сейф олдидағи столимга ханжарини санчди.

- Яхшиликча сейфнинг қалитини бер.
- Бермайман.
- Нима, ўлгинг келяптими?

Пичноқни юзим олдида сермашди. Бир-икки қадам ортга тисарилдим ва елкам билан деворга суяндим. Улар мени масхаралаб кулишарди.

— Сени қараю! Калитни бермоқчи эмасмисан? Қани, күрамиз...

У ханжарни бўйнимдан сал чапроқقا, деворга санчди. Бошимни ўнг томонга ўтиридим. Кўз олдим қоронгулашиб кетди. Кейинги гал пичоқ ўнг томонимдан учиб ўтди. Яна беихтиёр бошимни чапга бурдим.

«Шу зайлда ўлиб кетсам керак».

Кўзимни юмиб олдим. Энди қимириламасдим. Кўз олдимдан мархум онам, ака-опаларим бир-бир ўтишди.

Бир оёғим гўрда бўлиб турган пайтда, бир кўнглим, калитни уларга бериб қўя қолсаммикан, деб ўйладим. Аслида сейфда фақат майда пуллар бор эди. Бундай вазиятда сейфни очганимда ҳам мени ҳеч ким айбламасди. Лекин мен баригириб, бундай қилмадим. Бу қарорим компания учун эмасди — ўшанда ўз мажбуриятларим ҳақида ўйлашга ҳам улгурмадим, бу шунчаки камситилишдан қочишга бўлган инстинктив истак эди. Бунга йўл қўя олмайман, деб ўйладим ва тишимни тишимга қаттиқ босдим.

— Ха-ха-ха, у қўзини юмиб олди-ку! Юмуқ кўз билан қизиқ эмас. Эй, кўзингни оч.

Кўзимни очдим.

— Энди сейфни ҳам оч.

Улар таҳдидларига бўйсунмаётганимни кўриб, ўзим сейфни очишимни буюрдилар. Мен сейф томон бир неча қадам ташладим. Кейин эса уни, худди қимматбаҳо хазинадек, маҳкам қучоқлаб олдим.

— Бўпти, уни йўқ қилинглар.

Бир нечта қўл ёқамдан ушлади. Сейф билан бирга полга қулладим, уни танам билан тўсиб олдим. Мени тепа бошлишди. Мен қўлим билан кутини эмас, кути тимсолида ўз гуруримни ҳимоя қилардим. Мени ҳар томондан янада шафқатсизлик билан ура бошлишди. Мен эса хазинамни янада қаттироқ қучардим.

Шунда полиция машинасининг сиренаси янгради. Кескин тормоз овози эшитилди ва босқинчилар қочиб қолишиди. Полиция билан бирга хонага кириб келган ходимлар мени полда, сейф ёнида ётганимни кўришди ва бир муддат жим қолишиди.

Кейин бу ҳодисадан Бангкокдаги офисдагилар ва Сеулдаги бош офисдагилар хабар топиши.

— Бухгалтер Ли Мён Бак ўлим хавфи остида ҳам босқинчиларга сейфни очишларига йўл қўймапти.

— У бир ўзи бутун бошли тўдага қарши чиқибди. Кўзлари қисиқ бўлса ҳам, жасур йигитга ўхшайди, азamat.

Ёш ходим воқеаси қаҳрамон тўғрисидаги афсонага айланниб кетди. Бироқ ҳозир ҳам, ўшанда унчалик катта воқеа рўй бермаганди, деб ўйлайман. Чунки мен нимаики қилган бўлсам, бурч ёки оқилона қарор асосида эмас, балки ўзимнинг гуруримни сақлаб қолиш учунгина қилгандим.

### **Демак, бир ўзинг ҳамма пулни чўнтағингга урибсанда?**

Тайланддаги магистрални қуриш чоғида муаммолар чиқиб турар ва директор Чонг Джу Енг обьектга тез-тез келиб турарди. Чонг бутун обьектни айланиб чиқар, сўнг ўз хонасида хаёлга чўмарди. Иш соат 6 да бошланар, Чонг бешдан кеч турмасди. Мен эса, ҳаммадан барвақт турардим.

Онамнинг тонгги ибодатлари туфайли болалигимдан барвақт туришга одатлангандим. Мактабда, университетда ўқиган кезларим доим бир хил вақтда уйғонардим. Бу ерда, Тайланддаги қурилишда ҳам соат 4 дан кеч турмасдим. Анчадан бери бир кунда тўрт соат ухлашга ўрганиб қолганман, ҳозир ҳам, одатим бўйича, бирда ётаман ва эрталаб 5 да тураман.

Тайланддаги қурилиш обьектида тонгги икки соатгина менинг шахсий вақтим эди. Эрталаблари ўқирдим, инглиз тили билан шугулланардим. Бўш вақтим кам эди, лекин мен ундан жуда самарали фойдаланардим.

Бир куни директор Чонг, ҳар доимгидек, эрталаб барвақт обьектни айланиб чиқди, кейин хонамга кириб ёнимга ўтирди.

— Ли, ҳар куни эрталаб нималар билан бунчалик ҳафсалана билан шугулланасан?

- Бу компаниянинг эмас, менинг шахсий ишларим.
- Қандай шахсий ишларинг бор экан?
- Китоб ўқийман. Кундузи умуман вақтим бўлмайди.
- Наҳотки?

Үша сұхбатдан сүнг ярим йил үтди, директор Чонг объекті бир неча кунға келди. Қурилиш бошланғаның бир ярим йил бўлганди. Үша куни тонгда мен китоб ўқимай, Чонг келишини кутиб ўтирадим. У келгач, узоқ ўйлаган нарсам ҳақида сўрадим.

— Жаноб Чонг, бу қурилиш катта даромад келтирадими?

— Нега буни сўрайсан?

— Мен бор-йўғи кичик бухгалтерман, бутун лойиҳа тўғрисида тасаввурга эга эмасман, бутун жараённи ялпи баҳолай олмайман, лекин тахминларимга кўра, қурилиш зиён келтиради. Менинг ўтган сайин зиён ошиб бораётгани хавотирга соляпти. Сиз бундан хабардормисиз?

— Йўқ, сен ниманидир нотўғри тушунгансан. Бу лойиҳа даромад келтиради. Бу ҳақда мен мунтазам ҳисобот олиб турибман.

Тез орада директор Чонг Кореяга жўнаб кетди. Мен тахминларим тўғри эканлигига ишонардим, шу сабабли барча зарур материалларни тўпладим. Ҳисоб-китоб қилдим, муаммоли масалаларни таҳлил қилдим, кейин бухгалтерия бўлими бошлиғи ва объект бошқаруви бошлиғи олдида ҳисобот бердим. Бу зиён келтирадиган қурилиш эканлиги шубҳасиз эди. Барча ходимлар буни хаёлларига ҳам келтирмай, чет элдаги қурилишга катта завқ-шавқ билан қарадилар. Агар ахвол шу тарзда давом этса, вазият ҳалокатли бўлиши мумкинлигини тушунардим. Мен бу ҳақда раҳбариятга айтдим, лекин улар менинг хавотиримга умуман эътибор беришмайди. Бу муносабат мен ўзимни тобе ходимдек тутишим, бирорнинг ишига бурнимни суқмаслигим кераклигини англатарди.

Аммо мен фикримдан қайтмадим. Ҳар учрашганда бўлим бошлиғи ва объект бошлиғига заарнинг миқдори ҳақида эслатиб турдим.

Ҳисоботларимга доимо ишончсизлик билан қараб келган объект бошлиғи менинг ҳузурига чакирди. Дастреб бу маълумотларни қаердан олганимни сўради.

— Қурилишда ҳамма нарса киши кўз олдида. Лойиҳа қиймати белгиланган, фақат харажатлар қанчалигини аниқлаш лозим. Кореядан келтирилаётган материалларнинг умумий ҳажмини билмас эдим, Бангкокдаги офисдан маълумот

олдим. Лойиха зиён келтираётгани шу маълумотларнинг ўзидан маълум бўлди, агар мен билмайдиган харажатлар ҳам бўлса, зарар бундан-да каттароқ бўлади.

— Бу ҳужжатларни менга бер. Агар лойиҳанинг зиён келтириши маълум бўлса, бу объектдаги вазиятни издан чиқариши мумкин, шунинг учун бу ҳақда ҳозирча ҳеч кимга оғиз очмагин.

Кейинроқ маълум бўлишича, бошқарув бошлиғи ҳисоботни, худди ўзи тайёрлагандек, шошилинч суратда директор Чонга юборибди. Бу гал директор Чонг аввалги босқинчилар воқеасидагидан кўра тезроқ етиб келди. Бош офисдан инспекторлар гуруҳи келиб, объектни остин-устун қилиб ташлашди. Директор Чонг қурилища кимдир катта миқдордаги пулни чўнтағига урган, деб шубҳаланаарди. Шу сабабли текширув бухгалтерия ходимларидан бошланди.

Бухгалтерия ҳисоби китоблари ва бошқа ҳужжатларни юк машинасига ортдилар-да, Бангкокка олиб кетдилар. Кейин бошқарув бошлигини, бўлим бошлигини ва мени меҳмонхоналардан бирига юбордилар. Сеулдан келган инспекторлар 10 кун ҳужжатларни ўрганишди, лекин пуллар қай тарзда йўқолганлигини аниқлай олишмади. Директор Чонг лол эди. Дастрлабки ҳисоб-китобларга кўра, зиённинг ҳажми компаниянинг йиллик товар айланмасига teng эди.

Инспекторларнинг текширувлари тугаши билан Чонг бошқарув бошлиғи, бўлим бошлиғи ва мени навбатма-навбат ўз ҳузурига чақириди ва ўзи текшира бошлади. Директор билан суҳбатдан кейин бошқарув ва бўлим бошиликлари менга шунақсанги хотиржам ва қоникиш билан боқдиларки, худди Чонг уларнинг бор гуноҳларидан кечгандек эди. Менинг навбатим келди ва мен негадир ҳаяжонландим.

Эшикни очиб, хонага кирдим, директор Чонг мен билан юмшоқ оҳангда гаплаша бошлади.

— Ли, менинг тажрибамда кўплаб лойиҳалар бўлган, турли хил вазиятларга йўлиқанман. Лекин бу лойиҳа зиён бўлиб чиқди; гап нимадалигини тушуна олмаяпман. Кимдир катта маблағни ўзлаштирганлиги аниқ. Мен сенга бутунлай ишонман. Айт-чи, улардан қайси бири: бошқарув бошлиғими ёки бўлим бошлиғими? Ёки бошқа бирорми?

— Мен объектдаги харажатларга жавобгар шахсман. Куриштагы барча пуллар фақат мен имзолаганимдан кейингина сарфланади. Шу сабабли мен компания пулларини ҳеч ким ўзлаштирганлигига ишонаман. Буни мендан яшириб қилишнинг ҳам иложи йўқ. Зиён ўғирлап натижасида эмас, балки тендернинг нархи асоссиз камайтирилганлиги натижасида, тажриба ва технологиялар етарли бўлмаганлиги сабабли юзага келган, деб ўйлайман. Куриш лойиҳасининг қиймати объектив белгиланмаган, харажатлар эса шунаёнгни катта бўлганки, охир-оқибат буларнинг барчаси мана шундай натижага олиб келган.

Директор Чонг менга тикилиб қаради.

— Демак, сен бир ўзинг ҳамма пулларни чўнталингга урибсан-да?

— Мен бу ишни қила оладиган ҳолатда эмасман. Эсингиздами, йўқми, билмадим, бир неча ой илгари мен сиздан, бу куриш фойда келтирадими ёки йўқми, деб сўрагандим. Ўшанда сиз лойиҳа сўзсиз фойдали, дегандингиз ва бу ҳақда муентазам равишда ҳисобот олиб туришингизни айтгандингиз. Лекин мен барибир шубҳаланишга жазм этдим ва ишларни таҳдил қилиб, ҳисобот тайёрладим ҳамда бир неча марта ўз натижаларим ҳақида бошқарув бошлигига хабар бердим.

— Наҳотки? Бошқарув бошлигига сен маълумот берган-мидинг?

— Ҳа. Маълумотлар топишга ҳаракат қилиб, ҳисоб-китоб қилиб кўрдим.

— Вой аглаҳей, демак, кўл остидаги ходимнинг ҳисоботини олибди-ю, ўзи тайёрлаган бўлиб жўнатиби-да. Ярамас!

Директор Чонг бу сўзларни ўзига ўзи айтгандай бўлди, кейин сўради:

— Демак, сен бошқарув бошлиги ҳам, бўлим бошлиги ҳам ҳеч нарса ўғирлашмаган, деб ўйлайсанми?

— Ҳа.

— Қизиқ... бошқарув бошлиги бўлим бошлиги билан сени айбордor деди, бўлим бошлиги эса бор айбни бошқарув бошлиги билан сенга ағларди. Сен бўлсанг, ҳеч қайсингиз пулни ўзлаштирганлигинги ҳақида шунчалик ишонч билан айтяпсан.

— ...  
Шунда кўз олдимда улар иккисининг айёrona боқиши намоён бўлди. Менинг айтадиган гапим йўқ эди.

— Яхши. Боргин-да, кутиб тур.

Мен хонамга қайтдим, бўлим бошлиги ва бошқарув бошлиги шу заҳоти сўроққа тутишди:

— Хўш, Ли, нима дединг?

— Ҳеч қандай янги гап йўқ. Заарлар ходимларнинг пул ўғирлаганларидан эмас, нотўғри ҳисоб-китоблар туфайли рўй берган, деб айтдим.

— Ростданми? ... Баракалла.

Ўша куни кечқурун инспекторлар гурухи якуний хуоса чиқаришди. Биз учаламиз, эҳтимолий жиноятчилар сифатида, натижаларни кутмай ухлаб қолдик.

Эрталаб соат 7 да телефон жиринглади. Бангкоқдаги бўлим раҳбарларидан бири экан, бир ўзим ресторанга тушишимни сўради. Қолган иккиси текширув давом этаётган экан, деган қарорга келдилар.

Мен меҳмонхона ресторанига тушдим ва директор Чонгнинг бир ўзи ўтирганини кўриб ҳайрон қолдим:

У мени ўтиришга таклиф қилди, қаердан эканлигимни, ота-онам кимлигини суриштирди, кейин ўзим учун нонушта буютиришимни сўради.

— Хавотир олманг. Мен хонада бошқалар билан овқатланаб оламан.

— Йўқ, улар хонада ўзлари нонушта қилиб олишади.

Чонг билан бирга нонушта қилишдан ўзга иложим қолмади.

Директор, инглизча гапирмаса-да, ҳеч қандай қийинчиликсиз нонушта буютирганига қойил қолдим. Мен ундан текширув натижалари ҳақида сўрай олмадим, нонушта асабий муҳитда ўтди. Сўнг директор Чонг кутилмаганда таклиф қилиб қолди:

— Ли, шу лойиҳа масъулиятини бўйнингга ололасанми?

— Нимани назарда тутаяпсиз?

— Бошқарув бошлиги ва бўлим бошлиги бугун бош оғисга қайтадилар. Уларнинг вазифаларини сен бажарсанг, деяпман.

— Лекин бундай ҳолатларда бошқа бошқарув бошлиги ва бўлим бошлиги келиши керак-ку.

— Бунга асло зарурат йўқ. Сен бир ўзинг барчасини эплайсан. Улар бўлса, ҳақиқий ярамаслар экан! Оддий ходимдан бадтар... Кореяга борасан-да, бирга ишлайдиган ходимларни ўзинг танлаб оласан.

Мен узоқ вақт рози бўлмай турдим. Чунки бу қоидадан ҳаддан ташқари четланиш эди. Мен нафақат ўзимнинг профессионал тажрибам ва қобилиятим юзасидан, балки компаниядаги тартибнинг бузилишидан ҳам ташвишга тушгандим.

Бундай қоидадан четланишлар ҳар гал — мени бўлим бошлиғи, директор ўринбосари, директор қилиб тайинлаганларида рўй берди. Ташқаридан бу кўз кўрмаган истисно бўлиб туюлиши мумкин эди, лекин директор Чонг учун бу доимо ўйлаб келинган қарор эди. Чонгнинг компания бошқарувчи сифатидаги ижобий хусусиятларидан бири ходимлар масаласига прогрессив ёндашиши эди — у ходимнинг қобилиятини, у ёки бу вазифани эплай олиш-олмаслигинигина ҳисобга оларди, тажрибаси ёки ёшига эътибор бермасди.

Катта зарар келтирган магистрал курилиши ниҳоясига етмоқда эди. Лойиханинг охирги босқичида ишлаш тажрибали бошлиқ учун ҳам жуда қийин кечарди. Ҳозир эса ушбу ишни компанияга яқиндагина келган одамга топширишганди. Директор тез қарор қабул қилди ва уни амалга оширишга шунчалик тез киришди.

Ўша куни эрталаб меҳмонхонада кадрлар бўйича буйруқ чиқарилди: «Бошқарув ва бўлим бошликлари Кореяга қайтадилар, ходим Ли Мён Бак эса, бир неча кундан кейин янги ишчиларни танлаб олиш учун Кореяга кетади, сўнг обьектга қайтиб келади». Мен Кореяга раҳбариятдан чамаси ўн беш кунлар кейинроқ жўнадим ва Сеулда менинг собиқ бошликларим компаниядан ҳайдалгандикларини эшитдим.

Сеулдаги бош офисда учта ёш ходимни танлаб олиб, обьектга қайтиб келдим. У ерда эндиликда бошқарув бошлиғи ва бўлим бошлиғи вазифаларини бир ўзим бажара бошладим. Компания қоидаларига биноан, бир оддий ходим бошқасига бўйсуниши мумкин эмасди. Шунинг учун мени тезлик билан менежер лавозимига кўтаришди. Мен бу лавозимга компанияда икки йил ҳам ишламай эришдим.

## **Кечаси мақияж қилинглар**

Қурилиш лойиҳаси якунланди, лекин зиён тахмин қилинганидан ҳам зиёд бўлди. Агар шундан кейин Корея Вьетнам урушида қатнашмаганида, «Хендэ» қурилиш компанияси узоқ муддат ўз ресурсларини тиклай олмаган бўларди. «Хендэ» Таиландда кўрилган зиённи Вьетнамдаги қурилиш лойиҳаси эвазига қоплади. Бундан ташқари, Таиланддан янги буюртма олиб, яна бир муҳим ишга тайёрланаётганди. Сеул — Пусан магистрали қурилишидан кейин эса, компания нималарга қодир эканлигини бутун дунёга намойиш этди ва бу Таиланддаги муваффақиятсизликни босиб кетди.

Сеул — Пусан магистрали қурилиши лойиҳаси завқ-шавқ ва катта умидлар билан бошланди, у ҳақда «мамлакат тарихида император Тангун томонидан давлат барпо қилинганидан кейинги энг муҳим воқеа» сифатида сўзлардилар. Аслида бу каттаофиз лойиҳа бўлиб, унда президент Пак Чон Хининг мамлакатнинг «иктисодиётдаги қон айланишини бошлаб берадиган асосий венасини куриш лозим»лиги ҳақидаги ишончи билан директор Чонг Джу Енгнинг «қўлимиздан ҳамма иш келиши»га қатъий аминлиги ўз аксини топди.

Биринчи босқичда ҳукумат ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ХТТБ кредитига буюртма берди. Халқаро банкдан экспертлар гурухи келди. Улар Сеул ва Пусан оралиғидаги ҳар бир участкада бир ҳафтадан бўлиб, қанча автобус, юқ машиналари, жиплар ўтишини ҳисоблаб чиқишиди. Мутахассислар «Корея Республикаси яна бир неча йил бундай магистралга муҳтоҷ бўлмайди. Мавжуд йўлларни бироз таъмиглаш кифоя», деган холосага келдилар.

Лекин ҳукумат бу гоядан воз кечмади ва бюджети жами 40 млрд. von бўлган магистрал қурилиши режасини қабул қилди. «Хендэ» қурилиш компанияси эса буни амалга ошириш мумкин эканлигини тасдиқлади. Сеул — Пусан магистрали қурилиши лойиҳаси компания ва мамлакатнинг янги тарихи дебочаси бўлди, унда мутлақ ишонч ва қатъий ирода биринчи ўринга кўйилган эди.

Ўшанда мухолиф партиялар ва баъзи ҳукумат амалдорлари қаттиқ норозиликлар билан чиқишиганди. «Чосон сулоласи-

нинг императори Тэвонгун Кенгбок қасрини куришга интилиб мағлубиятта учраганидек, президент Пак Чон Хи ҳам Сеул — Пусан магистрални курилишидан ҳеч нарса чиқара олмайди», — бу лойиҳага қаршилик қилаётгандарнинг гали эди.

Ўша пайтларда Кореяда тезюар магистрални деярли ҳеч ким кўрмаганди. Шу сабабли уни куриш бўйича «Хендэ» тажрибаси, шубҳасиз, йўл курилиши тармоғининг ривожланишига катта ҳисса бўлди. Курилган магистралнинг юк ташишидаги аҳамияти бебаҳо эди. Магистрал Кореянинг индустрлашувини жадаллаштириди ва мамлакатнинг муваффақиятли иқтисодий тараққиётига хизмат қилди.

Узоқ муддатли инвестиция лойиҳалари етишмаслиги туфайли кўплаб муаммолар юзага келётган ҳозирги вақтда, ўша пайтдаги раҳбариятнинг узоқни кўра билгани ва иродасини юқори баҳолаш мумкин.

1968 йил 21 январда куролланган коммунистлар президент саройигача боришганда мамлакатда юзага келган фавкулодда вазиятга қарамай, Сеул — Пусан магистралини куриш лойиҳасини амалга ошириш давом этаверди. Сеул — Сувон қисмининг синов тариқасида куриб кўргач, «Хендэ» компанияси магистралнинг учдан бир қисмини куриб биткашишни ўз зиммасига олди.

1968 йил марта Таиланддаги лойиҳа бўйича ишлар тугаб, мен Кореяга қайтдим. Шунда директор Чонг мени Собинго туманида жойлашган оғир техника бошқармаси бўлими бошлиғи этиб тайинлади.

Мен эсанкираб қолдим. Қийин, зиён келтирадиган лойиҳада ишлаган бўлсам ҳам, ҳар ҳолда, лойиҳа якунланди. Чет элда З йил ишладим, шу боис бош оғисдаги бошқарув бўлимига ёки бухгалтерияга ишга тайинлашса керак, деб ўйлагандим. Менинг юқори лавозимни эгаллашимга шубҳа билан қараган ходимлар ҳам ҳеч нарсани тушунишмади.

«Ли Мён Бак роса тез ўсаётганди, ҳаммаси тугабди шекилили», деган гаплар тарқалди.

Оғир техника бошқармаси олий маълумотли ходимнинг ўрни эмасди. У ерда асосан обьектларда вақтинчалик бўш бўлиб қолган ишчилар ишлашарди, у ерга жўнатилиш кувинга teng эди.

Бошида анча сиқилдим, лекин кейин бошқача фикр юрита бошладим. Таиланддаги қурилиш обьектини эсладим. Сеул — Пусан магистралы лойиҳасининг муваффақияти, биринчи навбатда, ишлатилаётган техниканинг сифатига боғлиқ эди. Кредитта олинган замонавий техника хориждан импорт қилиниб, қурилиш обьектига магистрал орқали олиб келинарди. Оғир техника бошқармаси эндиликда Кореяда хизмат қилган 8-Америка армияси ташлаб юборган темир-терсакларни таъмирловчи устахона эмасди. Бошқарма Сеул — Пусан магистрал қурилишининг муҳим бўгини эди.

«Агар қурилиш компаниясида юқори мавқени эгалламоқчи бўлсанг, оғир техникани яхши тушунмоғинг керак. Университет битириувчисида бевосита техника билан ишлаш имконияти умуман бўлмайди. Айнан шу бўлинмага тайинланышманинг сабаби ҳам, эҳтимол, шунда бўлса керак. Бориб, яхшилаб ўрганиш керак».

Ҳамкасларимнинг ҳамдардлиги ва ачинишига эътибор бермай, Собингодаги бошқармага ишга чиқдим. Мен бевосита обьект бошлиғига бўйсунардим, янги лавозимим эса бошқарма бўлим бошлиғи, деб аталарди. У ерда, катта муҳандислар ва техника бўйича мутахассислар орасида йигирма йилдан ошиқ ишлаб қўйган кўплаб катта ёшли кишилар бор эди. Улар Чонг билан «Хенда» қурилиш компанияси яратилишидан ҳам олдин, унинг автомобилларни таъмирлаш бўйича «Адо хизматлар заводи» бўлган вакълардан буён ишлаб келаётган эски ходимлар эдилар. Уларни «оқсоқоллар гуруҳи» деб аташар ва улар «биринчи ракамли директор» деб ном чиқарган тижорат директори Ким Енг Джуга бўйсунишарди. Заводда ишни мана шу «оқсоқоллар гуруҳи» вакилларидағи эскирган тушунчаларни тўғрилашдан бошладим. Оғир ускуналар билан ишлаган одамлар эҳтиёт қисмларга оид атамаларни билишмасди ва япон тилидан кириб қолган сўзларни қўллашарди. Бу ҳол шу даражада эдики, раҳбар бўлиб ишлатан университет битириувчиси билан ходимлар бир-бирларини тушунмай қолишарди. Табиийки, «оқсоқол»лардан бири «диф» ни бер деганда бошқа ходим уни тушунмасди. Натижада оқсоқоллар норози бўлишарди. Уларнинг «диф»лари — бу дифференциал узатгич эди.

Мен барча техник ва маъмурий ходимларни йифиб, шундай дедим:

— Ҳозир биз 8-Америка армиясининг металл чиқиндиларини эмас, бевосита хориждан келтирилаётган техники ишлатяпмиз. АҚШдан кундан-кунга кўпроқ деталларни буортма қилишга тўғри келмоқда, лекин дифференциални «диф» деб юрсангиз, сизни ким тушунади? Деталнинг аниқ номини билибгина қолмай, унинг тегишли рақамларини ҳам билиш керак. Фақат номидангина деталнинг стандартлари ва ишлаб чиқарувчисини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун деталь керак бўлганда албатта уни қўлланмадан топинг ва буортма бераётганда рақамини айтинг. Башарти аввалгидек «дифни бер» десангиз, ҳеч нарса ололмайсиз.

Шундан кейин муҳандислар аста-секин ёш ходимларга тушуниб муносабатда бўла бошладилар, улардан деталларнинг рақамлари ва тўғри номланишини билиб олардилар. Оқсоқоллар орасида иш маромига туша бошлаганини сезиб, ишимни давом эттиравердим. Сеул — Пусан магистрали қурилиши учун ишлаётган оғир техника бошқармаси уруш пайтларидағи куролсозлик заводидан ҳам тезкор ишлаши лозим эди. Бунинг учун қатъий қоидалар ва ишга эътиборни тўлиқ жамлаш керак эди.

Мен иш куни бошланишини эрталаб 7 дан 6 га кўчирдим. Агар буни ҳозирги ишчилар ёки касаба уюшмаси раҳбарлари эшитсалар, фазабдан ранглари бўзариб кетган бўларди. Эрталаб соат 6 да, жинси ва ёшидан қатъи назар, ҳамма стадионга йигиларди. 10 дақиқа эрталабки бадантарбия ўтказиларди, кейин 20 дақиқа давомида бутун Собинго заводи айланаб чиқиларди. Бу чора ҳамма ишга тўлиқ тайёр бўлиб олиши учун керак эди.

Ҳатто танаффусларда ҳам гурух-гурух бўлиб тўпланиш ва корейс картаси — хвату ўйнаш тақиқланарди. Мен бошқармага эндингина келганимда, «оқсоқоллар» буни ўзларининг ҳукуқлари деб билишар ва бўш вақтларида хвату, корейс шашкаси, шарқ шахмати ўйнашарди. Ҳатто шанба куни кечқурун ҳам ишхона худудида тартибининг бузилишига йўл қўймас эдим.

Катталар секин-аста янги тартибга күнилдилар, тұғри, «тақдирни қара-ю: ёш болага бүйсуниб, азоб тортсак-а», деб минғирлаб күйишлар ҳам бўлди. Лекин аёл ходимлар зўр бериб қаршилик қиласдилар.

— Биз, аёллар эрталаб б да ишга чиқишимиз жуда қийин. Эркаклар юзини ювса бўлди, бизга эса, бўяниб олишимиз учун камида 30 дақиқа кетади. Ишга эркаклардан ярим соат кейин чиқишга рухсат беринг.

Лекин мен сўзимда қатый эдим.

— Эркаклар 9—10 гача ишлашади, аёллар эса, одатда 7-8 даёқ уйларига қайтишади. Шундай экан, кечкурун, бўш вақтингиз бўлганида, макияж қилиб олинг-да, ётиб ухланг. Эрталаб бўлса, тишиңгизни юvasизу эркаклар билан баробар ишни бошлайверасиз.

Афтидан, аёллар менинг гапларимни эшитиб, ҳайратдан бир оғиз ҳам жавоб қайтармай, қайтиб кетиши. Албатта, бундай ҳолатни ҳозир тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, лекин бизнинг авлод қашшоқликни айнан шу тарзда енгди.

### **Президент аппаратининг бульдозер билан эзиб ташланган кўрсатмаси**

Сеул — Пусан магистрали қурилиши файри одатий тартибда амалга оширилаётганди. Моҳиятан, бу ҳақиқий уруш эди. Агар бу урушда президент Пак Чон Хи бош қўмондон бўлса, директор Чонг Джу Енг тунги операция қўмондони эди. Заводда мен иш кунини бир соат олдин бошлишни жорий қилганим учун ишчиларнинг норозилиги тинмайётганди. Аммо биз бадантарбия қилаётган пайтда Сеул — Пусан магистрали бутун қурилиши давомида, 400 км дан ошиқ масофада бульдозерлар бор кучи билан туриллар, директор Чонг эса, Сувондан ўтиб, ўзининг жипида Тэджон жанубидаги Тангдже туннелига қараб кетаётган бўларди.

Қурилиш тугағач, ушбу магистрал «жаҳондаги энг қисқа муддатда ва энг кам сарф-харажат билан қурилган магистрал» деб аталди. 80-йилларнинг бошлирига қадар у мамлакатимиз иқтисодиётида энг катта аҳамиятга эга бўлиб келди.

Албатта, кейинчалик бундай «блицкриг» услубидаги қурилишнинг «ҳақини тұлаш»га түгри келди: магистрални таъмирлаш ва кенгайтириш ишлари ўтказилди. Лекин директор Чонг қурилиш өфіда намойиш этган ташаббускорлик факт ҳурматта лойиқ. У йўл бўйида йигма каравотда устига қалин жун рўмол ташлаб ухлар, ҳақиқий прораблардек ишларди.

Хозир баъзилар Сеул — Пусан магистралини Япония ёки Германиядаги магистраллар билан солиштириб, танқид қилалилар. Аммо агар технологияларнинг ўша пайтдаги ҳолатида Германиядаги каби магистрал қурганимизда, унинг битишига 10 йилдан ошиқ вақт кетган бўларди. Ўша даврнинг технологиялари ва бюджетини ҳисобга олсак, бу мамлакатимиз тарихидаги энг яхши қурилиш асари бўлган эди.

Сеул — Пусан магистралининг қурилиши бутун корейс қурилиш тармоғи учун ҳам ўтиш нуқтаси бўлди. Ўшанда қурилиш техникаси ишлатиладиган давр энди бошланаётганди. Оғир техника бошқармасининг аҳамияти кундан-кунга ошиб бораарди. Чунки техника тез етказиб берилмаса, «уруш» олиб бориш имконсиз эди.

Директор Чонг кунига бир неча маротаба қўнгироқ қиласар, ускунани тезроқ таъмирлашимизни талаб қиласарди. Бошқарма бошлиғи, муҳандислик бўлими бошлиғи бор бўлса-да, айнан мени изларди. Директор ҳамма номларни, характеристикаларни, деталларни билар эди, мен, бўлим бошлиғи эса, оғир техника ҳақида деярли ҳеч нарсани билмасдим. Шу сабабли телефондаги суҳбатимиз қисқа бўларди.

— Қаерида қандай носозлик бор экан? Нега таъмирлаш бунча узоққа чўзиляпти?

Жавоб бера олмасдим.

— Фирт анқов! Ҳеч нарсани билмайсан, шунинг учун ҳам иш тўхтаб ётибди.

Телефон қўнгироқлари билангина иш битмасди. Баъзан директор коржомада келар, ҳаммамизни сўкиб, заводни бошига кўтарар ва жўнаб кетарди. У доим буйруқ берарди ва обьектда иш техниканинг йўқлиги туфайли тўхтаб турган бўлса, оғир техника бошқармасидагилар нима иш билан машғул эканлар, деб ҳеч тушуна олмасди.

Ўша куни мен яна директор учун нишон бўлдим. Шу куни таъмилашни ўз вақтида тугаллаб бера олмадим ва Чонг яна бир бор таъзиримни берди. Мен D8 бульдозери типидаги HD16 бульдозерини бутунлай қисмларга ажратиб ташладим. Бунга ҳеч ким жим қараб тура олмасди, чунки мен бекор турган техникани эмас, енгилгина таъмилаш, тезда объектга жўнатиш керак бўлган машинани сочиб ташлагандим.

Техник кўлланмани ўқиб, барча деталларнинг номланишини ва характеристикасини ўрганиб чиқдим. Кейин техникани қайта йиғдим. Шу тарика қурилишдаги энг зарур техника — бульдозернинг бутун тузилишини, функциясини, ҳамма деталларини тушуниб олдим ва менда бошқа техникини ҳам тушуна олишимга ишонч уйғонди.

Эртасига Чонг яна пўстагимни қоқди.

— Ишни бир неча соатдан кейин тугатамиз.

— Нега бунчалик кеч қоляпсизлар?

— Машинани бутунлай сочиб ташлаб, янгидан йиғдик, шунинг учун таъмилашни фақат бугун эрталаб бошладик.

— Нима? Яхши ишлаётган машинани ҳам сочдингларми?

Ким бунга жавоб беради? Ким бунга йўл қўйди?

— Буни мен қилдим.

Директор гапиришга сўз тополмади, балки гап нимадалигини тушунгандир, ҳар ҳолда бошқа савол бермади, шунчаки «иложи борича тезроқ жўнатгин», деди. Шу билан телефондаги сухбатимиз тугади.

Бульдозерни сочиб, бошқатдан йиққанимнинг сабаби — директорнинг мени соҳани билмасликда айблашларига бошқа чидай олмаслигим эди. Техника ҳақида ҳамма нарсани билиб олгачгина муҳандисликни забт этиш мумкин эди. Аммо янада кучлироқ сабаб шунда эдики, мен ишнинг ортидан эргашадиган, иш мени эзадиган, мени кишанбанд қиладиган вазиятга тоқат қила олмасдим. Ишни ўзимга бўйсундириш учун мен бульдозерни сочиб кўрдим.

Бульдозерни «жиловлаб олганим»дан кейингина уни бошқара олардим.

Собинго заводининг ёнида таркибий материал (бетон) ишлаб чиқариш бўйича энг катта қурилиш заводи жойлашганди. Табиийки, бу завод мамлакатдаги энг катта истеъмол-

чи билан шартнома түзганди. Биз ягона фаолият соҳаси ўзаро боғлаб турувчи икки компания эдик.

Аммо ушбу заводдаги чанг туфайли ишлаб чиқариш низолари юзага келарди. Чунки чанг техниканинг асосий душманидир. Шу сабабли Собинго бошқармаси бунга қарши курашишга мажбур эди. Курилиш заводидагилар бундан бехабар бўлиши мумкин эмасди. Улар чанг чиқарилишини чекловчи қурилма ўрнатишга ваъда берган бўлсалар-да, бажармадилар.

Мен курилиш заводидаги масъул шахсга қўнгироқ қилдим. Курилмани ўрнатишлари лозим бўлган сўнгти муддат келганди. Аммо ўша куни кечқурунгача улардан хат-хабар бўлмади. Бунинг устига у ерда тунда ҳам қандайдир ишлар борарди. Уларга қўнгироқ қилдим ва қатъий дедим:

— Агар қурилма ўрнатмасанглар, завод ишини тўхтатамиз, дегандинглар, аммо, аксинча, кунига 24 соат ишлайпсиз. Нима сабабдан техникани ҳатто кечаси йиғишимизга ҳам йўл қўймаяпсиз?

Заводдагилар ҳам бўш келмасдилар.

— Президент аппарати товар бетон аралашмасини етказиб беришни сўради, шунинг учун завод кунига 24 соат тинимсиз ишлашига тўгри келмоқда.

— Бу заводингизнинг ва президент аппаратининг муаммоси, лекин сиз берган ваъдангизни бажаришингиз керак.

— Агар президент буйруқ берган бўлса, биринчи навбатда уни бажаришимиз лозим. «Хендэ» эса кутиб туради.

Мен сўнгти бор огоҳлантирдим.

— Икки соат ичida ҳеч нарса қилмасангиз, қатъий чора кўраман.

— Қайтарамиз, бу президент маҳкамасининг кўрсатмаси... Билганингизни қилинг.

2 соат ўтгач, кечқурун 8 да ҳеч қандай ўзгариш рўй бермади. Мен курилиш заводига бордим.

— Соат 12 га қадар кутаман. Агар ваъдангизни бажармасангиз, заводингизнинг ишини тўхтатиб қўяман.

Аммо эртасига эрталабгача заводдан қўнгироқ қилишмади. Шунда бульдозерга ўтиридим-да, қурилиш заводига бордим. Курилиш заводига борадиган юк машиналари қатнайди-

ган йўлда катта чуқур қазиб қўйдим. Натижада завод ишини давом эттира олмай қолди. Завод раҳбарлари президент маҳкамасига қўнгироқ қилиб, вазиятни тушунтиришди, айни маҳалда йўлни қайта тиклаб беришни талаб қилиб бошқармамизнинг бошлигини излашди. Шунда менга президент аппаратидан қўнгироқ қилишди.

— Йўлнинг қайта тикланиши курилиш заводи хатти-харакатларига боғлиқ. Шунинг учун уларга мурожаат қилинг. Курилиш заводи бизга берган ваъдасини бажармади, шу боис йўлни тўсиб қўйдим. Бунинг президент маҳкамасига умуман алоқаси йўқ. Мен сизларга таркибий материал қанчалик муҳимлигини билмайман, лекин агар бизнинг техникаларимиз тўғри ишламаса, бу магистрал қурилишидаги катта тўхташларга сабаб бўлади.

Президент маҳкамасидагилар мени кўрқита олишмади ва гўшакни илиб қўя қолиши. Аммо тез орада полиция етиб келди. Менга даёдага қила бошлади, лекин мен таслим бўлмадим. Бутун кун шундай ўтди. Кечкурун курилиш заводидан келишиди ва тиз чўкиб ялина бошлашди.

— Аввал чангга қарши бир нечта вақтингчалик қурилма ўрнатамиз, кейинроқ рисоладагидек қилиб тўғрилаймиз.

Шунда мен курилиш заводига кираверишни қайта тиклаб бердим, аммо шу пайт «Хендэ» бош офисидан қўнгироқ қилишди.

— Бош офиснинг кўрсатмасиз бундай қилишга қандай ҳаддинг сиёди?

— Сабаби оддий. Менинг жавобгарлигим остидаги иш бевосита жойида, иложи борича тез ҳал этилиши лозим. Агар бу ҳақда бош офис хабардор бўлганида президент аппаратига нима деб жавоб қиласинглар?

Менга ортиқ ҳеч нарса дейишмади. Шу тариқа ҳаммаси тезда ҳал бўлди, чунки президент маҳкамасидаги масъул «Хендэ»нинг бош офисига эмас, оғир техника бошқармасига қўнгироқ қилганди. Айтишларича, бу можаро ҳал бўлгач, президент маҳкамасидан «Хендэ» бош офисига қўнгироқ қилиб:

— Оғир техника бошқармасида бўлим бошлиги бўлиб ким ишлайди? Бундай қилишга қандай ҳаддингиз сиёди? — деб сўрашибди.

«Хендэ» томонидагилар баҳона түқиб юборибдилар.

— У қоидасида ёзилганидек ишлашни талаб қиласынан яңги бўлим бошлиғи, ҳали тажрибаси бўлмагани учун шундай қилибди. Уни тушуниб, кечиришингизни сўраймиз.

### **Директор рафиқасининг илтимоси**

Директор Чонгнинг қўл остида қўплаб одамлар ишлайди, лекин маълум вақтдан бошлаб у Ли Мён Бак исмини тез-тез тилга оладиган бўлиб қолди. Бу одат тусига кирди. Агар бошофисда ёки объектда бирор ҳодиса рўй берса, Чонг «Ли Мён Бакка қўнғироқ қилинглар» деб, биринчи навбатда мени излашга тушарди.

Баъзан директор қурилиш обьектидаги бошқарувчига ёки бошқа ходимларга қўнғироқ қилмоқчи бўлар, лекин, одатига кўра менинг телефоним рақамини терарди. Гўшакни олсам, директор тушунарсиз гапларни гапиради.

- Жаноб директор, алоқада Ли Мён Бак.
- Нима? Ким?
- Оғир техника бошқармаси бўлим бошлиғи.
- Сен у ерда нима қилаяпсан?
- Бу оғир техника бошқармаси. Сиз рақамни хато терган бўлсангиз керак.
- Шундайми? Тушунарли.

Бирордан сўнг яна қўнғироқ бўларди. Директор менга кундузи ҳам, кечаси ҳам қўнғироқ қиласынан, шунчалик қўп қўнғироқ қиласынан, охир-оқибат директорнинг рафиқаси Бен Джун Сок ҳам мени таниб қолди.

Бир куни у заводимизга келди.  
— Сиз бўлим бошлиғи Ли бўласизми? Сизни жуда яхши ишчи деб эшитдим.

Директорнинг рафиқаси ичкарига кирмади, ҳовлида, машинасининг олдида мени кутиб турди. Кейин уялинқираб менга сариқ хатжилд тутқазди.

- Бу нима?
- Резюме. Жаноб Ли, мен олдингизга илтимос билан келдим. Қанчалик қийин эканлигини билсам-да, рад эта

олмадим. Чунки бу туғилиб ўсган қишлоғимдаги эски танишларимизнинг ўели ҳақидаги илтимос. Бу жуда муҳим, шунинг учун мени тушунинг.

— Директор рози бўлдими?

— Директор рози бўлса, бу ерга келиб нима қилардим. Ўзингиз биласиз-ку, унга бу ҳақда гапириш бефойда.

— Мен бу ерда шахсий ишлар билан эмас, балки фақат компаниянинг иши билан шугулланаман. Шу сабабли директорнинг рухсатисиз ҳеч нарса қила олмайман. Бу ҳақда директоргра айтиб кўринг, хоҳласантлиз ўзим айтаман.

— Йўқ, бу бўлмайди. Эрим бу ҳақда билмаслиги керак.

— Унда ҳеч нарса чиқмайди.

— Йўқ бўлса йўқ-да.

Директорнинг рафиқаси жўнаб кетди.

У пайтларда ишга жойлашиш шу қадар қийин эдики, директорнинг рафиқасини ишга жойлаштириб қўйиш ҳақидаги илтимослар билан кўмиб ташлашганди. Балки рад этиш қийин бўлган ҳоллар ҳам учрагандир. Шунда директорнинг рафиқаси ўз танишини оғир техника бошқармасига муҳандис қилиб жойлаштиришни сўраб, рад этишмас, деган умидда астайдил илтимос билан келганди.

Лекин мен соғлом фикрлар әдим. Компанияга зарур бўлгандагина ишга одам оламиз деган қоидадан ҳеч қачон четга чиқмагандим. Бу нафақат директорнинг рафиқасига, балки вилоятимиздан келган барча танишларимиз ва қариндошларимизга ҳам тааллуқли эди.

Принципларим ва хатти-ҳаракатимнинг қатъийлигидан одамлар оғир техника бошқармаси бўлим бошлиғи қўпол ва қаттиққўл, унда инсонийликдан асар ҳам йўқ, дейишарди.

Бу миш-мишлар тутун каби «Хендэ»дан ташқарига ҳам ёйилиб кетди ва Колон компаниясида ишлайдиган акамга ҳам етиб борди. Бир куни кечкурун у мени олдига чақирди:

— Қоидалар ва тартибга қатъий амал қилиб ишлаш яхши. Ёш ходим бўлганингда шундай ишлаш керак, лекин каттароқ лавозимга кўтарилигач, оқилона муроса йўлини тутиш керак. Агар бу лавозимда ана шундай қатъий ва талабчанлик билан ишлашни давом эттиранг, компания бошқарувчиси лавозимигача етиб бора олмайсан. Тушунсанг-чи, бо-

лаликтан орамизда энг күп қийналган сенсан. Яхши яшагин дейман...

Акамнинг сўзларидан менга қанчалар раҳми келаётгани билиниб турарди. Лекин мен шундай жавоб бердим.

— Мен ҳозир ҳамма қоидалар ва принципларга амал қилувчи оддий ходимдек ишляпман. Агар ходимлар ўз ваколатларини ошириб юборишса, бу бутун компаниянинг бекарорлигига олиб келади. Агар мен компания бошқарувчиси бўла олсам, юмшоқкўнгил бўларман. Лекин мен ҳеч қачон бу ҳақда алоҳида ўйлаб кўрмаганман.

Ҳар қандай ходимнинг орзуси — компания бошқарувчи-си бўлиш. Лекин менда бундай мақсад йўқ эди. Шунчаки, мен ҳар куни ва ҳар соатда бор кучимни сарфлашни истардим.

### **Бизникidek йирик компания қандай қилиб уй сотиш билан шуғулланади?**

Мен профессионал жиҳатдан жуда тез ўсдим. Кадрлар даражаси умумий равишда оширилганда, менинг мартабам ҳар гал кўтарилиб борарди, лекин баъзан буни ўзим ҳам билмасдим. Шу тарзда, тахминан бир йил ичida бўлим бошлиғидан бошқарма бошлиғи ўринбосари, кейин эса, бошқарма бошлиғи лавозимига кўтарилдим. Кўтарилишим ҳақида фақат бир марта, компания директори этиб тайинлашларидан олдин билдим, холос. Директор Чонг мен билан ҳеч қачон маслаҳатлашмас, одатда, менга янги мажбуриятлар юклар ва лавозимимни ҳам кўтариб қўярди.

Анъанавий тартиб ва қоидаларни четлаб ўтиб, ёш ва тажрибасиз ходимни лавозимда кўтаришаётганлигининг биттагина сабаби бор эди — бирор ишни Ли Мён Бакка топширсалар, у албатта бажара олишига ишонардилар. Лекин бу ишни у бўлим бошлиғи лавозимида турганда топшириб бўлмасди. Шунинг учун уни бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимига кўтариш керак эди. Бопшарма бошлиғи лавозимига кўтаргандарида ҳам шундай бўлганди, директор ўринбосари мартабаси ҳам худди шу сабаб туфайли берилганди.

Афтидан, директор мени оғир техника бошқармасига ишга тайинлаганидаёқ, мени у ерда бош масъул шахс қилишиңи режалаштирган эди. Бу қарор ҳам Таиланддаги қурилиш обьектидеги ишлар учун бутун жавобгарликни менга, ёш ходимга юклаб қўйганида бўлганидаги каби эди. Шу сабабли ҳар имкон туғилганда у менинг лавозимимни оширадар, агар бундай лавозим бўлмаса, уни ўзи очарди.

Шу тарзда атиги 5 йил ичидаги директор ўринбосари бўлдим. Балки, бу — компания соҳибининг ўғлиям, қариндошиям бўлмаган оддий ходим хизмат пиллапоясидан шунчалик тез кўтирилишининг мислсиз кўрсаткичидир.

Бу воқеа мен оғир техника заводида бошқарма бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаётганимда содир бўлди.

Собинго туманидаги муҳит «Хендэ» қурилиш компаниясининг оғир техника заводи ва бетон ишлаб чиқарувчи қурилиш заводи чиқараётган чанг туфайли аяңчли эди. Бундан ташқари, Собинго Хан дарёси бўйидаги яшил ҳудуд бўлиб, уни кейинчалик қулай турар жой мавзеига айлантириш мумкин эди.

У пайтларда уй-жой қуриш бизнесини кичик ва ўрта қурилиш корхоналари бошлаган эдилар, лекин «Хендэ» каби йирик қурилиш компаниялари учун бу соҳа бетона эди. Заводимиздан сал нарида аллакачон турар жой мавзей қурила бошлаганди, Хан дарёси бўйида давлат хизматчилари учун кўп хонадонли уйлар ва бошқа турар жойлар қурилганди. Ўша ерда, хусусий кўп хонадонли уйлар оммавий қурилиши бошланишидан олдин, Ханяңг компанияси ўз хонадонлари моделларининг намойишини ўтказди.

Мен бу моделларни кўриб чиқдим. Аёллар унга катта қизиқиш билан қарашди. Сеулда келажакда қурилажак турар жойлар намуналари айнан шу ерда кўрсатилгани ва ҳаётга татбиқ этилаётганлигидан ҳаяжонда ва ташвишда эдим. Шу билан бирга, янги хонадон соҳибларининг барча шовқин ва чанг чиқараётган корхонамизни ҳамда қурилиш заводини бошқа жойга кўчириш ҳақидаги талаблари тобора баландроқ янграётган эди. Албатта, ҳукумат аралашувига қандайдир йўл билан тўсқинлик қилиш мумкин эди, лекин фуқароларнинг тўла асосга эга шикоятларини эътиборга олмай бўлмасди.

Бу ҳудуддан бутунлай кетиш ўрнига уйлар куриш билан шугулланса ҳам бўлади-ку, деган фикр хәслимга келди. Ди-ректор Чонг билан учрашганда бу таклифимни айтдим.

— Менимча, келажакда турар жой куриш сердаромад соҳа бўлади. Балки, «Хендэ» компанияси фаолият кўламини кен-гайтириши маъқулдир?

Чонгнинг юзида «қандай сафсата бу» дегандек ҳайратла-ниш акс этди.

— Нима? Биз уй қурамизми? Қанақа турар жой, эсинг жойидами?

— Завод атрофидаги ҳудуд турар жой мавзеига айланмоқ-да. Аҳолининг норозиликлири туфайли барибир келажакда заводнинг ишлашига имкон қолмайди. Заводни Кванак тума-нига кўчирамиз...

— Барибир, хонадонлар куриш... Бу ишни бошласак, устимиздан кула бошлашади.

Директорнинг фикрича, «Хендэ» қурилиш компанияси фақат Сеул — Пусан магистрали, ўғитлар заводи ёки «Уч дара» тўғони каби тарихда қоладиган стратегик обьектлар куриши лозим эди, мабодо бинолар курса ҳам, қаёқдаги бетонли кўп хонадонли уйлар, бошқа сўзлар билан айтган-да, гугурт қутилари эмас, балки йирик, оламшумул бинолар бўлиши керак эди. Бундай паст даражага тушишга Чонгнинг ғурури йўл қўймасди.

— 132 минг кв. метрли ҳудуднинг ярмида заводни қолди-сак-да, қолганига уйлар курсак нима бўлади? Аҳолининг норозилиги ҳам камаярди, биз ҳам янти лойиҳа бўйича аҳволни ўрганардик. Яъни, бир ўқ билан иккита қуённи урган бўлардик.

— Лекин бу «Хендэ» қурилиш компанияси-ку...

— Агар «Хендэ» компанияси обрўси ҳақида қайфураётган бўлсангиз, кўп хонадонли уйлар қурилиши учун бошқа компа-ния ташкил қилиш мумкин.


Шундай қилиб, «Корея шаҳар тараққиёти» акциядорлик компанияси ташкил этилди. Кейинчалик бу компаниянинг айланмаси 1 трлн. 500 млрд. дан зиёдни ташкил қилди ва у корпорациядаги энг юқори даромадли компаниялардан би-рига айланди.

Бошқарма бошлиғи этиб тайинланганимдан кейин 6 ой ўтди. Ўшанда мен 28 ёшда эдим, «Хендэ»га ишга кирганимнинг бешинчи йили эди. Бир куни бош офиснинг бошқарув бўлимидан заводга «Кортина» автомобилини юборишиди. Бу «Хендэ» компаниясида ишлаб чиқарилган автомобиль эди.

- Машинани кимга юбордингиз?
- Сизни директор ўринбосари этиб тайинлашди-ку, эшитмадингизми?
- Кимни тайинлашди?
- Кимни бўларди, сизни-да. Ростдан ҳам хабарингиз йўқми?
- Тайинлаш ҳақида буйруқ қачон чиқди?
- Уч қун олдин.

Кўп ўтмай заводни тарк этишимга тўғри келишини тушиндим. Оддий ходим эканлигимда директор Чонг бошқарма бошлиғи вазифасини топширди. Бошқарма бошлиғи лавозимида эканлигимда директор ўринбосари ёки ижрочи директор мажбуриятларини юклади. Энди эса у мени директор ўринбосари этиб тайинлабди, демак, албагта ижрочи директор ёки янада юқориоқ мавқедаги менежернинг вазифасини юклайди. Лекин заводдаги бош масъулнинг вазифаси директор ўринбосари мартабасига мос келмасди. Бу эса, лавозимим яна ўзгаришини англатарди. Директор ўринбосари лавозими ва менга юборилган «Кортина» автомобили айнан шундан далолат берар эди.

Шу тариқа, кўпчилик мен учун таназзул маскани бўлади, деб ўйлаган оғир техника бошқармаси мен учун қабр эмас, балки муваффақиятлар сари йўл бошланадиган нуқта бўлди.



## ПИ МЁН БАК

### Үттииз беш ёшли директор

“Бү Ли Мён Бак, эхтимол, корпорация президенти Чонгнинг қариндошидир?”

“Йўқ, айтишларича, уни президент Пак Чон Хи қўллармий”.

Президент Чонг бундай миши-мишларни эшишиб, куларди.

“Ахир, мен сенга қачондир жансаб берганманми? Сен ўзинг ўсдинг”.

Л И М Е Н Б А К



## **Истаганингча йигла**

1970-йилларнинг боши, «Хендэ» корпорацияси тузилмаси қор уюми каби ўсиб борарди. Компанияларнинг фаолияти учун ташқи муҳит жадал ўзгариб туради. Бу туб ўзгаришларни амалга ошириш лозим бўлган босқич эди. Зоро «Хендэ Моторз»ни, Ульсандаги кемасозлик заводини, Танянгдаги цемент заводини ва бопкә бўлимларни қамраб олувчи корпорацияни эски тузилма ва назорат тизими асосида бошқаришнинг иложи қолмаган эди.

Компанияни қайта ташкил этиш кадрлар масаласини ҳал этиш билан бошланиб, шу билан якунланади. Айниқса, ўтрамиёна компаниянинг йириқ компанияга айланишида шундай бўлади. 70- йилларда «Хендэ» корпорацияси Кореяning бошқа тез ривожланаётган компаниялари каби, кекса ходимларни ишдан озод қилиб, бошқарув лавозимларига интилувчан ёш ходимларни тайинлади. Табиийки, ҳар қандай ўзгаришлар одамлар учун оғрикли кечади. Қурилиш компаниясининг корпорацияга айланиши менинг мансабда ўсишимга ҳам таъсир этди: мен директор ўринбосари, кейинроқ тижорат бўйича, сўнг ижрочи директор, кейин эса директорнинг биринчи ўринбосари лавозимигача кўтарилдим.

1972 йилда корпорация бошқаруви учун масъул бўлган тижорат бўйича директор этиб тайинландим. Бу ишга директор ўринбосари лавозимига кўтарилганимдан ва бош офисга ишга келганимдан кейин 2 йил ўтгач тайинландим. Менинг олдимга компанияни мустаҳкамлаш учун янги лойиҳаларни олға суриш ва келгусида барқарор ўсишли таъминлаш учун унинг бошқарув тузилмасини ўзгартириш вазифаси қўйилганди.

Янги лавозимда даставвал эътиборимни бошқарувни оқилона, йўлга қўйишга қаратдим. Олдимга иккита асосий вазифани қўйдим: бошқарувни яхшилаш орқали компаниянинг кенг кўламда ўсишинигина эмас, балки рентабелликнинг ошишини ҳам таъминлаш, шунингдек, меҳнат самарадорлигини ошириш учун тузилмани ўзгартириш. Сўнг бюд-

жетни бошқаришнинг янги тизимини жорий этиш, қобилиятли кадрлар танлаш, оғир техникани назорат қилиш қоидаларини яратиш ва тузилмани ислоҳ қилишга оид бошқа режаларни амалга ошириш вазифаси турарди.

Мен бошқарувни оқилона йўлга қўйиш сиёсатини дадил илгари сура бордим, бу эса жамоадагиларнинг ғашига тегди. Бюджетни назорат қилиш бўлимларигина эмас, объектлардаги ходимлар ҳам бундан норози бўлишиди.

— Бу тижорат директори Лини, ёш бўлса ҳам юқори лавозимга тайинладилар, энди у ўзидан бошқани менсимай қўйди.

— Балки у компания пулларини ўзиники деб ўйлар?

Биринчи фикр ҳақиқатга тўғри келмасди, лекин иккинчиси рост эди. Мен доимо компания пуллари — бу шунчаки корхона ёки Чонг Джу Енгнинг эмас, балки менинг ўзимнинг пулларим деб ўйлардим. Чунки мен доимо ўзимни ўз ишимнинг ва компаниянинг хўжайини деб ҳисоблардим.

1974 йил январда кадрларни умумий кўтаришда мени ижрочи директор этиб, кейинги йили эса — директорнинг биринчи ўринbosари этиб тайинладилар. Бу 1965 йилда, ишга кираётганимда «қурилиш — бу бунёдкорлик» деб айтганимга роппа-роса ўн йил тўлганда рўй берди. Менинг профессионал жиҳатдан жадал ўсишим бошқарув лавозимларида фақат ёш ва тажриба жиҳатидан катта ходимларгина бўлиб келган жамиятда истисноли ҳолат бўлди. Бу ҳол одамларда шубҳа уйготиши табиий эди, албатта.

— Бу Ли Мён Бак, эҳтимол, корпорация президенти Чонгнинг қариндошидир? Агар қариндош бўлмаса, у ҳақда қандайдир муҳим нарсани билса керак.

— Йўқ, айтишларича, Ли Мён Бакни президент Пак Чон Хининг ўзи қўллармиш.

Бундай миш-мишлар компания ичидагина тарқалмаганди. Менинг мансаб пиллапоясидан юқорилашим оммавий ахборот воситаларида тез-тез ёритиларди. Компания оддий ходимининг юксалиши тарихи аҳоли орасида кенг муҳокама қилинадиган мавзуга айланди. Бундай миш-мишлар ҳақида президент Чонг кулиб: «Ахир мен сенга қачондир мансаб берганманми? Сен ўзинг ўсдинг. Одамлар буни бил-

майдилар ва бўлмагур гапларни гапириб юрадилар», — деб айттарди.

Хизмат пиллапоясидан қандай қилиб бунчалик тез кўтарилиш мумкин, деган саволга бир газетага интервьюда шундай деб жавоб бергандим:

— Мен президент Чонгга, унинг қобилиятли кадрлар танланидаги жасурлиги ва донолиги учун ҳурмат изҳор этаман, холос, чунки бу ҳолларда у ходимларнинг қобилиятигагина таянарди ва эҳтимол тутилган хавф-хатарларни жуда яхши билиб турарди.

Лавозимни оширишганидан хурсандчиликни биринчи ёки иккинчи бор мансабингни кўтаришганда ҳис этасан. Ҳар иили, яна ўзинг бехабар лавозимингни ошираверишса, навбатдаги кўтарилиш ҳеч қандай шодлик келтирмайди. Лекин 1974 йил январида мени директорнинг биринчи ўринbosари этиб тайинлашганда, ҳиссиётимни жиловлай олмагандим. Янги лавозимга тайинланганим ҳақида буйруқ чиққач, ичкилик сотиб олдим-да, эски қадрдонимнигиа йўл олдим. Мен ҳамشاҳрим Чанг Дэникига бордим. У юқори мактабни тугатгач, Сеулдан ижарага хона олганида, ўшанда, келажакдан ноумид бўлиб, кўчаларда мақсадсиз тентираб юрган, ҳеч бўлмаса тугалланмаган олий маълумотли бўлиб олиш керак, деб ўйлаган кезларим унинг уйига кўп қатнаганман. Дўстимни кўрмаганимга қанча бўлди! Чанг Дэ Ханяинг университетининг техника факультетини тугатиб, ишлар эди.

— Газетада ўқидим, директор ўринbosари бўлибсанми?

— Ҳа, бугун буйруқ чиқди.

— Табриклайман, бунинг шарафига ичиш керак.

Тун бўйи ичдик. Ичкилик шунча йиллар давомида мушт бўлиб туғилиб ётган қалбимни очиб юборди. Ахийри йигелаб юбордим. Улгайганимдан кейин бирорнинг олдида биринчи бор йиглашим эди. Похонгдаги болалик давримни ва мархума онамни эсладим. Онагинам! Онамни эслар эканман, ўзимни йигидан тия олмасдим.

— Мён Бак, истаганингча йигла. Ёш бўла туриб, ўз кучинг билан директорнинг биринчи ўринbosари бўлдинг. Не жафоларни тортмадинг. Сен жуда оққўнгилсан, биламан. Жуда кучлиларгина омон қоладиган бундай рақобатда бошқаларнинг кучи етмайдиган ишларни қилдинг. Йиглайвер, иста-

ганингча йигла бугун, юрагингни бўшат. Йиғлайвер, Мён Бак, йиғлайвер.

1974 йил январь ойининг бошидаги ўша тунда узоқ йифладим.

### **Сен директор бўласан**

Корея курилиш саноатининг Яқин Шарққа кириб бориши 1974 йилда бошлианди. Таиландда «Хендэ» томонидан магистрал курилтанидан кейин қурилиш саноати ривожланниш томон силжиди. Кореяning Вьетнам урушидаги иштирокидан кейин мутахассислар чет эллардаги янги лойиҳаларга эътибор қарата бошладилар. 70-йилларнинг бошида, Вьетнамдаги уруш ниҳоясига етиб бораётганида, курилиш компаниялари кейинчалик, 1973 йилдаги нефть инқизозининг манбай бўлган Яқин Шарқни таҳладилар.

Нефть инқизози ҳақида сўз кетганда, ҳозирги авлод ўша пайтдаги вазиятни тасаввур қилиши қийин бўлади. Бой давлатлар хом ашё нархларини истаганча бошқарган «ресурслар миллатчилиги» сиёсати бир галлон нефтнинг нархи 20 центдан 28 долларга кўтарилиб кетишига олиб келди. Бу 23 барабардан зиёд ўсиш деганидир. Табиийки, бир томчи ҳам нефти бўлмаган бизнинг мамлакатимиз учун бу катта зарба бўлди. Олтин заҳиралари минимумга тушиб қолган, давлат банкротлик чегарасида эди.

«Хендэ» курилиш компанияси ва Яқин Шарқ бозорига чиққан бошқа компаниялар ишлаб топилган нефть долларлари билан ўша инқизоз вақтида Корея иқтисодиётини том маънода кутқариб қолдилар. Кечаю кундуз, 40 дараҷа иссиқда саҳрода ишлаган техник ишчилар ва муҳандислар индустрящтириш даврида ҳақиқий ватанпарварга айландилар. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Лекин Кореяning ҳамма компаниялари ҳам аввал бошданоқ Яқин Шарқ бозорига интилмадилар. Уларнинг аксарияти бу ўзлаштиришга қарши турдилар, ҳатто жадал ривожлаётган компанияларда ҳам Яқин Шарқ бўйича қизгин баҳслар борарди.

«Хендэ»да ҳам ахвол худди шундай эди. Президент Чонг Джу Енг ва мен Яқин Шарқ бозорига чиқиш учун тинмай

йүл излардик. Эрондаги Бандар-Аббос кемасозлик корхонаси учун тайёргарлик марказини қуришга оид 8 млн. долларлик буюртма тушганда, умуман олганда, раҳбарият ичида норозиликлар бўлмаганди. Лекин бир йил ўтгач, 1975 йилда Басрадаги араб кемасозлик корхонаси бўйича 150 млн. долларлик тендер эълон қалинганида, компаниянинг ушбу лойиҳада иштироки бўйича баҳслар, ҳатто, жанжалгача борди.

Чет элдаги лойиҳалар бўйича директор Чонг Ин Енг (Чонг Джу Енгнинг укаси) қарши чиқди. Бу — компания учун ҳаддан ташқари кенг қамровли лойиҳа, деган фикрни билдириди у. Дарҳақиқат, қурилиш мувваффақиятсиз якун топиши мумкинлигини кўрсатувчи омиллар бор эди. Қолаверса, бавзи қурилиш компаниялари, тажриба ва билим етишмаслиги туфайли Яқин Шарқдаги қурилишларни зиён кўриб тугатгандилар. Тендер муддати яқинлашгани сайин бу масала юзасидан баҳслар янада кескинлашди. Охири ҳақиқий тўполнон бошланди. Дастробки ҳисоб-китоблар тайёрланганидан кейин компания президенти Чонг тендер ҳужжатларини топширишни тезлатаётганда директор Чонг Ин Енг бунга турли йўллар билан тўсқинлик қилди.

Охир-оқибатда, «Хендэ» дунёning энг яхши қурилиш компаниялари орасида бўлиб ўтган тендерда ютиб чиқди ва Басрадаги араб кемасозлик корхонасини қуриш унга топширилди. 1975 йил октябрида қурилиш бошланди, лойиҳа режадигидан тезроқ амалга оширилди ва 1977 йилнинг октябрида лойиҳа якунланди. Конструкторлик ишларига «жуда яхши» деб баҳо берилди.

Басрадаги араб кемасозлик корхонасининг қурилиши Яқин Шарқдаги қурилишлар кескин кўпайган даврга тўғри келди. Ўша пайтларда Корея компаниялари учун қурилиш ишларига буюртмалар суммаси йилига 10 млрд. доллардан зиёдни ташкил қиласди.

Ушбу гуллаб-яшинаш даврининг асосий тимсоли Ал-Жубайл саноат порти лойиҳаси бўлди. Бу портнинг қурилиши нафақат «Хендэ» компанияси, балки умуман Корея иқтисодиёти тарихидаги энг муҳим воқеа бўлди. Порт қисмининг темир конструкцияси блок тарзida Ульсандаги кемасозлик корхонасида (кейинчалик «Хендэ Хэви Индастриз» деб ном-

ланди) тайёрланди, уни баржага ортиб, Араб ярим оролига олиб борилди. Бундай кутилмаган конструкторлик ечими жаҳон қурилиш саноатини лол қолдирди.

«Хендэ» компаниясининг Яқин Шарқдаги лойиҳаси муваффақиятли амалга оширилганди, бу компанияда ўзига нисбатан ишончнинг мустаҳкамланишига ва бажарилган ишлар билан фахрланишга имкон берди. Ишга «сиёсат» аралашмагунча «Хендэ» учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ эди. Аммо директор Чонг Ин Енг ўз лавозимидан кетганидан сўнг бошқарув доираларида катта ўзгаришлар рўй берди.

Араб кемасозлик корхонаси қурилиши юзасидан ака-укалар ўргасида бўлиб ўтган тўқнашув уларнинг ажralиши билан якунланди. Директор Чонг Ин Енг «Хендэ Янгхенг» компаниясига кетди. Унинг кетганлигининг оқибатлари бир муддат сезилиб турди. Кўпгина ходимлар Чонг Ин Енг кетидан «Хендэ Янгхенг»га ўтиб кетишиди. Шунда Кореядаги лойиҳалар бўйича директор Чо Сонг Гин ҳам компаниядан кетмоқчи, деган миш-мишлар тарқалди.

Бир кун корпорация президенти Чонг мени Квангхвамундаги оғисига чақирди. Иш вақти тутаб, кун кеч бўлиб қолганди. Чонг жиддий кўринарди, афтидан, муҳим қарорга келганди.

— Компаниядаги бошқарувчиларни алмаштириш керакмикан, нима деб ўйлайсан?

Бундай кадрлар алмашинуви бўлиши муқаррар эди. У ўз режалари ҳақида гапиришини кутардим.

— Мен Чон Габ Вон ва Ким Джу Синни тижорат директорлари этиб тайинламоқчиман, бундан ташқари, Ким Джу Синга объектлар бўйича бошлиқ вазифасини ҳам юкламоқчиман. Нима деб ўйлайсан?

Бу маслаҳат эмас, шунчаки хабардор қилиб кўйиш эди.

— Яна бир гап, директор Чо ҳақида ҳеч нарса эшитмадингми?

Мен ўзимни ҳеч нарса эшитмаганга солдим. Чунки ҳеч қандай расмий хабар бўлмаганди.

— Ли...

— Эшитаман?

— Йўқ, ҳеч нарса. Кетишинг мумкин.

Чонг нимадир демоқчи бўлдию, лекин айтмади. Ўша куни нима демоқчи бўлгани кейинроқ, 1977 йилнинг бошида, директорларнинг йиллик йигилиши арафасида маълум бўлди. Ўшанда Чонг мени хонасига чақирди. Менга узоқ тикилиб турди ва деди:

— Директор Чонг ва Чо компаниядан кетишиди, энди ким директор бўлади?

У гапни узоқдан бошлади. Чонг муҳим нарса ҳақда гапирмоқчи бўлса, одатига кўра, бошқа нарсадан гап бошларди.

— Сен директор бўласан.

Ҳайрон қолмай иложим йўқ эди.

— Жаноб президент, директор бўлиб ишлаш учун ҳозирча тажрибам етарли эмас.

— Бошқа ҳеч кимга топшира олмайман. Квон Ги Тэ (чет элдаги лойиҳалар бўйича директор ўринбосари) — муҳандис, бошқарувни унчалик қойиллата олмайди. Укам Се Енг автомобиллар билан ишляпти, бошқа укам Сун Енг бўлса — цемент билан банд...

— Лекин менга ҳали эрталиқ қиласди. Менга қараганда узоқроқ ишлаган ходимлар кўп-ку.

— Унда менга муқобил номзодларни айт. Нега ёш бўлсанг ҳам орзу-ҳаваслик эмассан?

Чонг ўз фикрида туриб олди. Афтидан, у аллақачон бир қарорга келиб бўлганди. Қолаверса, бу қарорга бир кунда келмаганди. Унинг фикрини ўзгартириш қийин бўларди. Мен астойдил рад этардим, чунки қобилият ва ишонч билан ҳамма ишни ҳам ҳал қилиб бўлавермайди. Кореядаги халқаро обрўга эга энг йирик компания — «Хендэ» курилиш компаниясининг директори бўлишга жуда ёшлиқ қиласдим.

— Курилиш компанияси нима дегани? Курилиш компанияси — комплекс бизнес. Курилишда иши юришган одам ҳар нарсада муваффақият қозонади. Лекин одамларни бошқариш — бу ҳаёт. Шу пайтгача бу ҳақда ўйлаб кўрмагандим. Курилиш ишларини амалга ошириб, даромад олинса бўлди, деб ўйлардим. Аслида бундай эмас экан. Кейинги пайтларда мен одамларни тўғри бошқариш қанчалик муҳим эканлигини янада чуқурроқ тушунмоқдаман.

«Хендэ Хэви Индастриз»даги ишчилар билан қийинчиликлар ва Яқин Шарқдаги объектда рўй берган чиқишилар Чонгни одамларни бошқара билиш устида бош қотиришга мажбур қилганди.

— Ли, сен одамлар билан яхши тил топишасан, деб ўйлайман. Мен учун, йўқ, «Хендэ» қурилиш компанияси ҳурмати учун, директор бўл.

Мен билан лавозимимни кўтариш юзасидан биринчи марта маслаҳатлашилиши эди. Бу мен шу пайтгача қилиб келган ишимга нисбатан бутунлай болқа даражадаги иш эди. Бу муҳим танлаш эди, бунга «Хендэ» қурилиш компаниясининггина эмас, бутун корпорациянинг тақдири боғлиқ эди. Чонг ана шу ҳақда қаттиқ қайгуради.

Бир неча кундан кейин директорлар кенгашида мен директор этиб, Кореядаги ишлар бўйича масъул этиб тайинландим. Лекин ишга чиқа олмадим. Шунчалик хижолатда эдимки, бошимни кўтариб юра олмасдим. Мени директор ўринбосари этиб тайинлашганда қанча гап-сўз бўлганди, бу гал нима бўларкин?

— Ўттиз беш ёшли йигит директор бўлди. Биз, кексалар, энди бўлим бошлиғи лавозимида ишлаймизми?

— Компаниямиз Ли Мён Бакнинг юксалиши учун ишлайдими?

— Ли Мён Бак директор ҳақида қандайдир муҳим нарсани билади.

— Айтишларича, уни президент Пак Чон Хининг ўзи қўллар экан.

Бундай гаплар нафақат компанияда, балки бизнес-жамиятда ва, ҳатто, оддий одамлар орасида ҳам юрарди.

Аслида бу жуда мураккаб вазият эди, чунки катта ёшдаги ходимлар ва ҳамкаслар билан ишлаш керак эди. Ишга чиқишига ҳеч юрагим дов бермай, уйда ўтирадим, табриклаб қўнгириқ қилаётганларнинг кети узилмасди. Газета, телерадиокомпания, журналлар мухбирлари интервью беришни сўрашарди. Баъзилари уйга ҳам келишди. Ўзим тушиб қолган вазият ҳақида хотиржам ўйлаб олишга имкон беришмасди.

Шунда рафиқам билан Похангдаги қадрдон ерларга жўнаб кетдим. У ерга, ҳатто, юқори мактабда диплом беришганда

ҳам бора олмагандим. Қашшоқ болалигим ўтган бу ерларга фақат 15 йилдан кейин қайтдим. Енгиль күрфазида мөвий дентиз уфқига бοқар эканман, тақдирдан қочмасликка қарор қилдим. Ҳеч нарса боғлиқ бўлмайдиган директор бўлмаслик тўғрисида ўзимга ўзим сўз бердим. Лекин ўшанда олдимда қандай қийинчилклар турганини ва менга асло осон бўлмаслигини хаёлимга ҳам келтирумагандим.

## Рақобат

— Афтидан, президент Чонг шошқалоқлик билан қарор қабул қилибди. Мамлакатнинг энг йирик компанияларидан бири бўлган «Хендэ» қурилиш компанияси директори лавозимиға қирққа чиқмаган кишини тайинлаш... компания анча ўсди, шунинг учун ҳеч нарсадан қўрқмайди. Бир йил ўтсин, бу тайинлаш ҳалокатга олиб боради.

Турли одамлар менинг тайинланишим ҳақида салбий фикрлар билдираардилар. Амалий доираларда менинг професионал жиҳатдан жадал ўсишмдан хавотирланишарди.

Лекин айнан ўша йили «Хендэ» корпорацияси професионал эътирофнинг энг чўққисига чиқди. Ўша пайтларда «Самсунг» корпорацияси Корея ишибилармонлар ҳамжамиятида биринчи ўринни мустаҳкам эгаллаб келаради. Бошқа бирор-бир компания «Самсунг»дан ўзib кетиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Лекин Яқин Шарқдаги вазият кучлар жойлашувини ўзгартириб юборди. «Хендэ» Яқин Шарқдаги қурилиш соҳасидаги қулаг вазиятдан фойдаланиб қолди, «Самсунг» эса бу ишни қила олмади. «Хендэ» «Самсунг»дан ўзib кетгани шунчаки компания рейтингининг ўзгарганлиги эмасди. Давомли нефть инқирози туфайли 1973 йилдан кейин олтин захиралари 30 млн. долларгача қисқарди, мамлакат банкротлик чегарасига бориб қолди. Бундай инқирозни енгишда мамлакатга айнан қурилиш саноати ёрдам берди — ушбу саноат корхоналари чет эл бозорларига дадил чиқиб борарди. Бу ўзлаштиришда «Хендэ» ҳаммадан олдинда эди.

«Хендэ» компанияси «Самсунг»дан нафақат ташқи кўрсаткичлар бўйича, балки мамлакат иқтисодиётiga қўшган

хиссаси даражаси бүйича ҳам ўзид кетганида улар ўртасидағи рақобат янада кескинлашды.

Үша йилнинг охирларида мени кадрларни бошқариш давлат комиссияси ташкил этган семинарда сўзлашга таклиф қилишди. Мен мамнуният билан рози бўлдим. Суюдаги академия марказида турли корхоналарнинг раҳбарлари ва кадрлар масаласи бўйича масъуллари йигилишди. Иштирокчилар «Хендэ» қурилиш компаниясини бошқариш топширилган ёш директорга самимий қизиқиш ва синчковлик билан қарашарди.

«Ўзингиз биласиз, мен ёшман, ҳали қирқقا ҳам тўлганим йўқ. Мен тинмай ўқийман, ўрганаман, чунки тажрибам етишмайди. Амалий доираларнинг кўплаб вакиллари мен директор лавозимига тайинланганимдан кейин «Хендэ» корпорацияси қийинчиликларга дуч келади, деб қайгуришганди».

Компаниянинг давлат иқтисодиётини ривожлантиришга кўшаётган ҳиссасининг миқёси ва унинг ўсиш суръати ҳақида мисоллар келтиргач, осонгина касод бўлиши мумкин бўлган компания, охир-оқибат, етакчи мавқега чиқиб олди, деб кўшимча қилдим.

«Президент Чонг Джунг мени тайинлаш ҳақидаги қарори мени ёқтириб қолганидан ёки тасодифлар туфайли бўлган эмасди. Менимча, бу қарор давр талабига мос эди. Иқтисодиётимиз халқаро ёрдам олиш босқичларидан ўтди ва эндилиқда, жадал иқтисодий ўсиш ва глобаллашув даврида, биз зарурий тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишимиз лозим. Тузилмадаги ўзгаришлар эса профессионал бошқарувчиларни тайинлашдан бошланади. Ҳозир компания эгалари ҳамма нарсани бир ўзи ҳал қилиш ва бажариш заруриятидан ҳолос бўлмоқдалар, корхона ривожланиши юқори даражада профессионал жамоа томонидан амалга ошириладиган даврага етиб келдик. Ўйлайманки, президент Чонг томонидан тайинланишим замирида айнан шу қарашлар ётади. Компаниямиз келажаги ҳақидаги ҳар қандай хавотирланишлар асоссиз эканлигини исботлайман, деб ишонаман».

Гулдурос қарсаклар янгради. Ўзгаришларни интиқлик билан кутаётган турли компаниялар раҳбарлари ва юқори мартабали ходимлари фикримга тўлиқ қўшилишарди.

«Самсунг» корпорацияси билан рақобат «Чунганг Ильбо» газетасининг «Хендэ» билан тўқнашишига олиб келди. 1979 йилнинг майида «Чунганг Ильбо»нинг биринчи саҳифасида «Хендэ» компаниясининг Кимпо аэропорти ер ости йўлини куришдаги инсофсизлиги номли мақола чоп этилди. Шунингдек, газетада «Хендэ Хэви Индастриз»нинг «Онсан комплексида нефть сақлаш танкерини куришдаги виждансизлиги» мақоласи ҳам чиқарилди. Бу мақолалардан «Хендэ» корпорациясининг иши бутунлай пала-партиш экан, деган таассурот уйғонарди.

Биз расмий норозилик билдиридик, лекин бу иш ҳеч ҳал бўлай демасди. «Хендэ» газетада эълон бериш орқали тухматни рад этишга уриниб кўрди. Биз барча босма нашрларга 5 устунли мақолага буюртма бердик, уларда «Чунганг Ильбо» президенти Хонг Джин Ги қаттиқ танқид қилинарди.

Шунда «Самсунг»дагилар бизга қарши очиқ уруш эълон қилишди. Эрталабки мажлисда корпорациянинг барча бўлинмалари ходимларига «Хендэ» билан уруш сабаблари номи остида ташвиқот мақоласи берилган варақалар тарқатилди. Бизда эса, бу масалага корпорация президенти Чонг, мен, режалаштириш ва корпорацияни бошқариш бошлиғи, ижрочи директор Сонг Ун Джегина жавоб берардик, бошқа раҳбарлар бу масалада иштирок этиш ваколатига эга эмасдилар.

Биз газеталарда эълонлар жойлаштиридик ва вазиятдан чиқиш учун шундай шарт кўйдик: «Самсунг» корпорацияси президенти Ли Бенг Чоль шахсан узр сўраши лозим. Аммо президент Ли осонгина таслим бўладиган кишилардан эмасди. Қолаверса, бу унинг иззати нафсига тегарди.

Бу шиддатли кураш давлат хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар комиссиясигача етиб борди. Шунда мени бошқарма бошлиғи, миллий хавфсизлик масалалари бўйича бош кўмондон сұхбатга чақирди. Эрталаб соат 10 да ижрочи директор Сонг билан бирга келдик. Бош кўмондон Квон:

— Иккала душман томон ярашиши керак. «Самсунг» ҳам «Хендэ»га бошқа тажовуз қилмайди, деди.

— «Самсунг» «Хендэ»га тажовуз қилмаслиги нега сизнинг комиссиянгизда билдирилалапти? Бу гапни президент Ли Бенг Чоль айтишини истаймиз.

— Ўз сўзи ва хатти-ҳаракати учун жавобгарлик иккала томоннинг ҳам зиммасида бўлиши даркор. Нега бу ҳақда албатта президент Ли Бенг Чоль айтиши керак?

— Чўнки бошқалар энди ҳужум қилмайди, деб қанча айтса ҳам, агар бу одам хоҳласа, барибир, билганидан қолмайди. Зеро «Самсунг»да президент Лидан бўлак ўз сўзи ва қилмиши учун жавоб берга оладиган одам йўқ.

Бош қўмондон Квоннинг жаҳли чиқди ва овозини баландлатди.

— Балки бас қиласиз? Бу машмашадан сизга нима наф?

— Корея иқтисодиёти ва ахборот бозори учун бу ишда ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини аниқлаб олиш ва, ниҳоят, вазъда берилиши лозим. Агар корпорация ОАВдан рақобатчими янчидан ташлаш учун қурол сифатида фойдаланадиган бўлса, бундай ҳаракатлардан кўриладиган заар катта бўлади. Қурилишдаги кичик муаммо газетанинг биринчи саҳифасида энг муҳим янгилик сифатида берилиши мумкинми? Бу масалани, ҳеч бўлмаса, мамлакат ахборот нашрларининг келажаги учун, ҳал этиш керак.

Мен шундай бообрў бошқарма бошлиғи, миллий хавфсизлик масалалари бўйича бош қўмондонга норозилик билдирадим, шунда ижрочи директор Сонг, гапимни тўхтатиш учун, оёғимни босди. Шундай эздики, оғриқдан оёғим зирқираб кетди. Сонгни жеркиб бердим.

— Сонг, нега оёғимни босасан? Мен борини айтяпман. Яна бир бор айтаманки, агар жаноб Ли компаниямиз президенти олдидা узр сўрамаса, эълонларимиз чоп этилади.

— Лекин президент Ли Бенг Чоль ҳозир Кореяда эмас. У қандай қилиб узр сўрайди?

— Нималар деяпсиз? Ҳаммага маълум, у Кореяда.

— У Японияга соат 12 да учеб кетди.

Соатимга қарадим, соат ҳали 12 бўлмаганди.

— Ҳали 12 бўлмабди, нега Японияга учеб кетди, деяпсиз?

— Ишқилиб, у Японияга учеб кетаяпти. Шу билан гапни бас қиласиз, шундай қилингларки, бу қарама-қаршилик бошқа такрорланмасин. Ўз хатти-ҳаракатларингизни яхшилаб ўйлаб кўринг ва охирида муросага келинглар.

— Лекин бу — уларнинг муаммолари!

Офисга қайтганимда «Самсунг» корпорацияси президенти ўринбосари Ли Гон Хи қўнғироқ қилди.

— Олдингизга «Донгянг» телерадиокомпаниясидан Ким Док По боради, у билан сұхбатлашсангиз жуда миннатдор бўлар эдим.

— Ким Док По ким эканлигини билмайман, ҳар ҳолда у мавжуд муаммони муҳокама қиласиган шахс эмас.

— Ким Док По — компаниямизнинг вакили. У тегишли мартабага эта ва компания ишлари учун жавобгардир.

Биз энди президент Ли Бенг Чолнинг шахсан ўзи узр сўрасин, деб оёқ тираб турал олмасдик. Унинг Япониядан қайтиб келишини талаб қила олмаймиз-ку! «Самсунг»нинг таклифини қабул қилиб, эртасига эрталаб соат 5 да ўта маҳфий шароитда, Чосон меҳмонхонасида «Самсунг» томонидан «Чунганд Ильбо» президенти Хонг Джин Ги, «Донгянг» эшиитиришлар директори Ким Док По, биз томонимиздан — президент Чонг Джун Енг ва мен учрашдик.

— Курилиш шундай жараёнки, бетон сувоқдан кейин ёриқлар пайдо бўлиши мумкин. Ёриқлар пайдо бўлса, уларни тузатиш йўллари ҳам бор. Исталган курилиш обьектини олишингиз мумкин, ҳеч қаерда бусиз иш битмайди. Агар бундай тафсилотлар газетада ёзилаверса, бундай курилиш нуқсонлари ҳақида алоҳида газета очилса ҳам, жой етмай қолади. Агар Онсандаги муаммо ҳақида гапирадиган бўлсак...

Учрашув бошланишиданоқ президент Чонг, ўзига хос бўлган шошқалоқлик билан, журналистлар курилиш нималиги ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасликлари ҳақида, шундай экан, пала-партишлик ҳақида қандай қилиб ёзишлари мумкинлиги ва бошқалар ҳақида гапира кетди, лекин шу жойда президент Хонг Джин Ги унинг гапини бўлди.

— Президент Чонг, мен техника масалаларида ҳеч нарсани тушунмайман, ҳатто сизнинг изоҳларингизни эшигандан кейин ҳам. Қолаверса, биз бу ерга бунинг учун йиғилганимиз йўқ-ку.

Мухит кескинлашиб борарди. Шунда мен аралашдим.

— Мен президент Чонгга ҳамроҳлик қилиб келдим, шу сабабли фикр билдиришга ҳаққим йўқлигини биламан. Ле-

кин агар президент Чонг ва президент Хонг Джин Ги қарши бўлмасалар, икки оғиз гапирсам.

Чонг жим эди, бу унинг розилигини англатарди.

— Корпорация ОАВга эгалик қилишини кўпчилик танқид қиласди, лекин мен, аксинча, бу ёмон эмас, деган фикрдаман. Чунки агар ОАВ «Самсунг»га тегишли бўлса, у бошқа компанияни яхши тушунадиган босма нашр бўлади. Аммо «Самсунг» оммавий аҳборот воситаси компаниялар обрўсига бошқаларга қараганда кўпроқ салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки анчадан бери газета оммавий аҳборот воситаси бўлмай, «Самсунг» учун манипуляция қуролига айланиб қолди. Президент Чонг айтиб ўтганидек, мутахассис мақолангизда келтирилган қурилиш муаммоларини асослаб бериши мумкин. Қизиқ, шуни била туриб, ушбу мақолани биринчи саҳифага қўйган газетани муштариyllар қандай баҳолашар экан? Агар сиз, президент Хонг, бу маълумотни беришда адолатни тикламоқчи бўлсангиз, узр сўрашингиз керак.

Президент Хонг сўзларимни диққат билан эшилди, қаддини ростлади ва ҳурмат юзасидан бош иргаб қўйди.

— Директор Ли ҳақда мен фақат эшилган эдим, бугун биринчи бор кўриб турибман. Сизнинг айтган гапларингиз тўғри ва асослидир. ОАВ вакили сифатида мен сиздан кўп нарса ўргансам бўлади.

Мен президент Чонг масалани тушунтиришни техник томондан бошлади, мен эса шунчаки ОАВ ўзини қандай тутини кераклиги ҳақида фикр билдиридим, деб жавоб қилдим. Чунки менга билдирилган мақтov президент Чонг мавқенини тушириши мумкин эди.

Президент Хонг Джин Ги бу ишда унинг хатоси бўлганлигини айтди ва яна бир бош иргаб қўйди.

Шунда сухбат бошидан бўён индамай ўтирган директор Ким Док По гапира бошлади.

— Ҳозир мамлакатда мураккаб вазият. Икки компания мамлакатдан ташқарида ҳам оёқقا туриб олиши учун бирбирига ёрдам бериши керак. Ҳукумат ҳам, халқ ҳам икки компаниянинг ўзаро қурашини салбий қабул қиласди. Агар иккиси бир-бирига ён бериб, можаро тинчтина ҳал бўлса, яхши бўларди.

Шу тарзда ярашилди.

Ушбу воқеадан кейин мамлакатдаги иккита энг йирик корпорация жанжални бас қилишди. Президентлар Чон ва Ли эса, бир йүлдан бораётган ишбилармон доиралар етакчилари сифатида, вақти-вақти билан учрашиб, суҳбатлашиб турдилар.

Бироқ компаниялар ўртасидаги соғлом рақобат давом этаверди. Компанияларнинг барча ходимлари рақобатчи томоннинг йил якунлари бўйича кўрсаткичлари — товар айланмаси, мулки, соф фойдаси кабиларни катта қизиқиш билан кузатиб борарди.

Келгусида «Хендэ» электрон техника ва яримўтказгичлар бозорига чиқди, «Самсунг» эса қурилиш ва кемасозликка қўл урди. Яқинда «Самсунг» автомобиль бизнесини ҳам ўзлаштиришини бошлади, афтидан, рақобат яна давом этади.

Икки корпорациянинг рақобати баъзан фуқароларда норозилик уйготарди. Лекин бу рақобатни ижобий баҳолаш ҳам мумкин, чунки у 90-йилларда, шиддатли иқтисодий кураш даврида компанияларнинг ва, давлатнинг ўзининг ҳам, рақобатбардошлигини кучайтирди.

## **Маошга ишловчи директор ва корпорация президентининг ўғли**

Президентнинг Лондондаги филиалда ишлаётган тўнгич ўғли Чонг Монг Пиль 1980-йилларнинг бошида Сеулга келди ва чет элдаги лойиҳалар бўйича ижрочи директор лавозимига тайинланди.

Улкан корпорация меросхўри билан маошга ишлаётган, Чонг оиласи билан қариндош бўлмаган директорнинг ўзаро муносабатлари мураккаб кечди. Президентнинг ўғли мендан ёш жиҳатдан катта эди, лекин лавозимга кўра мен унинг директори эдим.

Корпорацияда жуда кўп бўлинмалар бор эди ва, истаса, президентнинг катта ўғли билан профессионал бошқарувчи ўртасидаги ихтилофни четлаб ўтиш мумкин эди. Лекин президент Чонг бундан бир мақсадни кўзлаганди.

Бу мақсад Чонг учун қанчалик мұхым әканлығи номағлум, лекин бундай вазиятта тушиб қолған ижрочи директор учун осон эмасди. Меросхұрнинг укалари ўшандаёқ алоҳида компанияларни бошқаришарди.

Компанияда юқори лавозимларни әгаллаган одамлар учун президентнинг ўғли билан менинг орамизда ишлаш жуда оғир әканлыгини кейинроқ билдім. Бир куни катта ходимлардан бири олдимга келди ва әхтиёткорлик билан гап бошлади.

— Шу пайттача айтиш қийин бұлған, ҳеч ким айта олмайттан гапни компания манфаатини күзлаб сизга айтишга қарор қылдым. Ижрочи директор этиб тайинланғанидан кейин Чонг Монг Пиль сиз имзолаган барча ҳужжатларни тутиб қоялпты. Бирор ишни қылмасликни буюрсанғыз, у ходимлардан нега шу иш қилинмаганлыгини сұрайпты-да, бажарышни буюраялти. Шу сабабли ходимларга жуда қийин бўляпти.

— Нега бу ҳақда энди айтапсиз?

— Чунки сизнинг характеристигизни биламан. Ижрочи директор эса — президент Чонгнинг тұнғыч ўғли. Бу воқеа туфайли қандайдир күнгилсизлик рүй берса, нима бўлади?

— Бу ҳақда хавотир олишга ўрин йўқ. Мен ҳеч кимга суҳбатимиз ҳақида айтиб ўтирамайман. Хабардор қилганингиз учун раҳмат.

Эртасига ижрочи директор Чонгни хонамга чақирдим. Ёлланған директор уни, корпорация президентининг ўғлини ўз хонасига чақираётганидан Чонг норози бўлди ва, шунинг учун бўлса керак, тезда чиқа қолмади. Мен суҳбатни тўғри, айбловларсиз бошладим.

— Жаноб Чонг Монг Пиль, мен ҳозир шахсий масалалар хусусида гапирмоқчи эмасман. Буни «Хендэ» қурилиш компанияси директори Ли Мён Бак ва ушбу компания ижрочи директорининг расмий суҳбати деб ҳисобланг. Эшитдимки, сиз тез-тез мен бажараётган ишни шубҳа остига қўяр әкансиз, лекин бу компанияда тартибсизликка олиб келади. Мен аниқ билмайману, лекин ходимларга ҳам ишлаш қийин бўлса керак, чунки уларга ҳам менинг, ҳам сизнинг хатти-харакатларимизни ҳисобга олишга тўғри келади. Шу сабабли компанияда ишлар талаб даражасида кетмаяпти. Сиз яқинда ало-

ҳида компаниянинг раҳбари этиб тайинланишингизни, келажакда эса корпорация президенти бўлишингизни яхши биламан. Ҳозир мен билан шунчаки вақтингча ишлашингизга тўғри келаётганлигини тушунаман. Демак, сиз келажакда корпорация раҳбари бўласиз, лекин ҳозирча шу компаниянинг ижрочи директорисиз, бинобарин, марҳамат қилиб, менинг кўрсатмаларимга амал қилинг. Агар менга бўйсунишни истамасангиз, президент Чонгга айтинг, у сизни бошқа бўлинмага ўтказсин.

Мени ҳайрон қолдирган томони — ижрочи директор Чонг Монг Пиль гапимни бўлмай, диққат билан эшитиб ўтириди.

— Мен сиздан ёш жиҳатдан кичикман. Лекин ишлаган йилларим бўйича қаралса, мен сиз билан эмас, отангиз билан бир авлодданман. Сиз корпорация ишларига жавоб берадиган даврингизда мен, отангиз билан бир авлодга мансуб бошқа одамлар каби, компанияда бўлмайман. Ёшимга қарамай, отангиз билан бир авлоддан эканлитимни тушунишингизни ва буни асло эсдан чиқармаслигингизни сўрайман. Сизнинг келгуси хатти-ҳаракатларингиз фақат ўзингизга боғлиқ.

— Мен ҳаммасини яхши тушундим.

Ижрочи директор Чонг менинг сўзларимга қўшилди. Хонамдан чиқаётганида унинг юз ифодаси хонамга кирган пайтидагидан умуман бошқача эди.

Бир қанча вақт ўтди, ишдаги қийинчиликлар ҳақида айтган ходимни чақирдим ва кейинги пайтларда ишлар қандай кетаётганлигини сўрадим.

— Жуда қизиқ. Ижрочи директор сизнинг ишингизга яқиндан кўмаклаша бошлади. Агар олдин: «Директорнинг имзоси керак эмас. Мен қўл қўйдимми, бажаринг», — деган бўлса, энди директор имзоси албатта керак, деяпти. Бундай ўзгаришлар қандай қилиб рўй берганлигини тушуна олмай қолдим. Ўртангизда нимадир содир бўлдими?

— Мен ижрочи директор Чонг билан учрашмадим. Афтидан, у янги келганида ишнинг моҳияти нимадалигини тушуна олмаган бўлса керак. Менинг билишимча, Чонг ишларни ўзибўларчиликка солмайдиган инсон, у ҳамма нарсани тушуниб олибди. Ижрочи директорга иш фаолиятида ёрдам беринглар.

Ижрочи директор Чонг учун қисқача бошқарув курси тугалланғач, у Инчондаги пұлат қуиши компаниясінің директори этиб тайинланды.

У иш бошлаганида иштиёқ билан ишлар, бизнесде қобилятли эканлигини намойиш этарди. Аммо бир күн, Ульсандан Сеулга хизмат сафаридан қайтастганида автоҳалокатта учради ва вафот этди. У түнни Ульсанда үтказса ҳам бўларди, лекин ишга шошилганидан тунда йўлга чиққанди ва баҳтисизлик содир бўлди. Бу воқеа у эндиғина бошқарувдаги қобилятини намойиш эта бошлаганида рўй берди.

Президент Чонгга бу қайгули хабарни етказишганда у АҚШда эди. У дағын маросимига келмади, тўнғич ўели ёруғ дунёни тарқ этишига қарай олмасди. Дағын маросимини ўзим бошқардим.

Ижрочи директор Чонг билан сұхбатимни шу пайтгача ҳеч ким билмасди. Бу ҳақда биринчи бор шу китобда ёздим.

### **Апкудジョンг туманида «Хендэ» хонадонларига талабнинг кескин ортиши**

Мевали дарахтта тош отилади, дейдилар. Компания соғиши ҳажми бўйича биринчи ўринни олганидан кейин кўплаб қийинчилклар рўй берди.

1978 йилнинг 6 июлида, президент Пак Чонг Хи учинчи муддатга сайланганидан кейин, обрўли газеталардан бирининг биринчи саҳифасида «Хендэ» хонадонларининг имтиёзли тақсимоти бўйича иш» мақоласи чоп этилди.

Ўша куни биринчи саҳифада «Хендэ» хонадонлари билан содир бўлган воқеа ҳақида маълумот берилган бўлиб, иккинчи ва учинчи саҳифалардан шу мавзуга оид материаллар жой олганди. Президентнинг қайта сайланганлиги ҳақидаги кичкина мақола биринчи саҳифанинг бурчагида чоп этилганди. Қандайдир компания туфайли президент ҳақидаги янгиликнинг пастга тушиб кетганлиги ҳақиқатда нотўғри бўлганди. Ҳамма «Хендэ»ни танқид қиласар, мен эса ўзимни ривоятлардаги ноҳақ тошбўрон қилинган аёл каби ҳис этардим.

Бу воқеа сиёсат ва иқтисодиётнинг корпорациялар иштирокида кўшилиб кетишига қарши аҳоли нафрати ва норозилигини қўзғади. Бу ҳаракат ҳокимият тепасида абадий қоладигандек кўринаётган ҳарбий ҳукуматга қарши норозилик билан боғлиқ эди. Кўрқиб кетган ҳукумат эпчил ва чаққон ҳаракат қилди. У халқ газабини корпорациялар томонига буриб юбориш учун бор чораларни кўрди. Бунинг учун энг қулай нишон «Хендэ» компаниясининг иши бўлди ва оддий аҳолининг президентнинг учинчи муддатга қайта сайланиши билан боғлиқ қаҳру газаби компания устига ёғилди.

Шу заҳоти текширув бошланди, натижада кўплаб давлат амалдорлари, банк ва ОАВ ҳодимлари қамалди ёки қўлга олинди. Бу одамлар ашаддий танқидга нишон бўлишди ва, охир-оқибат, ўз лавозимларидан кетишлирага тўғри келди, баъзи катта авлод санъат арбоблари обрўсига доғ тушди. «Хендэ»га келадиган бўлсак, президент Чонгнинг иккинчи ўғли, «Корея шаҳар тараққиёти» акциядорлик компанияси директори Чонг Монг Гу ва компания тиҳорат директори Ким Санг Джин қамоқча олинишди. Бу воқеадан кўп ўтмай «Корея шаҳар тараққиёти» компанияси фаолиятини тўхтатиши ҳақида буйруқ чиқди.

Бизга нисбатан бундай қақшатқич зарба берилишига сабаб бўлган бу иш қандай эди?

1975 йилдан бошлаб, мен директор ўринbosари бўлганимдан кейин, «Хендэ» қурилиш компанияси Апкудjon туманидаги ташландиқ ерни олиб, кенг кўламда кўпхона-донлик уйлар қуришга киришди. Бундан аввал, Собингода ишлаб юрган пайтларимданоқ, мен ушбу қурилиш бизнесини илгари сургандим ва Апкудjonдаги «Хендэ» хонадонларига катта умид боғлагандим.

Ўша пайтга қадар хонадонлардан асосан аҳолининг камбагал қатламлари фойдалангандилар ва одамлар тасаввурида улар ҳақида «яшашга жойи йўқлар учун коммунал уй» деган фикр шаклланганди. Аммо мутлақо ҳаётий режа бор эди, уни амалга ошириш учун эскича қарашларни тугатиб, қулай хонадонларда юксак даражада ҳаёт кечиришга доир тушунчани киритиш лозим бўларди. Натижада «Корея шаҳар та-

раққиёти» шүйба корхонаси ташкил этилди, қурилиш ишларига эса «Хендэ» жавобгар эди.

Бу хонадонларнинг нархи қандай бўлади? Шунга муовфик, хоридорларнинг имконияти-чи? Бу масалалар бизни хавотирга солмай кўймасди. Уйлар сотилиши ҳақида эълон берилганди, лекин хоҳловчилар кам эди. Афтидан, бунинг сабаби ўша пайтларда қурилишлар атрофи тўсилмасди — одамлар қурилишдан чанг кўтарилиб, қизил лой сачраётганини кўп кузатишар, шу сабабли кўзларига даҳшатли маҳлуқлардек кўринган, сўппайган кўпхонадонли уйларга чўчиброқ қарашарди.

Хонадон савдоси суст кетарди, қўл қовуштириб ўтириш эса ярамасди. Биринчи бадал ҳар йили бўлакларга бўлиб тўлашга ўзгаририлди. Лекин бу ҳам иш бермади, шу сабабли йирик суммали кредитлаш тартиби соддалаштирилди. Бу ҳам харидорларни жалб қила олмади. Айни маҳалда, жамиятда юқори мартабага эга одамлар биринчи бадалнинг тўлашишини фойдалироқ қилиб ўзгаришини талаб этишиди.

Дастлаб президент Чонг ва мен бундай талабларга эътибор бермасликка ҳаракат қилдик. Лекин кейинроқ, агар



Сеулда кўлхонадонли уйлар қурилишининг бошланиши маросимида

жамиятда катта салмоқقا эга шундай одамлар уйларимизга күчіб келишса, бу бошқалар учун энг самарағы реклама бұлади, деган фикрга келдік. Янада қулайроқ шаройтлар таклиф қила бошладык. Бу хонадонларға ҳамкорлықдаги ишлар бўйича барча танишларимизни: давлат хизматчилари, ОАВ ходимларини жойлаштиришга қарор қилинди. Президент Чонг эса, хонадонларни санъат ва илм-фан оламидаги танишларига таклиф қилди. Улар барни миннатдор эди. Маълум вақтга қадар ҳеч қандай муаммо бўлмади.

Портлаш кейин содир бўлди. Тўсатдан хонадонларга талаб кескин ўси 1—2 йил ичида хонадонлар анча қимматга сотила бошланди. Шунда гёёки хонадон ололмай қолганлар Апкудjonг туманидаги «Хендэ» хонадонларини назарда тутган ҳолда, «хонадонларнинг алоҳида қулай шартлар асосида тақсимланиши» масаласини кўтариб чиқишиди. Шунда харидорлар йўқлиги туфайли савдони йўлга қўйиш тадбири «танлаб олинганлар учун алоҳида имтиёз»га айланди.

Мана шунда, халқ ўз ғазабини компанияга тўкиб солиши учун, ҳукумат ушбу «имтиёз»ни қўлидан келганча шиширишга ҳаракат қилди.

Ҳукуматнинг «Корея шаҳар тараққиёти» компаниясини тугатиш тўгрисида»ги қароридан сўнг қурилиш вазири Син Хенг Сик президент Чонгни ҳузурига чақирди. Шу ерда вазир «хато»га йўл қўйди. У президент Чонгга бошқа бирор масъул шахсни эмас, айнан «Ли Мён Бакни бирга олиб келинг», деб айтди.

### **Етказилган жароҳат ва қарши ҳужум**

— Ли Мён Бакни ишдан бўшатинг ёки бошқа бўлинмага ўтиказиб юборинг. Мен қурилиш вазири эканман, у директор лавозимида бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда «Хендэ» катта муаммоларга дуч келади.

1976 йилда «Хендэ» Кореяning бошқа қурилиш компанияси — «Юльсан»дан ўзиб кетиб, Саудия Арабистонидаги Ал-Жубайл қурилиши бўйича тендерда ютиб чиққанда, қури-

лиш вазири Син Хенг Сик президент Чонгни чақириб таҳдид қилғанды. Мен вазир Син учун күзға тушган чўп бўлиб қолганимнинг ҳам сабаби бор эди.

Яқин Шарқ қурилиш бозорини ўзлаштиришнинг дастлабки даврида қурилиш вазири Ким Джэ Гю ўнтағача буюртмалар олиши мумкин бўлган қурилиш компаниялари сонини камайтирди. Бу чора ушбу бозорга ҳаддан ортиқ фаоллик билан кириб боришнинг салбий оқибатлари олдини олиш мақсадида атайин қилинган эди. Лекин вазир Ким Марказий ахборот идорасига ишга ўтди, Республикачилар партиясининг машҳур сиёсатчиси Син Хенг Сик вазир лавозимини эгаллади ва мансабга ўтириши билан Яқин Шарқда ишлаш учун борадиган компаниялар сонини яна 30 тагача оширди.

Агар бу иш компаниялар имкониятларига мувофиқ бўлгандা, жуда зўр бўлар эди: ҳамма пул ишлаб топиб, мамлакатга олиб келарди. Аммо гап шунда эдики, Яқин Шарқда ишлаётган компаниялар орасида ҳатто мамлакатнинг ичкарисида ҳам қурилишни ишониб бўлмайдиганлари бор эди. «Юльсан» қурилиш компанияси шундайлардан эди.

Курилиш вазирлигидаги очиқ мажлисда мен ушбу муаммони қайд этдим.

— Мен, Яқин Шарқда анчадан бўён ишлайдиган компания вакили сифатида, жаноб вазирни огоҳлантирмоқчиман. Мен бошқа компанияларнинг Яқин Шарққа чиқишлирага қаршилик қилмайман. Лекин чет элда ишлашга тайёргарлик кўраётган янги компаниялар орасида ҳатто мамлакат ичкарисида ҳам қурилиш ишларини олиб бора олмайдиганлари мавжуд. Булар фақат номигина бор фирмалардир. Сиз уларни юбормоқчисиз, лекин мамлакатнинг халқаро миқёсда ёмонотлиқ бўлишига ким жавоб берали?

Вазир менга жаҳд билан жавоб берди:

— Ҳозир Яқин Шарқда қурилишлар авжига чиққан. Бундай қулай вазиятда, мамлакатга кўпроқ валюта келтиришлари учун ҳукumat имкон қадар кўпроқ компанияларни чет элга юборишини режалаштирган. Сизга эса, директор Ли, ҳақлигига биргина ўзингиз ишонадиган бундай мулоҳазалар билдириласликни маслаҳат бераман.

Мен яна бир бор бошқа компанияларнинг халқаро бозорга чиқишилариға түсқинлик құлмаслигимни айтдым. Чет элдаги лойихалар бошқармаси бошлиғига шундай дедим:

— Мен қарши бўлганимни албатта ёзиб қўйинг. Тасодифий компаниялар мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсата бошлагач, чет элдаги қурилишлар биз учун бошовориқ бўлганида — ана ўшандага менинг сўзларим эсингизга тушади.

Менинг хавотирларим ҳақиқат бўлиб чиқди. «Хендэ» Ал-Жубайлдаги турар жой қурилиши бўйича йирик лойиҳа тендеридаги иштирок этётганида «Юльсан» компанияси «қуруқ кўл» билан рақобатлаша бошлади. Бу бошидан охиригача бажариладиган буюртма эди, тендер натижаларига кўра «Хендэ» биринчи ўринни, «Юльсан» иккинчи ўринни эгаллади.

Шунда Корея қурилиш вазирлиги «Хендэ»ни демпингда, таклифда ўта паст нархлар беришда гумон қилиб, санкция қўллашга уринди. Мен нархлар асослилиги ҳақида далилларни тез тўпладим. «Хендэ» нархлари демпингли эканлиги эътироф этилса, буюртма ўз-ўзидан «Юльсан»га ўтган бўларди. Менга вазир Син ушбу компанияга алоҳида эътибор берадек туоларди.

«Юльсан» компаниясининг тендерда қатнашиши ҳақидағи ҳужжатларни кўриб чиққанда лол бўлиб қолдим. Ҳайрон қолганим шундаки, уларда «Юльсан» Гори АЭСни, Соянг дарёсидаги тўғонни ва бошқа обьектларни қуриш ишларини бажарган бўлиб чиқди, ваҳоланки, бу обьектларнинг барчаси «Хендэ» компанияси томонидан қурилганди. Мен вазир Синга «бу бўлиши мумкин эмас», деб мурожаат қилдим.

— Бўлар иш бўлибди, нима ҳам қиласиз. Агар бу масалани ҳозир кўтарадиган бўлсак, Кореяning барча компанияларига заар етади. Яхлиси буни тилга олмаган маъқул, — деб жавоб қилди вазир.

Қурилиш вазирлиги вақтни чўзаверганидан Саудия Арабистони Кореядаги баҳолаш тажрибаси етарли бўлмаса керак, деган холосага келди ва ҳужжатларни текширишни ХТТБ техник мутахассисларига топширди. Ҳужжатларни текширишда ХТТБ мутахассислари олдин бажарилган кўплаб лойиҳалар ҳам «Хендэ», ҳам «Юльсан» компаниялари томонидан

кўрсатилганлигини аниқладилар. ХТТБ «Хендэ» билан Жануби-Шарқий Осиё лойиҳалари бўйича ишлаган, шу сабабли унинг фаолияти билан жуда яхши таниш эди. Тез орада «Юльсан» ҳужжатларида ишончсиз маълумотлар кўрсатилгани исботланди ва бунинг натижасида компания тендердан чиқариб юборилди.

Воқеалар бундай ўзгариб кетганидан кейин қурилиш вазирлиги гўёки «Хендэ» Саудия Арабистонига шикоят қилган, деб таъкидлай бошлади. Шундан бери вазир Син, юмшокроқ қилиб айтганда, мени ёқтирмай қолганди. Вазир Син мени директор лавозимидан олиб ташлашни талаб қиласар экан, Чонг кулар эди. Вазирнинг таҳдидлари унга умуман таъсир қилмаганди.

Президент Чонг ва мен қурилиш вазири ҳузурига «Корея шаҳар тараққиёти» компаниясини тарқатиб юбориш масаласи бўйича келганимизда вазир Син калондимолик билан ўтиради. «Корея шаҳар тараққиёти» компанияси томонидан йўл қўйилган барча қонунбузарликларни санаб ўтгач, хуласа қилди.

— «Хендэ» корпорацияси ихтиёрий суратда ушбу компанияни тарқатиб юбориши керак. Бу ҳақда бутун соат 5 да бўладиган матбуот конференциясида эълон қиласизлар.

Шундан кейин у бўлимнинг масъул бошлигини чақирди ва президент Чонгга матбуот конференциясининг тайёрланган режасини топширди. Президент Чонг саволлар ёзилган варақни олди ва сўради:

— Бу жаноб вазирнинг фармойишими ёки жаноб президентникими?

— Бу президент кўрсатмаси. У бажарилиши лозим.

Биз чиқа бошлаган ҳам эдик, вазир, ниманидир ўйлаб, менга деди:

— Хўш, директор Ли, сен бу ҳақда нима деб ўйлайсан?

Мен вазирнинг мақсадини, компаниянинг тарқатиб юборилишини эълон қилишга нега мени ҳам чақирғанлигини тушундим ва юрагим ғаш бўлди.

— Сиз хуласалар чиқардингиз, президент Чонг рози бўлди. Менинг фикрим билан нима ҳам ўзгаради? Қолаверса, «Корея шаҳар тараққиёти» компаниясига менинг алоқам йўқ.

— Мен шунчаки сизнинг фикрингизни эшитмоқчиман. Бу сўзлардан кейин барибир ҳеч нарса ўзгармайди.

Вазир мен билан унча мулойим гаплашмаётганди ва бу вазиятдан қониқиши ҳосил қилаётгани сезилиб турарди.

— Агар шуни талаб қиласангиз, майли, ўз фикримни айтаман. Мен компанияни тарқатиб юборишга қаршиман. Чунки компания — бу юридик тузилма. Бу ҳолатда юридик тузилма умуман айбизидир. Агар кимдир айбдор бўлса, айбдорларни жазолаш керак. Агар ҳар бир хато учун компаниялар тарқатиб юборилаверса, нечта фирма қолади? Ривожланган давлатлардаги 100, 200 йиллик тарихга эга компанияларга қаранг. Агар ҳукумат капиталистик шароитда шундай йўл тутса, ҳеч бўлмаса 10 йил туриб бера оладиган компания бормикан?

Гапимни охирига етказмаган ҳам эдимки, вазир Син жаҳл билан бақирди.

— Ёш директор, сен майданинг кетидан кувиб, иирикни йўқотдинг.

— Мен ҳеч нарса демоқчи эмасдим, ўзингиз фикримни сўрадингиз, шунинг учун гапирдим. Барча нарса сиз ва президент Чонг ўртасида ҳал бўлди. Қанақанги майда нарса кетидан кувибманки, катта нарсани бой берсам?

Вазир ўрнидан шартта турди.

— Соат 5 да вазирликка келинглар ва матбуот конференциясини ўтказинглар.

Қурилиш вазирлигидан чиқиб машинага ўтирганимизда, президент Чонгта дедим:

— Улар бу президент фармойиши дейишияпти, лекин менга ғалати, мантиқсиз туюляпти. Президентнинг қарорлар қабул қилиш бўйича маслаҳатчисининг олдига бориб келаман.

— Айтишди-ку, бу президентнинг кўрсатмаси экан, демак, борищдан фойда йўқ. Сен уни танийсанми?

Қарорлар қабул қилиш бўйича маслаҳатчи Ким Енг Джун эди, келажакда у идоранинг аудит бўйича директори бўлди.

— Мен у билан расман учрашиб, гаплашиб олишим мумкин.

— Бўпти, уриниб кўрамиз, чиқмаган жондан умид.

Мен қабулхонадан құнғироқ қилдим, маслағатчи билан учрашиш осон әмасди. Бироз олдин вазирга айттан гапларимни унга ҳам тақрорладим.

— Бундай қарор капитализмнинг иқтисодий мантиғига асло түгри келмайди, деб ўйлайман. Буни қабул қилиб бўлмайди. Сиздан шу ҳақда жаноб президентта хабар беришингизни сўрайман.

Ким Енг Джун иш ёпилганини маълум қилди, лекин саволларимга жавобан бош ирғитиб қўйди.

— Мен даъвоингизнинг моҳиятини тушундим. Лекин ҳозир ҳеч нарса дея олмайман, шунинг учун офисга қайтинг. Қандайлир ўзгаришлар бўлса, хабар берамиз.

Мен компанияяга қайтдим ва матбуот конференциясига тайёрлана бошладим. Шунда президент маслағатчисидан құнғироқ бўлиб қолди.

— Бу ҳақда жаноб президентта хабар қилдик ва у ўз қарорини ўзgartирди, компанияни тарқатиб юбориш керак әмас. Тез орада бу ҳақда қурилиш вазирлигига ҳам хабар қилинади. Директор Ли, сиз ютдингиз.

Лекин мен қувонишга ҳам улгурмадим. Чунки шу заҳоти қурилиш вазири құнғироқ қилди. Бу гал у менга бир ўзим боришимни буюрди.

Вазир ўта ғазабланган эди. У жонсараклик билан бу қандай рўй берганлигини сўради, мен борини айтиб бердим.

— Агар ўзингни шундай тутадиган бўлсанг, бу сенга қимматга тушади.

У шундай деди, лекин ҳаммаси ҳал бўлганди.

«Кичикнинг кетидан кувиб, каттадан айрилиш» иши якунланди. Шундан сўнг маълум вақт ўтгач, директор Чонг Монг Гу суд қарори билан айбсиз деб топилди ва озод қилинди. Зеро сотиб олишни истовчилар бўлмаганидан кейин, хонадон учун тўловни чўзиб бериш қандай қилиб айб бўлиши мумкин? Айб бўлса ҳам, фақат бироздан кейин талаб кескин ортгани учун шундай бўлди. Бироқ бу воқеа, директор Чонгнинг айбсизлиги тан олинган бўлса ҳам, бутун «Корея шаҳар тараққиёти» компанияясига жароҳат етказди.

## **Президент Пак Чон Хи билан сүнгги учрашув**

Менинг президент Пак Чон Хи билан «алоқам» жуда шиширилган эди. Ўша пайтларда жамият менинг профессионал жиҳатдан бундай жадал ўсишимни тушуниши ва қабул қилиши қийин эди. Қолаверса, мен билан бўлган бундай воқса бошқа бирорда такрорланмади. Айнан шунинг учун менинг ўсишимнинг бош сабабини президент билан боғлардилар. Лекин мени президент қўллаб-куватлагани ҳақидаги миш-мишлар қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини ким, қаҷон текшириб кўра оларди?

Президент Пак Чон Хи ва Ли Мён Бакнинг қиёфалари қаери биландир ўхшащ эканлиги ҳам миш-мишларнинг тарқалишига сабаб бўларди. Аслида, мен 20 ёшдан энди ўтганимда «кичик Пак» деган лақабим бўларди. Дўстларим мени шундай чақиришганда кулиб: «Мен аллақачон каттаман, нега энди кичик Пак?» — дердим.

Ортимда президент Пак туриши ҳақидаги миш-мишлар тинмас эди. Бунинг сабаби, биринчидан, кўринишимиз ўхшашлиги бўлса, иккимиз ҳам кўп ишлардик.

Аслида эса, шу одам туфайли мени қамоққа ташлашган ва ишга жойлашишимга тўскىнлик қилишганди. Мен у билан охирги марта 1979 йил 20 октябрда учрашдим, 26 октябрда эса у ҳалок бўлди.

Ўша куни тонгда кутилмаганда менга президент маҳкамасидан қўнгироқ қилишибди ва боришимни сўрашди. Учрашув вақти соат 4 этиб белгиланганди, лекин таклиф қилинганларни Седжонг санъат марказига эрталаб 10 да йигдилар. Атиги йигирматача киши эдик. Орамизда газеталар директорлари, «янги қишлоқ учун ҳаракат» раҳбарлари бор эди. Бизнес доиралар вакилларидан — фақат мен. Президент билан суҳбатга турли касб соҳаларидан «халқ вакиллари» таклиф қилинганди.

Учрашув ташкилотчиси президентни қўриқлаш хизмати бошлиғи Ча Джи Чоль эди. Президент аппаратининг одamlари баъзиларимизга хатжилд тутқазишибди. Уларда прези-

дентта айтиладиган сўзлар ёзилган варақлар бор эди. Менга ҳам хатжилд беришди, мен ичидагини ўқидим. «Мен, 1964 йил 3 июнь воқеалари етакчиларидан бири сифатида, бутунги талабаларга қараб, улар қанчалик ноҳақ эканликларини тушунаман. Талабаларнинг Пусан ва Масандаги на-мойишлари уларнинг давлатдаги вазиятни тушунмасликлари натижасида, ёшларга хос енгилтакликлари туфайли содир бўлди. Шу сабабли бунга жиддий ёндашмаслик керак, чунки яқинда ...» Президентта айтиладиган сўзлар шу маромда ёзилганди.

Газеталар директорлари, «янги қишлоқ учун ҳаракат» раҳбарлари ўз варақларини олишган, турган жойларида сўзларни ёдлардилар. Мен жуда ташвишланардим. Чунки ёзилганий ўқиб беришга виждоним йўл қўймасди, зоро мен аслида бундай деб ўйламасдим. Қарши чиқадиган бўлсам, бундан компания қатиқ зарар кўриши мумин эди. Мен вазиятдан қандай чиқиши билмасдим.

Таклиф қилинганлар тушликка кетишганда мен телефонавтомат орқали судъя бўлиб ишлайдиган дўстимга қўнгироқ қилдим. У билан маслаҳатлашиб олишни истагандим.

— Агар сўз айтмаслик ҳам мумкин бўлса, мана шу вазиятдан чиқиб кетишнинг йўли бўларди. Лекин уларнинг иззати нафсиға тегадиган бўлсанг, шахсан ўзингдан ҳам, компаниянгдан ҳам ўч олишади. Улар ҳозир жуда аламзада бўлиб юришибди.

Бу сўзлар менга асло ёрдам бермади. Тушлик танаффус тугади, ҳамма ўзига тарқатилган сўзларни ёдларди. Сўзлаш тартиби ҳам белгилаб олинди. Дастрраб газета нашриётларидан иккита директор чиқиши керак эди, уларнинг кетидан янги қишлоқ учун ҳаракат раҳбари, ундан кейин мен сўзлайдиган бўлдик. Ҳамма тайёргарлик кўрди ва президент аппаратига йўл олдик.

Президент жуда озғин, чехраси эса қандайдир кечинмалар таъсирида ғамгин эди. Биз уни меҳмонлар қабул қилинадиган хонада кўрдик. Кўриқлаш хизмати бошлиғи Ча Джи Чоль президент ортида турар ва имо-ишоралар билан сўзлашни бошлашга ишора қиласади.

Икки нашриёт директорлари ёзиб берилганидек сўзлашди.

Орқамдан муздек тер сизиб ўтди. Ёзилганидек гапира олмаслигимга қатъий ишонардим. Мен бир неча бор ғуруримни ерга урмаслик ҳақида ўзимга ўзим сўз бергандим. Айни маҳалда компанияга ҳам заарар етмайдиган, президентни ҳам хафа қилиб кўймайдиган қилиб қандай гапирсам экан, деб ўйлардим. Асабийлашишдан томогим қуриб қолди. Президент ортида турган Ча Джи Чоль улкан бўлиб кўринарди.

Янги қишлоқ учун ҳаракат етакчисининг навбати келди. У шунчалик ҳаяжонланардики, худди уй вазифасини ёмон тайёрлаган биринчи синф ўқувчиси каби, сўзларни қийинчилик билан, зўрға, бирма-бир эсларди.

— Мен мамлакатдаги янги қишлоқ учун ҳаракат етакчилари вакили сифатида сўзламоқчиман. Жаноб президент айтганиларидек...

Шу ерда у тутилиб қолди. Уч дақиқача вақт ўтди, қария гапини давом эттира олмай қолди. У хушидан кетиб қоладигандек эди. Ча Джи Чолнинг юзи оқариб кетди. Аммо шунда президент:

— Ёддаган нарсангиз эсингиздан чиқдими? — деди.


Хонада асабий муҳит ҳукмрон эди. Шунда кимдир пиқиллаб кулиб юборди.

— Бўлди, шу ерда тўхтатамиз.

Президент ёддаб олинган чиқишлиарни тинглашни бошқа истамаслигини билдириди. Мехмонларни қабул қилиш хонасидан чиқар экан, у силласи қуригандек кўринди.

У ердаги кечинмалардан ўзимни нақ 10 йилга қаригандек ҳис этдим. Мен янги қишлоқ учун ҳаракатнинг бу раҳбаридан чексиз миннатдор эдим.

Бир неча кун ўтгач, 26 октябрда, содир бўлган воқеалар натижасида президент ҳалок бўлди. Унинг ана шундай асабий руҳда ўтган «халқ билан суҳбати»ни эслар эканман, маслаҳатчиларнинг аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини ўйлаб қолдим. Агар улар ўз вазифаларини тўғри бажарганларида, 26 октябрь воқеаларини мутлақо четлаб ўтиш мумкин эди.




## Л И М Е Н Б А К

### Жэниа ишониан — тап тортмайди

Ойнадаги аксимга боқдим, күзимда ҳақиқатан ҳам қон түпланиб қолган экан.

Рүмөлчамга түк қизил суюқлик томди. Бу қонли күз ёшлари эди. Авваллари доим буни шунчаки бадший ибора, деб ўйлардим, лекин ҳозир биринчи марта қонли күз ёшларини кўрдим.



## **Анойи эмас экансиз**

1977 йилда 35 ёшымда «Хендэ» курилиш компанияси директори бўлганимдан сўнг, мамлакатдаги сиёсий вазият тўсатдан бостириб келган тўфонга ўхшаб қолди. Икки йилдан кейинг 26 октябрда президент Пак Чон Хи ўлдирилди. Ҳарбий режим бекор бўлганидан сўнг, 1980 йилдан бошлаб, президент Чон Ду Хванинг 5-республикаси; президент Но Тхэ Унинг 6-республикаси даврида мён, тижорат компаниясининг вакили сифатида, моҳияттан ҳукуматта қарши иш юритдим.

26 октябрь воқеасидан кейин «Сеул илиқлиги» деб аталган давр бошланди. Аммо бу илиқлик ҳақиқий илиқликка умуман ўхшамасди. Ана шундай гаройиб «баҳор» кунларининг бирида, кундузи соат ўн бир яримларда Квантхвамундаги хонамга огоҳлантиришларсиз икки киши кириб келди.

— Биз билан юринг.

Ҳеч қандай изоҳсиз улар билан қаергадир боришимни сўрашди.

— Борсангиз биласиз. Шунчаки сиз билан офисдан ташқарида сұхбатлашмоқчимиз.

Уларнинг кетидан биринчи қаватга тушдим, шу ерда ҳалиги иккиси тирсагимдан тутишди. Машинамни чақираман десам, дарҳол мени тўхтатишди.

— Машинангиз керак эмас. Бизнинг машинамизда кетамиз.

Бу қора енгил автомобиль эди. Улар мени орқа ўриндиқча ўртага ўтқазишли. Қаерга кетаётганимизни сўрагандим, жавоб беришмади. Саволимни қайтардим.

— Дастлаб Чонгнодаги бўлимга борамиз.

Чонгнога етиб келганимиздан сўнг улар мен билан қўпол муносабатда бўла бошлашди. Ҳеч қандай тушунтиришларсиз камерага ташлашди. Ҳибсга олинишимнинг сабабини билмай, менга жиноятчига қўлгандек муносабатда бўлишларига чидадим. Мен, ҳатто, қаердалигим ҳақида компанияга ҳам хабар бера олмадим.

Камерага қамашганидан сүнг икки соат ўтди, сүнг косада мол гүштидан шўрва беришди. Очликни қондирганимдан кейин, Чонгно бўлими полициячиси тергов бошқа ерда ўтказилишини аста шипшиштди. Шу сабабли компанияга қўнфироқ қилишни маслаҳат берди. У ён-атрофни кузатиб тургунича мен эшик ортидаги, кираверишдаги телефондан қўнфироқ қилиб олдим.

— Бу қандай ташкилотлигини, мени қаерга олиб келганикларини билмайман. Лекин мени тергов қилишар экан. Бундан хабардор бўлишингизни хоҳладим.

Шу пайтгача бу иш узоқ давом этмайди, деб ўйлагандим. Чунки мен ҳеч қандай жиноят қилмаганимни билардим. Улар мени нима қила олардилар?

Бир қанча вақтдан сүнг мени яна қора машинага ўтқазишиди, биз Намсан тоғи тарафга қараб кетдик, у ерда бошқа автомобилга ўтқазишиди. Биринчи ва иккинчи машинадаги одамлар, гўёки мени бир-бирларига топширгандек, қоғозга имзо чекишиди. Қандай самарасиз ишлашар экан, деган фикр хаёлимдан ўтди.

Мени Миллий қидиув хизматининг Намсан тоғидаги ертёласига олиб тушишиди. Шу ердагина қўлга олишларининг сабабини билдим. Уларда корпорация президенти Чонг Джу Енг томонидан учта Ким (мухолифатнинг йирик сиёсатчилари Ким Енг Сам, Ким Де Джун ва Ким Джонг Пиль)га молиявий ёрдам берилгани ҳақида маълумот борлигини айтдилар ва мендан бу ҳақда сўзлаб беришимни талаб қилдилар. Тушундимки, уларнинг мақсадлари бу Кимларни қўлга олиш экан. 80-йиллардаги «Сеул илиқлиги» ана шундай эди.

— Мен бу Кимлар билан ҳеч қачон учрашмаганман. Нега айнан мени сўроқ қиласяпсиз?

— Биздаги маълумотларга кўра, сиз сиёсатчиларга молиявий ёрдам кўрсатмагансиз. Лекин бизда президент Чонг ёрдам кўрсатаётгани ҳақида маълумот бор. Биз чолни олиб келиб сўроққа тута олмаймиз. Сиз эса, шубҳасиз, Чонг кимга ва қанча берганлигини биласиз. Шуни айтиб беринг. Ҳозир бу ерда эканлигингизни ҳеч ким билмайди. Билиб қўйинг, шу ҳақда айтиб бермас экансиз, бу ердан чиқиб кета олмайсиз.

— Мен президент Чонг Кимларга молиявий ёрдам кўрсатганлиги ҳақида ҳеч нарса эшитмаганман, у бундай одам эмас. Сизлардаги маълумот нотўри эканлиги аниқ?

Мен хотиржам жавоб берардим.

— Буни қара, кимни лақиллатмоқчи. Бу ҳақда гапириб бермагунингча ушбу ертўладан чиқмаслигингни биласанми ўзи?

Мен яна ишонч билан инкор эта бошладим. Улар тазиқни бир муддат тўхтатишиди.

— Яхши. Унда муросага келамиз. Президент Чонг бу одамларга сиёсий мақсадлар учун пул ажратганлигини кўрмагансан ҳам, эшитмагансан ҳам. Шундай деб фараз қиласлий. У ҳолда президент Чонг сиёсий мақсадларда молиявий ёрдам кўрсатиши эҳтимоли борлигини тан олсанг, бўлгани. Аслида ҳам бунинг эҳтимоли бор-ку. Агар ўтмишда бир иш бўлган бўлса, у кейин ҳам албатта такрорланишини ёш болалар ҳам билишади. Акс ҳолда, учта Ким қайси пулларга бундай жўшқин фаолият юритмоқда. Демак, шунигина тан олсанг бас. Агар буниям қилмасант, бошқа усусларни қўллашимизга тўғри келади.

Терговчи қийноқларга шама қилаётган эди, албатта. Шу тарзда мени кўрқитмоқчи бўларди. Бу жуда ғалати тергов эди, улар фактни эмас, эҳтимолликни тан олишни талаб қилишарди. Лекин эҳтимоллик дунёдаги ҳар бир киши учун баробар. Бундай эҳтимоллик орқали улар корпорация президентининг кўл-оёғини боғлаб, кейинчалик «Сеул илиқлиги»нинг бош иштирокчилари бўлган уч сиёсатчини қўлга олишмоқчи эди. Янги ҳарбий хукуматнинг режаси даҳшатли эди.

Лекин мен бир гапни такрорлардим.

— Сиёсий мақсадлар учун молиявий қўмак нима эканлигини умуман билмайман. Корпорация президенти Чонгнинг президент Пак Чон Хи билан қандай алоқаси бўлганлигидан хабарим йўқ, лекин сиёсатчи Кимларга молиявий ёрдам бермаётганлигини биламан. Қолаверса, «Хендэ» корпорацияси кимнидир сиёсий мақсадларда молиялаштириши умуман мумкин эмас.

Лекин бундай жавоб уларни асло қониктирмасди. Намсандаги ертўлага мени олиб келишган экан, шундай қилиш

керакки, бу иш мен билан тугасин. «Оддий директор нима-ниям биларди? Президент Чонг сиёсий мақсадлардаги молия-вий ёрдамни исталган бўлинмадан кўрсатиши мумкин эди. Лекин шахсан менга бу ҳақда ҳеч нарса маълум эмас», — десам ҳам бўлаверарди. Шу билан ҳаммаси тугарди. Лекин мен бундай қилсам, кейинги гал «Хендэ»нинг бошқа ходи-мини олиб келишлари ва сўроққа тутишлари мумкин эди. Бундай тергов жараёнида эса фактлар ҳар қанақасига бузи-лиши эҳтимолдан холи эмасди. Вақт кетиб борарди ва улар менга тобора кўполроқ муомала қиласдилар.

— Бу ярамас бутунлай сурбет бўлиб боряпти. Агар бил-санг, биламан дегин, билмасанг, бўлиши мумкинлигини тасдиқла. Нега оёқ тираб олдинг? Қаердалитингни биласан-ми? Бўпти, бошлаймиз...

— Яна қайтараман, ҳозирги лавозимим туфайли мен компаниядаги кўпгина нарсалардан хабардорман. Лекин, ме-нинг билишимича, президент Чонг ҳам, компания бўлинма-ларидаги бошқа бирор ҳам, ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаган.

Сўроқ кундузи соат 3 да бошланиб, ярим кечагача давом этди, аммо ҳеч қандай натижа бермади. Терговчилар бир муддат ташқарига чиқишиди ва қайтиб киришганда кескин ўзгариб қолишганди. Улар энди тажовузкор кўри-нишмас, менга таҳдид қилишмас ва юзларидан табассум балқирди.

— Қулоқ сол, директор Ли. Агар президент Чонг қандай-дир хато қилса ҳам, кексалиги туфайли унга ҳеч нарса қил-майди. Лекин сен — бу бошқа масала. Агар бу ерда сенга нимадир бўлса, бу ҳақда ҳеч ким билмайди.. Мутлақ покиза инсон бўларканми? Агар бизга ёрдам бермасант, кўнгилсиз-ликлардан қочиб кутула олмайсан. Тушунгин, биз бегуноҳ президент Чонгга бирор айбни юклаб, компаниянгизни йўқ қилиб юбормоқчи эмасмиз. Фақат сиёсатчиларга шунча пул қаердан келаётганини аниқламоқчимиз. Биз сени кимнинг-дир устидан чақишига ёки кимнидир сотишга мажбур қилма-япмиз-ку. Сен ана шундай эҳтимол бор, десанг бас. Нега бунчалик қайсарлик қилиб, ўзингни қийнайпсан?

Таҳдидлар менга таъсир қилмагач, улар сулҳ сиёсатини қўллашаётгани равшан эди. Аммо мен таслим бўлмадим.

— Яна бир марта айтаман. «Хендэ» корпорацияси учта Кимни қўллаб-кувватлаши мумкин эмас ва бундай эҳтимолликнинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

— Ҳа... Сиз, Ли, анойи эмас экансиз.

Сўроқ тонгга қадар давом этди. Терговчилар яна ташқарига чиқишиди, бир қанча вақтдан сўнг қайтиб киришида-да, галстук ва кийимимни тўғрилашимни айтишиди. Сўнг мени бинодан олиб чиқиб кетишиди. Машинага ўтқазишиди ва Пасифик меҳмонхонасига олиб боришиди. Катта номерга кирдим, у ерда меҳмонларни кутиб олиш учун алоҳида хона бор эди. У ерда мени, афтидан, жуда юқори мансабни эгаллаган киши кутарди.

— Тун бўйи қийналиб кетган бўлсангиз керак. Кўл остимдагилар одоб қоидаларига амал қилдиларми, йўқми, билмадим.

У бир қатра самимият бўлмаган мулойим сўзларни айтди. Тушундимки, бу охирги босқич бўлади.

— Компанияларнинг бошқа вакиллари ҳам бу хонада бўлишиди, улар бизга ёрдам беришиди ва тинчгина ишларига қайтиб кетишиди. Умид қиласманки, сиз ҳам бизга кўмак берасиз ва ишингизга хотиржам кетаверасиз. Лекин агар ёрдам бермасангиз, муаммолар гирдобида қоласиз. Президент Чонг сиёсатчиларга ёрдам бериши ҳақида ҳамма билади. Бошқа компанииялар вакиллари бизга барчасини айтиб беришиди. Фақат янада аниқлаштириб олиш учун сиздан ёрдам сўраймиз. Қани, бошланг...

— Олдин ҳам айтдим, бу умуман бўлиши мумкин эмас. Корпорация томонидан молиявий ёрдам кўрсатилишини тасаввур ҳам қила олмайман. Қолаверса, президент Чонг мухолифатга ёрдам берадиган одам эмас, ҳукмрон партияга бўлса, бу балки мумкиндири.

— Буни қаердан биласиз?

— Менинг лавозимим буни билишни талаб қиласи.

— Агар билмасангиз, билмаслигингизни тан олишингиз кифоя. Бу суриштирувнинг сабабини инкор этишга уринишнинг нима кераги бор?

— Мен сизлар асосланаётган сабабни билмайман, фақат билган нарсамнигина айтяпман.

— Ҳа, сиз каби одам билан гаплашиш қийин.

Ҳатто бу бообрў киши ҳам мэндан бирор иш чиқара олмади, шунинг учун бўлса керак, ўйланиб қолди.

— Ҳаммаси шундай бўлса, илож йўқ. Агар сиз айтмоқчи бўлган ҳамма гапларингизни айтиб бўлган бўлсангиз, бу ерга бармоғингизни босинг.

Бу менинг сўзларимнинг матни эди. Мен бош бармоғими ни сиёҳ билан ҳўлладим ва изини туширдим. Сўроқ тугаган эди ва, шунинг учун бўлса керак, у мулоҳимлик билан деди:

— Кўришгунча хайр.

Улар мени яна машинага ўтқазиши ва офисдан сал наридаги йўлга олиб бориб қўйишиди. Ишхонада ҳамма ваҳимада эди. Директор қаерга йўқолганини кун бўйи ҳеч ким билолмай, ҳайрон эди. Аммо мен бўлиб ўтган воқеани ҳеч кимга айтиб ўтирадим. Бунинг сабаби Намсанда ваъда берганимгина эмас, балки бу иш маълум бўлса, компанияга ҳеч қандай фойда келтирмас, балки фақат зарар етказар эди. Шунчаки президент Чонг олдида қисқача ҳисобот бердим.

— Сиёсатчиларни молиялаштириш бўйича шубҳалар бўлди. Мени чақиришиди ва идорада сўроққа тутишиди, лекин мен жаноб президент ҳам, корпорация бўлинмаларининг бошқа раҳбарлари ҳам сиёсатчиларга молиявий ёрдам кўрсатмаганликларини айтдим ва қайтиб келдим.

Президент Чонг ҳам мэндан бошқа ҳеч нарса сўрамади.

5-республика хукмронлигининг дастлабки босқичида «Хенде» ва янги ҳарбий хукуматнинг муносабатлари жуда қалтис эди. Бу — хукуматнинг ишбилармон доираларни ўзига бўйсундиришга бўлган шунчаки ҳаракати эмас, балки бутун бизнес ҳамжамиятини қайта ташкил қилишга қаратилган, олдиндан тайёрланган сценарий асосидаги ҳақиқий хужум эди. Кейин, 5-республика хукмронлик даврининг ўртасида бу муносабатларда «асал ойи» бошланди. Кейинги ёмонлашув эса президент Чонгда қарама-қарши туйғуларни уйғотди: бир томондан, сиёсатдан жуда қаттиқ ҳафсаласи пир бўлган бўлса, бошқа томондан, бу ҳол унда сиёсатда ўзи қатнашиш истагини уйғотди.

## Қонли күзёшлар

«Хендэ» корпорацияси тақдирига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган инқироз янги ҳарбий ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати билан боғлиқ бўлиб, бу сиёсат «оғир ва кимё саноатига инвестицияларни назорат қилиш»дан иборат эди. У даврларда давлат хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар комиссияси учун имконсиз ишнинг ўзи йўқ эди.

Ўша пайтда чет элда таълим олган иқтисодчилар қайтиб келишди. Улар ҳарбий ҳукуматнинг янги иқтисодий сиёсати шаклланишида иштирок этишди ва туб ўзгаришлар зарурлигини таъкидлашди. Чунки, уларнинг фикрларига кўра, Корея иқтисодиётининг ривожланишига оғир ва кимё саноатидаги такрор инвестициялар тўскىнлик қилаётганди. Бу эса, иқтисодий доираларни қайта ташкил қилишга интилаётган ва давлатда янгиликлар қилиш лозимлигини таъкидлаётган янги ҳукумат раҳбарларига таъсир қилди.

Бугун, автомобиль ишлаб чиқариш бўйича бир нечта компаниялар мавжудлиги такрор инвестицияларни ёки давлат ресурсларининг нотўғри ишлатилишини англатади, деб ҳеч ким танқид қилмайди. Иқтисодиёт рақобат тамойили асосида тирик қолади, рақобат эса, мақсадга мувофиқликнинг адолатли қоидаларига таянади. Ривожланган ва қолоқ давлатларнинг фарқи айнан рақобат тамойиллари ва иқтисодий адолат қонунларига қанчалик амал қилинаётгани билан белгиланади.

Лекин атиги 10 йил олдин баъзи олимлар ва иқтисодий соҳа амалдорлари, уларга қўшилиб марказий ҳокимият ҳам, сафсатабозликка берилиб, барча автомобиль ишлаб чиқариш ва йирик машинасозлик заводлари битта корхонага бирлашгандагина, давлат иқтисодиёти ривожланади, деб ҳисоблагандилар.

Оғир ва кимё саноатига инвестицияларни назорат қилиш сиёсатини тушуниш қийин эди. Лекин асосий масала автомобильсозлик ва йирик машинасозликни қандай қилиб ва ниманинг атрофига бирлаштириш кераклиги эди. Хусусан, «Хендэ Моторз», «Дэу Моторз», «Аcea Моторз» (ҳозирги «Киа Моторз») ларни битта компанияга, йирик машинасозликда



«Хендэ» кемасозлик корхонасига вертолётда қилинган ташриф

эса, «Окпо Дэу» кемасозлик заводи, «Хендэ Хэви Индастриз» ва Чангвонгдаги «Хендэ Янгхенг» (хозирги «Хангук Хэви Индастриз») ни битта компанияга бирлаштириш ғояси мавжуд эди.

1970-йиллардан кейин бор кучини оғир саноатни ривожлантиришга сарфлаган «Хендэ» корпорацияси автомобилсозлик ёки йирик машинасозликтан воз кечишига йүл қўйиб бўлмасди. Бу ҳал этиб бўлмайдиган муаммо эди. Аслида автомобилсозликка ҳам анча куч сарфланган ва унга катта умидлар боғланганди. Қолаверса, ўшанда «Хендэ Моторз» чет эл бозорларига чиқишга тайёрланаётганди. Компанияларни бирлаштириш ва ёпиш ножоиз эди.

Йирик машинасозлиқда ҳам аҳвол шундай эди. «Хендэ» АЭСлар учун жиҳозлар ишлаб чиқариш имкониятига эга бўла бошлаганди. Бу соҳадан воз кечиш ядро ва иссиқлик энергетикаси бозорини қўлдан бериш дегани эди. Автомобилсозлик ва йирик машинасозлик «Хендэ» учун асосий соҳалар саналарди. Оғир саноатга инвестицияларни назорат қилиш сиёсати — бу корпорацияни қўлга олиш учун қўйилган тузоққа ўхшарди. Нима бўлса ҳам, янги ҳарбий хуку-

матнинг сиёсати оммавий радио шаарда эълон қилинган, танлашгина қолганди, холос.

«Хендэ»да раҳбарлар билан ўтказилган йигилишдан сўнг президент Чонг Джу Енг автомобилсозликни танлашга қарор қилди. Чунки бу чексиз имкониятларга эга келажак саноати эди. Йирик машинасозлик ҳам жозибадор соҳа эди, лекин бу бекарор ишлаб чиқариш эди, қолаверса, энергетика учун жиҳозлар ишлаб чиқарилмаса ҳам, АЭС ва ИЭСлар қурилишида қатнашиш имконияти бўлади, деган хulosага келинди. Ишларнинг бугунги кундаги аҳволига қараганда, Чонгнинг қарори тўғри бўлганди.

Корпорация раҳбарларининг бу масала бўйича фикрлари баҳоланганидан ва жамланганидан кейин, мен бир ўзим давлат хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар комиссиясига бордим. Мен Корея ҳарбий академиясининг 17- ва 18-битирувчилари бўлган икки офицер билан учрашдим. Офицерлар «Хендэ» автомобилсозлик ва йирик машинасозликдан биронгасини танлаб олса бўлди, дейишди.

— Биронгасини танлашдан олдин, умуман, нега танлашимиз кераклигини сўрамоқчидим. Ҳозирча оғир ва кимё саноатида инвестициялар ҳаддан ташқари йигилиб қолгандек кўриниши мумкин, лекин вакти келиб улар етарли бўлмай қолади. Натижада, аксинча, иқтисодиёт заифлашиб қоладими, деб кўрқаман. Чунки барча рақобатчи компаниялар биттага жамланганилиги туфайли иқтисодиётнинг энг асосий қонуни — рақобат қонуни йўқолади. Бунинг сабаби «Хендэ» автомобилсозликни ёки йирик машинасозликни бергиси келмаганида эмас. Агар иқтисодиётимизнинг келажаги ҳақида галирадиган бўлсак, инвестицияларни назорат қилишга уриниш — жиддий хато.

— Қонунларга келадиган бўлсак, бу борада етарлича баҳслар ва муҳокамалар ўтказилди. Шунинг учун энди назариябозликка ҳожат йўқ. «Хендэ» нимани танлаганини айтсангиз бас.

Биринчи куни суҳбат натижасиз тугалланди, ҳамма ўз фикрида қолди. Эртасига яна учрашув бўлди, лекин яна ҳеч қандай ўзгариш рўй бермади. Лекин мен бир хulosага келдим — комиссия вакиллари танловни амалга оширишлари

керак бўлган бошқа компаниялар билан аллақачон қандайдир келишувга эришгандилар ва бу жараёнда фақат бизнинг компаниямиз қатнашмаганди. Комиссия ва бошқа компаниялар «Хендэ» йирик машинасозликни танлайди, деб умид қилгандилар. Улар «Хендэ» учун қарор қабул қилиб бўлишган ва тушунтириш бўйича учрашувларда бизни шунга кўндиришга ҳаракат қилишяпти, деган хulosага келдим.

Комиссияга учинчи бор келганимда, музокараларга масъул офицер борини айтди.

— Менимча, «Хендэ» корпорацияси оғир саноатга катта инвестициялар киритганлигини ва компания хусусиятига айнан шу соҳа мос келишини, шунингдек, қурилиш асосий йўналишлардан бири эканлигини ҳисобга олсақ, корпорациянинг келгуси ривожланиши учун йирик машинасозликни танлаш фойдалироқ бўлади.

— «Хендэ» автомобилсозликни афзал билади.

Мен узоқдан бошламай, борини айтиб қўя қолдим. Офицер саросимага тушди. Кейин эса, йирик машинасозликни танлашга ундай бошлади. Мен такроран айтдимки, «Хендэ» аслида бирлаштиришга рози эмас, лекин бу иложиз экан, корпорация автомобилсозликдан воз кечмайди.

Шунда комиссия вакиллари «Хендэ» йирик машинасозликни танлаши кераклигини тақозо қилувчи ижобий жиҳатларни санай бошладилар. Аммо мен қатъий эдим. Қутилганидек, таҳдидлар ва кўрқитишлилар бошланди. Мен, барабир, ўз фикримда қолгандим, шахсий тирғилишлар бошланди.

— Ҳозир қаерда яшайсиз?

— Кангнамда яшайман.

— Хонадондами?

— Йўқ, менда ўзимнинг катта уйим бор.

— Шундайми? Мен эсам, тепаликда, сув ҳам етарлича чиқмайдиган жойдаги уйда тахминан 43 кв. метрлик кичкина хонадонда яшайман. Сиз роҳатланиб яшаётган пайтингизда биз мамлакатимиз келажаги ҳақида қайгурмоқдамиз. Нега сиз давлат қарорига бунчалик салбий қарайсиз ва унга кўмаклашишни истамайсиз?

Мен бу гапларни индамай тинглаб тура олмасдим.

— Сиз иккаловингиз давлат пулига Корея ҳарбий академиясида ўқиётганингизда, мен ўзим университеттада ўқишим учун пул ишлаб топардим. Университетта киргач, ўқишни давом эттириш учун мен Итэвон туманида ҳар тонг ахлат йифишига мажбур эдим. Сизларни ота-онангиз ўрта ва юқори мактабга юборганларида мен ўқишим учунгина эмас, еб-ичишим учун ҳам пул топишга мажбур эдим. Университетни якунлагач, мен чет элдаги объектларда мамлакатга валюта келтириш учун куну тун ишладим. Сизга маълумми ёки йўқми, 1974 йилда мамлакатнинг олтин захиралари шунчалик камайиб кетгандики, давлат банкротлик остонасида эди. Бу инқирозни Корея қурилиш компаниялари томонидан чет элда ишлаб топилган долларлар эвазига енгиш мумкин бўлди. Сиз ўқишини туттаганингизда ва ишлашни бошлаганингизда уруш нималигини билармидингиз? Мен эсам, чет элдаги қурилиш объектларида суткасига 18 соат ишлардим, 4—5 соатдан кўп ухламасдим, бу уруш билан тенг эди.

Буларни эшитган, офицер бамисоли тилдан қолган эди.

— Биз ҳам урушда қатнашганимиз. Вьетнамда.

Истеҳзони зўрга ушлаб қолиб, дедим:

— Сиз ҳарбий бўлганингиз учун ватанпарварсизу, мен, хусусий компанияда ишлаганим учун ватанпарвар эмасман деган ғалати мантиққа асло кўшилмайман. Компания танқид обьекти бўлиши мумкин. Лекин бундай муносабат, компаниянинг ҳаттоқи ижобий аҳамияти ҳам инкор қилиниши, но́тўғри. Сиз тепаликдаги хонадонда яшашингизни айтдингиз. Мен эса, ундан ҳам ёмонроқ шароитда яшаган одамман. «Хендэ» дек йирик қурилиш компаниясининг директори катта уйда яшаса, бунинг нимаси ёмон? Бу уйни менга компания қуриб берди, чунки у ерда чет эллик меҳмонларни қабул қиласман. Агар буни нотўғри деб ҳисобласаниз, демак, мен сизнинг даражангиздаги хонадонга кўчиб ўтишим керак эканда? Сизнинг давлат бошқарувидан мақсадингиз шуми? Ҳарбийлар ва давлат хизматчилари мен яшаётган даражада яшашлари учун тезроқ ҳаракат қилиши керак, ўз саъи-ҳаракатлари туфайли яхши яшаётган одамларни чеклаш керак эмас. Бундай кайфиятда янги сиёсатни қандай қилиб амалга оширмоқчисиз?

— Мен бутунлай бошқа нарсаны назарда туттандым. Компаниялар фақат ўз фойдаларини ўйлайдиган ва умуммамлагат нүктай назаридан давлат гуллаб-яшнашига умуман эътибор бермайдигандек туолганлари учун шундай дегандим.

Ўша куни баҳслар якунланмади. Мен оғисга қайтиб, президент Чонг билан бу масалани муҳокама қилдим ва ягона умумий фикрга келиш учун ортга қайтдим. Аммо вақт ўтган сайин менга янада кучлироқ тазиик ўтказа бордилар.

Бир куни кечқурун давлат идорасидаги танишимнинг учрашиш ҳақидаги илтимосини етказишиди. Учрашув махфий равишда ўтди. Бу одам ҳарбийлар «ислоҳотлари»га кўмак берар ва учрашганимизда юзидан хавотирланаётгани сезилиб турди.

— Директор Ли, балки сиз билмассиз, лекин ҳозир давлатимизда фавқулодда вазият эълон қилинган. Агар сиз ўз фикрингизда қайса роҳ билан туриб олсангиз, ҳеч нарсаны ҳал этиб бўлмайди. Индамай рози бўлинг. Вақт сизнинг зарингизга ишлайти. Эртагаёқ бориб розилигингизни билдинг. «Хендэ» корпорациясининг тақдиди шунга боғлик.

Ушбу суҳбатдан кейин бу одамнинг кўнглида нима борлигини тушунишга ҳаракат қилиб, туни билан ухламай чиқдим, лекин жавоб топа олмадим. Кўринишидан у корпорация ва шахсан менинг ҳақимда астойдил қайфураётганди, лекин бу мени нариги тарафга оғдириб олишнинг никобланган услуби бўлиши ҳам мумкин эди. Балки таҳдиднинг юмшоқ шаклидир.

Эртасига амалдорнинг сўзларини Чонгга етказдим.

— Афтидан, бу сўнгги босқич. Нима қиласиз?

Президент Чонг ҳорғин кўринарди. 26 октябрь воқеаларидан кейин «Хендэ» корпорацияси тушиб қолган вазият фавқулодда мураккаб эди, ундан раҳбарнинг жанговар руҳи билангина чиқиб кетиши уччалик осон эмасди.

— Боргин ва яна бир марта келишишга ҳаракат қил. Агар бунга эриша олмасак, рози бўлишга тўғри келади.

Президент Чонг менга муҳрни узатди.

— Жаноб Чонг, нега менга муҳрни бераяпсиз?

— Қўлимиздан нима ҳам келарди, агар вазият шу зайлда кечадиган бўлса, ўзингни айбдор ҳис қилма.

— Агар муҳр қўйиладиган бўлса, буни сиз қилишингиз керак. Бундан ташқари, компания вакили сифатида юборса бўладиган кўплаб одамлар бор.

— Музокараларнинг бошида ўзинг турдинг, ўзинг охирига етказ.

Президент Чонг муҳрини олдим ва комиссияга жўнадим. Аввалгидек, қизғин баҳс бошланиб кетди. Мен фақат бу муаммо юзасидан ўз фикрларимгагина таянишим мумкин эди.

— Автомобилсозлик — бу машинасозлик саноатининг гулгунчаси. Агар соҳа битта компанияга бирлаштирилса, бу рақобатбардошликтининг сусайишига, экспорт қилишдаги қийинчиликларга олиб келади. Натижада оддий одамлар, солиқ тўловчиларнинг машаққатлари янада ортади. Хиндистоннинг тажрибасига қаранг. Бу мамлакатда автомобиль ишлаб чиқариш бўйича фақат битта давлат компанияси бор. У ерда ҳеч қандай технологиялар ишлаб чиқилмайди, бошқарув сифатининг пастлиги туфайли доимо зарар кўрилади. У ерда автомобиллар эски нусхада, уларнинг техник характеристикалари унчалик яхши эмас. Нархи эса жуда баланд. Ишлаб чиқариш кенг кўламли бўлмагани боис, битта автомобиль сотиб олиш учун бир неча ойлаб кутиш керак. Рақобатни йўқотиш ва битта компанияни ташкил этишдан кўриладиган зарар кучини буни ўз бошидан ўтказмаган одам тушуниши қийин. Ҳозир бу такрорий инвестиция бўлиб кўриниши мумкин, чунки иқтисодиётда вазият мураккаб, саноатлаштириш ҳали барқарор суръат қасб этгани йўқ, лекин бир оз муддатдан кейин автомобильсозлик мамлакат ичида ҳам, экспортда ҳам энг даромадли соҳага айланади. Яна қайтараман, автомобильсозликни бирлаштириш масаласи қайта кўриб чиқилиши керак.

— Директор Ли, бу қарор чет элда ўқиб келган малакали эксперталар тузган ҳужжатлар асосида қабул қилинган. Ўз фикрингизда шунчалик қаттиқ туриб олар экансиз, айтингчи, сизнинг билим даражангиз қандай?

— Сизнинг эксперталарингиз нимага асосланиб бу фикрга келишгани менга қоронғу. Лекин компанияларда ишлётган профессионалларга мамлакат саноатининг бугунги куни ва

келажаги яхшироқ күринади. Ягона монопол компанияга асосланган ҳолда рақобат вазияти бутунлай тугатилса, капиталистик иқтисодиёт муваффақиятли бўлади, деган назария ҳеч бир иқтисодиёт дарслигига йўқ. Бошида монопол компания яхши ривожланаёттандек күринади, лекин вақт ўтгач, бу ҳол тўхтайди. Рақобат муҳитида эса, компания чексиз ривожланиши мумкин. Шу сабабли бундай давлатда иқтисодиёт барқарорроқ бўлади. Агар бирлаштиришни талаб қилиб туриб олинадиган бўлса, бутунги кун муаммосини ҳал этиш мумкин, лекин жаҳон бозорига чиқиши иложсиз бўлиб қолади. Бу қарор қанчалик шошқалюқлик ва ўйламасдан иш кўриш натижаси эканлиги ўшанда аниқ бўлади.

— Биз бу ерга маърузантизни эшитгани йигилганимиз йўқ. Вақт зик, шунинг учун рози бўлинг ёки ... билганингизни қилинг.

Куннинг биринчи ярмида бошланган сұхбат кечаси ҳам тугамаган эди. Тундан кейин яна тонг отади, лекин бу билан ҳеч нарса ўзгармайди. Муҳитнинг янада кескинлашгани қолади.

Ниҳоят мен президент Чонгнинг муҳрини чиқардим ва уни стол устига қўйдим.

— Агар ҳаммаси шу даражада ҳал этиб бўлмайдиган экан, давлатнинг режаларига мувофиқ муҳрни уринг. Уни қўлингизга топшираман.

Муҳр ургани қўлим бормасди. Кичик офицер келди ва муҳр урмоқчи бўлди. Лекин шу пайт, менинг хатти-ҳаракатларимни тушуниб қолган масъул офицер тезда стол ёнига келди.

— Тегилмасин!

Бу катта офицер тушунардики, муҳрни мен эмас, улар уришса, бу кейинчалик улар учун бош оғриқ бўлиши мумкин эди. У қўл остидаги одамга буюрди.

— Бўлди, тугатамиз. Афтидан, бу ерда қандай иш кетаётганини у барибир тушунмади.

У менга ғазаб тўла нигоҳ ташлади.

— Кетишим мумкинми?

— Жўна, тўрт томонинг қибла!

— Муҳрни қолдирайми?

— Аҳмоқона муҳрингни ол-да, йўқол.

Комиссиядан чиққанимда ярим тундан ошганди. Квантхвамундаги офисда фактада президент Чонгнинг хонасида чироқ ёниқ эди. Чонгнинг хонасига кирап эканман, уни табриклидим. У менга узоқ тикилиб қолди.

- Мұхр урдингми?
  - Үрмадим, мана у.
  - Қанақасига бундай бўлди?
  - Эртага батафсил айтиб бераман.
- Президент Чонг яна менга қаради.
- Кўзингдан қон оқяпти.
  - Бўлиши мумкин эмас. Кўзим соғ.
  - Қон оқяпти. Бориб ойнага қара.

Ҳожатхонага кираверишдаги ойнадаги аксимга қарасам, кўзимда ҳақиқатан қон тўпланиб қолган экан. Рўмолчамга тўқ қизил суюқлик томди. Бу қонли кўз ёшлиари эди. Аввалинди доим бу шунчаки бадиий ибора, деб ўйлардим, лекин ҳозир биринчи марта қонли кўз ёшлирини кўрдим.

Мен бу тўқнашувда ютиш учун қатнашмагандим. Зеро мен комиссия аъзоларига қарши қўйган мантиғим ўша сиёсий вазиятда жуда кулгили кўринган бўларди. Мен эркин рақобат асосидаги соғлом иқтисодиётга бўлган ишончимни ифодаладим ва айнан шу ишончим туфайли бунчалик узоқ туриб бера олдим.

Натижада, бу қизғин тўқнашувдан сўнг, комиссия автомобилсозликни ягона компанияга бирлаштира олмади, масалани кўриб чиқиш учун саноат ва савдо вазирлигига юборишиди.

Вазирликда эса бу масала очиқ муҳокама обьекти бўлди. Унда президент Чонг бирлаштириш — бу нотўгри, хато қарор эканлигини қатъий эълон қилди, натижада автомобилсозлик саноатининг бирлашиши амалга ошмади. Агар шундай бўлганда, бугунги кунда Корея автомобилсозлиги ҳинд автосаноатидан унчалик фарқ қилмаган бўлар эди.

## **Янги ҳарбий хукумат ва Корея саноатчилари федерацияси раиси**

Ҳокимиятга 5-республика келиши билан президент Чон Ду Хван Корея саноатчилари федерацияси тузилмасини ўзгартириш орқали ишбильармон доиралар тизимини ислоҳ қилишини бошлади. Ўша даврда Корея саноатчилари федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги қошидаги ташкилот эди ва шу сабабли вазирга бўйсунарди.

Саноат ва савдо вазири Со Сок Джун, президент Чон Ду Хванинг кўрсатмасига биноан мени шошилинч изламоқда эди. Бунинг тагида гап борлигини тушундим. Бу пайтларга келиб давлат хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар комиссиясининг қаттиқўл назорати йўқ эди, лекин мен билан учрашмоқчи бўлган амалдорнинг шамасига қараганда, хукуматда, ислоҳотларни амалга ошириш масаласида, «фавқулодда вазият» юзага келганди. Мен шу заҳоти вазир ҳузурига отландим.

— Директор Ли, президент Чонг Кореяя саноатчилари федерацияси раиси лавозимидан бўшashi мақсадга мувофиқдир. У лавозимдан тинчгина кетса, янаям яхши. Сизни шундан хабардор қилгани чақиргандим.

— Сабаби нимада?

— Бу масала муҳокама қилинмайди. Бу президентнинг маҳсус кўрсатмаси. Чонг уч кун ичиди ўз ихтиёрига кўра кетиши ҳақида ариза берса яхши бўларди, акс ҳолда...

— Чонг мен ишлаётган корпорациянинг президенти. Масала Корея саноатчилари федерациясида раислик қилиш ҳақида бўлса, ушбу ташкилотда раис ўринбосарлари бор, биринчи навбатда ўшаларга мурожаат қилишингиз керак. Нега буни менга айтяпсиз, мен ахир федерацияда эмас, «Хендэ» да ишлайман-ку? Сиз, жаноб вазир, унга бевосита ўзингиз айтишингиз ҳам мумкин эди.

— Биз бу масалани ўзаро муҳокама қилдик. Чонгта бу ҳақда фақат сизгина борича етказа оласиз, деган фикрга келдик. Бу расмий баёнот.

— Ҳеч бўлмаса сабабини айтинг.

— Ҳокимиятга янги ҳукумат келди, демак, бизнес доира-ларида ҳам янгиланиш бўлиши керак, шундай эмасми? Янги одамлар керак.

Вазир бизнес доираларининг янги вакили ким бўлишини тўғридан-тўғри айтмади, лекин бу Похонгдаги пўлат куйиш компанияси президенти Пак Тхэ Джун эканлигини фаҳмладим. Шундай бўлса-да, унинг ўрнига ким ўтиришини сўрадим.

— Бу лавозимни ким эгаллайди? Ўзингиз биласиз, Корея саноатчилари федерацияси — бу хусусий бирлашма. Раисни бир томонлама алмаштирадиган бу янги ҳукумат қандай экан?

Афтидан, вазир ҳайрон бўлиб қолди. Ўша пайтда президент Чон Ду Хван қарорларига қарши фикр билдиришни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

— Сиз шу хабарни етказсангиз бўлди, гапни кўпайтириб нима қиласиз. Бу оддий иш эмас.

Бу иш мураккаблигини бошқалардан кўра яхшироқ билиб турардим.

— Ўзим тушунмаган сўзларни қандай қилиб етказаман? Ўзингиз ўйлаб кўринг...

— Директор Ли, бу ишни муҳокама қилиш ёки тушуниш керак эмас. Шундоқ етказинг.

Офисга қайтдим ва ҳаммасини, борича, президент Чонгга етказдим. Воқеаларда бундай бурилиш ясалишини Чонг кутмаганди ва шу сабабли у мазкур вазиятни мен билан муҳокама қилиши аниқ эди.

— Ли, сен нима деб ўйлайсан? Агар ўзимизни нотўғри тутадиган бўлсак, компанияга зарар етиб қолиши мумкинми?

— Менимча, энг асосийси бу ҳақда ҳеч кимга айтмаслик ва шунчаки кутиб туриш. Улар уч кун ичида лавозимни бўшатишни буоришиди, лекин биз ҳозирча бундай қилмаймиз. Лавозимдан кетсак ҳам, расмий тартибда кетамиз. Бу президент кўрсатмаси дейишияпти, лекин бу аниқ эмас. Президент Чон Ду Хванга ким, қандай хабар етказгани ҳам аниқ эмас. Имкон қадар узокроқ бардош бериб туриш керак, якуний қарорни қабул қилишга улгурамиз.

Аслида Корея саноатчилари федерацияси раиси лавозимига Чонг ўз ихтиёри билан ўтирган эмасди. У ушбу лавозимни эгаллашга 1977 йилнинг майида, собиқ раис Ким Енг Ваннинг узоқ кўндиришларидан кейин рози бўлганди. Лекин ўз характеристига кўра, президент Чонг бирор ишга қўл урса, уни катта иштиёқ билан қиласади. Қолаверса, бу иш корпорация манбаатлари билан умуман боғланмаганди ва Чонг истаган пайтида ундан воз кечиши мумкин эди. Гап фақат шунда эдик, у лавозимдан ҳеч бир асоссиз, жимгина кета олмасди, бу Чонг учун таҳқирланиш билан тенг эди.

Эртасига мени яна вазир Со Сок Джун чақирди.

- Натижаси қандай?
- Айтганингиздек қилиб етказдим.
- Нима деб жавоб берди?
- У ҳеч нарса демади. Афтидан, президент Чонг ҳозирча ўйлаяпти.
- Вақт йўқ. Олдига боринг ва яна сўранг.
- Мен борича етказдим. Яна нимани сўрай оламан? Мен унга бу шошилинч эканлигини айтдим. Балки у тез орада қарор қабул қиласади.
- Қайтараман, вақт йўқ. Чонгнинг фикрини аниқланг ва бугуноқ хабар беринг.

Компанияга қайтиб келдим ва вазирнинг гапларини етказдим. Шунингдек, ўзимдан ҳар қандай ҳолатда ҳам таслим бўлмаслик кераклигини қўшиб кўйдим. Кўринишидан Чонг ҳам шу фикрда эди ва шунинг учун ишонч билан деди:

— Ҳақсан. Осонгина таслим бўлмаслик керак. Агар ўз муддатимни тутатиб, кейинги сайловларда сайланмасам, бу бошқа гап. Лекин муддатим тугамагунича кетмайман.

Бу бизнинг давлат хавфсизлиги ва фавқулодда вазиятлар комиссияси, қолаверса, бешинчи республика билан биринчи тўқнашувимиз эмасди. Бир қанча низоли вазиятлардан кейин президент Чонг ҳам таслим бўлишни истамасди. Лекин мамлакатдаги сиёсий вазият туфайли ниманидир тахмин қилиш қийин эди. Президент Чонг, бир қарорга келгач, кўзимнинг олдида қўлёзмаларини йигиштирди, стол устидаги ҳужжатларни тартибга келтирди. Афтидан, уни қўлга олиш учун бошқа сабаб топадилар, деб ўйлади.

— Агар мени құлға олишса, бу қамоқ дегани. Агар қамашса, үзим билан китоблар олволаман ва қамоқда инглиз тилини ўрганаман.

Охирги, учинчи куни менга яна саноат ва савдо вазири құнғироқ қилди.

— Афтидан, президент Чонг ҳали бир қарорға келгани йүқ. У ушбу вазиятни жуда жиддий ва синчковлик билан ўрганаяпти. Жаноб вазир, менинг фикрим бундай. Агар президент Чонг ҳеч қандай сабабларсиз истеъфога чиқиши ҳақида ариза берса, бошқалар ҳукумат уни лавозимидан сиқиб чиққариб юборди, деб ўйлайдилар. Ҳукумат хусусий ташкилоттинг масалаларига аралашмоқда, деган фикр шаклланса, яхши бўлмайди. Чонгнинг муддати тугашига бир йилгина қолди, у лавозимидан муддати тугагач кетса нима бўларкин? Шунда бу ҳукумат обрўсига ҳам, бизнес доираларга ҳам, президент Чонгга ҳам зарар етказмасди. Жаноб вазир, юқори доираларга шундай таклиф бериб кўринг.

Мен ўзимнинг фикримни биринчи бўлиб айтдим ва у салбий эди, шу сабабли вазир ҳаяжонланди.

— Энди нима бўлади-а? Ахир бу кимнинг кўрсатмаси эканлигини билмайсизми?

Президент Чонг ўша пайтда у Бosh вазир ўринbosари Нам Док У билан учрашувда эканлигини айтди. Бosh вазир ўринbosари унга вазир Со Сок Джун мендан етказишини сўраган гапларни айтибди. Турли миш-мishлар тарқала бошлади. Ҳатто федерациянинг кейинги раиси ким бўлиши ҳақида ҳам гаплар бўлди. Душманлар ҳар томондан ўраб олган эдилар. Мен ушбу мураккаб вазиятда президент ўз мавқеида қатъий қолиши лозимлигини маъкуллардим.

Тахминан ўша вақтда президент Чонгда ўз қарашларини президент маъжкамасига етказиш имкони туғилди. У ўз қўли билан мактуб ёзди, мен уни етказдим. Мен янги ҳарбий ҳукумат вакилларидан бири билан учрашдим ва улар қабул қилган қарорнинг нотўғри эканлигини айтиб, шу мактубни бериб қўйишини сўрадим.

— Янги ҳукумат ҳокимиятта келгач, ҳеч қандай сабабларсиз хусусий ташкилоттинг раҳбарини ўзгартириши мумкинми? Ахир бу жамиятда ҳукумат ҳақида ҳам, бизнес доирала-

ри ҳақида ҳам салбий фикр уйғотади-ку. Қолаверса, президент Чонгнинг муддати тугашига атиги бир йил қолган бўлса.

Мен учрашган киши оқил бўлиб чиқди. У менинг сўзларимга қўшилганидан билдимки, бу аслида уларнинг режалари бўлмаган. Президент Чон Ду Хван бу қарорни бошқа қандайдир сабаб билан қабул қилган.

— Бу ерда қандайдир тушунмовчилик бор.

Охир-оқибат президент Чонг ушбу лавозимда ўз муддатини тугатди ва шу ўтган муддат давомида унинг бешинчи республика ҳокимиюти билан муносабати яхшиланди. Чонг кейинги сайловда Корея саноатчилари федерациясининг раиси этиб қайта сайланди ва бу лавозимда бошқа раислардан узоқроқ ишлади.

### **Тендердаги тутуриқсиз мағлубият**

Бешинчи республика ҳукмонлигининг аввалида ҳукумат энергетика соҳасидаги сиёsatни ўзгартиришга қарор қилди. Лойиҳа тузилган бўлиб, унда асосий эътибор аввалгидек кўмир ва нефтга эмас, балки суюлтирилган табиий газ (СТГ) ни жорий қилиш ва фаол етказиб беришга қаратилганди. Ушбу лойиҳага кўра, Сарик дengiz соҳилидаги Пхентхэк туманида СТГни сақлаш учун йирик қурилмалар қуриш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу хавфсизликка алоҳида эътибор бериладиган омборлар қурилиши эди. Газ ҳолатидаги ТГ жуда паст ҳароратда суюлтириларди ва шу ҳолатда ташиларди ҳамда кейинчалик СТГ омборларида худди шундай паст ҳароратда сақланарди. Кореяда ўша пайтда бундай қурилмани лойиҳалаштира ва кура оладиган компания йўқ эди. Шу сабабли ҳукумат кореялик компаниялар билан бирга чет эллик қурилиш компанияларини ҳам бу тендерда иштирок этишга таклиф қилди.

«Хендэ» қурилиш компанияси техник ҳамкорлик қилиш бўйича ушбу соҳадаги дунёдаги энг яхши компания — Франциянинг «Техникгаз» компанияси билан шартнома тузди. Шубҳасиз, шартномада ҳамкорликдан воз кечишнинг олди-

ни олувчи банд ҳам бор эди. «Хендэ» билан беллашадиган Корея компанияси «Ханянг» бўлиб, у Япониянинг «Марубени» компанияси билан ҳамкорлик қиласади. Танлов натижаларига кўра, «Хендэ» биринчи ўринни, «Ханянг» иккинчи ўринни эгаллади. «Ханянг» ва «Марубени» бўйича холосада уларда технологиялар даражаси талаб қилинганидек эмаслиги келтирилди. Тендердаги галабани биз билан нишонлаш учун «Техникгаз» компанияси директори Франциядан учеб келди.

У юртига қайтиб кетганидан кейин бир неча кун ўтгач, француз компаниясидан хабар келди. Унда «Хендэ» раҳбарияти тезда Францияга етиб келиши илтимос қилинганди. Мен иложи борича тезроқ учib боришга ҳаракат қилдим.

Учрашув чоғида «Техникгаз» компанияси директори жаноб Тиро тўсатдан Корея ҳукумати кайфиятида ҳеч қандай ўзгариш сезмадингизми, деб сўради.

— Нимани назарда тутаяпсиз?

— Агар «Хендэ» билан ҳамкорлик қила олмасак, нима қиласиз?

— Ҳазилингиз кулгили чиқмади. Жиддий айтадиган бўлсак, компаниянгиз шартномада кўрсатилганидек, барча зарарни қоплайди.

Тиронинг юзидан танг ҳолатда қолганлиги сезилиб турарди. У гапда давом этди.

— Бу бизнинг хоҳишимизга кўра эмас, Корея ҳукуматининг кўрсатмасига кўра юз берса-чи, бу ҳолатда ҳам зарарни қоплашимиз керакми?

Фақат ўнундагина катта муаммолар юзага келганлигини тушундим. Директор Тиро қайтганимдан кейин Корея ҳукумати кайфиятини аниқлаб олишим лозимлигини айтди ва ўз узрини билдириди.

Кореяга қайтгач, Корея давлат электр корпорациясига бордим. Корпорацияда, ҳеч нима бўлмагандек, «Хендэ» билан шартнома қонуний кучга эга эмас деб топилиб, «Хангянг» билан ишлашга қарор қилинганини айтдилар. Ҳайратдан лол қолдим.

— Ахир «Хендэ» лойиҳа учун энг яхши нарх таклиф қилинганини ўзингиз айтгандингиз-ку! Технологик муаммо-

лар эса, бошқа компанияларда ҳам бор эди. Қандай қилиб тендер «Хангянг»га ўтиб кетди?

— «Хангянг» Франциянинг «Техникгаз» компанияси билан ҳамкорлик қила бошласа, технологиялар юзасидан муаммолар бўлмайди.

Тилим лол эди. Ахир бу воқеа Африкадаги қандайдир қолоқ мамлакатда эмас, энг ривожланган мамлакатларга етиб олган ва дунёдаги энг яхши қурилиш компаниясига эга давлатда содир бўлаётганди-да.

Бу ишни шундай қолдирмаслигимни айтдим ва корпорациядан чиқдим. Шунда менга президент маҳкамасидан иқтисодиёт масалалари бўйича масъул мурожаат қилди ва «Хендэ» қурилиш компанияси бу ишдан четланиши лозим, деб айтди. Яъни, электр корпорациясида нима дейишган бўлса, шуни айтди.

— Сиз ахир шунчаки давлат амалдори эмас, АҚШда докторлик даражасини олган одамсиз, олимсиз... Мен сизни инсон сифатида яхши биламан. Қандай қилиб тендер бўйича бундай адолатсиз қарор қабул қилишингиз мумкин? Ахир бу фақат «Хендэ» қурилиш компаниясининг муаммоси эмас-ку. Хорижий компанияда Корея ҳукумати ҳақида қандай тасаввур пайдо бўлади? Қолаверса, Яқин Шарқда француз компаниялари билан ҳамкорлик қилиш бўйича анчагина тажриба ортирганмиз. Агар ўз юртимизда компанияларга талаб даражасида муносабатда бўлмасалар, чет элда ҳам худди шундай бўлади. Яхшиси тендер натижаларини бекор қилинг. Шундан кейин, агар лозим топсангиз, тендерда такроран қатнашиш учун «Ханянг» ва Франция компанияси иштирокида консорциум тузинг. Шунда мен бу қарорни тушунаман ва қабул қиласман.

Бунга жавобан шундай сўзлар янградики, уларни тушуниш яна ҳам қийинроқ эди.

— Нима, сиз Кореяда бошқа ишлагингиз келмаяптими? Агар бунга рози бўлмасангиз, хаёлингизга ҳам келмаган ишлар рўй беради. Бу ҳақда президент Чонгта етказинг.

Бундан хабар топгач, Чонг президент маҳкамасидаги иқтисодиёт масалалари бўйича масъул билан учрашди, лекин ҳеч нарса ўзгаргани йўқ.

Кейин Франция компаниясидан узр ва илтимослар билан келишди. Кореяда ишлаш ниятида бўлган компания Корея ҳукуматининг «Ханянг» билан ҳамкорлик қилиш ҳақидаги кўрсатмасини рад этиши қийин эди, шу сабабли уларнинг аҳволларини тушунишни «Хендэ»дан илтимос қилдилар.

Аслида, французлар томонидан ҳеч қандай қоидабузарлик бўлмаганди. Шартномани рўкач қилиш мумкин эди, лекин зарар ўрнини қоплашни талаб қилиб бўлмасди, чунки шартноманинг бузилишига Корея ҳукумати сабабчи эди. Ахийри биз чекиндик. Бу ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайдиган, тутуриқсиз мағлубият эди.

### **Енгванг атом электр станцияси туфайли очик уруш**

— «Хендэ» курилиш компанияси директори Ли Мён Бакни қидиряпмиз.

Ушбу эълонни Таиландга учиб кетиш учун Сингапурдаги Чангி халқаро аэропортида ўтирганимда эшилдим. Мен маълумотлар бюросига югуриб бордим ва телефон гўшагини кўтардим. Президент Чонг шошилиб гапиради.

— Ли, Кореяга иложи борича тезроқ қайт. Атом электр станцияси курилиши бўйича шартнома бекор қилинди.

— Қандай қилиб?

— Ҳозир бош вазир ўринбосари матбуот конференциясида гапиради. Ишонгинг келмайди. Ишқилиб, тезроқ кел.

Бу воқеа 1987 йилнинг декабрида, бешинчи республика бошқаруви ниҳоясига етаётган ва 13-президент сайловлари кампанияси шиддат билан кетаётганида рўй берди. Ўшанда Корея электр корпорацияси Енгвангдаги АЭСнинг учинчи ва тўртинчи блокларини куриш бўйича тендер эълон қилганди.

Ўша пайтда мамлакатда атом ва иссиқлик электр станцияларини куриш тажрибасига эга б тагина компания бор эди. Атом станцияларини фақат «Хендэ» ва «Донга» қуарар эди.

Атом электр станцияси иккита қисм: энергия ишлаб чиқарувчи реактордан ва ишлаб чиқарылган энергиядан электр ҳосил қылувчи электр жиҳоздан иборат бўлади.

Кореяда қурилган АЭСлар – Гори 1 ва 2, Вольсонг 1 ва 2 ларда «Хендэ» реактор учун жавобгар, «Донга» эса электр жиҳозлар учун масъул бўлганди. Кейин «Хендэ» қурилиш компанияси Енгванг 1 ва 2 қурилишида бу икки босқични бир ўзи бажарди ва Кореядаги АЭСни тўлиқ қуриш бўйича ноу-хауга эга ягона компанияга айланди.

АЭС қуриш тажрибаси ўта муҳим эди. Ҳукумат Енгвангдаги АЭСнинг учинчи ва тўртинчи блокларининг «бошидан охиригача» қурилишини режалаштирган эди ва бу тендерда атом электр станциясининг тўлиқ қурилиши тажрибасига эга «Хендэ» компаниясигина қатнашиши мумкин эди. Қурилиш «Хендэ»га эркин шартнома асосида топширилиши идеал вариант бўларди.

Албатта, у пайтда эркин шартнома фақат орзу эди. Бюджет ва ҳисоб-китоблар тўғрисидаги қонунда тегишли модда бўлиб, унга биноан бундай кўламдаги қурилиш бўйича муйян компания билан эркин шартнома тузиш мумкин эмасди. Бу преференцияларнинг олдини олиш мақсадидаги назорат чоралари эди. Аммо, аслида, қурилиш «Хендэ»га эркин шартнома асосида берилмаганинг сабаби сиёсатда эди. Киктон нефть компанияси бошқаруви масаласига ҳукумат аралашганидан кейин бешинчи республика раҳбарияти билан президент Чонг ўртасида зиддият юзага келди, шу сабабли «Хендэ» ноқулай вазиятда қолганди.

Аммо ҳукумат АҚШдаги ҳодиса туфайли тўхташга мажбур бўлди. Ўшанда «Три-Майл» атом электр станциясида радиоактив модда сизиб чиқиши сабабли авария рўй берганди ва бутун дунё АЭС хавфсизлиги масаласига эътибор қаратганди. Бу оламшумул муаммони ҳал этиш йўли оддий бўлиб, атом электр станцияларини қуришда тажрибасиз компаниялар қатнашмаслиги лозим эди.

Хусусан, назорат агентлиги жаҳонга номи кетган «Браун Рут» компаниясининг иш савияси талаб даражасида эмаслиги юзасидан қарор чиқаргач, у АҚШнинг Техас штатидаги атом электр станциясини қуришни тўхтатди. Натижада ком-

пания миллиард долларлик зарар күрди, лойиҳа эса, «Бектель» компаниясига топширилди.

Ўша пайтда бутун дунё эътибори АЭСга қаратилганди, лекин, барибир, ҳукумат лойиҳани «Хендэ»га бергиси келмасди. Шунга қарамай, охир-оқибат, Корея электр корпорацияси, қуришда қатнашишнинг янги шартлари ҳақида маълумотни қўшимча қилган ҳолда, газеталарда тендер ҳақида эълон берди.

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқишида фақат бир компания — «Хендэ» ўта одди. Тендернинг иккинчи тури эълон қилинди, лекин натижаси ўша-ўша эди. Қонунчиликка биноан, тендернинг икки туридан ўтган компания билан, учинчи тур натижаларига кўра, эркин шартнома тузиларди. У пайтларда ҳукуматнинг қурилиш билан боғлиқ деярли барча буюртмаларида сиёсий мақсадларда молиявий кўмак ажратиларди. Ушбу АЭСнинг лойиҳаси, хавфсизлик масалалари туфайли, мамлакат ичидаги ҳам, чет элда ҳам барчанинг эътиборини жалб қилган бўлиб, унга сиёсий таъсир кўрсатишнинг умуман иложи йўқ эди. Юқори доираларда бу, албатта, қаттиқ норозилик уйғотганди.



АЭС қурилишининг бошланиши маросимида

Енгванг 3 ва 4 қурилиши шартномаси тасдиқланганидан кейин мен Сингапурга Жануби-Шарқий Осиёдаги қурилиш лойиҳаси масаласи бўйича жўнаб кетдим. Мен йўғимда Кореяда кутилмаган воқеа содир бўлибди. Бош вазир ўринбосари, хавфсизлик идораси бошлиғи ва бошқа юқори мартабали шахслар иштирокидаги мажлисда «Хендэ» билан имзоланган эркин шартнома кўп нуқсонларга эга, деган хуносага келишибди. Шундан сўнг Бош вазир ўринбосари матбуот конференциясини ўтказиб, унда шартнома бекор қилингани ва АЭС қурилиши бўйича янги, тақорор тендер ўтказилиши ҳақида эълон қилибди. Вазият жуда жиддий эди. Аэропортда Чонг билан телефонда сухбатлашган бўлсан ҳам, Таиланддаги учрашувни бекор қила олмасдим, тендерда тақорор иштирок этиш ҳам иккичу кун вақт оларди. Шу сабабли бу иш унчалик шошилинч эмас, деган фикрга келдим ва режа бўйича Таиландга учеб кетдим.

Мен меҳмонхонага кечаси 2да етиб бордим, энди ухлашга ётгандим, шу заҳоти президент Чонгнинг қўнғироги уйготиб юборди. Соат 6 эди.

— Барибир тез келмасант бўлмайди.

— Ҳукумат билан кураш энди бошланаяпти. Бу ерда, Таиландда, фақат уч кунлик ишим бор. Лекин мен ҳаммасини икки кунда тутгатаман ва ўша заҳоти қайтаман. Хавотир олманг.

— Хавотир олманг? Бу нима деганинг?

— Атом электр станциялари масаласи сиёсатта бўйсунмайди. ҳукуматдагилар қандайдир хатога йўл қўйишган. Биз имзолаган эркин шартноманинг қонунийлиги ҳақидаги масалани кўтарсак, ютиб чиқиш имконимиз бор. Мен бу ишни охиригача ўз зиммамга оламан.

Мен буни шундай ишонч билан айтдимки, Чонг кўнди.

— Нимани назарда тутаётганилгингни билмадиму, лекин келгунингча кутиб тураман.

Таиланддаги ишларни икки кун ичига якунлаб, Кореяга қайтдим ва Бош вазир ўринбосари Чонг Ин Енг билан учрашдим. «Хендэ» Киктон нефть компаниясини назорат қилиш масалалари туфайли зарар кўрган пайтда у молия вазири эди.

— Қандай қилиб ҳукумат, олдиндан огохлантирумасдан, шартномани бир томонлама бекор қила олади? Бу қонуннинг қўпол бузилишидир. Шартнома эркин бўлгани учун шу муаммони қўтарибсиз, аслида ундаи эмас. Бу уч босқичли, қатиқ рақобатга эга тендер бўлди. «Хендэ» барча талабларга мувофиқ келганлиги учун учинчи босқичдан кейин, қонунга биноан, эркин шартнома имзоланган, шундай эмасми?

Адолатли жараён натижасида имзоланган бундай шартноманинг бекор қилиниши қонуннинг ҳукумат томонидан очиқ-ойдин бузилишидир. Ҳукумат ўз қарорини бекор қилиши керак, акс ҳолда биз унинг устидан судга арз қиласиз.

Бош вазир ўринбосари хонасидан чиқаётганимда Корея электр корпорацияси директори Пак Джонг Гини қўриб қолдим.

— Агар сиз Бош вазир ўринбосарининг шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарорига рози бўлсангиз, бу ўзингиз тузган шартномаларнинг кучга эга эмаслигини тан олганингиз бўлади. Сиз, жаноб Пак, лойиҳани олдин белгилаб қўйилган режа бўйича, қонуний, ўзингиз имзолаган ҳужжат асосида амалга оширибина ўзингизнинг ҳақлигингизни исботлай оласиз. Агар бундай қўлмасангиз, шартноманинг бу зилиши бўйича барча жавобгарликни айнан сиз ўз зимманизга олишингизга тўғри келади.

Табиийки, электр корпорацияси директори қийин аҳволда қолганди. ОАВда аллақачон шартноманинг бекор қилинганилиги ҳақида хабар беришган ва бу ҳақда президентга ҳам ҳисобот беришганди. Директор мамлакат президентига ҳам маълум қилинган қарорга қарши бора олмасди.

Кейин мен энергетика ва табиий ресурслар вазири Че Чанг Рак билан учрашдим.

— Қонунчиликка тўлиқ мос келувчи курилиш сиёсий сабабларга кўра бекор қилиниши мумкин эмас. Шартнома сиёсий таъсир остида тузилганда, унинг бекор қилинишига йўл қўйиш мумкин эди, лекин ҳозирги вазият ўта тутуриқсиздир. Ҳукумат қандай мантиққа таянаяпти?

Вазир Че вазиятни яхши тушунарди. Айтадиган гапи йўқ эди, шунинг учун индамай қўя қолди. Кейин электр корпорацияси директори, норасмий тарзда айтилаётганилиги ҳақида

огоҳлантириб, менга вазир Ченинг гапларини етказди. Унинг сўзларига кўра, вазир Че бу ишда аниқ зиддиятлар борлигига қўшилади, лекин юқори инстанцияда қабул қилинган қарорни муҳокама қилиш вазир учун осон эмас.

Шунда мен яна вазир Че билан учрашдим.

— Ҳеч бўлмаса кўнглингизда менинг мулоҳазаларимга қўшилишингизни истайман. Агар бу мавзуни очиқ муҳокама қиласидиган вазият юзага келса, ўз фикрингизни айтардингиз.

Мен вазирни мураккаб аҳволга солиб қўйишни истамасдим. Уни ўзимнинг мулоҳазаларим тўғрилигига ишонтиришга интилардим ва мен бунга эришдим.

Албатта, «Хендэ» қурилиш компанияси матбуот конференциясида айтилган қарорини битта компания деб осонгина ўзгартириб, ҳаммасини яна жой-жойига қўйиб қўя қоладиган ҳукумат билан курашмаётганди.

Шунга қарамай, мен билан учрашувдан кейин электр корпорацияси директори Пак ҳукумат фармойишига амал қилмай, «Хендэ» билан тузилган шартнома мажбуриятларига тўлиқ мувофиқ ҳолда иш кўра бошлади. Корпорация мутахассислари атом электр станцияси қурилишида йўл қўйилган озгина эҳтиётсизлик катта кўламдаги аварияга олиб келиши мумкинлигигида яқдил эдилар. Шунда бешинчи республика ҳокимиятидагилар, «Хендэ» шартномаси ишини тезроқ бир ёқли қилиш мақсадида, директор Пакни лавозимидан озод қилишди. Ваҳоланки, у бошқарув доираларида президент Чон Ду Хван ўқиган Тэгу олий техника мактаби ва Корея ҳарбий академиясининг ягона битирувчиси эди. Афтидан, ҳукумат учун бу шошилинч иш эди.

Электр корпорацияси директори лавозимига Хан Бонг Суни тайинладилар. Шу тариқа, «Хендэ» билан ҳукумат ўртасидаги муносабат янада кескинлашиб, вазият қалтислашиб бораради. Шунда «Хендэ» компанияси адвокатлар иштирокида даъво аризаси тайёрлади ва бу ҳақда ҳукуматга хабар берди. Ариза Корея электр корпорацияси директори ҳамда энергетика ва табиий ресурслар вазирига қаратилганди. Мен директор Хан Бонг Суга:

— Жаноб Хан, сиз янги одамсиз, шунинг учун масалани ўрганиб чиқиб, у бўйича мустақил қарор қабул қилинг.

Олдинги директорнинг ҳаракатларини холис нуқтаи назардан баҳолай оласиз, — дедим.

Бошида шартномани бекор қилиш ҳақидаги қарор хукумат томонидан қабул қилинган ва, «Хендэ» ҳақ бўлса-да, энди ҳеч нарса қила олмаймиз, деган директор Хан ҳам, ишни батафсил ўрганиб чиққанидан кейин, компаниямиз билан шартноманинг қонунийлигини тан олишга мажбур бўлди. Натижада хукумат боши берк кўчага кириб қолди. Ҳар ҳолда мени энергетика ва табиий ресурслар вазири ўз хузурига чақирди.

— «Хендэ» хукуматнинг обрўсини эътироф этиши керак. Вазият қандай бўлмасин, бекор қилиш ҳақидаги қарорни бекор қилиб бўлмайди. Сизга АЭС қуриш тажрибасига эга «Донга» компанияси билан биргаликда тендерда яна бир марта қатнашишни маслаҳат бераман.

Вазир Ченинг таклифи қоидаларга тўғри келмасди, лекин мен бунга рози бўлдим. Чунки, хукуматнинг обрўси ҳақиқатан ҳам шунга боғлиқ эди. Лекин мен бир шарт қўйдим.

— Тендерни умумий сумма бўйича эълон қиласлик керак. АЭС — жуда муҳим объект, шунинг учун тендерда ҳисобкитоблар моддалар бўйича тақсимланган ҳолда тақдим этилган бўлиши керак.

Моддалар бўйича ҳисоб-китобли тендерда қатнашиш учун техник таҳдил лозим эди. АЭС қуриш тажрибасига эга бўлмаган компанияяда бундай ҳисоб-китобларни тузишнинг иложи йўқ эди. Бу каби тендерда компаниямиз ютиши аниқ эди. Хукумат менинг таклифимни қабул қилди. Ўшанда ушбу шартлар билан тендер эълон қилиниши кўп гап-сўзларга сабаб бўлди.

Ниҳоят, Енгванг АЭС 3 ва 4 қурилиши бўйича тендерда «Хендэ» қурилиш компанияси ютиб чиқди. Бу битта объектини қуриш ҳуқуқи икки маротаба ютиб олинган жуда фалати ҳодиса эди. Албатта, расмий манбаларда бу давлатдан йирик буюртма олган компания томонидан анъанавий молиялаш амалга оширилмай, адолатли асосда ўтказилган қурилиш бўлганилиги ҳақидаги маълумот сақланмайди.

Кейинчалик, муҳолиф партия ҳукмрон партиядан кучлироқ бўлган олтинчи республика ҳукмронлиги даврида, электр

корпорациясида давлат текшируви ўтқазилди. Текширувнинг асосий обьектларидан бири Енгванг АЭС тендери ва қурилиши бўлди. Собиқ директор Пак Джонг Ги ва мени гувоҳлар сифатида Миллий Ассамблеяга чақиришди.

Ассамблеяда АЭС қурилиши муайян компанияга ноқонуний тарзда топширилганлиги ҳақида шубҳаланиш бор эди. Бу текширудан мақсад «бешинчи республика билан орани очиқ қилиб олиш» жараёнида ноқонуний преференциялар тақдим этилганлигини фош этишдан иборат эди. Гувоҳлик қасамидан кейин менга сўз беришларини сўрадим.

— Миллий Ассамблея аъзолари савол беришларидан олдин АЭС бўйича шартномага хос бўлган баъзи хусусиятлар ҳақида гапириб бермоқчиман.

Мен АЭС қурилишига оид шартноманинг ўзига хос томонлари ҳақида, Гори 1 ва 2 да «Хендэ» АҚШнинг «Вашингтон Хаус» компанияси субпудратчиси сифатида қатнашганлиги, кейин Кореядаги қурилишни мустақил олиб бора оладиган ягона компанияга айлангани ҳақида қисқача сўзлаб бердим. Сўнг ривожланган давлатларда АЭС қуриш учун компания қандай танланиши ҳақида хабар бердим.

— Ривожланган мамлакатларда энг паст нархни таклиф этиб, АЭС қурилиши бўйича тендерда ютиб чиққан компаниялар парламентлар томонидан синчилклаб ўрганилади. Бизда эса, аксинча. Чунки биз хавфсизлик масалаларини етарлича баҳоламаймиз. Кореяда йўл ва АЭС қурилиши бир нарса, деб ўйлайдилар. Йўлни таъмирлаш мумкин, аммо АЭСда авария содир бўлса, тўғрилашнинг умуман иложи йўқ. Фақат, Кореяда, нега тендер одатий тартибда амалга оширилмаган, деган саволни кўтаришадиу, лойиҳа АЭС қуриш тажрибасига эга компания томонидан бажарилганлигига эътибор беришмайди.


Менинг тушунтиришимдан кейин Миллий Ассамблея аъзоларидан бирортаси ҳам менга савол бергани йўқ.

«Хендэ» корпорацияси, иккита тендер ва ҳукумат билан очиқ курашдан сўнг, барча қийинчиликларни енгиб, АЭС қурилишини муваффақиятли амалга ошириди. Бу муваффақиятга СТГ омборини қуриш тендеридаги мағлубиятдан сўнг эришганимиз учун, у янада қадрли кўринарди. Ўшанда мен

авторитар ҳукумат ўзининг тажовузкор ва бефойда амалдорлари билан нақадар нооқилона эканлигига ортиғи билан ишондим. Шундан кейин доимо қофозбозликка қарши туришга ҳаракат қилдим.

Биз ютуқлардан эмас, мағлубиятлардан ўрганамиз. Агар ҳаётга шундай нуқтаи назардан қаралса, одамлар ёмонликни яхшиликтан кўра узокроқ эсда тутишлари дуруст бўлиб кўринади.

Ютуқни ёдда сақлаш яхши эмас. Сизнинг ютуғингизни бошқалар эсласин. Лекин инсон ўз мағлубиятларини бир умр эсда сақлаши керак. Зоро агар мағлубиятлар унтиб қўйилса, улар бир кун такрорланиши мумкин.



## Л И М Е Н Б А К


### *Сүттүн жаҳон бўйлаб*

Бош вазир Махатхир сўзлай бошлиди.  
Йигилганлар орасида тез-тез қаттиқ кулгу  
янгтарди. Мен ҳеч нимани тушунмасам-да,  
кўпчиликка қўшилиб ҳамма билан бирга  
кулиш керак, деб ўйладим.

Малайзиялик амалдорлардан бири биқиним-  
га аста туротиб қўйди.

“Директор Ли, кимнинг устидан кулаётга-  
нингизни биласиёми ўзи? У айтяптики,  
“Хендз” қурилиши компанияси — бу Алибо-  
бо, яъни ўғри. Юртимиёдан бу ўғриларни  
хайдаб чиқариш учун иложи борича тез-  
роқ ҳамма нарсани ўрганиб олишингиз керак,  
деяпти”.

ПИ МЁН БАК



## **Бағдод ҳокими Ваҳоб ва Ироқ бозорига чиқиш**

Жубайл саноат порти курилишига буюртма олинаётганда «Хендэ» директори ва бўлинмасининг бошлиғи Саудия Арабистонида ҳибсга олинди. Бу воқеа маҳаллий қироллик аслзодаларининг бир нечта вакиллари ва ривожланган давлатлардан бирининг йирик компанияси уюштирган фитна оқибатида рўй берди. Ривожланаётган мамлакатлар учун ривожланган давлатлар ҳукмронлик қилаётган халқаро майдонга чиқиш нақадар мураккаб эканлигини ушбу ҳодиса бевосита намойиш қилди.

Саудия Арабистони қироллик ҳукумати, расмий судсиз, ходимларга ўзларини оқлаш имконини ҳам бермай, «Хендэ»га 100 млн доллар жарима солди. Шунингдек, компанияни 2 йил давомида ушбу мамлакатдаги курилиш тендерларида қатнашиш ҳукуқидан маҳрум этган тақиқ қўйди.

«Хендэ»нинг иккита юқори мартабали ходими ҳибсга олингач, компания ушбу масалани ҳал этиш учун барча чораларни ишта солди. Саудия Арабистонидаги директор лавозимига қурилиш вазирлиги қошидаги хорижий қурилишлар акциядорлик компаниясининг директори бўлиб ишлаган Джанг У Джуваклиф қилинди. У чет тилларни яхши биларди ва ўзини энг яхши томондан кўрсатди. «Хендэ»да 10 йилдан зиёд ишлаб, Джанг кўплаб муаммоларга дуч келди (хозир у Корея-Америка менежмент институтини бошқаради ва у билан ҳозир ҳам алоқамиз яхши).

Бу муаммоларни ҳал этиш учун биз телефонда тез-тез ва узоқ суҳбатлашардик, бу Саудия Арабистони учун ҳам муҳим масала бўлгани боис, барча гапларимизни яширинча тинглашарди. Шунда биз маҳфий пароллар ўйлаб топдик ва бутунлай бошқа нарса ҳақида гаплашадиган бўлдик. Масалан, «ҳукумат комплексидаги одам билан учрашдим» дегани ички ишлар вазири билан учрашилганлигини англатарди.

Президент Чонг юзага келган вазият туфайли мени у ёққа тез-тез хизмат сафарига жүннатарди. Хорижда икки-уч ойлаб қолиб кетардим, құлдан келганча ҳаракат қылардиму, лекин муаммони ҳеч ҳал қилиб бўлмасди. Натижада биз Саудия Арабистонидан кетишга ва бошқа курилиш бозорини топишга қарор қилдик.

Саддам Ҳусайн инқиlobидан кейин Ироқ социалистик мамлакатга айланди, шу боис унинг Корея Республикаси билан дипломатик алоқалари йўқ эди. Бинобарин, корейс бизнесменларига виза берилмасди. Ҳусайн учун энг ҳурматли инсон Ким Ир Сен эди ва, албатта, уни Жанубий кореялик тадбиркорларга нисбатан илиқ муомалада бўлининга ундовчи ҳеч қандай сабаблар йўқ эди. Шундай бўлса-да, ушбу сиёсий тўсқинликларга қарамай, муқобил бозор қидираётган «Хендэ» курилиш компанияси учун Ироқ жозибали мамлакат саналади.

Ироқ ҳукуматининг кенг кўламдаги инвестициявий режалари бор эди. Беш йиллик ривожланиш режасининг учинчи босқичи доирасида, 1976 йилдан 1980 йилга қадар 45 млрд. доллар киритилган эди, тўртинчи босқичда эса, 1985 йилдан бошлаб 75 млрд. доллар киритиш кўзда тутилганди. Бу Яқин Шарқда Саудия Арабистонидан кейинги иккинчи энг йирик бозор эди. Ироқ бозорининг энт жозибали томони шунда эдикӣ, инфратузилмага киритиладиган инвестициялар чекланган Саудия Арабистонидан фарқли равишда, бу ерда ушбу жараён энди бошланганди.

1978 йилнинг марта «Хендэ» Ироқ бозорига чиқиш учун биринчи «плацдарм»ни яратишнинг уддасидан чиқди. Ди-ректор ўринбосари Чон Гоб Вон раҳбарлик қилаётган Ироқдаги буюртмалар гуруҳи Ироқнинг аҳамияти жиҳатидан иккинчи шаҳри бўлмиш Басра канализация тизимининг биринчи босқичини қуриш бўйича ўтказилган тендерда энт паст нархларни таклиф қилиб, ютиб чиқди. Бу нархлар рақобатлашаётган Европа компаниялариникидан анча паст эди ва шу сабабли голиб бўлишга умид боғлаш мумкин эди. Бу Ироқ бозорига чиқиш учун реал қадам эди.

Ўшанда президент Чонг мамлакат ичидаги компания ишлари билан бандлигимга қарамай, менга топшириқ бер-

ди: «Кореяда иш кўп бўлса ҳам, сен тез-тез чет элларга чиқишингга тўғри келади». Дипломатик алоқалар ўрнатилмаган давлатта кириш ва у ерда муҳаңдислар ҳамда ишчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, қурилиш бошланишидан олдин бошқа масалаларни ҳал этиб олиш мақсадида Ироққа Кувайт орқали ер усти транспортида бордим. Ироқ қарама-қаршиликлар мамлакати эди. Ироқдан буюртма олган компания директори бўлишимга қарамасдан, бу давлатта киришга расман ҳаққим йўқ эди. Шу сабабли Бағдодга жосуслар ҳақидаги кинофильм қаҳрамони каби кириб бордим.

— Жанубий Корея компанияси бу буюртмани олишга қандай эришди?

Ироқ идораларидан бирининг вакили намоён этган дастлабки муносабат аччиқланишиш бўлса, иккинчиси — лойиха амалга ошмаслигига ишонч эди.

Бағдодда бўлганимизда Ироқнинг инқилобий ҳукумати билан бирон-бир алоқа боғлашга узоқ вақт ҳаракат қилдик. Зеро бошқа илож ҳам йўқ эди. Бағдоддаги «Мулен Руж» номли кафеда давлат хизматчисидан Ироқ ҳукумати ҳақида маълумот олишга ҳаракат қилиб кўрдик. Тўсатдан олдимизга қуринишидан осиёлик бўлган бир аёл келди ва Япониядан эканлигини билдириди.

Мен ҳожатхонага чиқдим ва аёл ҳам, атрофга аланглаб, кетимдан кетди. Йўлкада ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, менга юзланди.

— Кореяданмисиз?

У корейс экан. «Хендэ» дан келган бизнинг гуруҳимиз Ироқ тупроғига инқилобдан кейин қадам қўйган илк корейслар бўлди, деб ўйлаган эдим, бу аёл биздан ҳам олдин келган экан.

— Мен бу ерда ишлаб пул топса бўлади деб эшитиб, чет эллик билан расман турмуш қурдим-да, шу ерга келдим. Агар мен корейс эканлигимни билиб қолсалар, шу заҳоти чиқаруб юборадилар. Сизлар қандай қилиб келдингиз?

Томогимга алланарса тиқилгандек эди. Бу заифа аёл мусулмон социалистик мамлакатга бир ўзи, иш қидириб келибди, «Хендэ» қурилиш компанияси эса, Кореядаги энг

йирик компания эди. Шундай бўлса ҳам, бу ёлғиз аёл билан мақсадимиз бир эди — бу ерда доллар ишлаб топиш. Бағдоднинг эски кафесида мен яна бир бор ўз истагимга — Ироқда компания учун муносиб ўрин олишга аҳд қилдим.

Бир неча кун ўтгач, қандайдир умид бахш этувчи йўлни топишнинг уддасидан чиқдим. Маҳаллий амалдор Бағдод ҳокими Ваҳоб билан учрашиш ҳақида шипшишти. Саддам Ҳусайн ўзи содир этган инқиlobни айнан Ваҳобнинг уйида, у ҳали ҳукуқшунослик факультети талабаси бўлиб юрган чогида ният қилган эди. Ваҳоб Ироқда ана шундай нуфузли шахс экан. Биз Ироқ ҳақида ҳеч нарса билмасдик, ҳатто инқиlobий ҳукумат тепасида ким турганидан ҳам хабаримиз йўқ эди. Кореядаги Америка элчихонасидан ундирилган мълумот энциклопедияларга қўйиладиган мақолалардан катта эмасди.

Ҳоким Ваҳоб билан учрашиш осон эмасди. Учрашув ҳақидаги бир неча илтимосларга қатъий рад жавобини олдим. Лекин мен ҳокимият таржимонидан яна илтимос қилдим.

— Илтимос, ҳеч бўлмаса бир марта учрашмоқчилигимни етказинг. Етказингки, мен Жанубий Корея компаниясининг вакили сифатида эмас, олис шарқ мамлакатидан келган, ёш инқиlobчиларга ҳурмати баланд киши сифатида учрашмоқчиман.

Ироқ ҳам Яқин Шарқ мамлакати бўлишига қарамай, курилиш буюртмаси бўйича маҳаллий агентни ёллаш тизими йўқ эди. Яъни бу «покиза» мамлакат бўлиб, на расмий ва на норасмий поралар амал қиласади. Шу сабабли, бундай покиза ва юксак мънавиятли мамлакат раҳбари билан учрашишнинг ягона йўли «одамгарчилик» билан илтимос қилиш эди.

Ахийри, Ваҳоб розилик билдириди. Учрашувга бор-йўғи 10 дақиқа ажратилганди, ҳокимнинг қабулхонаси содда ва камтарона эди. Ҳоким фуқаролик кийимида бўлса-да, кийими нимаси биландир ҳарбий формани эслатарди, биқинида револьвер осигурилган эди.

— Сиз бутун умрингизни мамлакатдаги ислоҳотларга бағишлагансиз, деб эшиштидим. Менимча, эркак киши учун ҳаётдаги энг катта неъмат ўз ватанига астойдил хизмат қилишдир.

— Ҳа.

Шунда Ваҳоб деди:

— Мен кунига уч-тўрт соат ухлайман. Янги мамлакат барпо этиш йўлида меҳнат қиласман, шунинг учун ҳам менга асло вақт етишмайди. Ҳозир ҳам ўзим учун жуда қимматли бўлган вақтни сиз билан учрашишга ажратдим.

— Мен ҳам шу пайтгача кунига уч-тўрт соатдан кўп ухламадим. Балки иккимизда умумий жиҳатлар анча топилар.

— Сиз хусусий компанияда ишлайсиз-ку, ухлашга ҳам вақт қолмайдиган қилиб ишлашингизнинг сабаби нимада?

Ваҳоб қизиқиши билдириди. Рухсат этилган 10 дақиқа ўтиб кетиб бўлганди.

— Мен жуда камбағал мамлакатда туғилдим. Ҳозир ҳам камбағалликни узил-кесил енгганимиз йўқ. Қашшоқликни енгиш ва мамлакатимизни мустаҳкамлаш учун туну кун ишладик. Мен компания учун ишлайман, лекин капиталистик давлатда диққат марказида айнан хусусий корхоналар турари, шу сабабли менинг ишим мамлакат ривожланишига хизмат қиласди. Шахсан ўзим жуда қашшоқ оиласда ўсганман, шунинг учун камбағалликка қарши курашиш нафақат менинг шахсий вазифам, балки давлат олдидағи бурчим ҳамдир. Мен сизнинг мамлакатингизда, камбағалликни енгаётган ва иқтисодиёти ривожланаётган ўз мамлакатим тажрибаси асосида ишламоқчиман. Биз буюртма олдик, лекин қийинчиликлар туфайли ишимиз юришмаяпти. Биз Европа компанияларига ўхшамаймиз. Корейслар ҳалол ва меҳнатсевардирлар. Биз ишга камбағалликни енгиш ниятида бўлган ўртоқларимиз нуқтаи назаридан ёндашамиз. Мен Яқин Шарқда сизнинг юртингиздек покиза ва адолатли мамлакатни биринчи бор кўришим. Шу сабабли мен сизнинг мамлакатингизда ишламоқчиман.

Мени диққат билан тинглар экан, Ваҳоб камаридан револьверни ечиб қўйди ва яқинроқ ўтиришимни айтди. Душман Америкага яқин бўлган мамлакат ҳақидаги ваҳималар аста-секин уни тарк этди. Менинг қурилиш тажрибаси ва «Ҳендэ» компанияси лойиҳалари ҳақидаги сўзларимни самимилик билан тинглади. У котибни чақирди ва учрашув чўзилишини айтиб, ҳеч кимни киритмасликни тайинлади.

Охир-оқибат, 10 дақиқага мүлжалланган сұхбатимиз 2 соатта чүзилди. Бизнинг давлатта, ишга муносабатимизда, Яқин Шарқ ва Осиё тарихига нисбатан қараашларимизда, шунингдек, шахсий масалаларда ўшаш томонлар мавжуд экан. Биз гүё эски дўстлардек бўлиб кетдик. Кейинги ой яна Бағдодгага келишимни айтдим ва у билан яна учрашиш мумкинми, деб сўрадим. Бунга жавобан Ваҳоб хурсандчилик билан, кутишини айтди.

— Мен хонангизни безовчи бир нарса олиб келгандим, агар уни шу ерда қолдирсангиз, бу мен учун шараф бўларди.

— Нима экан?

— Котибда қолдиргандим.

Ҳар қандай совгалар тақиқланганди, шу сабабли ўзим билан олиб келган Кобуксон кемасининг моделини котибнинг олдида қолдиргандим. Ваҳоб совғани олиб келишни буюрди.

— Бу тошбақа (кобук) шаклидаги кема модели. 400 йил олдин, Япония бизнинг юртимизни босиб олишга ҳаракат қылганида, машҳур адмирал Ли Сун Син биринчи марта пўлат зирҳли ана шундай кема ясаган эди. Ушбу кема туфайли адмирал Ли кўпсонли япон флотини мағлуб этишга муваффақ бўлди. Агар сиз ғалаба тимсоли бўлган ушбу Кобуксон кемасини ўзингизда қолдирсангиз, у сизга ишларингизда кўмаклашади.

— Яхши совға.

У Ваҳобга ёқди.

Шу тариқа, адмирал Ли Сун Син томонидан кашф этилган Кобуксон кемаси Бағдоднинг ёш инқилобчиси ёнидан жой олди.

## **Инқилобий ҳуқумат меҳмондўстлигидан фойдаланиб**

Ваҳоб билан учрашдим, энди ишдаги мураккабликларни енгишим даркор эди. Бу муҳандислар ва қурувчилар учун виза олиш муаммоси эди. Мен Ваҳоб билан танишиб олган бўлсам-да, муаммолар муаммолигича қолганди.

Мамлакатларымиз орасида расмий дипломатик алоқалар ўриналмаган, шу сабабли Ироққа кириш учун корейс ишчилари мураккаб жараёндан ўтишлари: құшни Кувайтта бориб, у ерда 10 кун, баъзиде бир ой виза беришларини кутишлари лозим эди. Бунинг устига, виза гурӯҳ учун эмас, ҳар бир ишчи учун алоҳида бериларди, шу сабабли ишчиларни жалб этишнинг аниқ режасини ҳам тузиб бўлмасди. Курилиш бир маромда бориши учун консулилк керак эди, шу сабабли биз ташки ишлар вазирлигига сўров жўнатдик, у ердагилар дипломатик алоқаларни ривожлантиришга ва Ироқда консулилк ташкил этилишига ҳали анча борлигини билдиридилар.

Мен Ироққа бордим ва ҳоким Ваҳобдан учрашишни илтимос қилдим. У Бағдод марказидаги овчилар клубида тушда учрашишимизни хабар қилди.

Учрашув жойи вазир ва ундан юқори мартабадаги амалдорлар учун мўлжалланган хос клуб эди. Биз учрашдик, Ваҳоб Кореядаги ишлар ҳақида сўради. Тушлик пайтида Корея иқтисодий модели ҳақида суҳбатлашдик, у тўсатдан:

— Дипломатик жиҳатдан биз Шимолий Корея билан яқинмиз. Бу ерда эҳтиёткорлик билан иш қилишингиз керак. Кўп қийинчиликлар бўлади, — деб айтиб қолди.

У мен учун зарур бўлган мавзуда суҳбатлаша бошлади, мен ҳам ўз муаммоларим ҳақида гапирдим.

— Ҳа, ҳақиқатда муаммолар кўп. Лекин энг асосийси бу эмас, асосийси шундаки, мамлакатингизга тегишли лойиҳа бўйича қурилишни бошлай олмаяпмиз. Ҳатто мен, директор ҳам бу ерга келиш учун Кувайтда уч кун кутишимга тўғри келди. Ишчилар учун эса, бу бир ойдан ортиқ вақтни олади. Юзлаб ишчилар бу ерга вақтида кела олмасалар, қурилишни қандай қилиб бошлаш мумкин? Қандайдир йўлини топиш керак.

— Нима қилиш мумкин?

— Бизга гурӯҳ визасини беришни сўраймиз. Бу барча давлатларда ишчилар учун қўллаб келинади.

— Яхши, гурӯҳ визаси учун хужжатларни тақдим этинг.

Тушлиқдан сўнг, хайрлашишдан олдин Ваҳоб мени қаттиқ кучди ва:

— Мен яхши дўст топганимдан жуда хурсандман. Биз худди ака-укалардекмиз. Йўқ, биз ҳақиқий ака-укалармиз, — деди.

Ваҳоб адабиётни яхши билар ва жуда кўнгилчан эди. Суҳбат чоғида у Шарқ ва Farb адабиёти ҳақида кўп гапирар, адабий ибораларни ишлатишни хуш кўрарди. У бешафқат сиёсий воқеликда яшовчи ёш адабиётчига ўхшаш идеалист эди.

Ваҳоб доимо ўз ваъдасининг устидан чиқарди. Биргаликда тушлик қилган кунимизнинг эртасига у менга қўнғироқ қилди.

— Бизнинг ташки ишлар вазирлигимизда сизнинг компаниянгиз ишчилари учун маҳсус имтиёзли шароитлар яратиб беришларини айтишди.

Ваҳобнинг ёрдами туфайли ишчиларимизга гурӯҳ визасини бердилар.

Бир ойдан сўнг мен учинчи бор Ироққа келдим ва ҳоким Ваҳобга қўнғироқ қилдим. Учрашув учун баҳона топдим: ўтган гал у мени тушлик билан меҳмон қилганди, энди менинг навбатим эди. Мен Бағдоддаги яхши ресторонда жой буюртириб қўйдим. У иккита дўсти билан келишини айтди.

У билан бирга келган дўстлари турар жой қурилиши ва саноат вазирлари эди. Бу вазирлар, Ваҳоб каби, инқилобий ҳуқуматнинг марказий шахслари эди. Улар орасида саноат вазири, айниқса, аҳамиятли одам эди. Ваҳоб уларни таништириди.

— Бу кишилар мен учун акаларимдек. Мамлакатимизда ишлашинг учун уларнинг ёрдами албатта керак бўлади.

Ваҳоб бу гапни худди хаёлимдагини ўқигандек айтганди. Тураг жой қурилиши вазири бизнинг лойиҳамиз бўйича бош жавобгар эди. Агар ўзим у билан учрашишга ҳаракат қылсанм, билмайман, қанча вақт кетарди. Иккала вазир ҳам менга хайриҳоҳлик кўрсатишиди. Ўртамизда тезда дўстлик муносабатлари юзага келди. Бу шундай бир инсоний яқинлик эдики, Яқин Шарқдаги бошқа мамлакатлар одамлари билан сұхбатда буни ҳис этиб бўлмасди. Бундан ҳайрон қолдим.

Саноат вазири «Хендэ» корпорацияси ҳақидаги ҳикоямга, айниқса, электр станция қуриш имкониятларимизга катта қизиқиш билдириди. Икки вазир кетиб, Ваҳоб билан ёлғиз қолганимизда, келгуси ишлар учун мамлакатда консуллик

очиш кераклигини сўзлай бошладим. У нокулай аҳволда қолди ва мен суҳбатни давом эттириб ўтирамадим.

Яна бир ойдан сўнг мен Бағдодга тўртинчи бор келдим ва эндиғина юкларимни меҳмонхонага жойлаб тургандим, менинг келганимни ўз одамлари орқали билган янги дўстларим дарров мен билан боғландилар. Биринчи бўлиб саноат вазири кечки овқатга таклиф қилди. Бир қанча вақт ўтгач, туар жой қурилиши вазири ҳам таклиф қилди. Мен кечки овқат устида учрашишга аллақачон келишиб қўйганимни айтдим, бундан у жуда хафа бўлди.

Мени саноат вазири таклиф қилган ресторан Дажла дарёси қирғогидаги тепаликда жойлашганди. Бу 400 йиллик тарихга эга чиройли жой эди. У ерга етиб борганимда мени тўрт киши кутарди: саноат вазири, менинг рад жавобимдан хафа бўлган туар жой қурилиши вазири, ҳоким Ваҳоб ва яна бир янги дўст. Ваҳоб келганимни эшитибди, ҳаммалари мени таклиф қилмоқчи бўлишибди-ю, кейин биргаликда ўтиришга қарор қилишибди. Шу ҳақда сўзлаб бергач, менга янги дўстимизни таништирди.

— Бу кон ва енгил саноат вазири. Ўтган гал компаниянинг электр станциялар қуришда бой тажрибага эгалиги ҳақида айтгандинг. Бизга электр станциялар жуда керак. Бу масала эса унинг вазирлиги назорати остида, шу сабабли у билан бирга келдик.

Кун сайин Ваҳоб ва унинг дўстларидан кўпроқ миннатдор бўла бошладим. Биз ярим тунга қадар корейсча соджуга ўхшаш ичимлик ичдик, номи ҳам корейсчага ўхшарди. Яқин Шарқликлар тилида бошқа ўхшаш сўзлар ҳам бор экан. Улар ҳам отани «эби», онани «эм» дейишаркан. Айтадиларку, цивилизация Силла империяси даврида араблар билан бирга келган, деб. Ҳақиқатан ҳам, Ироқ ва Корея Ипак йўлининг икки четида жойлашган икки мамлакат. Биз қадимги цивилизация ва тарихий тақдиримиз ҳақида очиқ суҳбатлашардик.

— Шу пайтга қадар Япония, Англия, Германия, Франция ва бошқа ривожланган мамлакатлар компаниялари ва ҳукуматлари билан ишлардик. Лекин улар бизнинг ҳақиқий шерикларимиз эмасди. Эндиликда фақат сизлар билан иш-

лашни истаймиз. Келажакда ривожланган мамлакатлар билан ҳалол рақобатда ютиб чиқишингиз учун сизга турли маълумотларни бериб борамиз.

Дажла дарёси бўйидаги ресторанда бўлиб ўтган учрашувнинг эртаси куни кон ва енгил саноат вазири мени таклиф қилиди ва учрашув чоғида шуларни айтди.

Ироқ раҳбариятининг ана шундай муносабати туфайли, маълум муддат ўтгач, «Хендэ» қурилиш компанияси катта муввафқиятларга эришди ва қиймати 720 млн. доллар бўлган Ал-Мусаиб ИЭС қурилиши бўйича «бошидан охиригача» буюртма олди. Бу буюртмага Япония компанияси билан бўлган қаттиқ рақобатдан сўнг эришилди. Очиғини айтганда, «Хендэ» компаниясида бундай кўламдаги ИЭСни «бошидан охиригача» қуриб топшириш бўйича етарли тажриба йўқ эди. Ироқдагилар ҳам буни тушуниб туришарди.

Аммо бир неча сабаблар туфайли улар давлат лойиҳасини бизга топширишди, бунда «материалларни Япониядан келтиринг, инжиниринг бўйича япон мутахассисларидан ёрдам олинг» дея маслаҳатлар беришди. Асосий сабаб давлатлар учун шуниси манфаатлироқ эканлиги эди. Ироқнинг мағрурлиги ҳам муҳим роль ўйнади, улар калондимоғ ривожланган мамлакатлар олдида ўзларини паст тутишни истамадилар. Шунингдек, албатта, ишнинг боришига менинг ироқлик биродарларим ва дўстларим ҳам таъсир кўрсашибди.

Бундан ташқари, биз турар жой қурилиши вазирлиги билан 820 млн. долларлик Саммара Фаллужа турар жой комплексини «бошидан охиригача» қуриш бўйича шартнома имзоладик. Ироқ ҳукумати «Хендэ» ва Кореянинг бошқа юқори малакали компанияларини ўзининг доимий иқтисодий ширек-компаниялари сифатида танлагани равшан эди. «Хендэ» учун бу бой берилган Саудия Арабистони бозорининг ўрнини арзирли даражада босганди.

## **Ироқ учун «Пони» пикапи**

Бир куни, Ироқда бўлганимда, ҳоким Ваҳоб мени машинага ўтқазди ва бир киши билан учраштиришини айтиб, президент саройига олиб кетди.

— Ҳозир биз учрашгани кетаётган киши аслида мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий бошқарувчиси бўлади. Расман у ҳукумат бошлигининг ўринбосари лавозимини эгаллайди, лекин ҳақиқатда у давлатимиздаги иккинчи шахс.

Ироқда, вазирлар маҳкамасидан ташқари, инқилобий қўмита ҳам фаолият юритар ва асосий қарорлар шу ерда қабул қилиниб, муҳим сиёсий режалар тузиларди. Бу қўмитанинг бошлиғи президент ва ҳукумат раҳбари Саддам Ҳусайн эди, ҳукуматни бошқариш билан эса, айнан шу, мени таништириш ваъда қилинган давлатдаги иккинчи шахс шуғулланарди. Ваҳобдан сўрадим:

— Ҳукумат бошлиғи ўринбосарига нима дейиш керак?

— Ўтган гал давлатларимиз ўргасидаги дипломатик алоқалар ҳақида гапиргандинг-ку, ана шуни айт.

Ваҳоб доно ва нозиктаъб киши эди. Ўтган гал бу ҳақда гапирганимда у ноқулай аҳволга тушиб қолганди ва мен бошқа эслатмай қўйғандим, лекин у ёдидан чиқармай, бу муҳим учрашувни ташкил этибди.

Мен ҳукумат бошлигининг ўринбосари хонасига кирганимда, у ерда телевизион камера турарди. Ўша куни кечки янгиликларда бизнинг учрашувимиз, менинг ҳукумат бошлиғи ўринбосари билан кўл бериб кўришганим берилди. Бирбиrimизга назокат билан айтилган сўзлардан кейин ҳукумат бошлигининг ўринбосари сухбатни бошлади.

— Мен чет эл қурилиш компаниясиинг вакили билан биринчи бор учрашяпман. Эшитишимга қараганда, сиз бизнинг мамлакатимизда ишлашни жуда хоҳлар экансиз. Агар ҳаракат қилсангиз, албатта яхши натижаларга эришасиз, деб ўйлайман.

— Албатта, мен бор куч-файратимни сафарбар этаман. Лекин ишимизнинг муваффақиятли кечиши учун сиздан бир нарса ҳақида илтимос қилмоқчиман.

— Нима экан?

— Ҳозир мамлакатимиздан жуда күп ишчилар келмоқда, келгусида, қурилиш лойиҳасини муваффақиятли яқунлаш учун, янада күп келади. Аммо мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилмаганлиги туфайли нафақат мамлакатта кириш-чиқишида, балки бевосита ишнинг ўзида ҳам қийинчиликлар юзага келмоқда.

Ҳукумат бошлиғи ўринбосарининг юзи тундлашди. Яқингинада, инқилоб куни билан табриқлаш учун Ироққа Шимолий Корея ҳукумати бошлиғининг ўринбосари Пак Сонг Чоль бошчилигида 30 кишилик делегация келган эди. Ўшанда Пак Сонг Чоль Ироқ ҳукуматига Жанубий кореялик компаниялар билан ҳамкорлик қилаётганинига норозилик билдириганди ва тезда бу фирмаларни чиқариб юборишни талаб қилганди. Шимолий Кореяning бундай талабига айнан Ваҳоб қарши чиққанди.

— Агар мамлакатингиз компаниялари «Хендэ» қурилиш компанияси ўрнига бу ишларни қила оладиган бўлса, марҳамат, келишсинг ва ишни боштайверишигин. Аммо сизлар буни қила олмайсизлар-ку. Биз Жанубий кореяликлар билан шунчаки ҳамкорлик қиласиз, бу давлатларимиз ўртасидаги муносабатларда бирор ўзгариш рўй берганлигини билдирамайди.

Бу Шимолий Кореяни тинчлантиришнинг ятона усули эди ва бундай мураккаб вазиятда ҳукумат бошлиғи ўринбосарининг муносабати табиий эди. Лекин мен давом эттиридим.

— Мен сиздан мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилишини сўрамаяпман. Биз Ироққа ишлагани келганимиз ва мамлакатингиздаги фаолиятимиз муваффақиятли бўлиши учун сизнинг давлатнингизга мақбул келадиган минимал шарт-шароитлар етарли бўлади, деб ўйлаймиз. Мен фақат консуликлар ишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилса яхши бўлиши ҳақида гапиряпман.

— Бу масалани яна ўйлаб кўриш керак.

Ҳукумат бошлиғининг ўринбосари томонидан бу жавоб на розилик ва на рад этиш эди. Компаниянинг стратегик вазифаси, дипломатияда бўлгани каби, мавжуд озгина имкониятдан ҳам фойдаланиб қолиш эди. Мен бу масала юза-

сидан Ваҳоб билан маслаҳатлашдим. Бир оз ўйлаб кўриб, у ўз фикрини айтди.

— Бу илтимос бўйича қарор қабул қилиш ҳукуматимиз учун жуда қийин. «Хендэ» қурилиш компанияси ўз миннатдорчилигини қандай билдира олади?

— Биз автомобиллар ишлаб чиқарамиз. Компаниямизда ишлаб чиқарилган 50 дона автомобиль олиб келамиз.

Автомобилларни таклиф қилганинг боиси шунда эдики, агар Корея автомобиллари Бағдод йўлларида юрса, бу бизнинг иқтисодий ҳамкорлигимизнинг ёрқин тимсоли бўларди.

— Бизда ўзимизнинг енгил машиналаримиз ҳам етарли. Компаниянгизда пикаплар чиқариладими?

— Албатта.

— Ундан бўлса, шунча миқдорда пикаплар жўнатинг. Мен бўлсам, бош консулликлар ташкил қилиш масаласини олга суришга ҳаракат қиласман.

— Раҳмат, биродар. Мен ҳам Ироқда қурилиш ривожланишига бор кучимни бераман.

Шуни ваъда қилиб, Кореяга қайтдим ва мамлакат президенти аппаратига ҳисобот бердим.

— Мен бош консуллик ҳақида илтимос билан мурожаат қилдим, чунки бу ишнимиз учун энг кераклиси дир. Улар ижобий жавоб беришди. Балки бу келгусида дипломатик алоқалар ўрнатилиши йўлидаги муҳим босқич бўлар.

Мен келгусида дипломатик алоқалар ўрнатилишига атайнин ургу бердим, чунки ҳукумат АҚШ билан сиёсий муносабатларни бузмаслик учун пикаплар юборишга рухсат бермаслиги ҳам мумкин эди.

Хавотирларга тўла бир ҳафта ўтгач, президент маҳкамасидан автомобилларни юборишга рухсат тегди. Ўша кундан «Хендэ Моторз»нинг алоҳида линиясида «Пони» пикап автомобилининг тақомиллаштирилган маҳсус моделларини чиқариш бўйича куну тун тинмай ишлай бошлишди. Кейин бу машиналар Кувайтга йўналган кемага ортилди. Автомобилларни топшириш маросими шу даражада тантанали бўлдики, дипломатик алоқаларнинг расмий ўрнатилиши ҳал этилган фактга айланди.

Автомобиллар топширилди ва мен Сеулга қайтдим. Бир куни олдимга марказий ҳукумат вакилларидан бири келди-да:

— Яқинда Ироқ билан дипломатик алоқалар ўрнатилиди. ҳукуматимиз Кувайтдаги элчихона орқали мунтазам музокаралар олиб борди ва бу борада яхши истиқболлар кўзга ташланмоқда. Бу асосан ҳукуматнинг расмий каналлари орқали амалга оширилди, шунинг учун бу масалага хусусий компаниялар бошқа аралашмасликлари мақсадга мувофиқ бўлади, — деди.

Ўша пайтларда Шимолий Корея билан расмий алоқалари мавжуд бўлган мамлакат ила дипломатик алоқа ўрнатиш катта «муваффақият» саналарди. Шу сабабли ҳукумат бу муваффақиятни фақат ўзининг меҳнати маҳсули сифатида кўрсатмоқчи эди. Бинобарин, амалдорлар бу масала хусусий компаниялар саъй-ҳаракати туфайли олға силжиганини яширишга ҳаракат қилишди.

Мен уларнинг «ниятларларини» тушунардим.

— Яхши, мен сизни тушундим. Биз мамлакатларимиз ўртасида алоқалар иложи борича тезроқ ўрнатилишини истаймиз ва шу сабабли Ироққа автомобиллар тақдим этдик. Бу фақат бизнинг саъй-ҳаракатларимиз натижаси эмас. Агар дипломатик алоқалар ўрнатилса, бу тўлалигича ҳукуматнинг хизматидир.

Бир неча кундан кейин Ташқи ишлар вазирлигидан юқори мартабали амалдор менга қўнғироқ қилди ва худди ўша сўзларни тақрорлади. Бу иш билан вазирлик шуғулланмоқда, «Хендэ» бошқа аралашмасин, деб айтди.

Аслида, ўйлаб қаралса, мен айтарли ҳеч нарса қилганим йўқ. Мен «Хендэ» ўз фаолиятини меъёрида амалга ошириши учун ҳаракат қилдим. Лекин, барибир, давлат идоралари тўсатдан бу айнан уларнинг хизматлари маҳсули эканлигини таъкидлаб қолганликлари мени ҳайратга солди.

Умуман олганда, бу кимнинг саъй-ҳаракати туфайли амалга ошгани муҳим эмас, асосийси — консуллик муносабатлари ўрнатилди. Шундан сўнг Кореяга менинг дўстларим ва биродарларим — ҳоким Ваҳоб ва саноат вазири таклиф қилиндиар. Улар гордаги Соккурам ибодатхонасида бўлиш-

ди, буюк Буддага хурмат бажо келтиришди, умуман, қадимги корейс маданиятига қойил қолишиди.

Сүнг корейс амалдорлари Ироққа оқиб боришиди. Корея қурилиш саноати эса Яқин Шарқдаги иккинчи маҳсус бозорда ўз орзусини амалга ошириди.

Аммо орзуларнинг рўёбга чиқиши узоқ давом этмади. Янаги, 1979 йилнинг бошларида Эронда Оятулло Ҳумайний раҳбарлигига ислом инқилоби бошланди, 1980 йил сентябридан эса Эрон ва Ироқ ўртасида узоқ чўзилган уруш аланга олди. Шу туфайли Корея компаниялари шунча куч сарфланлари — Ироқ қурилиш бозорини шошилинч равишда тарк этишга мажбур бўлишиди.

## **Бағдодни тарк этиш**

Эрон — Ироқ уруши нафақат «Хендэ» қурилиш компанияси ишига, балки шахсан ўзимга ҳам таъсир кўрсатди.

Шундай гап бор: жангда ғолиб чиқасану, урушда мағлуб бўласан. Ироққа келганимда мен муваффақият қозондим, лекин Эрон билан Ироқ ўртасидаги уруш туфайли менинг «урушим» мағлубият билан якунланди.

Аслини олганда, компанияда ушбу уруш туфайли ҳали ҳам қийинчиликлар мавжуд. Лекин қачондир Яқин Шарқдаги иккинчи бозор — Ироқда қурилиш авж олади ва бу Корея иқтисодиётига ҳам наф келтиради. Ишонаманки, улар дўст мамлакатни, жумладан, «Хендэ» компаниясини унутмайдилар.

Кореяда навбатдаги миш-мишлар тарқалди: Ироқ лойиҳаси алал-оқибат президент Чонг Джу Енг ва директор Ли Мён Бак ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келганмиш, шу сабабли мен бошқа компанияга ўтиб кетармишман, мени ҳукуматга вазир лавозимига таклиф қилишганмиш, — ишқилиб, одамлар хаёлларига келган гапларни гапириб юришарди.

Бу миш-мишларнинг сабаби нимада эканлиги муҳим эмас, лекин компания зарар кўрдими, жавоб бериш кераклигини шафқатсиз воқелик тақозо қиласарди. Уруш бошланганлиги

сабабли курилиш ҳақини ололмадик, шунинг учун нефть сифатида олишга келишдик. Эҳтимол, президент Чонг режаларимизнинг амалга оширилиши имконсизлиги учун жавобгарлик, ушбу бозорга чиқишини олға сурган киши сифатида, менинг зиммамда, деб ҳисоблар.

Лекин Чонг менинг ҳеч қандай таклифларим юзасидан баҳлашмади ва ҳеч қандай душманлик намоён этмади. Шунчаки ўртамизда совуқлик сезилиб қолди ва биз аввалик суҳбатлашмасдик. Муносабатларимиздаги бундай ўзгариш жилдий масала эди.

Муносабатларимиздаги совуқлик сақланиб қолди. Бир куни кечки овқатда бир стол атрофида ўтиришимизга тўғри келди. Мен танийдиган давлат хизматчиси президент Чонг билан таништириб қўйишни сўради ва мен воситачи ролини бажардим.

Бу амалдор Чонг билан алоқаларимиз ёмонлашганлигини билармиди ёки йўқми, лекин тўсатдан деди:

— Жаноб президент, мен директор Ли Мён Бакни жуда ҳурмат қиласман. Унга яхши муносабатда бўлишингизни илтимос қилмоқчи эдим.

Балки буни мазкур учрашувни уюштириб берганим учун миннатдорчилик юзасидан айтгандир, балки менинг раҳбарим, Корея ишбilarмон доиралари етакчисига ҳурмат белгиси сифатида гапиргандир. Лекин президентнинг жавоби кутилмаган тарзда бўлди.

— Агар уни ерга ётқизиб, томогидан бўғсангиз ҳам, ўзингиз баҳтли бўлмайсиз. Унга алоҳида яхши ёки ёмон муносабатда бўлишнинг ҳеч қандай сабаби йўқ.

Ўшанда мен президентнинг сўзларига кулиб қўя қолдим. Лекин бу сўзлар менинг ёдимда сақланиб қолди. Агар уларни чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, мен ерга ағдарилган эканману, кимдир томоғимни бўғиб, кутиб турган, лекин бу билан баҳтли эмас экан. Бошқача талқин қилганда эса, бу сўзларни шундай тушуниш мумкин эди: «бу инсон жуда қаттиқўл ва ақлли, бироннинг яхши муносабатисиз, ўзи ҳаммасини яхши уddyalайди».

Лекин, бу сўзлар, қачондир президент Чонг менинг йўлимни тўсиши мумкин, деган фикрга олиб келди.

Чонг билан ўртамиздаги кескин муносабатларимиз ба-рибир узоқса чўзилмади ва Ироқда жой-жойига тушди. 1982 йилнинг декабри эди. Биз Чонг билан Ироқча жўнадик, у ерда уруш давом этабтганди. Биз Кувайтдаги аэропортда эски самолётта чиқдик. Бизни тинтуб қилибгина қолишмади, балки юкларимизни ўзимиз юкхонага ортишимизга тўғри келди. Аэропорт маъмурияти, агар юкнинг эгаси бўлмаса, демак, у ерда бомба бўлиши мумкин, деб ҳисобларди. Бунинг устига, самолёт шунчалик эски эдикি, кўтарилаётганида бир баландлар, бир яна пастлаб учарди. Бундай самолётларда учган корпорация президентлари кўп эмаслигига ишончим комил.

Бағдодга учеб келдик ва эски дўстларимиз билан учрашдик. Улар «Хендэ»га энг яхши шарт-шароитлар яратиб беришни ваъда қилдилар. Шунингдек, биз шундоққина уруш чизигида жойлашган қурилиш обьектини кўздан кечирдик. Ҳатто, шундай хавфли жойда ҳам Чонг ҳеч нарсадан кўрқмасди. У хавф-хатарга тик қаради. Биз қурилиш обьектини кўздан кечириб юрганимизда ёнгинамизда ҳақиқий уруш борарди, шу пайтларда Чонгда генералларга хос жасорат сезиларди.

Агар президент Чонгга нимадир ёқмаса, ходимга, «ишдан бўша什 ҳақида ариза ёз», дерди.

Кечкурун, Ироқни тарқ этишдан олдин, «Хендэ» қурилиш обьекти бўйича барча масъуллар Бағдодда йиғилишиди. Уруш бўлишига қарамай, қандайдир ичимлик сотиб олдик. «Хендэ»нинг қирқдан ортиқ ходими тун бўйи ичишли, қўшиқ айтишиди ва рақс тушишиди.

Мен: келинг, уларнинг барчаларига ишдан бўша什 ҳақида-ги аризаларини қайтариб берамиз, дедим. Чонг рози бўлди.

Чонгнинг кайфияти жуда яхши эди. Кетгунимизча, соат 3 га қадар, Чонг ходимлар билан ичишиб ўтирди. Кейинчалик у Бағдодда ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ хурсанд бўлганини бир неча бор айтганди. Эркаклар даврасида ичиб ўтиришнинг ўзгача бир завқи бор эди.

Тонгти соат 4 да Кувайтга машинада жўнадик. Бағдоддан Басрагача 10 соат юриш керак эди ва бу уруш бораётган, энг хавфли ҳудуд эди. Ҳаётимизни хатарга кўйиб, отишмалар бўлаётган сахро бўйлаб бораардик.

Ҳарбий ҳолатдаги Ироқда жойлашган қурилиш объектларини күздан кечириб чиққач, Чонг билан муносабатимиз одатий ўзанга тушиб олди. Бундай асабий мұхит узоқ давом этиши мүмкін эмасди ҳам, чунки иккимизнің биргаликдаги ишларимиз жуда күп еди.

### **Үн түрт соатлик уруш**

Компания ходими учун музокаралар — бу доимо шиддатли кураш бўлиб, унда турли усууллар қўлланилади. Турли мамлакатлар компаниялари вакиллари билан, Кореядаги сиёсатчилар билан, бошқа одамлар билан кўп баҳслашишга тўғри келган, лекин энергия ишлаб чиқариш қурилмалари ни қуриш бўйича Американинг энг йирик компанияси — «Вестинг Хаус» директорининг ўринбосари билан музокаралар урушини ҳануз эсдан чиқара олмайман.

«Вестинг Хаус» ва «Хендэ» қурилиш компаниясининг дастлабки учрашуви пурратчи ва субпурратчи сифатида бўлиб ўтди. 70-йилларнинг бошларида бизнинг қолоқ мамлакатимиз учун атом энергетикасининг устуворлиги зарур иш еди. Аммо атом электр станцияларини қуриш технологиялари бўйича Корея ривожланган давлатларга бутунлай қарам эди. Ўшанда Корея бозорига келган йирик компаниялардан бири «Вестинг Хаус» эди.

Кичик қўламга эга ва технологик даражаси паст бўлган корейс компаниялари учун «Вестинг Хаус» субпурратчиси бўлиш жуда муҳим масала бўлиб, уларнинг келажаги щунга боғлиқ эди. Чунки, обрўдан ташқари, бу улар учун илгор технологияларни ўрганишда яхши имконият берарди.

«Хендэ» қурилиш компанияси «Вестинг Хаус» нинг субпурратчиси бўлиш ва «Донга» компанияси билан биргаликда Кореядаги биринчи АЭС — Гори 1 ва 2 да қатнашишга мувваффақ бўлди. Лойиха бошида Корея компаниялари фақат ишчи кучи сифатида қатнашди. Бироқ ушбу лойиха давомида «Хендэ» кўп нарсаларни ўрганди.

Техник масалаларни муҳокама қилиш учун мен компаниянинг Питсбургдаги бош офисида кўп бўлардим. Дастрраб, мен «Хендэ» директори сифатида компанияга келганимда, улардан бўлим бошлиғи вакил бўлиб чиқарди.

70-йиллар охирида «Вестинг Хаус» ҳукмронлик қилаётган Корея атом энергетикаси бозори халқаро рақобат майдонига айланди. Чет эл компаниялари, тендерда қатнашар эканлар, субпурдатчи корейс компанияларини жалб этишга ҳаракат қилишарди. Чунки тендер натижалари күпинча иш қайси корейс компанияси билан биргаликта амалта оширилишига боғлиқ бўларди. Мажаллий компанияларнинг савияси шу даражада ўстганди.

«Хендэ» қурилиш компанияси шу пайтга қадар «Вестинг Хаус» билан ишлаб келгани боис, келгусида ҳам буюртмалар бўйича у билан ҳамкорлик қилишга қарор берди.

Мен ушбу масалани ҳал этиш учун Питсбургга бордим. Энди учрашувда директор ўринбосари қатнашарди. Чунки америкаликлар, Кореядаги АЭС қурилишига буюртма олиш учун, «Хендэ»га катта эътибор билан қарай бошлагандилар.

«Вестинг Хаус» директорининг айнан шу ўринбосари билан Сеулда узок ва мураккаб музокарамиз бўлиб ўтганди.

Бу музокаралар эрталаб 10 да, «Хендэ»нинг бош оғисидаги менинг хонамда бошланди. Музокараларнинг мазмуни қўйидагилардан иборат эди: икки компания атом электр станциясининг қурилишида аввалгидек қатнашадилар, лекин бунда Корея томонининг ҳиссаси кўпайиши керак. Бу жуда жiddий музокаралар эди, чунки улар технологияларни топшириш, қурилиш ҳажмлари ва, энг муҳими, фойдани тақсимлаш билан боғлиқ эди.

Унда иштирок этарканман, Франциянинг «Фраматом» компаниясини бот-бот эслардим. Бошида компания «Вестинг Хаус»нинг субпурдатчиси бўлганди, лекин, технологияларни ўрганиб, Франциядаги АЭС қурилишларини мустақил амалга ошира бошлади.

Биз тушлик қилмасдан, олти соат давомида музокаралар олиб бордик, аммо келишувга эриша олмадик. «Вестинг Хаус» директорининг ўринбосари барча ваколатларга эга эди, лекин муҳим масалалар юзасидан у бош оғис билан маслаҳатлашиб олар ва шундан кейингина қарор қабул қиласарди. Кенгашиб олиш вақтида у ходимини чақирар, кейин улар, бош оғис билан боғланиш учун, Япониядаги филиалга мурожаат қилишарди.

Биз «Вестинг Хаус» ходимлари Сеулдан бош оғисігә ҳеч қаңон құнғироқ қилишмаслигини, фақат Япония орқали уланишларини билардик. Улар Сеулдан құлинган барча құнғироқтарни махсус хизматдагилар яширин әшитиб туришади, деб ишонишарди. Шундай ҳам бўлардик, директор ўринбосари музокаралар бошланишидан 2—3 кун олдин раҳбарият билан телефонлашиб олиш учун атайин Японияга борарди.

Музокаралар жараёни саккиз соатдан бери тинимсиз давом этарди, Америка компанияси вакили фақат қора қаҳва ичарди. Афтидан, қаҳва унга куч бағишиларди. Менинг эса, оч қоринга қаҳва ичганимдан, жиғилдоним қайнар, натижада танамда заифлик сезардим.

Кеч соат бдан кейин котибдан илтимос құлдим.

— Қаҳва тугабди, деб айтинг, арпачой олиб келишсін.

Мен арпачой ичдим ва ўзимни тетикроқ ҳис құлдим. Директор ўринбосари эса, янада чарчаётгандек күринарди.

Биз кечки овқат емадик, музокараларни давом эттирдик, фақат арпачой ичардик. Соат ўнга яқинашиб қолғанди. Менга америкалик Кореяда кечаси юриш тақиқланғаннан умид қилиб турғандек күринди. У юртимизда кўп бўлган, шу сабабли корейслар бу қоидага доим амал қилишларини биларди. Балки у мени яна бир оз чида бу тураларни лекин, ҳар қалай, ҳаракат тўхтатилишига қадар тутатади деб, мўлжал қилған бўлса керак.

Вазият бундай эди: агар музокаралар мұваффақиятли якунданмаса, эртасига бошқа шериклар излашга тўғри келарди. Шу сабабли бу ҳал этувчи лаҳза эди ва компаниямиз учун бу музокараларнинг кечиши борған сари кўпроқ хавотир уйғотарди.

Унинг услуби вақтни чўзишга асосланғанligини тушундим. Мен хонадан чиқдим ва тунги сменадагиларга кўрсатма бердим.

— Музокаралар хонасига тўшаклар олиб келинг.

Бир неча дақиқадан кейин тўшаклар олиб кира бошлашиди. Америка компанияси директори ўринбосарининг кўзи косасидан чиқиб кетай деди.

— Булар нима учун?

— Башарти келиша олмасак, тун бўйи ухламасликка тўғри келади. Агар кўчада ҳаракатланиш тақиқланган вақт

бошланса, мен уйимга кета олмайман ва шу ерда ётиб қолишимга түгри келади. Энди эса, келинг, ҳаммасини хотиржам мұхқама қилиб оламиз.

Афтидан, у ўзини жуда ҳам нокулай ҳис қилди. У ўз услубидан ҳеч нарса чиқмаслигини тушунди шекилли, ишга жиддий киришди. Фаол ҳаракат қила бошлади. Чунки, кечаси күчаларда ҳаракатланиш тақиқланишига қадар қолиб кетса, ўзига зарар бўлишини тушуниб етди.

Натижада музокаралар биз кўзлагандек якунланди. Имзо-лаётган пайтимида соат 23 : 50 эди. Бу кураш ўн тўрт соат давом этди.

— Мен бош оғисдан келаётганимда шартнома мазмуни бундай эмасди..., — деди «Вестинг Хаус» директорининг ўринbosари норози оҳангда.

Ўшанда мен Апкуджон туманида яшардим. Машинада уйга томон учдим, аммо Хан дарёси устидаги кўприкка етганимда йўллар тўсилган эди. Полиция ва ҳарбийлар машинани ўтгани қўйишмади. Мен автомобилдан тушдим ва дедим:

— Мен «Хендэ» курилиш компанияси директори Ли Мён Бак бўламан. Эрталабдан то ҳозиргача чет эллик шериклар билан давлат миқёсицаги муҳим музокаралар ўтказганим учун шундай кеч қолиб кетдим. Уйимга етиб олиб, дам олишимга имкон беринглар. Мен жуда ҷарчадим, тунни полиция участкасида ўтказа олмайман.

— Ўйингизга етиб олишингизга қанча вақт керак?

— Апкуджон туманингача беш дақиқа ҳам кетмайди.

— Бораверинг, лекин йўлда тўхтатишса, ўзингиз жавоб берасиз. Яна биз ўтказиб юборганимизни айта кўрманг.

Мен дарё устидан ўтиб, уйга хотиржам етиб олдим.

## **Бош вазир Махатхир — Малайзиянинг бойлиги**

1994 йилнинг февралида Малайзия бош вазири Муҳаммад Махатхир Кореяга ташриф буюорди. Ташрифнинг уч куни ҳам тинч, расмий тартиботга мувофиқ ўтди.

У Кимхе аэропортига эсон-омон учыб келди, «Хендэ Хэви Индастриз» ва Ульсандаги «Хендэ Моторз»ни, корпорациянинг бошқа бўлимларини кўздан кечирди, компания вакиллари билан учрашиди, лойиҳаларни мұхокама қилди ва тинчлик-осойишталик билан юритига қайтиб кетди. Давлат раҳбарларининг Кореяга ортиқча шов-шувсиз, тинчтина келиб-кетиши қўп ҳам рўй бермасди.

Бироқ бу Малайзия бош вазирининг ўз мамлакати иқтисодиёти ривожланишига хизмат қилувчи ҳақиқий дипломатияси эди. Бош вазир расмиятчилик ва шовқин-суронли тадбирлардан йироқ эди.

Мен ишонч билан айта оламанки, бу инсон ўзини келаҗак сиёсатчиси сифатида кўрсатди. Бош вазир Махатхирда бурч туйфуси, ўз мамлакатига мустаҳкам ишонч, ҳеч нарсага қарамай, ўз мақсадига эриша билиш қобилияти, шунингдек, ўткир зеҳн бор эди.

Бош вазир билан биринчи марта 70-йилларнинг охирларида учрашгандим. Бизнинг дўстлашганимизга 15 йилдан зиёд бўлганди. Халқаро ҳамжамиятдаги инсоний муносабатлар бу, биринчи навбатда, давлат манфаатлари йўлидаги амалий алоқалардир. Аммо ҳатто шундай шароитларда ҳам оддий инсонларча тушуниш орқали самимий дўстлик пайдо бўлиши мумкин. Мен ва бош вазир Махатхир ўртасидаги муносабатлар айнан шундай эди. Айтиб ўтганимдек, Бағдод ҳокими Ваҳоб билан дўстлигимиз узоқ давом этди, лекин кейинчалик унга уруш тўскىнлик қилди. Ҳар гал Ваҳоб ва ироқлик бошқа дўстларим ҳақида ўйлаганимда чидаб бўлмас ҳасратга ботаман.

Ўша пайтда «Хендэ» компанияси Малайзияда Кенъир тўғонини қураётганди.

Хорижий сафарлар давомида ушбу мамлакатларнинг юқори мартабали амалдорлари ва сиёсатчилари билан учрашиш курилиш компанияларининг вакиллари учун жуда мұхим иш саналарди. Малайзия бош вазири ўринбосари Махатхир ана шундай амалдорлардан бири эди. Бош вазир ўринбосари — бу давлатдаги иккинчи одам бўлади, лекин амалда Махатхир номигагина бу лавозимни эгаллаб турарди. У ҳеч қачон ўз қарашларидан воз кечмаган ва шу сабабли ҳукмрон партия томонидан лавозимидан туширилган ҳамда мамлакатдан

қочишга мажбур бўлганди. Аммо бош вазир Ҳусайн, жамоатчилик фикри туфайли, халқни тинчлантириш учунгина уни қайтиб келишга чорлади ва номигагина бош вазир ўринbosari этиб тайинлади. Шу сабабли Махатхирда реал ҳокимият йўқ, бинобарин, айтарли иши ҳам йўқ эди.

У доимо хонасида бир ўзи бўларди. Ҳукумат биносида бўлганимда албатта Махатхирнинг хузурига кириб ўтардим. Бу воқеа 1981 йилда, дунёда узунлиги бўйича учинчи ўринда турадиган Пинанг кўпригини қуриш бўйича тендерда қатнашाटтанимизда бўлиб ўтганди. Шиддатли рақобатчилик кураши иштирокчилари Франция, Япония ва Корея эди. Япониянинг «Марубени» компанияси мамлакатнинг коррупцияга берилган раҳбарияти билан қандай бўлмасин келишиб олишга ҳаракат қиласарди. Мен эса у пайтларда ҳеч ким билан учраша олмасдим.

— Мен сизга умуман ёрдам бера олмайман. Нега менинг олдимга бунчалик кўп келасиз? — деди Махатхир бир неча бор хузурига ташриф буюрганимдан кейин.



Пинанг кўпригини қуриш бўйича шартнома имзоланганидан сўнг

— Баш оғисга қайтганимда ким билан учрашганигим юзасидан хисобот беришим керак бўлади. Япония компанияси томонидан уюштирилаётган тўсқинликлар туфайли бош вазир билан учраша олмаяпман. Лекин унинг ўринбосари билан учрашдим, десам, бошлиқларим мени мамлакат раҳбарияти билан учрашибди, деб ўйлайдилар.

Шу тарзда ҳазиллашишга ҳаракат қилдим.

— Ундан бўлса, истаган пайтингизда келаверинг. Шу орада менга Корея ҳақида сўзлаб берасиз.

Махатхир табассум қилди. Шундан буён биз тез-тез учрашиб турадиган бўлдик. Гаплашишга мавзулар кўп эди. У Корея Республикаси билан жуда қизиқарди.

Япония мустамлакачилиги даври, озодлик, мамлакатнинг бўлниши, фуқаролик уруши, ҳарбий ислоҳот ва иқтисодиётнинг барпо этилиши, янги қишлоқ учун ҳаракат, оғир ва кимё саноати муваффақиятлари, мамлакатнинг демократиялашуви ва тез-тез рўй берадиган ҳарбий тўнтаришларнинг салбий таъсири. Махатхир мутахассис сифатида буларнинг барини Корея Республикасининг замонавий тарихи фонида синчковлик билан таҳлил қиласарди ва янги қишлоқ учун ҳаракатга алоҳида қизиқиш билдиради.

— Кореянинг саноатлашуви «янги қишлоқ учун» ҳаракати каби юксак ахлоқий ҳаракатлар туфайли муваффақиятли амалга ошган, деб ўйлайман. Ҳозир Малайзия учун айнан шундай меҳнатсеварлик ва ўз кучига таяниш зарур.

Махатхир узоқ йиллар давомида Буюк Британиянинг мустамлакачилик қонунларига мослашиб қолган ҳалқ онгини ўзгартиришни истарди. Агар ҳалқдаги дангасалик ва бошқаларга ишониб қолиш одати бартараф этилмаса, Малайзияни тараққий топтириб бўлмайди, деб ҳисобларди. Айнан шунинг учун ҳам, у Кореяга бунчалик эътибор билан ёндашарди.

Биз турли масалаларни биргалиқда муҳокама этардик. Мен унга бемалол маслаҳатлар бера олардим. Биз, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш орқали қашшоқликни йўқотиш мумкин, деган фикрда яқдил эдик.

Кўпинча бирга тушлик қиласарди, мамлакат бош вазири ўринбосари ресторонга борганида уни ҳеч ким танимасди.

Ўшанда бизнинг дўстлигимиз Пинанг кўпригини қуриш бўйича халқаро даражадаги лойиҳада ҳал этувчи омил бўлишини на мен ва на Махатхир ўйламагандик.

Малайзияда узунлиги бўйича дунёда учинчи ўринда турвчи (14,5 км) кўпrik қурилиши режалаштирилаётгани ҳақида 60-йилларнинг иккинchi ярмида, Таиланддаги тезюпар магистрал қурилиши обьектида ишлаётганимда эшитгандим. Ўшанда бизнинг компаниямиз қачондир ушбу кўпrikни қуради, деб хаёлимга ҳам келиргамагандим. Аммо кейинчалик бу орзу рўёбга чиқди.

Бу қиймати 300 млн. долларга teng бўлган кенг кўламли қурилиш лойиҳаси эди. Малайзия унга катта умидлар боғланди, бу ҳақиқатда орзудаги кўпrik эди, уни режалаштиришдан қуриб битказишгача йигирма йил кетарди.

Малайзия ҳукумати ушбу кўпrikни қуриш орқали иккита мақсадга эришишни истарди.

Биринчиси, Пинангда сайёхлик ва саноатни фаол ривожлантиришни бошлаш учун бу оролни мамлакатнинг асосий қисми билан боғлаш. Бу иқтисодий мақсад эди. Орол шунчалик қимматли эдик, Сингапур мустақилликка эришганда Хитой аҳолиси Сингапурнинг ҳозирги ҳудудини эмас, балки айнан Пинанг оролини ўзи учун талаоб қилди.

Иккинчи мақсад сиёсий эди. Пинанг оролида иқтисодиёт хитой аҳолиси назорати остида эди. Моҳиятан, бу иккинчи Сингапур эди, фарқи — орол мустақил эмаслигига эди. Шу сабабли Малайзиянинг бош мақсади Пинанг иқтисодиётини қуриладиган кўпrik орқали ютиб юбориш эди.


Пинанггача бўлган кўпrik қурилиши бўйича тендернинг бошланиши 1981 йилнинг бошига тўғри келди. «Хендэ» қурилиш компанияси, шубҳасиз, бор кучини ушбу лойиҳага ташлади. Эрон ва Ироқдаги йирик қурилишлардан кейин катта йўқотишлар бўлганди, шу сабабли мен ушбу йирик лойиҳанинг бош раҳбари бўлдим.

Тендерда ўн еттига мамлакатдан қирқ битта компания қатнашди. Жаҳондаги энг яхши қурилиш компаниялари лойиҳага катта қизиқиши билан қарашди. Биз нарх жиҳатидан биздан орқада қолаётган Европа компанияларидан йирокроқ туардик ва Япониянинг «Марубени» компаниясига эҳтиёт-

корлик билан муносабатда бўлган ҳолда пухта тайёргарлик олиб бораардик. Аммо кутганимиздан фарқли равишда биринчи ўринни Франциянинг «Камленон Бернар» компанияси, иккинчи ўринни — «Хендэ», учинчи ўринни — Япониянинг «Марубени» компанияси ва тўртинчи ўринни Фарбий Германиядан бир компания эгаллади.

Танлов натижаларига кўра, охирги босқичда тўртта компания иштирок этарди, Фарбий Германия компанияси иштирок этишдан ўз ихтиёри билан воз кечди. Шу сабабли кураш учта компания ўртасида давом этди. Улкан молиявий имкониятларга ва таниш-билиш алоқаларига эга «Марубени» биз учун ўзиди кетиши қийин бўлган энг асосий рақиб эди.

Лекин, аввало, биринчи ўринда турган «Бернар» компаниясидан ўзиди кетиши керак эди. Кейин «Марубени» билан курашиларди. Бизда лойиҳани тугатиш муддати «Бернар»никига нисбатан қисқароқ эди. Шунинг учун Малайзиядаги масъулларга мурожаат қилиб, «Бернар» компанияси лойиҳасининг нархи паст бўлса-да, биз лойиҳамизни тезроқ тугатишимиз мумкин ва, натижада, кўприкдан ўтганлик учун тўланалигани ҳақ тезроқ ларомад келтиради, ледик.



Пинанг кўприги марказий қисмииниг макети

Аммо асосий муаммо Япониялик рақобатчи билан боғлиқ эди. Улар олдинга ўтиб кетиш учун бор куч-ғайратлари ни сарфлардилар. Бу саъй-ҳаракатлар Япония ҳукумати ва Япония элчихонаси даражасида амалга ошириларди. Япония кудратли молиявий ресурсларга таяниб, Малайзияга кичик фоиз ставкалари билан узоқ муддатли қарз таклиф қилди, шунингдек, «Хендэ» қурилиш лойиҳаларидан етишмовчиликлар топиб, бу маълумотларни тезда ёйиб юборди. «Чунгант Ильбо»даги сифатсиз қурилиш ҳақида 1980 йилда чиққан мақола бунга мисоллардан бири эди.

Малайзияда ўзимнинг ички кечинмаларимни баҳам кўра оладиган ягона одамим бош вазир ўринбосари Махатхир эди. «Марубени» компанияси «Хендэ» бош вазир хонасига, ҳатто, яқинлаша олмаслиги учун барча чораларни кўриб қўйганди.

— Узр, сизга ёрдам бера олмайман.

Махатхир бошқа ҳеч нарса дея олмасди.

Ноилож қолдим. Мен Сеулга қайтдим ва ярим йилдан сўнг яна Малайзияга отландим. Мен ҳеч нарсага умид боғламасдим. 1981 йилнинг баҳорида Малайзияда халқ ғалаёнлари юз берди ва, эшитишимга қараганда, Ҳусайн ҳукумати бекарор ҳолатда эди. Лекин бош вазир алмашинишини хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Мен аэропортдан чиқдим, тўппа-тўгри бориб газета сотиб олдим. Шу заҳоти бош вазир лавозимини Махатхир эгаллаши ҳақидаги мақолага кўзим тушди. Чунки бош вазир Ҳусайн тўсатдан вафот этганди.

Шу ондаёқ бош вазир ўринбосарининг котиби билан боғландим ва Махатхир билан учрашиш ҳақида илтимос қилдим. Мамлакатда бундай фавқулодда вазият ҳукм сураётгандан у мен, хорижий компания вакили билан учрашармикан, деган хавотирда эдим. Лекин Махатхир шу заҳоти мени қабул қилди.

— Мен тезда Сингапурга боришим керак, шунинг учун сизга ҳозир вақт ажратса олмайман, мистер Ли. Лекин аэропортга боришдан олдин кийим алмаштиргани уйга кириб ўтаман. Уйимга боринг ва мени кутиб туринг.

Мен Махатхирнинг уйига келдим, рафиқаси билан бироз суҳбатлашиб турдим, кейин унинг ўзи келди.

— Газетада сиз ҳақингизда мақола ўқидим, шу гаплар түғрими? Баш вазир бўласизми?

— Кутуб туриш керак. Мен Сингапурга бориб келаман, шундан кейин ҳаммаси равшанлашади.

Лекин унинг сўзлари дадил эди.

Мен ундан Пинанг кўприги қурилиши бўйича тендернинг якуний босқичи ҳақида сўрамоқчи эдим. Бахтимизга, Ҳусайн бу масала бўйича якуний қарор қабул қилишга ултурмади. Энди кўпrik қурилиши ҳақидаги қарорни Махатхир қабул қилиши лозим эди. Лекин ўша куни ундан бу ҳакда сўрай олмадим.

Мақолада ёзилганидек, ўша куни у партия раҳбари ва шу билан бир вақтда бош вазир этиб сайланди.

Махатхир ўзи узоқ вақт давомида режалаштириб келган инқилобий қадриятларни эълон қилди. Унинг сиёсатининг шиорлари «Шарққа юзланамиз» ва «Покиза ҳукумат» эди. Афтидан, «Шарқ» — бу Корея эди. Давлатнинг асосий мақсадларидан бири, келгусида Кореядан ўзиб кетиш учун, Жанубий Корея тажрибасини ўрганиш эди. Кореялик бизнесмен сифатида мен бундан гуурланардим. Шу билан бирга бу сергак тортириарди ҳам — Махатхир каби етакчи ҳар нарсани удалай оларди.

Янги бош вазир келгач, Пинанг кўприги қурилиши бўйича компанияни танлаш мезонлари ҳам аввалгиларидан ўзгариши табиий эди. Ҳусусий компаниялар томонидан сиёсий мақсадларда молиялаштирилишни эса тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Махатхир Малайзиянинг коррупция авж олган жамиятидаги, ҳокимиятдаги, давлат хизматчилари ва бизнесдаги туб ўзгаришларни айнан ҳукуматдан бошлаш кераклигига қатъий ишонарди. Бу эса унинг «Покиза ҳукумат» дастурининг мазмунини ташкил қиласди.

Энди мен Махатхирнинг ислоҳотчи ҳукуматини «Хендэ» таклифининг афзалликларига ишонтиришим керак эди. Ўтган галдаги каби, қурилиш лойиҳасини «Бернар» компаниясига нисбатан тезроқ битказиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлишини айтдим. «Марубени» ҳусусида эса, бизнинг лойиҳамиз нархлар бўйича афзалликка эга эканлигини билдирам.

Япониянинг кредит тақдим этиш бўйича бизга таҳдид солиб турган сўнгги чораси Малайзиядаги ислоҳотлар туфайли рад этилди. Ҳусайн ҳукумати амалдорларининг таниш-билишчилик алоқаларида ва порахўрликда айбланиб ҳибсга олинниши жараёнида айнан «Марубени» компанияси шубҳа остига олинди ва, кейинроқ, тергов-сурештирув объекти бўлиб қолди. Шундан кейин у буюртмалар олиш ҳукуқидан маҳрум қилинди.

Бунинг натижасида «Хендэ» қурилиш компанияси тендер голиби бўлди. Махатхир ҳукумати, буюртмани «Хендэ»га бериш орқали «Покиза ҳукумат»нинг асл қиёфасини кўрсатибгина қолмай, Малайзия жамиятига «Шарқ»нинг меҳнат-севарлигини ҳам намойиш этди.

### **Нима, бош вазирнинг кети бошқаларникидан каттароқми?**

Ҳозир жаҳонда байналмиллашув ва глобаллашув урф бўлганидек, бир пайтлар бизнесдаги шарқона оқиллик машҳур бўлганди. Аммо байналмиллашув нега керак бўлганлигини ва у қандай бошланганлигини озчилик билади. Бунинг нима эканлигини мен Пинанг кўпригининг биринчи фиштини қўйиш маросимида тушундим.

Бу объект нафақат Малайзия, балки «Хендэ» қурилиш компанияси учун ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чунки кўприк қурилиши тугагач, «Хендэ» довруғи дунёга таралган қурилиш компанияси бўлиб қолди.

1982 йилнинг бошида, дунёдаги энг чиройли кўприкни қуришни бошлаган «Хендэ» илк гиштни қўйиш маросимини дабдаба билан ўтказиш учун «саҳна»ни пухталик билан тайёрлади. Президент иштирок этадиган ушбу масъулиятли тадбирни тайёрлаш учун Малайзияга кореялик бир гурӯҳ мутахассислар келишди.

Баланд саҳнанинг ўртасида бош вазир ва унинг рафиқаси учун иккита катта стул қўйиладиган бўлди, ёнидан юқори мартабали шахслар ва меҳмонларга жой ажратилди. Шундай қилинган эдик, агар бош вазир ёнидаги тутма босилса, мушак отилар ва манзара ҳосил қилувчи тутун чиқа бошлар-

ди. Қуёш нуридан асраш учун том қилинди, саҳнага гилам ёзилди.

Тадбирдан бир күн олдин, куннинг биринчи ярмида жойни кўздан кечириш учун котибият бошлиғи ва бош вазирни қўриқлаш хизмати ходими келди. Котибият бошлиғи, саҳнага қараб, жуда ҳайрон қолди. Мен ўзимча, у тадбирга тайёргарликни кўриб лол қолди, деб ўйладим. Лекин у олдимга келиб:

— Бош вазирнинг ўрни сояга қилинган, тадбирда қатнашётган 5 минг киши-чи? — деб сўради.

Нима қилиш керак? Мен корейсчасига ўйлагандим. Кореяда президент ўтирадиган жойгагина алоҳида эътибор қаратиларди. Оддий иштирокчиларнинг икки соат қуёш тифи остида туриши одатий ҳол эди-да. Одамлар орасида ҳушдан кетиб қолиш ҳоллари ҳам бўларди. Мен ўзимни ҳеч нарса тушунмаганга солдим. Лекин котибият бошлиғи давом эттирди.

— Ё 5 минг киши учун ҳам соябонни том қилинг ёки бош вазир ўтирадиган жойнинг устидан ҳам олиб ташланг. Биргина бош вазир сояди ўтириши мумкин эмас-ку!

Мен лол қолгандим. Қарангки, халқ ҳақида ўйлайдиган амалдорлар ҳам бўларкан. Биринчи гиштни қўйиш маросимига тайёргарлик кўришда мен Кореяга хос мансабдорга қуллуқ қилиш таомилларига амал қилгандим.

Биз бош вазир ўрни устидан соябонни олиб ташлашга қарор қилдик. Чунки 24 соат ичиди 5 минг киши учун том қуриш мумкин эмасди. Ҳатто, «Хендэ» ходимларининг малайзиялик ишчилар билан музокараларидан кейин ҳам, 24 соат ичиди 6600 кв. метрли соябон қуриш имконсиз, деган холосага келдик. Лекин мен ҳеч қачон осонлик билан енгилмасдим. Тушлик устиди бу масалани обдан ўйлаб кўрдим.

— 300 кв. метрли том ёпса бўладими?

Малайзиялик ишчилар «бемалол» деб жавоб беришиди.

— Унда йигирмата компания чақирамиз, ҳар қайсиси тахминан 300 квадрат метр майдонга соябон қуради.

Шу заҳоти малайзиялик мутахассисларни чақирдик. Каттароқ ҳудудда иш олиб боришга рози бўлган фирмалар ҳам топилди ва натижада том ёпиш ишларини ўн иккита компания ўзаро бўлишиб олди. Эртасига эрталаб соат 7да қуриш якунланди, тозалаш ишлари эса 8 га бориб тугади. Тахминан

соат 9ларда, маросим бошланишига бир соат қолганда, котибият бошлиғи ва қўриқлаш хизмати келди.

— Директор Ли, буни қандай бажардингиз?

Ҳайратдан котибият бошлигининг оғзи очилиб қолди, чунки бутун ҳудуд соябон остида эди. У бош вазир ўрни устидаги томни олиб ташлашади, деб ишонганди, лекин бир кечада 5 минг киши учун соябон куришларини хаёлига ҳам келтирмаганди. Кўздан кечирад эканлар, ҳаммаси жойида эди.

— Нега бу стуллар бундай катта?

— Бу бош вазир ва унинг рафиқаси учун.

Котибият бошлиғи бошини чайқади ва менга қаради.

— Нима, бош вазирнинг кети бошқаларникига қараганда каттароқми?

Мен бир хил стуллар қўйишни буюрдим ва яна бир бор лол қолдим. Малайзия бизнинг мамлакатимизга қараганда камбағалроқ эди, лекин сиёсий раҳбариятнинг тафаккури бизницидан бир поғона юқори эди. Шунда мен бир кун келиб Малайзия бизга етиб олишини ҳис этдим.

Бош вазир Махатхир сўзини бошлади. У малай тилида сўзлар ва йигилганлар орасида тез-тез қаттиқ кулгу янгарди. Мен ҳеч нимани тушунмасамда, кўпчиликка қўшилиб, ҳамма билан бирга кулиш керак, деб ўйладим. Чунки қандайдир қизиқарли нарса ҳақида гапиряпти, деб хаёл қилгандим.

Малайзиялик амалдорлардан бири кулаётганимни кўрди ва биқинимга аста туртиб қўйди.

— Директор Ли, кимнинг устидан кулаётганингизни биласизми ўзи?

Мен жим бўлиб қолдим. Шунда у бош вазир ўз нутқида нима ҳақида гапираётганингини айтиб берди.

— У айттаптики, «Хендэ» компанияси — бу Алибобо, яъни ўғри. Бу компаниянинг ўғридан фарқи йўқ. Шундай экан, юртимиздан бу ўғриларни ҳайдаб чиқариш учун сиз, малайзияликлар иложи борича тезроқ ҳамма нарсани ўрганиб олишингиз керак, деяпти.

Шу тариқа мен бу тантанали маросимда учинчи бор лол қолгандим.

Демак: «Сояда фақат президентгина ўтирумаслиги лозим. Президентнинг стули бошқаларникидан катта бўлмаслиги

даркор. Чет эллик компанияяга иш топшириш мумкин, лекин бу лойиҳанинг мақсади аниқ бўлиши керак».

Бундай сиёсий тафаккур – байналмилаллашув натижаси. Зеро раҳбариятда тарих ва жаҳонга нисбатан аниқ қарашлар мавжуд эди, давлатнинг аҳамиятини равshan тушунишганди, шу сабабли давлат амалдорлари ҳам байналмилаллашув жарёнини муваффақиятли ўзлаштиришганди.

Ҳукумат байналмилаллашувни тижорат компаниялари ёки ўз халқидан талаб қилишдан олдин, аввало, ўзи ўзлаштириб олиши кераклигига аминман. Дастлаб раҳбариятнинг ўзи ўзгариши керак. Шунда давлат хизматчилари, ташкилотлар ёппасига ўзгаради. Агар давлат тармоғи покизароқ бўлса, бутун мамлакат ҳам ўзгаради. Мен учун айнан Малайзия бош вазири Махатхир бутун жаҳонга очиқ сиёсий раҳбарият қандай қилиб мамлакат иқтисодиётини самарали эргаштира олиши мумкинлигини дунёга кўрсатган инсон бўлди.

### **Маркос ва Имельда кураши**

Малайзиядаги ғалабадан кейин Филиппинда мағлубиятга учрадик. Пинанг кўприги қурилишида қатнаша олмаган «Марубени» компанияси Филиппиндаги электр узатгич линияларини қуришда биздан ўзиб кетди.

150 млн. долларлик электр узатгич линияларининг қурилиши бўйича халқаро тендер 1985 йилда, Филиппин президенти Маркос рафиқаси Имельда билан мамлакатдан қочиб кетишиларидан бир йил олдин ўтказилди. Ривожланаётган мамлакатда ўтказиладиган ҳар бир лойиҳада бўлгани каби, бу ерда ҳам ҳокимият қурилиш бўйича буюртмага аралашди, тўғри, Филиппинда бу жараён бир оз фарқ қиласди.

Фердинанд Маркос ва унинг рафиқаси Имельда. Кўринишидан, улар сиёсий мухолиф бўлишлари мумкин эмасди. Аммо, шундай бўлса-да, президент томонида бир гурӯҳ, рафиқаси томонида бошқа гурӯҳ туради. Чет эл компанияси ўзи истаган натижага эришиш учун қайси томонга қўшилиш кераклигини тушуниши қийин эди. Электр узатгич линиялари қурилиши бўйича тендер натижаларига келсак, бунда президентта яқинроқ бўлган «Хендэ» Имельданинг тарафини олган «Марубени» томонидан мағлуб этилди.

Маркос ҳукмронлиги даврида Филиппин қурилиш бозори амалда япониялик компаниялар томонидан монополлаштириб олинган эди. Япония бизнеси мамлакатнинг диктаторлик ҳокимияти билан яқиндан ҳамкорлик қиласади, катта миқдорда қурилиш буюртмаларини бажарган «Марубени» Маркос ҳукумати билан яқин алоқада бўлғанлиги ҳақида миш-мишлар юради.

Тендернинг биринчи босқичи натижаларига кўра, «Хендэ» биринчи ўринда, «Марубени» эса иккинчи ўринда эди. Сўнгги босқичда рақобат қураши, яна шу икки компания ўртасида худди Пинанг кўприги қурилишида бўлгани каби авж олди. Президент Маркос ҳукуматидаги обрўли шахслар билан бизнинг алоқаларимиз бор эди. «Марубени» эса, аксинча, Имельданинг яқин одамлари билан қалин муносабатда эди. Икки томон ҳам бир-бирларининг аҳзолларини жуда яхши биларди. Филиппиндаги давлат хизматчилари эса ўша пайтларда зарур ҳужжатни муайян тўлов эвазига берардилар.

Шу тариқа «Хендэ» ва «Марубени» ўртасидаги тендер учун қураш президент ва унинг рафиқаси ўртасидаги қурашга айланиб кетди. Шунингдек, Маркос ҳукумати ва бизнес доиралари ҳам қарама-қарши томонларга бўлинишди. Бошқача айтганда, коррупция кучайган Филиппин раҳбарияти орасида ўлжа учун қураш бошлианди.

Ушбу лойиха бўйича буюртма олиш учун директорнинг электр бўйича ўринбосари Ю Джे Хван билан Филиппинда беш-олти марта бўлдик, амалдорлар ва сиёсатчилар билан учрашдик. Шунда мен оқилона иш юритмайдиган ҳукумат ўз халқини қандай хўрланишларга олиб келишининг гувоҳи бўлдим. «Покиза» ҳукуматга эга қолоқ мамлакатлар бормикан? Нега кейинги пайтларда диктатуранинг сўнгги кунлари турли мамлакатларда доимо бир хил бўлмоқда? 1985 йилда Филиппинда мен шу саволлар устида ўйланардим.

Қурилиш япон компаниясига ўтиб кетди, бундай натижада юзасидан ҳеч қандай изоҳ берилгани йўқ. Лекин бунда ўзига хос, жуда аниқ мантиқ мавжуд эди.

Лойиха юзасидан тугал қарор қабул қилингач, биз президент Маркосга яқин шахслардан бири билан учрашдик.

— Маркос Имельдага ютқазди. Бошқа сабаблар йўқ,— деди у.

Кейинги, 1986 йил февралида ҳокимият тепасига Акино ҳукумати келди. Ўша йили биз Осиё тараққиёт банкининг Маниладаги бош офисини қуришга буюртма олдик. Дастребаки ғиштни қўйиш маросимидан кейин қабул бўлиб ўтди, унда президент Акино ва қуруқликдаги қўшинлар бош қўмondonи Рамос менда катта таассурот қолдиришди. Улар ҳам, Маркос ҳукуматига солиштирганда, Малайзиядаги Махатхир каби бутунлай бошқа даражадаги одамлар эдилар.

Қабулда президент Акино қисқача нутқ сўзлади. Барча амалдорлар ва меҳмонлар ўз жойларида аввалдан кутардилар, давлатдаги ҳақиқий ҳокимият эгаси деб аталаётган Рамос эса, бир чеккада камтарлик билан ўтиради. Президент Акино минбар ёнига келганида унинг мамлакат раҳбари эканлигига ишониш қийин эди. У шунчалик оддий кўринарди. Үнга фақат кўриқлаш хизматининг иккита ходими ҳамроҳлик қиласди.

Президент сўзидан кейин барча коктейлли бокалларни кўтарди, Акино ёнимга келди ва мен билан саломлашди.

— Президент қўриқчилари бунчалик камлиги ҳеч нарса қилимайдими? — деб сўрадим мен ундан.

Президент Акинонинг турмуш ўртоги аэропортда ўлдирилганлигини ёдида тутган кишининг бу ҳақда хавотирланиши табиий эди. Президент юзида табассум билан деди:

— Мен сайловларда Филиппинни демократлаштиришга эришиш учун ютиб чиқдим. Бу бутун ҳалқимизнинг орзуси. Башарти Акинога бир нарса бўлса, бу мамлакатда демократлаштириш тугаганлигини англатмайди. Ҳозир ким президент бўлишидан қатъи назар, демократлаштириш муқаррар жараёнга айланди. Шундай камбағал мамлакатда биттагина президентнинг ҳаётини асрараш учун қўриқчиларга ортиқча харажат қилиш шартми?

Бу тўғридан-тўғри юракка бориб санчилувчи, янгича тарздаги раҳбарга жуда мос сўзлар эди.

Президент Акино нари кетди ва ёнимга генерал Рамос келди.

— Кореядаги фуқаролик уруши вақтида биз мамлакатингизга ёрдамга боргандик. Ўшанда Кореяда аҳоли жон бошига даромад 60 долларни, Филиппинда эса 700 долларни ташкил қиласди. Аммо бугун биз Кореядан ёрдам олишга маж

бурмиз. Бунинг сабаби битта — сиёсат. Аммо яқинда сиёсат ўз ўзанига қайтади ва мамлакатимиз Кореяга етиб олади.

Мен Рамос билан суҳбатлашар эканман, вақти келиб бу одам Филиппин президенти бўлади, ўша пайтдан бошлаб мамлакатнинг фаол тараққиёти бошланади, деб ўйладим. Тахмин қилганимдек, Акинодан кейин у президент этиб сайланди ва миллий иқтисодиётнинг фаоллик билан барпо этилишига кўмаклашди. Шу тариқа, иккинчи Махатхир пайдо бўлди.

## 20 йилдан кейин адo этилган вaъдам

Тайланддаги қурилиш обьектида бухгалтер бўлиб ишланимга деярли 30 йил бўлибди.

Ушбу обьектда, прораб бўлиб Че ишларди. У қимматли ходим эди, тайландлик ишчиларни бошқарар ва олий маълумотга эга ўнта ходимнинг ишини қиласди.

У обьектда, ўзининг кўрсатмасига қарши чиққан тайландликлар томонидан ўлдирилганди. Кўкрагига олти марта ўқ узгандилар. Аммо у дарҳол жон бермади, Патани шифохонасида бир ой бардош бериб ётди. Ходимлар навбат билан қон топширишар, мен кундузи обьектда ишлаб, кечаси унинг олдига борардим. Аммо у кун сайин заифлашиб борарди.

— Сен, бухгалтер Ли, жуда қобилиятлисан. Сен албатта компанияда катта одам бўласан. Агар оила аъзоларимдан биронтаси ёрдам сўраб сенга мурожаат қиласа, мени танимаганга олма, уларга бир марта ёрдам бер.

— Келажакда менга нима бўлишини билмайман, лекин барчаларига қўлимдан келганча кўмаклашаман, деб ваъда бераман.

Бу сўзлар унинг васияти бўлиб қолди. Икки кундан кейин у бегона юртда жон таслим қилди.

Шундан кейин 20 йил ўтди. Мен компанияга директор бўлдим. Бир куни менга қандайдир аёл кўнғироқ қилиб қолди ва:

— Мен сизларда Таиланддаги қурилиш обьектида прораб бўлиб ишлаган Ченинг рафиқасиман. Агар у ёдингизда бўлса, хузурингизга бораман, унуган бўлсангиз, бормайман, — деди.

Котиб менга ушбу хабарни етказди ва мен келсин, деб айтдим.

Ченинг рафиқаси келди. У вакт ўтганидан сиёхи оқариб кетган, ғижимланган варақни чиқарди.

— Балки мен олдингизга тирик қайтмасман. Бу ерда мен Ли исмли бухгалтер билан танишдим, у жуда қобилиятли ва инсофли инсон. Мен вафот этсаму, ўғлимизни тарбиялашда қийналиб қолсант, унга ёрдам сўраб фақат бир марта мурожаат қил. Қанчалик қийин бўлмасин, ўғлимизни иложи борича ўзинг вояга етказишга ҳаракат қил, лекин жуда ҳам қийналсанг, ўғлимиз юқори мактабни тамомлагач, Лининг олдига бор. Балки у сенга бирон нарса билан ёрдам берар.

Мен Таиланддаги қурилишда қаро терга тушиб югуриб юрган Чени эсладим. Яраланган Че Патанидаги шифохонада кўзимга тик қараганча менга сўнгги илтимосини айтатгани кўз олдимга келди.

Эри васият қилганидек, аёл ўғлини тарбия қилибди, у юқори саноат мактабини тутатибди. Аммо ҳеч қаерга ишга жойлаша олмасмиш. Шунда аёлнинг ёдига эрининг хати тушиб, менинг олдимга келибди. Шу тариқа, Таиланддан юборилган хат менга 20 йилдан кейин етиб келди.

— Қандай ёрдам беришим мумкин?

— Агар ўғлимни ишга жойлашда ёрдам бериб юборсангиз, жуда ҳам миннатдор бўлардим. У ишга жойлашса ва чет элга кетса қанийди.

— Ташвиш тортманг. Мен сизга ёрдам бераман.

Ченинг аёлига қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга тўгри келганилигини ҳеч қандай изоҳларсиз тушуниб турардим. У жуда камбағал ҳаёт кечирибди, лекин ўзига хиёнат қилмабди. Унинг гурурли эканлиги сезилиб турарди. Тўсатдан онамни эсладим.

— Яна бирон нарса керакми?

— Йўқ. Эрим фақат бир нарса ҳақида сўрашимни айтган, шунинг учун бошқа ҳеч нарса сўрай олмайман.

Ченинг рафиқаси илтимос қилганидек, ўғли «Хендэ» қурилиш компаниясига ишга кирди ва тез орада чет элга қурилиш обьектига жўнаб кетди. Ченинг рафиқаси шундан кейин бирор марта ҳам кўринмади.

## **Мен унугомайдиган инсонлар**

Курилиш объекти жанг майдонига ўхшайды. Йүқдан бор қилиш жараёни доимо хавф-хатар билан боелик. Шу боис бундай сермашаққат жараёнда одамлар ўлими тез-тез содир бўлиб туради. Сеул – Пусан тезюарар магистрали қурилиши чогида, икки ярим йил ичидаги 77 нафар киши қурбон бўлди. XX асрнинг 80-йилларида мамлакатдаги ва хориждаги объектларда ҳар йили қарийб 40 нафар киши оламдан ўтарди.

Ҳар сафар Сеул – Пусан магистралидан ўтганимда ёки Яқин Шарқда қудратли электр станцияни ёхуд портни кўрганимда, ушбу объектлар қурилишида қурбон бўлганларни ёдга оламан. Айнан ўтганлар ёди мени, жамиятни ва умуман бутун мамлакатни қийин дамларда қўллаб-қувватлаб турди. Ўлим – бу барчамиз учун ибрат, ўтганларимиз ёди эса, қувватбахш манбадир.

Ҳамкасларнинг вафоти доимо фожиа саналади. 1987 йилнинг 29 ноябрида, Мьянма осмонида «Хендэ» қурилиш компаниясининг қарийб 60 нафар ходими ёниб кетганда юрагим қонга тўлганди. Шимолий кореялик жосус Ким Хен Хи томонидан портлатиб юборилган «Кореан Эйр» самолёти йўловчилари асосан Ироқдаги қурилиш объектидаги мураккаб ишни тутатиб қайтаётган кишилар эди.

Улар орасида хотирамда абадий муҳрланиб қолган икки киши бор эди.

Улардан бири чет элдаги энергетика жиҳозлари бўлими бошлиғи, «Хендэ» қурилиш компаниясининг ижрочи директори Ким Док Бонгdir. У менинг тенгдошим эди ва жуда тиришқоқ ходим бўлганди. Мамлакатда АЭС жиҳозлари монтажи бўйича жуда кўп иш қилган ва бу соҳанинг устаси бўлиб кетганди. Биз Ал-Мусаиб ИЭС қурилиши лойиҳаси бўйича Ироққа хизмат сафари билан тез-тез бирга борардик, шу сабабли яқин дўст бўлиб қолгандик.

У бутунлай ишга берилиб кетганлиги сабабли узоқ вақт бўйдоқ юрди. Мен ҳазил аралаш унинг жигига тегиб юрадим ва у ахийри уйланди. Болалари институтда ўқиши керак бўлган ёшга етганда унинг ўғли эндиғина бошланғич мактабга қатнай бошлаганди.

1987 йилнинг охирларида ижрочи директор Ким Док Бонг билан Ал-Мусаиб электр станция қурилиши бўйича ишни якунлаётган ва айни вақтда Ироқ ҳукумати билан бошқа лойиҳа бўйича музокаралар олиб бораётгандик. Уруш авжига чиққан пайтда электр станция ҳар қачонгидан ҳам зарурроқ бўлади, лекин муаммо молия билан боғлиқ эди. Шунда Ким хизмат сафарига бориши кераклигини айтиб қолди.

— Ҳозир Кореяда ҳам иш қўп, сафарни бир ҳафтага қолдириб бўлмайдими?

— Вактни бой бермаслик керак.

Эртасига у жўнаб кетди. Бир неча кундан сўнг Ким қайтаётгани ҳақида хабар келди, мен унга жавобан: «Агар қайтаётган бўлсанг, бир йўла Лондонга бориб, қурилиш материаллари ҳақида билиб кел», — деб ёзib юбордим. У: «Олдин Кореяга бориб, кейин Лондонга ўтаман», деб телекс юборганди. Қайтаётганида эса, у ўтирган самолёт Мьянма осмонида портглаб кетди.

Бу ҳақда хабар топгач, Кимнинг уйига бордим. Унинг кичкинагина ўғли «отам хизмат сафарига узоққа кетган ва қачон қайтиши номаълум» деб ўйларди. Рафиқаси эса, эри ўлганига ишонмаслигини ва умумий дағн маросимига бормаслигини айтди. Аммо ҳар қалай боришга қарор қилди. Ҳалок бўлган ходимлар орасида Ким энг юқори лавозимда эди. У дағн маросимига қатнашмаса, бошқа ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари нима деб ўйлашади? Шу сабабли у ўзини қўлга олиб дағн маросимига келди.

Ўша куни, дағн маросимида, кўз ёшларимни тийганча, ҳалок бўлган дўстимнинг сурати олдига унинг директор ўринbosari лавозимига кўтарилганлиги ҳақидаги буйруқни кўйдим. Дағн маросимида буйруқни ўқир эканман, ҳудди ўз оила аъзоларим ҳалок бўлишгандек юрагим эзилди.

Иккинчиси Хванг эди. Мен Квонак туманидаги заводда ишлаганимда у йирик жиҳозлар бўйича муҳандис эди ва ўша пайтда «Хендэ»да менга нисбатан кўпроқ ишлаганди. У Ироқда ишларди, бир куни у ердан менга хат ёзганди.

«Мен «Хендэ»да 30 йил ишладим ва бирор марта расмий ходим бўлмаганман, доимо оддий ишчи бўлиб келдим. Менинг орзуим — ҳаётлик чоғимда ўғлим «Хендэ» қурилиш

компаниясининг расмий ёлланган ходими бўлишини кўриш. Ўслим бу йил университетни тутатади, аммо унинг ёмон отаси бутун умрини ишга бағишилади ва бола билан жиддий шуғулланмади. Шу сабабли, у «Хендэ»даги танловдан ўта олмаса керак, деб ўйлайман. Аммо бутун умрини компанияга бағишилаган мен каби ходим ҳурмати, ўслимга ёрдам бера олмайсизми? Бу беодоблик эканлигини, бундай илтимос компания қоидаларига тўгри келмаслигини биламан. Бунинг учун узр сўрайман. Лекин, барибир, ёрдам беришингизни астойдил илтимос қиласман».


Юрагим сиқилди. Саҳрордан келган бу мактубдан оталик меҳри уфуриб туради. Албатта, у бутун умрини компанияга бағишилагани ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг ўғлини ҷақирдим ва компанияга кириш учун имтиҳон топширишини айтдим. Аммо натижা унчалик яхши чиқмади. Мен анкетанинг бошқа пунктларини кўриб чиқдим, у ишга қабул қилиш талабларига мос келарди, мен йигитчани ишга олиш ҳақида бўйруқ бердим.

Хвангдан миннатдорчилик мактуби келди.

«Бир умрлик орзуим ушалди. Бундан ташқари, ўслим ишга киргач, уйланди. Кореяга кўпга бўлмаса ҳам, ўслимнинг тўйига бориб келмоқчиман. Борганимда албатта ҳузурингизга кира-ман».

Орзуси ушалди, баҳтиёр Хванг ўғлининг тўйига учеб келаётганди, аммо у ҳам Мьянма тепасида ёниб кетган ўша самолётда эди.

Ҳар гал, ушбу ҳалок бўлғанлар ҳақида ўйлар эканман, директорнинг, президентнинг ёки бошқа бошқарувчининг ҳақиқий жавобгарлиги қандай, деган саволга жавоб топа олмайман. Уларнинг ўрнига ўзим ўлсам яхшийди, деб ўйланган вақтларим ҳам бўлган. Курбонлар шунчалар кўп, аммо биз ҳаётмиз... Компаниялар ва жамият бу қурбонлар хотира-сини доимо ёдда сақласа, яшашга арзигулик дунё юзага келади. Агар ўлим ҳақида эътибор билан ўйламаса, ҳеч қандай компания ёки жамият ҳаётнинг қадрига ета олмайди.



## Л И М Е Н Б А К

*Директор каби фикр  
юритиб, бүтим боштын  
каби ишта!*

Шундай бошқарма бошылғлари бүладики,  
бошида фаҳм-фаросатлы ходим бўлиб кўри-  
нали, аммо кейин янги лавозимга лаёқат-  
сиз бўлиб чиқади. Чунки улар асослар ҳақида  
ўйламай, факат бошқарувнинг мураккаб  
техникасини ривожлантиришида муваффа-  
қият қозонишга ҳаракат қилганлар. Даст-  
лаб оддий асосларни ўрганиш лозим.  
Киши нималарга қодир эканлигини шунда-  
гина, мана шу негиз асосидагина бемалол,  
усталик билан кўрсатиши мумкин.



ЛИ МЕН БАК

## **Буни сиздан кўра кўпроқ яшаган биродарингиз сифатида айтяпман**

Оғир техника бошқармасида ишлаганимда оғисимизга директор Им тез-тез келиб турарди. Бу киши таркибий материал учун тош майдалаб берувчи майдалаш курилмасига деталлар етказиб берадиган компания вакили эди. Унинг ёши анчага бориб қолган, «Хендэ» курилиш компанияси эса кўп йиллардан бўён унинг фирмаси билан ҳамкорлик қиласади.

Таркибий материал ишлаб чиқариш уззукун тинмай давом этиши керак эди, шу боис баъзан кундузи, баъзан тунда муаммолар тез-тез чиқиб турарди. Шундай ҳолларда директор Имга кечаси соат бирда қўнғироқ қилинса ҳам, у норози бўлмасди, чунки бизга деталларни вақтида етказиб бериш учун кечалари ҳам ишлар эди.

У жуда ҳам камтарин инсон эди. Каттагина заводни бошқарди, лекин қоровуллар билан ҳам мулоим гаплашар, қўл остидагиларга эса тенгларча муомала қиласади. Албатта, бу унинг бизнеси учун фойдали эди, лекин барча директорлар ҳам бундай ишлай олмайдилар.

Директор Имнинг ўзига хос иш услуби бор эди. У бошқарув ҳудудига кираётганида қоровулхонадагиларга бир қути сигарет берар, бизнинг оғисимизга келса, қандайдир совға олиб келарди. Шунинг учун ҳамма, қоровулдан тортиб директорларгача, у билан илиқ муносабатда бўлардилар.

Қоровуллар заводимизга кирадиган машиналарга нисбатан қаттиққўл эдилар. Заводдан қимматбаҳо деталларни олиб чиқиб кетиш ҳолатлари бўлганди, шу сабабли аниқ назорат қилинарди. Аммо Имнинг машинасини ҳеч қандай тўсиқларсиз ўтказиб юборардилар.

Бир куни, куз байрами Чусок муносабати билан директор Им ходимлар учун кўйлаклар олиб келди. Мен бошқарув бўлимiga унинг совғаларини йиғишини буюрдим. Кейин уларни директор Имга қайта жўнатиб юбордим. Им кўйлакларни қайтариб олиши билан менга қўнғироқ қиласади.

— Жаноб Ли, мен сиз билан албатта учрашишни истардим, лекин иш вақтида эмас. Бу менинг совғаларим бўйича эмас, шунчаки сизга ҳаёт ҳақида тапириб бермоқчиман.

Ўша куни биз шаҳар марказидаги катта дўконнинг ертўласида жойлашган европача ресторонда учрашдик.

— Мен сиз билан деталлар етказиб берувчи сифатида эмас, шунчаки сиздан кўра кўпроқ яшаган катта биродарингиз сифатида таплашмоқчиман.

Директор бу ерда, ҳозир менга, катта биродар кичигига айтганидек, ҳаёт ҳақида ниманидир сўзлашини ва кейин яна компаниямиз учун деталлар етказиб берувчига айланишини айтиб, огоҳлантириб қўйди.

— Шу кунга қадар «Хендэ» компанияси учун туну кун ишлаб келдим. Айнан «Хендэ» туфайли ҳозир ўзимнинг заводим ва мулким бор. Мен сизнинг одамларингизга бизнесимга ёрдами учун шунчаки, қўлимдан келганича, миннатдорчилик билдиришни истардим. Ҳар гал қоровулхона олдидан ўтарканман, уларга бир кути сигарет тутаман. Бу ишни



Мутахассислар билан маслаҳатлашув лаҳзаси

уларни ўзимга мойил қилиш учун эмас, уларга нисбатан алоҳида муносабатда эканлигимни кўрсатиш учун қиласман. Аммо сиз келганингиздан кейин қоровулхонада ҳаммаси белгиланган қоидалар бўйича қилинадиган бўлди. Бугун эса, кўйлакларимни қайтариб юборишибди. Бундан мен ноқулай ахволга тушдим.

Менда у шу кунга қадар ҳеч бир тўсқинликсиз деталлар етказиб бергану, энди эса мен унинг йўлига тўғаноқ бўлдим, у «ҳаёт ҳақида суҳбатлашиш» баҳонасида мени огоҳлантиришга уринмоқда, деган шубҳалар пайдо бўла бошлади. Аслида эса, унинг ҳеч қандай яширин мақсади йўқ эди ва менга нисбатан самимий муносабатда эканлиги сезилиб турарди.

— Сиз жуда совуқ муомалада бўласиз. Тез орада лавозимингизни кўтарадилар, деб ўйлайман. Аммо бу ҳолатингизда компанияда ҳақиқатан ҳам обрў-эътибор топа оласизми? Албатта, ҳалол ишлаш керак, лекин инсоний муносабатларсиз катта одам бўла олмайсиз. Агар инсон мослашувчан бўлмаса, унинг машинадан фарқи қолмайди.

Унинг сўзларини диққат билан тингларканман, директорнинг рафиқаси илтимосини рад этганимда акам айтган гапларни эсладим. Акам ҳам мослашувчанлик ҳақида гапирганди. Катта мансабларни эгалласам, юмшоқкўнгил бўларман, дегандим ўшанда. Булар мен учун зарур ва муҳим маслаҳатлар эди. Ҳақиқатан ҳам, мансаб пиллапоясидан юқори кўтарилиганимда — бошқарма бошлиғи, кейин директор ўринбосари, сўнг тижорат директори бўлганимда шундай муаммолар чиқардики, уларни фақат қоидаларга асосланиб ҳал этиб бўлмасди. Шунда мен ҳар гал ушбу маслаҳатларни эслардим, у ёки бу муаммони ҳал этишда тактика ва инсоний мослашувчанликни қоидалар асосида уйғунаштиришга ҳарарат қилардим.

Корея ва Япониянинг юқори мактаблари жамоалари волейбол ўйнашса, доим корейс ўқувчилари ютишади. Аммо катталар ўргасидаги мусобақаларда Корея жамоаси, одатда, мағлуб бўлдади. Бунинг сабаби равshan. Зоро кореялик ўқувчилар ва катта волейболчиларнинг техникаси бир хил даражада. Японияда эса, аксинча, юқори мактабда спортчиларга ўйин

техникаси асосларинигина ўргатишади. Табиийки, таянч билимга эга япон ўқувчилари катталар даражасида техникани эгаллаган бизнициларга ютқазишади.

Аммо муаммо кейин пайдо бўлади. Япония ўсмиirlар жамоаси ўйин техникаси асосларини яхшилаб ўзлаштириб, савиясини ошириб боради, масалан, ҳужумнинг турли усулларини чуқур ўрганади. Бизнинг спортчилар эса, юқори даражадаги техникани ўрганишар экан, унинг асосига кам эътибор беришади. Бунинг натижасида, асосларни билмай ўйналгач, нуқсонлар юзага чиқади. Шу сабабли катталар жамоаси Япония жамоасига ютқазади.

Компанияга ишга келадиган ходимлар ҳам шунаقا. Корейс волейболчилари сингари иш қўлмаслик лозим. Биринчи навбатда, япон спортчилари сингари, асослар мустаҳкам булиши учун, таянч қоидалардан бошлиш даркор. Янги ходим дарҳол техникани ишга солиши нотўғри. Мансаб пиллапояларидан юқорилаб бораётган ходим, бўлим бошлифи мослашувчанликни намоён қиласа, аклли бўлиб кўринади. Бироқ, мураккаб техникани эрта эгаллаган катта мактаб волейболчиларидағи каби, тез орада салбий жиҳатлар кўриниб қолиши мумкин.

Шундай бошқарма бошлиқлари бўладики, бошида фаҳм-фаросатли ходим бўлиб кўринади, аммо кейин янги лавозимга лаёқатсиз бўлиб чиқади. Чунки улар асослар ҳақида ўйламай, фақат бошқарувнинг мураккаб техникасини ривожлантиришда муваффақият қозонишга ҳаракат қилгандар.

Шундай экан, оддин оддий асосларни ўрганиш лозим. Киши нималарга қодир эканлигини шундагина, мана шу негиз асосидагина бемалол, усталик билан кўрсатиши мумкин.

### **Биринчи бўлиб маош олиши лозим бўлган киши**

70-йиллар бошларида «Хендэ» Ульсандаги кемасозлик корхонасини куришни бошлади. Бу жуда кенг кўламдаги лойиҳа бўлганлиги сабабли молиявий қийинчиликлар ҳам

мавжуд эди. Хусусий қарзлар олинса ҳам, доимо пул етишмасди. Баъзида шундай инқирозли вазиятлар бўлардики, маошни 4–5 ойлаб тўлаш имконияти бўлмасди.

Раҳбарлар йигилишида шошилинч таклиф киритдим:

— Ҳозир инқирозли вазият. Ягона йўл — маошни музлатиб кўйиш. Яъни иш ҳақини фақат обьектдаги ходимларга ва директор Чонгга бериш, биз, юқори мансабдагиларнинг маошини эса, 3—6 ой ушлаб туриш. Вазият жуда мураккаб. Келинглар, бу инқирозни биргаликда енгишга ҳаракат қила-миз.

Объектдаги ходимларга маошни вақтида тўлашга ҳеч ким қарши эмасди. Аммо «Нега энди директорга бундай алоҳида имтиёз берилади?» деб норози бўлганлар чиқди. Компанияда юқори мансабларни эгаллаб турганлар орасида: «Директорга яхши кўриниш учун шундай деялти», — деганлар ҳам учради. Кейинроқ, нега энди бош директор эмас, балки қандайдир тижорат директори компаниядаги маошни тақсимлаяпти, деб раҳбарларнинг рафиқлари норозилик билдирилар. Мен сабабини тушунтиридим:

— Ҳозир директор Чонг Ульсандаги обьектда уззукун ишламоқда. У уч йиллик ишни бир ярим йилда тутатмоқчи. Мана шунинг учун бизда ҳозиргидек молиявий қийинчиликлар бўляпти. Аммо директор, агар унга ўз вақтида иш ҳақи ўтказилмаса, нима деб ўйлади? «Молиялаштиришдаги муаммо туфайли», деб ўйлади ва бу борада қайгура бошлайди. Агар муаммо ҳақида хабар топса ҳам, бу муаммони ҳал этишга ёрдам бермайди. Айнан шундай пайтда биз директорни қўллаб-куватлашимиз керак. Курилиш тез фурсатларда якунлансанагина, компаниядаги вазият яхшиланади.

Менинг изоҳларимдан кейин барча шубҳалар тарқалиб кетди. Шундай ҳолатда кемасозлик корхонаси курилиши давом этаверди.

1972 йил 3 августда ҳукумат саноатни қўллаб-куватлаш чора-тадбирларини кўрди ва хусусий қарзларни музлатиб қўйди. Шундай чоралар туфайли, иқтисодиётни ривожлантиришнинг беш йиллик режаси иккинчи босқичи асосида оғир саноатдаги барча компаниялар капитал етишмовчилигига оид

қийинчилекларни енгишга муваффақ бўлдилар. Хусусий қарзларнинг музлатиб қўйилиши бизнинг компаниямизга ҳам молиявий қийинчилеклардан қутулиш ва кемасозлик корхонаси қурилишини ўз вақтида тугатиш имконини берди. Куриб битказилган кемасозлик корхонаси — бу ҳозирги «Хендэ Хэви Индастриз»дир.

## **Компания соҳиби — сенинг рақобатчинг**

30 га тўлмай туриб — директор ўринбосари, 40 га чиқмай — директор, 50 га етмасдан — компания президенти... Професионал жиҳатдан бундай жадал ўсишнинг сири нимада, деб сўрашганда, нима дейишни билмай қоламан. Ахир мен бунинг устида ҳеч ўйлаб кўрмаганман да. Менинг у ёки бу лавозимда ва мартағабада бўлишим ишнинг муваффакиятли бориши учун зарур эди, бошқа сабаб йўқ. Менинг професионал ўсишим юз фоиз компания эгасининг қарори эди.

Ишга кирганимдан кейин 12 йил ўтгач компания директори бўлдим. Аммо бу 12 йил оддий одамларникидек бўлмаганди. Мен бу йиллар давомида дам олиш кунларисиз, кунига 18 соатлаб ишладим. Демак, бошқаларга қараганда икки баробар кўп ишлабман. Шуни инобатта олсак, мен 24 йилдан кейин директор бўлибман, бу эса, унчалик тез дегани эмас.

Компания эгаси ёки раҳбариятидан лойиҳани назорат қилиш бўйича кўрсатма олинганда, аввало, ишчи кучи, капитал, технологиялар, маълумотлар каби салбий кўрсаткичлар, бошқа заиф томонлар ҳақида гапириш одат тусига кирган. Бу — башарти муваффакиятсизлик юз берса, мутасаддига дастак бўладиган қилиб ҳар эҳтимолга қарши замин яратиб қўйишидир. Агар ҳаммаси муваффакиятли кечса, иш қандай бажарилганилти хабари берилади, омадсизлик юз барса, «кўрдингизми, бошида нима деган эдим», дейилади.

Аммо мен доимо мақсадни раҳбариятдан кўра юқорироқ қўярдим ва бор кучим билан унга эришишга ҳаракат қиласдим. Президент Чонг ҳар тарор лойиҳа таклиф қилганда, у ёки бу муаммони ҳал этиш йўналишлари, услублари,

мақсадлари ва кўлами бўйича икки қадам олдинга ўзиб кетардим. Агар у: «Ушбу лойиҳадаги дефицитни йўқотиш йўлини топ», — деса, мен ўз олдимга даромадга эришишни мақсад қилиб кўярдим ва уни амалга оширадим. Бундай ҳолатда даромад — компания эгаси учун кутилмаган фойда бўларди. Мен эса, эришилган ютуқдан маънавий қониқиши ҳосил қиласардим. Мен ана шу туйгу учун ишлардим.

Аввал бошдан пастроқ мақсадлар кўйиб, кейин уларга эришганлик билан мақтаниш — компания соҳиби эмаслигингни англатади. Чунки соҳиб ҳеч қачон рақамларга ўралашиб юрмайди, балки эътиборни фақат катта фойда олишга қаратади. У бошқа одамларга эътибор бермайди, балки ишда қаттиқ кураш олиб боради.

Бошқача айтганда, демоқчиманки, рақобатчи сифатида бошқа ходимни эмас, компания эгасини танла. Ўзингни компания соҳиби деб ҳис эт, шундай иш топ ва галабага эриш. Компания эгасидан кўра юқорироқ мақсадларни белгила. Президент Чонг инқирозли вазият рўй берганда ҳар гал менга мурожаат қиласарди, чунки «Ли Мён Бак компания ҳақида мен каби, балки мендан ҳам кўпроқ, худди ўзиникидек қайғуради», деб ишонарди.

## **Лавозим ва ҳокимият**

— Корея компаниялари жуда ғалати тузилган. Агар юксак мартабали шахс бирор жойга келса, кетидан ҳайдовчиси, ошпаз ва, ҳатто, машинистка ҳам келади.

Корея курилиш саноати 70-йилларда чет эл бозорларига фаол кириб бораётганида хорижий компаниялардан бирининг вакили шундай фикр билдирганди. Чет эл компаниясининг мансабдор шахси учун машинани ўзи бошқариши ёки машиникада ўзи ҳарф териши одатий ҳол эди. Шу сабабли, ўша ҳайдовчилар ва машинисткаларга нооқилона харажатлар катта бўлган бизнинг компанияларимизнинг рақобатбардошлиги пастроқ бўлганлиги табиий эди. Шунда биз нақадар нотўғри йўлда эканлигимизни тушундим.

Директор лавозимида ишга киришганимдан сүнг раҳбарларга автомобилни мустақил бошқаришни буюрдим. Ди-ректорлик пайтимда оғисінде келишінде, уйға қайтишда автомилни ўзим бошқарапдым. Иш вақтида машинада юришта тұғри келиб қолса, бунинг учун компания ҳайдовчысы бор эди. Менинг буйруқтаримга қарши күплаб норозиликлар билдирилді. Чунки у пайтда ҳеч бир йирик компанияда раҳбарларни автомобилни ўзлари бошқаришга мажбур қилишмаганды. Аммо менга авторитаризм умуман хос әмасди.

Шу сабабли менинг узоқни күзлаб берган таклифларим одат тусига кириши учун нақ 10 йил керак бўлди. 80-йилларнинг ўрталаридангина бопшарма бошлиғи даражасидаги давлат хизматчилариға ҳайдовчи хизмат кўрсатмайдиган бўлди.

Шунингдек, мен имзо чектириш жараёнини ўзгартирдим. Чунки ҳужжатларнинг хизмат пиллапояси бўйлаб юқорига секинлик билан берилиши тез ишлашга, бинобарин, компаниянинг рақобатбардошлигига тўсқинлик қиласарди. Мен шундай усул танладимки, муайян иш учун масъул ва якуний қарорни қабул қилувчи ходимлар бевосита мулокот қила оладиган бўлди. Олдин бу мураккаб жараён эди — иш аввал бўлим бошлигидан, бопшарма бошлиғи ўринбосаридан, директорнинг биринчи ўринбосари ва директордан ўтиб, охирида президентга етиб бораради. Лекин кўп ҳолларда бу жараёнда дастлабки режалар ўзгариб кетарди. Бу худди ўнта кишини бир қаторга турғизиб қўйиб, бириңчисига бир сўзни айтиб, кейингисига етказишни буюрсангиз, охирги кишига етиб боргунча бутунлай бошқа сўзга айлануб қолишига ўхшарди.

Ғояни бевосита ишлаб чиққан ва лойиҳани режалаштирган киши у ҳақда бошқалардан яхшироқ билади. Ана шу бирдамчи мазмун мұхимдир. Масалани жавобгар шахс билан мұхокама қилиш самаралироқ ва натижалироқ бўлади. Бу вақт нуқтаи назаридан ҳам фойдалари оқдир. Юқоридаги занжирнинг ўртасига бориб лойиҳа мазмуни ўзгарса, бошлан-

гич режа албатта бузилади. Агар компанияда ходимлар: «ёзіб нима қылдым, раҳбарият барибир ўзғартиради» ёки «раҳбариятта етгунига қадар, ҳали-вери қарор қабул қилинмайди», деб ўйлашса, бундай тузилма ҳақиқатда носоғлом бўлиб чиқади.

Кўпинча энг юқори лавозимдаги шахс оддий ходим билан учрашишни ёқтирилади. Чунки бундай учрашувлар кўл остидагиларнинг кутилмаган хатти-ҳаракатларига ва, бино-барин, улар учун ноқулайликка олиб келиши мумкин. Аммо мен, аксинча, ходимлар билан тез-тез учрашиб турардим. Раҳбар сифатида менга, ўзаро алоқаларимиз самараси ўлароқ, ишнинг тез ва соз битишидан кўра афзал нарса йўқ эди.

## Директоримиз тунда ҳам ухламайдими?

Менга чет элдан қўнгироқ қилишганда, ярим тундан ўтган, кечаси соат бир-иккилар бўлса ҳам, жавоб берардим. Менимча, уйида, ҳатто, чет элдаги бўлимдан эрта тонгда қўнгироқ қилишса ҳам, доимо гўшакни кўтарадиган бундай компания бошқарувчиси дунёда бўлмаса керак.

Чет элдан қилинган қўнгироқларга албагта жавоб беришмининг ўз сабаблари бор эди. Бош оғисга иш вақтида тушиш учун ярим кечаси қўнгироқ қилиш ёки тонготарни пойлаш керак бўларди. Чет элдаги иш ҳам шунча вақт тўхтаб қоларди. Агар бош оғисда иш вақти тугаганлиги туфайли гўшакни кўтармасалар, бу ишни икки кунга тўхтатиб кўярди. Замонавий дунёда йирик лойиҳанинг келажаги бир неча дақиқа ичида ҳал бўлади, бу ерда эса қанчалаб қимматли вақтни йўқотамиз!

Гўшакни кўтарганимда мен доимо ўта эътиборли бўлишга интилардим. Чет элдаги бўлинмада ҳам ҳозир Кореяда соат неча эканлигини билишар ва агар мен телефонда уйқусираган овозда гаплашсам, бу ҳам етмагандек, эснаб турсам, кейинги гал менга қўнгироқ қилишармиди? Унда: «Ўзи истаган пайтда қўнгироқ қилинглар, дейди-да, лекин мана

бундай кайфиятда гаплашади. Нега унда истаган пайтингизда құнғироқ қилинг, деган?» — деб айтишарди.

Кутилмаган пайтлардаги күплаб құнғироқлардан кейин мен хориждаги ходимлар билан ишchan оқанғда гаплашиш «устаси» бўлиб кетдим. Мен кундузи бўлганидек, хотиржам ва аниқ овозда жавоб берардим ва, албатта, ёзib борардим.

Ўшанда хорижий бўлимдан ходимлар келганидан кейин «директоримиз ҳеч қачон ухлаймади», деган миш-миш тарқаб кетди. Мен тунда истаган вақтда құнғироқларга бардам овозда жавоб бера олардим, суҳбатлашиб бўлгач эса, яна қаттиқ ухлаб қолардим.

Бунга онамнинг тонгги ибодатлари туфайли тезда ўргандим, ахир мен бир кунда беш соатдан кўп ухламасдим-да. Мен ҳар куни бир вақтда — эрталаб соат 5 да тураман. Мен Кореядаги турадиган вақтимни айтмаяпман. Қаерда бўлмай, маҳаллий вақт билан соат 5 да кўзларим ўз-ўзидан очилиб кетади.

Агар машқ қилиб борилса, бунга бемалол эришса бўлади. Мен ҳеч қачон самолётда ухламайман. Чунки агар ухлайдиган бўлсанг, соат минтақасининг ўзгаришига қўниши қийин бўлади. Одатда, китоб ўқыйман. Қўнишимиз билан теннис кортига бораман. Яқин Шарқдаги каби теннис корти бўлмаган қурилиш обьектларида эса, тўғри обьектга йўл оламан. Агар теннис ўйнаб яхшилаб терласанг, кейин тезда ухлаб қоласан, эрталаб бўлса, белгиланган вақтда, яъни маҳаллий вақт билан соат бешда уйғонасан.

Хорижда мен билан мулоқотда бўлганлар менинг доимо роппа-роса бешда туришимни кўриб, «бу одамни қаранглар-а», дея ҳайрон бўлишарди. Корейс дўстларим: «бирга ичамиз дедию, ўзи бўлса, айёрлик қилиб, умуман ичмабди», — деб бироз хафа ҳам бўлишарди.

Аммо мен чет элга қўнгилхушлик учун эмас, у ерда ишлайтган ходимларга ёрдам бериш учун борардим. Қандай қилиб кечгача ухлаб ёта олардим?

Одамлар менда эрта туриш қобилияти бор деб ўйлайдилар. Аммо бундай эмас. Доимий тажриба ва машқ қилишдан ўзга ҳеч қандай сир йўқ.

## **Феълингни ишингга мослаштири**

Мен университетни эндигина тутатиб, «Хендэ»га ишга кирган янги ходимларга доим бир гапни айтаман:

— Ҳатто талабалар ҳаракати иштирокчилари бўлган эсангиз ҳам, энди сиз кимнидир танқид қила оладиган ҳолатда эмассиз. Энди ўзингиз сиздан ёшроқ авлоднинг танқиди учун нишонга айландингиз. Ёшингиздаги фарқ атиги бир йил бўлса ҳам, бирибир, сиз катта авлодсиз. Университетда ўқиган пайтингиздаги қарашларингиз билан бу дунёда ғалабага эришиш у ёқда турсин, шунчаки ҳаётга мослашиб олишнинг ҳам иложи йўқ. Бироқ, агар сиз ҳар бир нарсага некбинлик билан ёндашсангиз, чексиз қобилиятни намоён эта оласиз.

Бирор ишни амалга ошираётганингда, ишга қандай ният билан ёндашишинг катта аҳамиятга эга. Амалга оширишнинг иложи йўқ, деб ўйлаётган киши бу иш нега амалга ошмаслигининг кўплаб сабабларини топади. Имкони бор деб ўйланган киши эса, бир фоиз имкониятга эга бўлса-да, бирибир, белгиланган вазифани бажаришга уриниб кўради.

Бу ишда 1 фоиз ҳам имконият бўлмай, ютқизиш 100 фоиз бўлса ҳам, барибир, бундай уриниш ҳақиқий тажриба бўлади. Олдиндан уринишдан воз кечган киши эса, ҳамма нарсадан қуруқ қолади. Мен буни 50 фоиз билан ноль ўртасидаги фарқ деб ҳисоблайман. Яъни, фарқ жуда катта. Некбин, фаол бўлиш ва доимо ҳаёт таҳдидларига тик бориш кераклигининг сабаби айнан шундадир.

Янги ходимларга шундай дейман:

— Ўз феълингизни ўзгартиринг. Бирор ишни менинг феълимга тўғри келади ёки келмайди, деманг. Феълингизни ишга мослаштиринг.

Балки, кимдир менинг бу фикрим танани тўшакка мослаштиришга тент, бу авторитар, ғайриилмий услуг, дер. Аммо айнан шу услуг воқеликка мос келади. Аслида, қурилиш соҳасига менчалик тўғри келмайдиган киши йўқ эди. Мен ўсиб, қашшоқлик билан курашга киришгунимча ювош, уягчан бола эдим. Аммо ўз ҳаракатларим билан феълимни ўзгар-

тирдим. Талабалар уюшмаси сайловларида қатнашиб, қурилишда ишлаб, очиқ ва дадил бўлишга эришдим. Зеро инсон ўз феълини ўзгартириши мумкин.

Бу дунё сенга ишни феълингга мослаб бермайди. Айниқса, бу ҳол компанияда аниқ ҳис этилади. Катта ҳаётни энди бошлаган ёшлар учун мос иш топиш янада қийин.

Агар феълига мос иш қидирса, инсон ҳеч нарсасиз қолиши мумкин. Орзудаги иш билан бажариш керак бўлган иш ўртасидаги фарқни камайтиришга бесамар урингандан кўра, феълни ўзгартириш афзалроқдир. Бу муқаррар воқе-лиkdir.

Шунинг учун ҳаётда: «Бизда сизнинг феълингизга мос иш бор. Хуш келибсиз!» деган эълонлар бўлмайди.

### **Бошлиқ туфайли азоб чекиш**

Ёш ходим ишни ўзлаштириб, аввалгидек секин ишласа, бевосита бошлиғи билан ўргада низо чиқа бошлайди. Тўғри, бирга ишлаш жуда осон бўлган бошлиққа ҳам дуч келиш мумкин, бундай ҳолда ўша ходим энг баҳтли инсон бўлади. Лекин ўргада муаммо туғилмайдиган бошлиқни топиш феълингта мос иш топишдан ҳам қийинроқ.

Компания ишчиларида руҳий зўриқиши ишнинг ўзи туфайли эмас, балки одамлар билан муносабат туфайли йигилиб боради. Агар ходим унга тўғри келмайдиган бўлим бошлиғига йўлиқса, профессионал жиҳатдан хизматига яраша баҳо ололмайди. Умуман, хизмат жойида эркак киши учун ёмон бошлиққа дуч келишдан ҳам кўра каттароқ муаммо йўқ.

Аммо агар ходим ўз бошлигини енгга олмаса, у охир оқибатда муваффақиятга эриша олмайди. Ахир фақат тушундиган, зийрак бошлиқ билан ишлаш нореал. Бу кўпроқ болаликдаги орзуларга ўхшаб кетади. Чунки дунёда «нокулай» бошлиқлар «қулай» бошлиқларга қараганда анча кўп. Бошлиқ билан чиқиша олмай, «Бундай ифлослик ва уятсизликка чидай олмайман» деб ариза ёзиб кетиш бошқа ком-

панияда худди шундай «ифлос ва уятсиз бошлиқ» бўлмаслигига кафолат бермайди.

Агар иш тўғри келмаётган бўлса, «феълни мослаштириш» сўзлари ҳар қандай ҳолда ҳам иш беради. Агар нокулай бошлиқقا дуч келиб қолсанг, феълингни унга мослаштириш. Бутун умр бир бошлиқ билан ишлашнинг иложи йўқ. Доимо бошиқа, ундан ҳам баттарига дуч келиш мумкин. Агар инсон ўз феълини ўзгартира олса, у ҳар қандай бошлиқ билан ишлай олади.

Агар бошлиқ унчалик қобилиятили бўлмаса, унга энг қобилиятили инсонга ёндашгандек ёндашиш керак. Унинг ўзгаришини кутишдан ёки унинг қарашларини ўзгартиришга интилишдан ҳеч қандай наф йўқ. Ўзга инсонни ўзгартириб бўлмаслитини доимо ёдда тутиш керак. Шундай тушунчага таянсанггина олға ҳаракат қўйла оласан. Бинобарин, сен вазиятни жиловлашинг ва ўз ишингни хотиржам қилишинг керак.

Агар кишида ўз феълини ўзгартириш имкони бўлса, ҳар қандай қийинчиликни, ишни уддалаб, ҳар қанақа одамлар билан тил топишса бўлади. Бир марта қийинчиликдан қочган киши эса, бир умр қочиб юради.

## **Иш ва вакт устидан хукмронлик қил**

Мен ҳеч қачон қилинган ишдан афсус чекмайман.

Агар қайта туғилсам, бу ишга янада кўпроқ куч-файрат сарфларидим? Аксарият одамлар, агар улар қайтадан туғилгандарида, янада кўпроқ саъй-ҳаракат қилган ва ҳаётларида кўпроқ нарсага эришган бўлишларини айтадилар. Аммо мен бундай деб ўйламайман. Буни бошқатдан қилсам ҳам, менимча, бундан яхшироқ қила олмаган бўлардим. Шу сабабли бажарилган иш борасида афсусланмайман.

Нега бунчалик тиришиб ишлайман? Менимча, бунинг сабаби биз туғилган заминда, яъни Кореяда.

Бу ерда туғилиш бор кучини сарфлаб яшашни тақозо қилувчи тақдирга эга бўлиш демакдир. Бу худди бой ва камба-

ғал оиласарда туғилған болалардаги фарққа ўхшайды. Агар инсон юксак ривожланған давлатда туғилса, бор кучини бериб ишиламаса ҳам, еб-ичиш, шифохонада даволаниш имконига зга бўлади. Аммо биз яшайдиган мамлакат бундай эмас. Кореяни ажойиб манзаралар мамлакати дейдилар. Аммо, аслида, бу ерда табиий ресурслар йўқ, ҳудудимиз жуда кичкина. Бунинг устига, мамлакат бўлингган. Кам ухлаб кўп ишлаш кераклигининг сабаби айнан мана шунда яширин.

Камбағал ота-онани айблашдан ёмон иш йўқ. Мен ҳётимда ҳеч қачон камбағал ота-онамни ёки камбағал мамлакатни айбламаганман. Мен бу ерда ғайрат билан ишлаш учун туғилғанман, деб ўйлайман, холос. Агар бошқалардек ухласанг ва ишласанг, олдиндагиларга етиб олишинг амири маҳол. Олдиндагиларга қараганда кўпроқ ишлаганингдагина ўшалариникидек турмуш даражасига эришишинг мумкин.

Аммо иш баҳона бошқа юмушларни ташлаб қўйиши — бу энди ишга ҳаддан ортиқ берилиб кетиш касаллигидир. Агар киши ҳаддан ортиқ банд эканлигидан ота-онаси билан гаплаша олмаса, оиласига вақт ажратмаса, дўстлар билан учрашмаса, бундай ишлашда нима маъно бор?

Ишнинг устидан ҳукмронлик қилиш — вақт устидан ҳукмронлик қилиш демакдир. Агар бир киши ишни беш соатда битирсаю, бошқаси ўн соатда тугалласа, иккинчиси ишни улдалагани билан вақтни улдалай олмаган бўлади, натижада маглуб саналади. Менга эргашиб, эрта тонгда ишга чиқиб, уйга ярим кечаси қайтиб келадиган одамларни учратдим. Агар бундай ишланадиган бўлса, тез орада касалга чалиниш ҳам мумкин. Шундай бўлардики, қобилиятли ёш ходимни лавозимда кўтаришарди, аммо кейин у ишни улдалай олмай қоларди. Бундай одамлар вақтни енга олмаган бўлишади.

— Сиз шундай бандсизки, спорт билан шуғулланишга ҳам вақтингиз бўлмаса керак? Соғлиғингизни қандай кузатиб турасиз?

Бу менга тез-тез бериладиган саволлардан бири, аммо уни унчалик тушунмайман. Айнан жуда банд бўлганим учун

ҳамма нарсага улгурман. Мен ўз ишим ва вақтимнинг эгасиман, шу сабабли ҳафтада икки марта, қанчалик банд бўлмай, теннис ўйнайман. Мумтоз мусиқа эшитиш учун вақт ажратаман, доим, ҳатто хизмат сафарида бўлсан ҳам, болалар билан сұхбатлашишга вақт топаман. Доимо банд киши ҳар доим ҳар нарсага улгуради.

Шунинг учун руҳий зўриқиши ҳам бўлмайди. Ишни ўз ўзидан бажариб юрсанг, бирор ишни бажаришга мажбур қилишганда руҳий зўриқиши юзага келади. Мен эса, айнан иш туфайли бундай зўриқишини енгдим.

### **Шанба куни ҳам расмий кийимда**

Шанба куни ишга чиққанимда, деярли барча ходимлар истаган кийимида келгандарини кўраман. Бунинг сабаби — ҳаммалари иш ҳафтасидан кейин дам олгани борадилар. Ҳатто раҳбарият ҳам яримрасмий кийимда келади.

Менимча, бу нотўғри. Чунки, ишга истаган кийимда келинса, куннинг биринчи ярмида хаёлни тушдан кейинги дам олиш банд қилиб олади ва иш талаб даражасида бўлмайди. Шу сабабли, ҳатто, шанба куни ҳам ходимларни расмий кўринишга қатъий амал қилишга мажбуrlайман.

Шанба куни янада жиддийроқ кийининглар.

Шанба куни ишдан кейин бирор ёққа бориш режалаштирилган бўлса, кийимларни ўзи билан олиб бориб, кейин алмаштириб олса бўлади. Бунинг иложи бўлмаса, яхшиси шу куни ишламаган маъкул.

Бу борада АҚШ ва Япония автомобилсозлигидан яхши бир мисол келтирса бўлади. Америкада энг кўп яроқсиз маҳсулот жума куни чиқаркан. Чунки, ишчиларнинг кайфиятлари келгуси дам олиш кунлари иштиёқида кўтаринки бўларкан. Аммо Японияда душанбадан шанбага қадар чиқарилган маҳсулотларнинг сифати бир хил бўлади. Чунки у ерда иш ва дам олиш қатъий ажратилган.

Бир гал Германиядаги инжиниринг компаниясида бўлгандим. У ерда офисда стуллар йўқ эди. Ҳамма йигиш аппарати

олдида тик туриб ишларди. Куннинг биринчи ва иккинчи қисмида ярим соатдан дам олишга рухсат бериларди, қолган пайт тик туриб ишлаш керак эди. Бундай ходимлар учун дам олиш онлари олтиндан қиммат. Бу ҳол тер тўкиб тоғ тепасига чиққач, дам олгани ўтиришга ўхшайди — у ер бошқа ҳар қандай жойдан кўра салқироқ ва ёқимлироқ кўринади.

Машаққат билан меҳнат қилмаган киши дам олиш вақтининг, ўз дам олиш кунлари ва таътилининг қадрига етмайди.

Жамоат мулки билан шахсий мулкнинг чегарасини аниқ билгандек, иш ва дам олиш чегарасини ҳам қатъий ажратиб олиш керак. Ишлатётгандан, ортиқча нарсалар ҳақида ўйламай, бутун дикқатни унга қаратиш керак. Шундагина дам олишнинг ажойиб лаҳзаларидан лаззатланиш мумкин бўлади.

### **Сурункали гепатитга қарши кураш**

Болаликда етарли овқат емаслик туфайли қўли узун бола эканлигим ҳақида кўп эшлишишимга тўғри келарди, лекин ишлай бошлаганимдан кейин бирор марта ҳам қаттиқ касал бўлмадим. Балки касал бўлишга вақтим ҳам бўлмагандир: мен иш қидирадим ва ҳаётий вазиятлар билан тинмай курашиб келардим.

Фақат бир марта жиддий касал бўлдим.

Бу 1977 йил ноябрь ойининг охирида, мени директор этиб тайинлашганидан кейин содир бўлди. Қаттиқ ҳоргинлик тарқ этмай қўйди. Авваллари бундай ҳолат ҳеч бўлмаганди, шу сабабли Сунчонхянг шифохонасига бордим. Текширувда, менда гепатит борлиги аниқланди ва шошилинч тарзда шифохонага ётиш лозимлигини айтишди. Мен мутлақо тинч бўлишим ва яхши овқатланишим керак бўлиб, даволашнинг бошқа усули йўқ эди.

Ҳаммаси тўсатдан рўй берди, шу сабабли шифокорга қулоқ солишга тўғри келди. Шифохонага жойлашдим, лекин бу ерда ётишга умуман вақтим йўқ, деб ўйладим.

Үшанды «Хендэ» қурилиш компанияси, Саудия Арабистонидаги мұваффақиятсизликдан кейин, ўзи учун янги бозорлар очиши керак эди. Унинг тақдиди шунга боғлиқ эди.

Мен шифохонага ётишга рози бўлдим, лекин, ҳар доимгидек соат 5 да ўрнимдан туриб, офисга кетардим. «Хендэ» қурилиш компаниясининг бош офисида ҳар куни соат 7 да Яқин Шарқ бўйича мажлис ўтказиларди. Соат 7 даги мажлисга қатнашиш учун кечи билан 6 да ишга келиб, телексларни ўқиб чиқиб, вазиятни мулоҳаза қилиб олиш керак бўларди. Иш куни шундай бошланарди. Мажлис, қарорлар қабул қилиш, кетидан иш юзасидан кўрсатмалар бериш, кечки овқат устида чет эллик вакиллар билан учрашув, музокаралар — ярим тунгача бутун кун банд бўлардим. Иш кунини соат 12 да якунлаб, шифохонага қайтардим.

Шу зайл шифохонада бир ҳафта «ётдим», кейин уйга рухсат беришди. Ҳар кеча соат 12 да уйимга ҳамшира келар ва томчидори қуийб кетарди.

Лекин бу билан ҳорғинлик кетмасди. Уйдагилар ҳам, ишдагилар ҳам менда гепатит борлигини билишмасди. Саломатлигим борган сари ёмонлаша борди.

Кейинги йил 24 февралда Сеул давлат университети қошидаги шифохонага бордим. Мени жигар касалларни бўйича энг яхши шифокор Ким Джонг Ренг текширди. Текширув натижаларига кўра, GPT ва GOT кўрсаткичи 900 дан ошиб кетганди, яъни менда оғир шаклдаги сурункали гепатит бор экан. Меъёрга кўра 30 дан кам бўлиши керак эди. Шу сабабли бу босқичда ҳорғинлик ҳиссига қарши ёлғиз куч-ғайрат билан курашиб бўлмаслигини айтдилар.

Доктор Ким деди:

— Аҳволингиз жуда оғир. Сиз ишдан бўшашингиз ёки узоқ таътилга чиқишингиз керак. Яъни, аввало яхшилаб дам олишингиз лозим.

— Бунинг иложи йўқ-ку.

— Директор Ли, агар даволанмассангиз, тўсатдан ўлиб қолишингиз мумкин, даволансангиз, яна камида 10 йил яшайсиз. Даволаниб олинг-да, истаганингизча ишланг. Аммо

соғлиқни йўқотсангиз, кейин ҳеч нарса қила олмайсиз. Сизга қайси бири муҳимроқ — ишлашми ёки яшаш? Бир қарорга келинг. Бугуноқ шифохонага ётинг, эртага эса таътилга чиқиши ҳақида компанияга ариза топширасиз.

Мен бошимни чайқадим:

— Сурункали гепатит туфайли таътилга чиққан, дам олган, аммо кейин барибир саратон ёки жигар циррозидан ўлиб кетган кўп одамларни кўрганман. Яхиси, ишни ташлаб касал бўлиб ўлгандан кўра, ишлаб туриб ўламан. Аммо ҳар қайси ҳолда ҳам, оиласмага хабар берманг.

— Унда мен сизни даволамайман. Бундай бемордан возкечаман.

— Нима қилардик, зоримиз бор, зўримиз йўқ.

Мен шифохонадан ўлимга ҳукм қилингандек чиқдим. Кейин икки ой шифохонага бормадим — вақтим умуман йўқ эди.

Икки ойдан кейин яна доктор Кимнинг олдига келдим. Доктор мени, ўлса ҳам ишда ўлишини, аммо шифохонага ётмаслигини айтган қайсар беморни текшириб кўрди.

— Ёмон томонга ўзгаришлар йўқ. Лекин яхшиланиш ҳам йўқ. Бир оз бўлса ҳам дам олдингизми?

Дам олиш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Мен ҳатто соғлиғимга ҳам эътибор бера олмагандим. Лекин шундай жавоб бердим.

— Мен эҳтиёт бўламан, ҳаммасини айттанингиздек қиласман. Фақат ишни ташлаб кета олмайман.

— Сизни нима қиласа бўлади? Майли, даволашга уриниб кўрамиз. Ишни ташлай олмайман деяпсиз. Яхши. Фақат бир томчи ҳам спиртли ичимлик ичмайсиз.

— Ваъда бераман.

«Ичкиликни енгиш»га уриниб кўриш керак, деб ўйладим. Дарҳақиқат, компанияда ишлаганда ичмаслик мушкул эди. Чунки музокаралар, учрашувлар, муҳокамалар бўларди, бундай тадбирларда ичишдан воз кеча олмасдим. Айтишларича, ҳозир компанияларда бунчалик кўп ичишмаёттан экан. Бизнинг давримизда эса ҳамма ичишни яхши кўрарди. Бундан умуман четда қололмасдинг.

Мен ваъдамга амал қилдим ва мабодо бир қултум пиво ичиб қўйсам ҳам, кейин оғзимни совуқ сув билан чайқаб ташлардим. Лекин ўнинг баробарида, ичмаслигимни бирорвга кўрсатмасликка ҳаракат қиласадим. Касаллигим ҳақида оила аъзоларимга айтиб бўлишганди, чунки юқиш хавфи бор эди.

Аммо ичмаслик гепатитдан тузалиш дегани эмасди. Вақт ўтгач, ошқозоним ёмон ишлай бошлади, қорним таранг эди. Доимий ҳоргинлик мени жуда қаттиқ қийнарди. Тушликкача бир амаллаб чидардим, лекин тушдан сўнг қовоқларим кўргоншин қўйилгандек оғирлашиб, кўзларим юмилиб кетарди. Мажлис ўтказаётганимда ҳар 10 дақиқада туриб, ҳожатхонага борардим.

У ерда муздек сувда ювениб қайтардим ва мажлисни давом эттираверардим.

Ўзимни шунчалик аҳмоқона тутгандим, Ҳаётимни асрмаганлигим учун ҳар қандай танқидни қабул қилишга тайёрман. Аммо, барибир, касалликнинг сабаби қандай бўлишидан қатъи назар, уни тузатиш тиббиётта эмас, фақат инсоннинг руҳига боғлиқ, деб ўйлайман.

Бир куни ҳалокатдан сўнг мўъжизавий равища тирик қолган бир баҳтсиз инсоннинг сўзларини тинглагандим. У ағдарилган машинанинг шундоқ тагида қолган бўлиб, то хушидан кетгунича дуо қилган экан.

«Парвардигор, мен ҳозир ўла олмайман! Албатта бажаришм керак бўлган ишими бор».

Шунчаки омон қолиш ёки муҳим ишинг борлиги учун омон қолиш — бу иккиси мутлақо бошқа-бошқа нарса. Гепатитга қарши курашар эканман, доим ўша кишининг сўзларини эслардим. Мен ҳам омон қолиши зарур бўлган, кўплаб муҳим ишлар кутиб турган одам эдим.

Ишлашда давом этдим, лекин текширувдан ўтиб туришни унутмасдим. Доктор буюрганидек, дориларни ўз вақтида ичиб бордим. Мен овқатдан кейин жуда кўп дори ичардим, ўнинг учун одамлар уларнинг нималиги билан қизиқардилар.

— Бу витаминалар. Кейинги пайтларда кўп чарчаяпман...

Балки, баъзи одамлар директор ёш бўла туриб, ўз соғлиғи ҳақида роса қайфураркан, деб ўйлагандирлар.

Тиббий текширувдан ўтаётганимда доктор Ким ва бошқа шифокорлар билан кўп баҳслашардим.

— Агар иссиқхонадаги ўсимлик каби яшаса ёки бир оз дам олиб яна олдингидек ҳаёт кечирса, касаллик қайталаниши мумкин. Лекин мен каби бир меъёрда ҳаёт кечириб, даволаниб борса, қайта касалликка чалиниш бўлмайди, шундай эмасми?

Шифокорлар кулишарди.

— Бундай даволаш мумкин бўлганда, bemорлар шифохонага ётиб нима қилардилар? Сиз бир меъёрдаги ҳаёт ҳақида гапирайпсиз, сизнинг ҳаёtingиз бир меъёрда эканми?

Аммо кейин нимадир бўлди-ю касаллик чекина бошлади. Шифокорлар ҳайрон бўлиб бош чайқардилар ва меники «ўзига хос организм» эканлигини айтардилар.

Жигар шамоллаши кўрсаткичи ҳам вақт ўтган сайин камайиб бораради. 1985 йилда кескин ёмонлашиш рўй берди, лекин шундан кейин тузалиб кетдим. 10 йилдан сўнг жигарим меъёрига тушди. Аммо шамоллаш йўқлиги ва гепатитни тузатиш — бу икки турли нарса. Гепатит жигар шамоллаши бўлиб, саратон ёки циррозга айланиб кетиши мумкин. Саломатлик ёмонлашганда эса, исталган пайт яна шамоллашни келтириб чиқариши мумкин. Доктор Ким шундай деганди.

— Гепатит вирусини даволовчи дори ҳалигача кашф этилмаган. Агар касаллик қайталанса, бу жуда хавфли бўлиши мумкин. Лекин яқин келажакда шундай дори топишади, шу сабабли сиз ўша пайттacha яшашингиз керак.


1990 йилда мен яна шифохонага бордим. Анализ натижаларини кўрган шифокор деди.

— Кизик. Гепатит В вируси йўқ бўлибди. Бундай бўлиши мумкин эмас... Қайта анализ қиласиз.

Эртасига олинган анализ натижалари ҳам шундай эди. Иммуноглобулин пайдо бўла бошлади. Шифокор қойил қолди.

— Табиий тузалиб кетиш ҳодисаси ўн минг кишидан биттасида бўлади. Қойил, сизнинг ҳолатингиз айнан шундай.


Кимдир мендан саломатлик сири ҳакида сұраса, гепатит билан боғлиқ воқеани айтиб бераман. Тиббиёт нұқтаи назаридан буни жуда оддий қилиб түшүнтирса бүлади: менинг ўзига хос организмим касалликни енгди. Аммо мен бутунлай бошқача ўйлайман. Балки мен бутунлай ишта берилгани учун шундай бўлгандир? Яъни, мен ишлашим керак бўлгани учун тирик қолгандирман? Охир-оқибат, мени иш қутқариб қолди.



## ПИ МЕН БАК

### Жаноб Аи, отланыз барми?

Агар болалар ота-оналары шу пайт қаерла  
ва нима билан машеулликтарини билиб ту-  
риңисе, уларга оиласа алохидә тарбия бе-  
ришнинг дожати йўқ. Якшанбани болала-  
рим билан ўтказа олмасам зам, улар норо-  
зи бўлишимайли. Чунки улар ишиётганимни  
аниқ билишади.



ЛИ МЁН БАК

## **Май қироличаси қабристонда**

— Жаноб Ли, ҳазиллашмаяпсанми? Сен бунчалик қашшоқ яшаганингга ишонгим келмайди. Сен жуда бадавлат оиласдан бўлсанг керак, деб ўйлагандим.

Болалигим ҳақида гап борган интервьюни ўқиб, президент Чонг ҳикоямга ишонмади. Олдинлари, иш муҳитида ҳам, шахсий мулоқотда ҳам, ҳеч кимга, жумладан, баҳтили-баҳтсиз дамларда бирга бўлган президент Чонгга ҳам, ўзим ҳақимда гапирмагандим.

Яширадиган гап бўлгани учун эмас, балки ҳаммамиз ишга берилиб кетганимиздан, бинобарин, фақат иш ҳақида гаплашганимиздан ўзим ҳақимда айтиб бермагандим. Болалигимда шаклланган ювошлигимга келсак, университетда ўқиётганимда бу феълимни бутунлай ўзгартирдим. Шу сабабли ҳеч ким қашшоқлик даврида қандай бўлганимни тасаввур ҳам қилолмасди.

Аммо қашшоқлик «Хендэ»га ишга кирганимдан кейин ҳам анча давом этди.

Ҳатто бир хонали хонадон сотиб олишга ҳам курбим етмасди, шу сабабли уйланиш ҳақида ўйламасдим ҳам. «Агар бирор нарсанг бўлмаса, уни асло бошқалардан ола кўрма», — деб ўргаттан эди онам. Шу сабабли, университетда ўқиганимда курсдошлар билан яқин мулоқотда бўлмагандим. Ишга кирганимда ҳам шундай бўлди. Йигитлардан дўстларим саноқли бўлганидан кейин, бошқа жинс вакиллари ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ эди.

Мен хизмат пиллапоясидан тез кўтарилидим ва 28 ёшимдаёқ директор ўринbosари бўлдим. Ўшандагина менга қизлар билан танишиш ҳақидаги таклифлар туша бошлади. Бир машхур совчи мени ўз рўйхатига қўшиб кўйиб, ҳар гал келин бўлиши мумкин бўлганлар ҳақида маълумот бериб турарди. Улар орасида бадавлат оиласарнинг қизлари, йирик сиёсатчилар ва амалдорларнинг арзандалари, машхур гўзаллар ҳам бор эди.

Аммо мен ўзимни пичоқقا илинарли ютуқقا эришган деб ҳисобламасдим, шу сабабли бой оиласдан бўлган, гўзал қизларга ўзимни муносиб билмасдим.

Бир куни менга ёши 20 дан ошган аёл қўнфироқ қилди. Ҳақиқатан мен Ли Мён Бак эканлигимни суриштириди. Мен тасдиқладим. У ўзини йўқотиб қўйди. Кейин эса, йифламсираб, уни ўзини Ли Мён Бак деб атаган киши алдаганини айтди. Бу ҳолатни тасдиқлаш учун учрашишни таклиф қилди. Кимдир менинг номимни сотиб қизларни алдаб юрганини эшитиб, мен ҳам ҳайрон қолдим. Қиз билан учрашиш учун кафега бордим. У чиройликкина қиз экан.

— Биласизми, мен ўзини «Хендэ» қурилиш компаниясидан Ли Мён Бак деб атаган киши билан танишгандим. У ўзига тез пул керак бўлиб қолганини айтди ва ота-онам унга қарз беришди... шундан кейин у кўздан йўқолди. Энди нима деб ўйлашга ҳам ҳайронман. Сиз ҳақиқатда ҳам директор ўринбосари Ли Мён Бакмисиз?

— Афсуски, ҳа.

— Балки сиз у кишини танирсиз?

Албатта, уни умуман танимасдим. Чунки ҳеч ким олдимга келиб, менинг номимдан иш кўришга рухсат сўрамаганди.

— Мен ҳам ўша қаллобни кўришни жуда истардим. У менга ўхшармиди?

Қиз менга диққат билан қаради ва, жавоб бермай, йифлаб юборди. Унга жуда раҳмим келди.

Бир куни қулай ҳолат юз берди. Похангдаги Донгджи юқори тижорат мактабида севимли ўқувчиси бўлганим инглиз тили ўқитувчиси мени дўстининг синглиси билан таништириди. У бой оиласдан эмасди. Отаси ҳалол давлат хизматчиси бўлиб, у ҳақда олдин ҳам эшитгандим. 1970 йилнинг баҳорида, биз танишганимизда у Ихва Аёллар Университетини тугаллаганди. Кейинроқ билдимки, у ўқиш давомида ўз гўзллиги билан машҳур бўлиб, талабалар фестивалида май қироличаси этиб сайланган экан. Лекин мен учун у гўзал эмас, балки, энг аввало, оқкўнгил қиз эди.

Иш тифизлигидан учрашувга умуман вақт топа олмасдим. Учрашувга ҳеч қачон вақтида бормаганман. Шундай ҳам

бўлардики, мен учрашишимиз керак бўлган кафега қўнгироқ қилиб, бир ўзи овқатланаверишини, етиб бора олмаслигими ни айтардим. Иш туфайли оғисдан чиқа олмай, уйига олиб бориб қўйиш учун машина юборган вақтларим ҳам кўп бўлганди.

«У худди ўша» деб қалбан иқрор бўлганимдан кейин, ундан мен билан бирга Тхегевондаги онам ётган қабристонга бориши илтимос қилдим. Мен ишдан чиққанимда қоронғу тушиб қолганди, қабристонга боргунимизча ҳаммаёқ зимзие бўлди. Шунда ўйлаб қолдим. Сеул — Пусан магистрали қурилиши ва бошқа қандайдир ишлар деб учрашувларга деярли келмадим, фотиҳа кунини белгиламадим, қандай қилиб у мен билан кечаси қабристонга боришга кўнди? Лекин у ўзини худди шундай бўлиши лозимдек тутарди.

Мен онамнинг қабри тепасида бошимни эгдим.

— Ойи, совуқ эмасми? Мана мен, ўғлингиз Мён Бак, олдингизга келдим. Жуда кам келаётганим учун маъзур тутинг. Отам, қариндошлар — ҳаммаси яхши. Биз уй ҳам сотиб олдик. Мен яна Таиландга ҳам бордим, ҳозир оғир техника бошқармасида ишлайпман. Ойи, бу сизнинг бўлажак кичик келингиз. Сизга ёқдими? Агар мен ўшандা қамоқقا тушмаганимда, ҳозир бирга яшайтган бўлардик, у сизнинг хизматингизда бўларди...

Мен, онам қабри тепасида тиз чўкканча, ботинда йифлардим ва дуо қилардим. Қоронғу бўлгани туфайли қаллиғим йиғлаётганимни кўрмасди. Шундай ҳолатда узоқ туриб қолдим.

Уйга қайтадиган йўлимиз текис ва осуда эди, худди онам бағридан чиқиб келаётгандек эдим. Ўшанда бор кучни сарфлаб, онам ўргатганлариdek яшаш керак, деб ўйлагандим. Яна мен билан борганлиги учун бу қиздан миннатдор бўлгандим.

Рафиқам қайнонаси билан қабристонда танишганидан кейин, доимо унга нисбатан хурмат билан муносабатда бўларди. Тўйимиздан кейин эса, рафиқам онам каби эътиқодли насронийга айланди.

## **Ли Мён Бак иккинчи хотини билан яшайды**

— Нима бўлди ўзи? Бу таъвияни қаердан топдинг?

Рафиқамнинг дугоналари фотиҳадан кейин шундай де-йишганди. Бундай сўзларни кутса бўларди, чунки менга талабалар орасидаги гўзаллик танловида ғолиб бўлган қиз турмушга чиқаётганди.

Аҳволим ҳам унча яхши эмасди. Рафиқам тўйдан олдин ундан икки нарсани: оиласи ва маълумотимни яширганимни айтади. Биринчиси — у менинг камбагал оиласдан эканлигими билмаганди. Икинчиси эса, у мени университетта кечки мактабни битириб кирганиганимни хаёлига ҳам келтирмаганди. Тўйимга отам ҳатто «10 вон» ҳам бермади. Тўйимизда бизга совға қилинган пул уйни гаров эвазига ижара олишга етмади ва ижара ҳақини ойма-ой тўлаб бораардик. Биз Мапо туманида 45 кв. метрли хонадонни ижара гилам совға қилишибди. Яшаш майдони 30 кв. метр бўлган хонадонга мен деярли ҳеч нарса сотиб олмадим. Ёш келин-куёвлар оиласида ягона даромад манбаи менинг ойлигим эди.



Сеул мэри Ли Мён Бак рафиқаси билан

Хар б 6 ойда хонадон эгалари ижара ҳақини оширишар, шу сабабли 3 йил ичиде 8 марта уйдан-уйга күчгандик. Иккинчи марта күчид үтганимизда биз ҳамма юкларни очиб, ичидан энг кераклilarини олгандин. Еттинчи марта күчганимизда эса, тугуллардан, фақат қошиқ-пиёлаларнигина чиқарып олдик. Күчид үтганимиз эсимдан чиқиб қолиб, ишдан түгри эски уйимизга борган пайтларим ҳам бўлганди.

Менинг хусусий уйим Хан дарёси бўйида давлат хизматчилари жойлашган кўпқаватли уйларнинг ёнида қурилган 73 кв. метрли хонадон эди. Уни лавозимим навбатдаги кўтарилиб, тижорат директори мансабини эгаллаганимда сотиб олгандим. У пайтларда туар жойга устама нархлар бўлмасди, хонадонни сотиб олувчи сифатида рўйхатдан ўтиш керак эди ва лотереяда ютсангиз, уни сотиб олишингиз мумкин эди. Хонадон 2 млн. 200 минг вон туарди, шундан 1 млн. вони 15 йиллик кредит эди.

Шу тариқа, рафиқам мен билан анча қийинчиликларни бошидан кечирди, бир уйдан бошқасига тинмай кўчиб юришларга чидади, аммо ҳаммасидан ҳам у гўёки менинг иккинчи хотиним эканлиги ҳақидаги миш-мишлардан қаттиқ сиқилди.

70-йилларнинг иккинчи ярмида, Кангнамдаги ишбилармонлар доирасида «Хендэ» директори Ли Мён Бак иккинчи хотини билан яшаркан», деган миш-миш юарди. Бу миш-мишлар компанияга ва, ниҳоят, менинг ўзимга ҳам етиб келди. Биринчи гал мен шунчаки кулиб кўя қолдим. Аммо миш-мишлар тинмасди. Кейин куладиган аҳвол бўлмай қолди. Мен бошқарув бўлимига қўнғироқ қилдим ва бундай гаплар қаердан чиқаётганлитини аниқлашни сўрадим.

Миш-мишлар тарихи бундай эди. Ўша пайтда «Хендэ»дан берилган, Алкудジョンг туманидаги хонадонда яшардик. Мен уйдан тонгда чиқиб кетардим, кечаси келардим, тез-тез хизмат сафарида бўлардим, шу боис қўшнилар мени деярли учратишимаган, фақат ёш аёлимни кўришарди. Уларнинг фикрича, қурилиш компаниясининг директориманми, демак, 50 ёшлар атрофидаман, бинобарин, аёлим 40 дан ошган бўлиши керак. Аммо у энди 29 ёшда эди ва бу қўшниларга жуда ғалати кўринарди. Аёлим бозорга қизим билан чиққанида,

одамлар бу «Хендэ» қурилиш компанияси директорининг рафиқаси, дейишарди. Бошқалар, директорнинг аёли қандай қилиб бунчалик ёш бўлиши мумкин, деб улар билан баҳслашишарди. Миш-мишлар ана шундан келиб чиққанди.

Одамлар фикрига кўра, 30 дан бир оз ўтган директор учун унинг 29 ёшли рафиқаси ҳаддан ортиқ ёш эди.

## Телесериаллардаги аёл

Бир муддат телевидение орқали «Истаклар ҳаёти» сериални намойиш этилганди. Унинг бош қаҳрамони мен эдим. Ўша телесериалда қаҳрамон оила курганидан кейин ҳам талабалик даврида танишган аёл билан учрашиб юрарди. Томошибинлар сериалдаги барча лавҳалар ҳақиқатга асосланган, деб ўйлагандилар.

«Эринг бошқа аёл билан учрашиб юрса, ҳеч нарса қилмайдими?» — деб рафиқамга тез-тез қўнғироқ қиласардилар. Мен сериал муаллифи билан боғланишга ҳаракат қиласардим. Рафиқам кулиб, сериалнинг турган-биттани тўқима эканлигини айтарди.

Нимадир бўлдию, бир шанба ишда ушланиб қолиб, уйга кеч келдим. Аёлим ёмон кайфиятда эди.

— Шу келишда қаердан келяпсан?

Мен ҳайрон бўлдим. Қаердан деганинг нимаси?

Кейин аёлим билан узоқ кулишдик. Айнан ўша куни навбатдаги серияда мен талабалик давридаги дугонам билан меҳмонхонада учрашиб, кейин уйга қайтган эканман. Шунинг учун аёлим саросимада экан.

Энди сериалдаги ўша қиз ҳақида.

Унинг ҳаётдаги тимсоли мени армияга олмаган кезлари черковда танишганим бир қиз эди. Менда, ҳатто, гуручдан тайёрланган винога ҳам пул йўқ эди, шунинг учун у билан учрашиш жуда нокулай бўларди. У доим қайла лағмон ва кинога билет сотиб оларди. Кейин билсам, у катта лавозимдаги давлат хизматчисининг қизи экан.

У якшанба кунлари мени кинога таклиф қилгани Итэвондаги уйимизга келарди. У таксида ҳам юрса бўларди, лекин

иззати нафсимга тегмаслик учун автобусда юрар, фақат арzon сояли қайла билан лағмон ер эдик.

Университетда биринчи марта йигитлар ва уларнинг қизлари учун кеча уюштиришди. Афтидан, у ерга албатта таклиф қилишимни кутган. Аммо мен талабалар кечаларига ҳеч қажон бормасдим, шу боис уни ҳам таклиф қилмадим. Бундан у жуда хафа бўлди.

Бир қанча вақт ўтди. Бир куни у туғилган куни шарофати билан бир меҳмон қилишимни сўради. Шу тариқа мен билан ярашмоқчи бўлди. Менга ўзини меҳмон қилиш имкониятини бермоқчи бўлганди, албатта, чунки бошқа пайтлар, одатда, пулни у тўларди. Бунинг устига қандайдир жуда мазали таом егиси келаётганинги айтди. Ҳозир Корея айирбошлиш банки жойлашган Илджиро 1 да қиммат япон ресторани бор эди. Кўринишидан, у ерга ота-онаси билан бориб турган бўлса керак. Биз иккинчи қаватга кўтарилдик, у ерда мен отини ҳам билмайдиган таомлар кўп эди.

У бизга Сукияки таомини буюртириди, мен у ҳақда эшитмаган ҳам эдим. Кичкина тарелкада хом тухум олиб келишди. Мен уни бир кўтаришда ичиб юбордим. Официант яна олиб келди. Мен уни ҳам ичиб юбордим. Буни кўриб, официант менга галати қараб қўйди.

Тушунмовчиликни сезган қиз менга нима қилиш кераклигини кўрсатди. Тухумни аралаштириб, шу қайлага овқатни ботириб ейиш керак экан. Мен қовун тушириб қўйганлигимни аңглаб, эсанкираб қолдим. Шунингдек, ҳали буларнинг ҳаммасининг ҳақини тўлашим кераклигини ўйлаб, сиқилардим. Шунинг учун мен асабий ҳолда, иштаҳасиз овқатланардим.

Мен ҳисоб-китоб учун чиқдим. У эса мени кўчада кутиб турди. Ўтиришимизнинг ҳақи менинг молиявий имкониятларидан анча баланд эди. Шунда мен соатимни гаровга ташлаб кетмоқчи бўлдим, Университетдан сал нарида жойлашган кафеда тез-тез шундай қилардим. Соатим эскириб, занглаб кетганди. Касса аппарати олдида ўтирган официант кулди ва соатимни отиб юборди. Уятдан ерга кириб кетай дедим.

Бошқа илож йўқ эди, кўчага чиқиб унга бор ҳақиқатни айтдим, пулни қайтаришга вазъда бердим. Қиз шу заҳоти пулни тўлади.

Мен бу шармандағарчиликка чидай олмасдим. Шу сабабли у билан бошқа учрашмадим. Ўша кунги овқат ҳақини дүстим орқали бериб юбордим.

Зиюнь воқеаларидан кейин қамоққа тушганимда, у ҳар куни мен билан учрашгани келишга ҳаракат қилас, аммо отаси уни уришиб, келтирмасди. Чунки юқори мансабдаги шахснинг қизи «давлатта қарши исён қутқучиси» билан учрашишига йўл қўйиб бўлмасди. Охир-оқибат, ота-онаси уни бошқа йигитга фотиҳа қилишди.

Қамоқдан чиққан куним мени кутиб олган жамоат арбоблари ва талабалар орасидан уни топишга ҳаракат қилдим, лекин у ҳеч қаерда кўринмасди.

Бир куни у билан тасодифан нон дўконида учрашиб қолдик. Мени қўриб, йиглаб юборди.

— Ота-онамга қарши чиқа олмай, бошқа бировга фотиҳа қилиб қўйилганман. Лекин агар айтсанг, уйдан қочиб кетаман.

Аммо мен бунга тайёр эмасдим. Ўша учрашувдан кейин бирор марта ҳам кўришмадик. Лекин телесериалда ҳозиргача учрашиб келамиз.

## Кўримсиз қиёфадан ўнғайсизланиш

Тайланддаги тропик ўрмон орқали магистрал ётқизган кезларимизда жамоамизда иккита аёл ишларди, улар менинг қалбимда узоқ сақланиб қолишган. Улардан бири тижорат директори Ким Енг Джунинг аёли, Чонг Джу Енгнинг синглиси, иккинчиси эса, курилиш объектидан сал наридаги қишлоқда яшовчи хитой Чен Ринг эди.

Ким хоним ошхонада ошпазлар ишини кузатиб бораради ва бошида мен ҳақимда унчалик яхши фикрда эмасди.

Бухгалтер сифатида мен ошхонада ишлайдиган аёллар билан тез-тез учрашардим — уларга масаллиқ учун пул берардим ва квитанцияларини йиғиб олардим.

Бир куни бу аёллар мендан:

— Бухгалтер Ли, уйланганмисан? — деб сўраши.

— Йўқ, ҳозирча бўйдоқман.

Шунда сал нарида турган Ким хонимнинг юзи тундлашди. Сабабини билмасдиму, лекин шу пайтдан бошлаб у мен билан

совуқ мұомала қила бошлади. Бир куни у мени чақириб: «Мистер Ли, кечқурун бизниңиң келинг, сизге айтадиган галим бор» — деди. Гал нимадалигини билмай, кечқурун униңиңиң бордим ва Ким хонимдан очиқ-ойдин таңбең эшитдим.

— Мистер Ли, жуда яхши ишләшингизни эшитдим. Ошхонада ҳам ёрдам берасиз, бунинг учун раҳмат. Ҳаммаси яхши. Лекин сизни огохлантириб қўймоқчиман. Мен болангиз борлигини кўрганман, шундай экан, нега бўйдоқман, деб алдаб юрибсиз?

У акаси каби тўғрисўз, очиқ феълли инсон эди. Шу сабабли уйланган, лекин ўзини бўйдок қилиб кўрсатаётган одамнинг қаллоблигига чидай олмаганди. Бунинг барини юзимга шартта айтди-кўйди.

— Нималар деяпсиз? Мен ҳали уйланмаганман-ку, бола қаердан бўлади?

— Ўтган гал, Кореяда кузатиш маросимида ёнингизда болангиз бор эди.

— Э, уни айтяпсизми...



Хорижда ишлаб юрган чоғларим

Ахийри Ким рафиқасининг менга нисбатан душманларча муносабатининг сабабини тушундим. У пайтларда чет әлга чиқиши нафақат кетаётган одамнинг ўзи учун, балки унинг бутун оиласи учун ҳам катта воқеа бўларди. Шу боис кетиш олдидан компания оғисида кузатиш маросими ташкил қилинарди. Менга оқ йўл ва хориждаги ишимга муваффақият тилагани қариндошларимдан фақат кенойим жияним билан келишганди.

У аслида ким эканлигини эшитиб, Ким хоним кулиб юборди. Шундан кейин менга ўз укасидек муносабатда бўла бошлиди. У гуруч нонни яхши кўришимни биларди ва ҳар гал баҳона топилганда нон пишириб, менга ҳам алоҳида олиб қўярди. Анча вакт ўтди. Ульсанда яшаганларида, баъзида уларникига кирадим ва у доим мени қариндоши каби яхши кутиб оларди.

Яна бир аёл — бу қурилиш объектилизнинг яқинида жойлашган хитой кафеси соҳибининг қизи Чен Ринг эди. Биз тамадди қилгани бу кафега тез-тез кириб турардик. Уларнинг ҳовлисида суви тоза қудук бўларди. Неча марта ушбу қудуқдан сув ичгани уриниб кўрганмизу, лекин соҳиб, Шарқнинг барча эркаклари каби, бегоналарни ҳовлисига киритмасди. Аммо мен ундан яхшилаб илтимос қилгандим, у оила аъзоларига: «Мистер Ли виждонли киши, биздан сув олаверсин», — деб айтиб қўйди. Шу тариқа мен уларнинг ҳовлисига кириш имтиёзига эга бўлдим.

Бир куни сув олгани ҳовлига кирдим ва кимдир менга тикилиб турганини сездим. Ортимга ўтирилиб, йигирма ёшлар атрофидаги чиройли қизга кўзим тушди. Нигоҳларимиз тўқнашди ҳамки, у қиз уй ичига кириб кетди.

Қизнинг кетидан сеҳрлангандек қараб қолдим. Қуюқ қошлилар, оппоқ бадан, анъанавий хитойча кўйлак остидан сезилиб турган гўзал қадди-қомат — буларнинг бари рўёдек кўз олдимдан кетмасди.

Иккинчи марта сув учун борганимда, сув ҳақида эмас, ҳалиги қиз ҳақида ўйлардим, нигоҳим билан уни излардим. Шунда у яна пайдо бўлди. Бу учрашув чоғида табассум билан бир-биримизга боқишига муваффақ бўлдик. Лекин бу гал ҳам у тезда ичкарига кириб кетди.

Мен сув баҳонасида бир неча марта қатнадим, у қиз ҳар гал чиқиб, қудуқ ёнига келиб ўтиради. Мен борган сари сувга тез борадиган бўлиб қолдим, у эса, худди мени кутиб тургандек, доим қудуқнинг олдида пайдо бўларди. Бир куни муносабатларимиз янги босқичга кўтарилди ва биз йўл бўйидаги кафеда учрашдик.

Кафеда унга диққат билан қараканман, кўзимга янада чиройли қўриниб кетди. Йигирмадан ошган йигитга ҳар қандай ажнабий қиз, аслида шундай бўлмаса ҳам, фаришта бўлиб қўринади. Лекин у ҳақиқатан ҳам гўзал эди, шу сабабли унга эътибор бермасликнинг иложи йўқ эди.

— Бунча чиройлисан!

Биз бир-бирилизга унчалик кўп гап айта олмасдик. У пайтда инглиз тилини яхши билмасдим ва инглизча галиришга қийналардим. Чен Ринг эса, инглиз тилини мендан ҳам ёмон биларди. Биз бир-бирилиз билан гаплаша олмасдик, аммо қалбларимиз ўзаро бемалол сұхbatлашарди. Биз бир неча мартагина учрашдик. Лекин бир-бирилизни анчадан бери биладигандек ҳис қиласдик.

У билан учрашганимда, ҳар гал ташқи қиёфам чиройли эмаслиги фикри мени қийнарди. Болалагимдан эшитганим: «Болаларнинг ичиди энг хунуги Мён Бак», — деган фикр эди. Мен ўзим ҳам шундай деб ўйлардим, бу чиройли қизнинг олдида эса, «хунук қўринишими»дан янада қаттироқ уялардим.

— Сен шунчалик чиройлисан, мен эса — йўқ. Менинг кўзларим жуда кичкина, уларни сенини билан таққослаб ҳам бўлмайди. Мен ҳатто Бангкокка бориб, операция қилдирмоқчиман. Шунда кўзларим сал каттароқ бўларди ва сен билан учраша олардим.

Чен Ринг бошини чайқаб қўйди.

— Ташқи қиёфандаги энг жозибалиси — шу тиниқ кўзларинг. Сени ким чиройли эмас, деди?

Чен Ринг мени, айниқса, болалагимдан ғашимга тегиб келишгани — кўзларимни чиройли деган биринчи одам эди.

Ҳақиқий уруш кечётган қурилиш обьектида менинг юрагим романтик орзулас ва ҳасратга лиммо-лим эди.

Аммо бу туш узоқ давом этмади. Хитой кафеси соҳиби йўл четидаги кафеда учрашаётганимизни билиб қолди ва

қизига күчага чиқиши, менга эса, ҳовлиларига киришни тақиқлаб күйди. Афтидан, мен энг қатый аньаналар билан яшаётган Чен Рингнинг қалбига ўт солган биринчи йигит эдим, у билан бошқа кўришмаслигимни билиб, қаттиқ қайгуардим. Лойиҳамизнинг сўнгти босқичида компания зарарларини бирор бир йўл билан қисқартириш учун кураш кетарди, шу боис бу ажнабий гўзал билан боелиқ орзуларим вақт ўтган сайн аста хиралашиб, унтулиб кетди.

### **Яхши ота бўлиш сири**

— Жаноб Ли, оилангиз борми?

Баъзан шундай савол беришади. Унга қандай жавоб беришни ҳам билмайман. Агар оилас бор, десам, оила бошлиғи бўла туриб, унга етарли эътибор бермасликда айблашади, йўқ десам, фирт ёлғон бўлиб қолади. Шу сабабли ҳар гал бу масала ишга тааллуқли эмас деб, жавоб беришдан қочаман.

Оилас бутунлай аёлимнинг кўлида. Тўрт фарзандим бор: уч қиз ва бир ўғил. Лекин бирортаси туғилганида шу ерда бўлмаганман. Мен бутунлай ишга шўнғиган ҳолда яшаганман, шу сабабли оилас билан ўтказадиган вақтим деярли бўлмаган.

Айниқса, 80-йилларнинг ўрталаридан, «Хендэ» қурилиш компаниясининг директори бўлганимдан кейин, ҳар йили олти ойдан зиёд вақтни хорижда ўтказган пайтларим бўлганди. Оилас билан саёҳатга боришга ҳам вақтим бўлмасди. Аникроғи, бир марта аёлим билан, бир марта бутун оилас билан борганимиз, холос. Директор лавозимига тайинланышим ҳақида буйруқ чиққанида ўйлаб кўриш учун вақт керак эди. Бўш вақтимдан фойдаланиб, униб-ўсган жойларимга боргандик. «Хендэ»дан кетиш ҳақида қарор қабул қилишим керак бўлганда Чеджку оролига бордик. Аммо бу кутилмаган таътиллар, барибир, ишим билан боғлиқ эди, шу сабабли бутун оилас билан умуман ҳақиқий саёҳат қилмаганман деса ҳам бўлади.

Шунга қарамай, болаларим доим: «Дада, сиз жуда эътиборлисиз», — дейишади. Уларнинг синф раҳбари буни ту-

шұна олмаслигини айтибди. Аслида ҳам, мен болаларим учун ҳеч нарса құлмадым. Мен чет әлға хизмат сафари билан борганимда бирор марта ҳам уларга совға олиб келмадым. Баъзан уларга самолётта бериладиган, йүловчилар учун мұлжалланған бир марталик ашёларни олиб келиб берардим. Болалар бошида булар оталари улар учун атайин сотиб олған совғалар, деб ўйлашарди, аммо катта бўлишгач, оталари уларга ҳеч қачон ҳеч нарса олиб келмаганлигини тушунишди.

Шундай экан, мендек ота қандай қилиб болалари томонидан «эътиборли» деб баҳоланади? Бунингсири нимада?

Мен хизмат сафарига жұнар эканман, аёлим болаларнинг күн тартибини яширинча берарди. Бу жадвални унинг ўзи тузган бўлиб, унда болалар қачон дам олишга чиқишиди, қачон имтиҳони бўлади, бундан ташқари, кейинги пайларда қандай дўстлар билан муомалада бўлгани, бу болаларнинг оиласари, ўзлари — ана шулар ва шу каби бошқа маълумотлар батафсил акс этарди (болаларим китобни ўқигач, бу «яширин маълумот»ни билиб, роса хафа бўлишса керак!)

— Мен — отангман. Сингапурдаман, бу ерда қаттиқ ёмғир ёғяпти. Сизларда қандай?

Суҳбатни об-ҳаводан бошлаб, аста имтиҳонларга ўтардим.

— Бугун имтиҳонинг қалай ўтди? Корейс тили, математика ва физика — учта фандан топширишинг керак эди-а?

— Дада, қаердан биласиз?

Кулардим ва, блокнотта қараб олиб, эртага қандай имтиҳон бўлишини айтардим.

— Эртага эса, инглиз тили ва тарихдан, тўғрими?

Шу боис болалар отамиз жуда эътиборли экан, ҳатто күн тартибини ҳам ёддан билади, деб ўйлашарди.

Бир куни учинчи қизим билан телефон орқали гаплашдим.

— Эртага дам олишгами? Ҳамма нарсани тайёрладингми? Денгиз карамидан ўрама ҳам қилиб бўлгандирсизлар? Ким қилди?

— Ўрамани уй хизматчимиз қилади.

— Шундайми? ... Гўшакни онангга бергин-чи.

Аёлим билан гаплашаётганда унга: «Болалар учун ўрамани ўзинг қилсанг ҳам бўларди», — деб ўтиrmадим. Об-ҳаво ҳақида ва бошқа майда-чуйдалар ҳақида гаплашиб, кейин хайрлашдим. Кўнғироғимдан кейин нима бўлишини тасаввур қиласдим.

— Отанг нима деди?

— Дам олишни яхши ўтказишмни тилади. Ўрамани ким тайёрлади, деб сўради, мен уй хизматчимиз қилганини айтдим.

Шунда аёлим барча ишни ташлаб, ўзи ўрама тайёрлаб кетарди. Аёлим иштирокидаги бу саҳнани ўйлаб топганим йўқ. Бу ҳақда уйга қайтгач, эшитдим. Ўрама тайёрлашни аёлимга буюрмаслигимнинг сабаблари бор эди. Эр-хотин бўлсак ҳам, лекин мен унга кўрсатма бера олмасдим.

Болаларни бир ўзи тарбия қилиб, черковга кўмаклашиб келаётган аёлимга танбех беришга ҳаққим йўқ эди. Қизимга «ўрамани онанг қилсин», десам бўларди, лекин бундай қилмасдим. Чунки буни қизимдан нега сўраётганимни аёлим шундоқ ҳам яхши биларди. Натижада битта қўнғироқ билан ниятимга эришардим.

Хеч қачон ўғлимга тўғридан-тўғри: «Бу бола билан ўйнама», — демаганман. Агар «мумкин эмас, қилма, керак эмас» деган сўзлар тез-тез ишлатилса, болалар ота-оналарига қулоқ солмайдиган бўлишади. Бунақада улар узоқлаша бошлишади ва вақт ўтган сайин оиласда очиқ суҳбат умуман йўқолиб кетади.

Мен ўғлимга дўстлашса яхши бўладиган болаларнинг исмларини айтардим. Уларнинг, ота-оналарининг ишлари қалай эканлиги ҳақида суриштирадим. Дўстнинг яхшилиги оиласининг бойлиги ёки обрўли эканлиги билан ажратилмайди. Энг аввало, уларнинг оиласида қандай муносабатлар ўрнатилганлигига қаардим. Ушбу дўстларининг ота-оналари ҳақида иложи борича тез-тез гаплашардим.

Шунингдек, хеч қачон ўғлимнинг мен ёқтиrmайдиган дўстлари ҳақида гапирмасдим. Табиийки, бола ота-оналари ҳақида кўп суриштириладиган болалар билан мулоқот қиласдим. Шу тарзда мен болаларга билвосита таъсир кўрсатиб, яхши дўстларни ёмонларидан ажратишга ўргатдим.

Фақат шу йўл билангина болалар: «Отамиз биз ҳакимизда ҳамма нарсани — қаерга боришимиз, ким билан гаплашибимизни билади. Агар ёмон болалар билан муроқот қилсам, отам буни билиб қолади. Шунинг учун, яхшиси, бундай болалар билан гаплашмаган маъқул», — деб ўйлашларига эришиш мумкин.

Болаларнинг фақат билимiga эътибор бериш ярамайди. Ота ўз услубига, ўзининг янгича ёндашувларига эга бўлиши керакки, болалар ўзларига нисбатан бундай доимий эътиборни ҳис этиб турсинлар.

### **Эртага мен уларнинг машинасида кетмайман**

Иккинчи қизим бир муддат бизнинг туманимизда яшовчи прокурорнинг қизи билан бир машинада мактабга қатнади. Лекин бир куни мактабга кетаётib, ҳайдовчи йўл қоидасини бузибди ва машинани йўл полицияси тўхтатибди.

— Отам — прокурор.

Қизча отаси кимлигини айтибди, полициячи прокурорнинг исмини аниқлабди ва уларни шундоқ қўйиб юборибди.

— Эртага уларнинг машинасида бормайман.

Ўша куни уйга қайтгач, иккинчи қизим шундай деди. Прокурорнинг қизи бўлса нима қилибди, қоида бузилгандику. У ҳаяжон билан икки томон ҳам — машина прокурорники бўлгани учун қўйиб юборишини сўраган ҳам, бу илтимосни бажарган ҳам ноҳақ эканлигини айтарди.

— Балки ҳайдовчи қоидаларни тасодифан бузгандир. Сен уларни унчалик ёмонлама.

Шундай дердиму, қалбимда қизимнинг бу ишидан хурсанд бўлиб қўярдим.

Баъзан бажарилиши қийин бўлган ишлар юзасидан уйга қўнғироқ қилишарди. Баъзида болалар тинглаб туришганини унтиб, баланд овозда гапириб юборардим, бунинг учун кейин болалар менга танбех беришарди.

— Бўпти, сиқилма. Нимадир қилишга ҳаракат қиласман. Агар ўхшамаса, ундан ҳам каттароқ одамлар бор...

Мен суҳбатни тугатишм билан тўртталови ўраб олди.

— Дада, қандай қилиб бундай гапира оласиз? Бу түгри эмас. Кучлилардан ёрдам сүраш адолатдан эмас. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳамма нарса шу ахволга келган...

Үша куни бор кучим билан ўзимни оқлашга уриндим ва болаларимнинг танқидига нишон бўлдим. Бизнинг фарзандларимиз тубанлик ва уят қўлмишларга чидай олишмайди. Улар қоидага қатъий амал қилишни талаб этишади.

Баъзан ота-оналарнинг бола тарбиясидаги хатти-ҳаракатларини тушунолмай қоламан. Чунки улар ҳамма нарсага болаларга ҳос қарашга қодир эмас. Моддий неъматлар — таом, кийим, харажат учун пул — булар бола тарбиясидаги энг муҳим нарсалардир, деб ўйладиган одамлар кўп. Улар болалик пайтларида ўзларига нима етишмаган бўлса, худди болаларига ўшани беришга интиладилар. Бу — нотўғри.

Мен болаларим билан кўп вақтни бирга ўтказа олмайман, лекин улар биргаликда ҳаёт кечираётганимизни доимо ҳис этишларига ҳаракат қиласман. Мен болаларимнинг кун тартибини яхши билганимдек, улар ҳам менинг ҳаётим ҳақида ҳамма нарсани билишарди. Доим қаердалигимни билишади. Қизим университеттаги кириб тўтаракка қатнаганида, мендан талабалар газетасига мақола ёзиб беришни сўради. Мен офисда ўтириб, мақола ёзардим. Қизим қўнгироқ қилди, мақолани топшириш муддати ўтиб кетишидан хавотирланарди.

— Ҳозир ёзаяпман.

— Дада, ёзиб бўлишингиз билан уйга тез келинг.

Агар болалар ота-оналари шу пайт қаерда ва нима билан машгулликларини билиб туришса, уларга оилада алоҳида тарбия беришнинг ҳожати йўқ. Қайси ота клубга рақс тушгани ёки қизлар билан караокеда ичкилик ичишга кетаётганилигини боласига айтади. Болалар билан очиқ бўлиш учун яхши ишлар билан шуғулланиш керак. Агар ота-оналар уларни уялтириб қўймайдиган иш қилишса, болалар ҳам улардан ибрат олишади.

Якшанбани болаларим билан ўтказа олмасам ҳам, улар норози бўлишмайди. Чунки улар ишлаётганимни аниқ билишади.

Ота-онанинг ҳаёти — бола тарбияси демакдир. Уларни қандай тарбия қилсам экан, деб қайфурин керак эмас. Ота-

она қандай яшashi кераклиги ҳақида ўйлаши ва ўз фикрмұлохазалари ҳамда қылмишлари учун болалар олдида жавоб бериши лозим.

## **Пул топиш ва сарфлаш усули**

Сиёсий доираларга кирганимдан кейин бир қанча зарбалар едим.

Бириңчиси, аввал айтганимдек, ажралишимга түғри келгандың президент Чонг билан мұносабатларим. Бошқаси эса — одамларнинг менда, профессионал бошқарувчидә мол-мұлкнинг шунчалик күплиги хусусидаги айловлари. Бу мен учун зарба бўлганлигини қайта айтаман, бунинг сабаблари бор эди.

Жамиятимизда шундай давр бўлдики, катта мол-мұлкка эга бўлиш уят санади ва бундай кишига жиноятчига қарангандек қарашарди. Бу жуда хавфли жараён эди. Агар жамиятда бундай қарашлар қучайиб борса, давлат ўз олдига қўйган мақсадига — ўз фуқароларининг турмуш даражасини оширишга эришиши қийин бўлади.

Жамиятда давлат хизматчиларининг мулкларига эътибор қучайиб бораётган даврда телевидениедаги бир соатлик токшоуда қатнашдим. Ўшанда мен жамиятимиз покиза ва камбагал эмас, покиза ва бой бўлиши кераклиги ҳақида айтгандим, бу кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Муаммо инсонда пул кўп ёки камлигига эмас, бу пулиар қай йўл билан топилганини дидир. Пулларнинг келиб чиқишига эътибор қаратган жамият адолатидир. Шубҳасиз, ноҳақ йўл билан пул топган компаниялар ва одамлар катта ижтимоий муаммо саналади. Шу сабабли жамиятда ҳамма бойларга нисбатан салбий мұносабат шакланган, буни тўғрилаш лозим.

Корейсларда «итдек ишлаб, қиролдек сарфлаш», деган мақдол бор. Яъни дадил сарфлаш учун ҳалол, қонуний йўл билан пул топиш керак.

Аслида ҳам, менинг мол-мұлким компаниянинг оддий ходимлариникидан кўп. Аммо бу билан мен компанияда ишлаб, ҳалол йўл билан ҳам кўп пул топиш мумкинлигига намуна бўлмоқдаман.

Үтган 30 йил давомида мен компанияда бор кучимни берib, ҳатто таътиллардан ҳам фойдаланмай ишладим. Агар мен Америка компаниясида 15 йил директор бўлиб ишласам, бойлигим қанча бўларди? Бу Америка жамиятида мулламога айланган бўлармиди?

Менинг бор мулким — уйим ва иккита ер участкасидир.

Нонхен туманидаги ҳозир яшаётган уйим анча катта. Бу уйни менга «Хендэ» компанияси, мени 1979 йилда директор этиб тайинлашганда, у ерда чет эллик меҳмонларни қабул қила олишим учун, қуриб берган.

Сочо туманида мен офис сифатида фойдаланадиган бино ва яна ер участкаси бор. 1976 йилда директорнинг биринчи ўринbosари бўлганимда, Яқин Шарқдаги йирик буюртма учун менга мукофот беришганди. Ўшанда бу пулларни тасарруф қилишга вақтим йўқ эди, шу туфайли директорнинг молиявий масалалар бўйича ўринbosари Чонг Тхэк Гюга банк ҳисобрақмини берib, мукофотни тасарруф қилиши учун топшириб қўйгандим. Кейинчалик бу ҳақда унутиб юбордим, лекин директор ўринbosари Чонг пенсияга чиқиши арафасида ўша пулга Сочо туманида ер участкаси сотиб олганлигини айтди.

Бошқа ер участкаси Янгдже туманида бўлиб, тахминан 820 кв. метр келади ва уни менга Сеул шаҳри маъмурияти 1972 йилда мажбурлаб тутқазганди. Ўша пайтларда шаҳар маъмурияти компанияларнинг юқори мансабдор шахсларига метронинг биринчи линияси қурилиши бўйича облигацияларни, асосий суммани 2 йилда қайтариш шарти билан, сотганди. Ўшанда 2 млн. 500 минг вон туродиган облигация сотиб олишга мажбур бўлгандим, лекин 2 йил ўтиб кетсада, пулни қайтаришмади, унинг ўrniga Янгдже туманидаги ташландиқ ер участкасини беришди. Мен норози бўлиб шаҳар маъмуриятига мурожаат қилдим, лекин бу ҳеч қандай натижা бермади.

Булар — менда бор нарсалар. Мен бойиш учун атайин ҳаракат қилмадим. Пулни бундай нарсаларга сарфлаш учун бир дақиқа ҳам бўш вақтим бўлмади. Мен компанияда юқори лавозимдаги бошқарувчига тегишли маош олардим ва бундан фурурланардим. Мен ҳаётимда ҳеч қачон «кўчмас мулк чайқовчилиги» билан қизиқмаганман. Қизиққанимда эди,

Манчжурия ёки Сибирдан ер сотиб олишга ҳаракат қилган бўлардим.

50 ёшдан ошганлар учун ҳаётдан мақсад — шунчаки яхши яшаш. Булар уруш вайрон этган мамлакатни қайта тиклаш йўлида файриинсоний куч-ғайрат сарфлаб, қон тўккан ва ўз мақсадига эришган авлоддир.

Биз пул жамғариш учун ҳамма ишни қилиб кўрадик, лекин ишлаб топганларимизни қандай сарфлаш устида ўйламасдик. Бинобарин, кейинти авлодни ҳам бунга ўргата олмадик. Шу сабабли бაъзи ёшлар ота-оналари топган пулни шунчалик ўйламай ишлатадиларки, бу жамиятда янги муаммони юзага келтиради.


Мен билан аёлим болаларимизга мерос қолдирмоқчи эмасмиз. Биз уларга фақат ота-оналаримиздан олган ва ўзимиз ишлаб топган маънавий бойликни қолдирамиз. Биз ота-онализни асло айбламаганмиз, лекин, эҳтимол, болаларимиз бизни айблашар. Бироқ, улғайиб, фарзандли бўлишгач, уларга ниманидир ўргатиш кераклигини ўйлаб қолишади ва ўшанда, ишонаманки, бизни тушунишади.

1994 йилнинг охирида мен Корея ярим ороли ва Шарқий Осиё келажагини ўрганиш жамғармасини туздим.

Бу жамғарма олимларнинг тадқиқотларига ва малака оширишларига, семинарлар ўтказишга, илмий материаллар ва китоблар чиқаришга маблағ йўналтиришини режалаштирган. Илм-фан, технология, атроф мұхит, гендер, этнология, иқтисодиёт, мудофаа, маданият ва Шарқий Осиёнинг бошқа соҳалардаги келажаги масалаларини кенг кўламда тадқиқ қилиш лойиҳасини бошлиш режалаштирилмоқда.

Ижтимоий таъминот лойиҳалари билан давлат ва иирик компаниялар шуғулланиши мумкин. Ногиронлар ва кексаларга барча кўмаклаша олади. Аммо Шарқий Осиёни чукур ўрганишга бағищланган узоқ муддатли лойиҳани жамғарма тузмасдан амалга ошириб бўлмайди. Бундай жамғармани тузиш менинг «покиза ва бой давлат» борасидаги концепциямда илк қадам бўлди.


Шу тариқа, жамғарма тузиш орқали мен, ўзим тушунишмча, пулни қандай сарфлаш кераклигини барчага намоийиш этгим келди.



## ПИ МЕН БАК

### *Келесек — Шимола*

Икки Кореяning иқтисодий ҳамкорлиги бошлиниши билан ер усти йўли очилади. Бу Шимоли-шарқий Осиё иқтисодий блоки томонидан аниқ ҳаракатлар бошланшишига хизмат қиласди. НАФТА ва ЕИ билан биргаликда тўртта асосий иқтисодий марказларни ташкил қиливчи Япония ва Хитойning ракобатларига бардош бериш учун Жанубий ва Шимолий Корея олдила ягона ўйл мавжуд, у ҳам бўлса бирлашишидир.



“ЛИ МЕН БАК”



274 Мұғжиза содир бўлмайди

## **Янги дунёни излаб**

1988 йилнинг мартада мен «Хендэ» қурилиш компаниясининг президенти бўлдим. Бу ўсиш компания директори бўлганимдан кейин 11 йил ўтгач, ишга кирганимга 23 йил бўлганида рўй берди. Ўшанда мен 46 ёнда эдим.

Барча ОАВлар шунақанги шов-шув кўтаришдик, худди айнан шу воқеани кутиб туришгандек эди. Мени «барча хизматчиларнинг суюклиси» деб аташди.

Мен барчанинг диққат марказида эдим.

Менинг компания президенти лавозимига тайинланишим 1987 йилнинг февралидаги «Хендэ» корпорацияси раҳбариятидаги катта ўзгаришлар билан бир вақтда содир бўлди. Ўшанда «Хендэ Моторз» компанияси президенти Чонг Се Енг «Хендэ» корпорацияси президенти, президент Чонг эса, фахрий президент бўлди. Аммо корпорацияни амалда у бошқарарди.

1980-йиллар бошларида «Хендэ» иккига бўлинди. 1982 йилнинг майида Ли Чун Рим «Хендэ Хэви Индастриз» компанияси президенти, Ким Енг Джу эса, «Хендэ Энджин» президенти бўлишиди. Шундай қилиб, «Хендэ» корпорациясининг баъзи бўлинмаларига профессионал бошқарувчilar раҳбарлик қиласидан, бошқа бўлинмаларни эса президент Чонгнинг болалари бошқарадиган бўлишиди. Менежерлар бўлинмаларда улар учун замин ҳозирлашарди.

Айнан шу пайтда, бошқарувда профессионаллар билан Чонгнинг меросхўрлари тўқнаш келётган бир вақтда мен компания президенти бўлдим. «Хенде»да менга катта ҳурмат билан муносабатда бўлишарди. Аммо, шунга қарамай, корпорацияни тарк этиш вақти яқинлашаётганлигини ҳис этардим. Чунки Чонгнинг компанияга раҳбарлик қилаётган фарзандлари менинг авлодимга мансуб эмасди. Ҳалок бўлган Чонг Монг Пилга айтганимдек, мен Чонг билан бир авлодга мансуб бошқарувчи эдим. «Хендэ»да менга яратиб берилган шарт-шароитдан умримнинг охиригача фойдаланиб юра олмасдим. Зоро мен ҳеч қачон ҳаётимга келажак қачон кириб

келаркан, деб бир ерда асти кутиб ўтиrmайман. Ваҳоланки, кўпчилик шундай яшайди. Аммо мен доим вактдан қўлим баланд келишига интилардим, шу сабабли, келажакни ўзлаштириб, қўлга олиш учун янга унга томон қадам ташладим.

Президент бўлганимдан кейин, компания учун сўнгги маротаба нима қилсам бўларкин, деб ўйладим. Бу навбатдаги ўзгаришлар зарур бўлган давр эди. Ўтмишга қарасак, «Хендэ» қурилиш компанияси ҳар 10 йилда ўзи учун янги йўналишларни белгилаб оларди. 1960-йилларда компания биринчи бор чет элдаги қурилиш учун буюртма олди, 1970-йиллар ўргаларида Яқин Шарқ бозорига чиқди ва жаҳонга машҳур компанияга айланди. Прогрессив ҳукумат, шунингдек, «Хендэ» каби муваффақиятли компаниялар Корея иқтисодиётининг 70-йиллардаги жадал ривожланишининг локомотиви бўлишди.

Агар компания олға интилмаса, ўз мавқенини бой беради. Бир дақиқа ҳам тўхташ мумкин эмас. Компания ички ислоҳотлар орқали ўз келажагини яратиши керак. 1980-йиллар ўргаларида компания обрёси бутун дунё учун очиқ бўлган ўзлаштириш руҳига асосланганди. Шу боис «Хендэ» қурилиш фаолияти учун «янги ер» керак эди. Мана шу янги ўзлаштириладиган жой кескин тараққиётининг навбатдаги босқичи бўлиши керак эди.

Бешинчى республикани тутатиш масаласи бўйича Миллий Ассамблеяда қатнашганидан кейин, президент Чонг Джунг, ўзига нисбатан хиёнат қилишди, деб ҳисоблаб, сиёсий ҳокимиятдан ҳафсаласи пир бўлганди. Корпорациянинг олтинчи республика ҳукумати билан мураккаб муносабатлари унинг фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида муҳит оғирлашиб, янгиланиш учун йўл топиш керак эди. Компания қиёфасини янгича тасаввур қилиб, янгича тушуниш тақозо этиларди.

Бир куни дунё ҳаритасини дикқат билан томоша қилдим.

«Хендэ» ва шахсан ўзим учун янги дунё қаерда?

Мен Шимол ҳақида ўйлай бошладим. Шимол деганда мен коммунистик дунёни: шимолда Корея ярим ороли билан чегарадош Совет Иттифоқи, Хитой, Шарқий Европа, Шимолий Корея ва бошқа давлатларни назарда тутардим. Биз

Иккинчи жағон урушидан кейинги режим құрбонлари бүлдик. Ақа укасига милтиқ ўқталишидек фожиа рўй берди ва Шимол биз учун душманга айланди. Бошқача айтганда, доимий таҳдид ва қўрқув манбаи бўлиб қолди, шу сабабли ундан четроқда юриш талаб этиларди. Шу сабабли бизнинг ишимиз тенг иккига ажralганди. Мафкура туфайли биз ногиронлар каби яшардик.

Сиёсий нуқтаи назардан Шимолга оид дипломатия аввало Пхеньянга қаратилганди. Москва ва Пекин Шимолий Кореяга чиқиш учун айланма йўллар эди, холос.

Аммо иқтисодий нуқтаи назардан қаралса, бу жуда тор ёндашув эди. Чунки собиқ Совет Иттифоқи ва Хитой Пхеньянга бориш учун транзит мамлакатларгина эмасди. Бу иккала мамлакат Корея ярим ороли сиёсати, иқтисодиёти, маданиятiga кучли таъсир кўрсатарди ва бу таъсир келажакда ҳам давом этади.

Компания ишлари билан бутун дунёни кезиб чиқиб, қалбимнинг тубидаги уят туйгусини ҳеч боса олмадим. Бир томондан, бутун жағон бўйлаб лойиҳалар амалга ошираётганимиздан фахрланардим, бошқа томондан, дунёning «коммунистик» деб аталувчи палласига қадам ҳам ташлай олмаслигимиздан уялардим.

Хитой ҳам, собиқ Совет Иттифоқининг Приморье ўлкаси ва Сибирь худудлари ҳам географик жиҳатдан бизга жуда яқин. Шуниси жуда гаройиб эдики, Тинч океан ажратиб турувчи АҚШ бизнинг дўстимиз эди, иккита қўшнимиз билан эса ярим асрдан бериш душман бўлиб келмоқдамиз. Ёнгинангда шундай душман билан 21- асрга қандай кириб борса бўлади?

Шимолга чиқиш компания бошқарувчиси сифатида мен учун «якуний лойиҳа» бўлиб қолади.

## УМИД БОР

«Хендэ»даги менинг сўнгти вазифам. Давлат ва компанияни жонлантира оладиган лойиҳа имкониятлари Сибирнинг бепоён тундралари билан боғлиқ эканлигига ишончим орта борди. Аммо аниқ бир йўл топилгани йўқ. Фақат мақсад,

борар жой белгиланган, ҳозирча у ерга борадиган йүл йүқ эди. Ўша пайтларда Совет Иттифоқи билан ҳеч қаңдай дипломатик алоқалар йўқ эди. Шу тариқа, нафақат давлат ташкилоти, балки хусусий компания учун ҳам Шимолга йўл солиш иложсиз саналарди.

Аммо амалга ошириш имкониятлари қанчалик камайгани сари, муваффақият қозонилганда қониқиши шунчалик кучаяди. Менинг назаримда, келажакда катта имкониятлар бор эди, бошқа одамлар ҳам шундай деб ўйлардилар. Имкони йўқ ишни адо этиш учун енг шимариш лозим эди. Янги таваккалчилик, янги хавф-хатарлар — «Хендэ» компанияси, шу пайтгача қилиб келганидек, буни ҳам удалаши керак, деб ўйладим.

Москвага чиқиши йўлини излашда Япониянинг «Ниссе Иваи» компанияси вакили ҳам қатнашди. Ушбу компаниянинг масъул шахси «Хендэ»нинг Ироқда, Ал-Мусаибда электр станциялар қуриш бўйича шериги эди. У менга ишонарди, чунки ишни қанчалик сифатли бажаришимни биларди.

— Яқин Шарқда қурилиш лойиҳалари йўқлиги жуда ёмон бўлди-да. Ишлаш учун бизга янги катта макон керак. Совет Иттифоқи каби катта мамлакатда ишласак борми...

Мен гап орасида унинг бу борадаги фикрини билишга ҳаракат қилдим.

— Сизни Совет Иттифоқи қизиқтирадими?

— Ҳозирча аниқ гап йўқ. Биз ҳаво ҳарорати плюс 40 даража бўлған жойда ишладик, лекин 40 даража совуқ бўлған табиий шароитларда ҳали ишлаганимиз йўқ.

«Ниссе Иваи» компанияси масъули ўша заҳоти жавоб берди:

— Москвада компаниямиз бош офисининг филиали бор. Ахир бошқа япон компанияларига қарагандан айнан бизнинг компания Совет Иттифоқида фаолроқ ишлайди.

— Мен у ерга бир марта бўлса ҳам бормоқчи эдим. Сафар ўюнтиришнинг иложи йўқми?

— Бу иш осон эмас. Коммунистик партиядан таклиф қилишсагина... Биз Иттифоқ билан кўпдан бери ишлаймиз, келинг, ҳаракат қилиб кўрамиз.

Япон компанияси масъули менинг Совет Иттифоқига сафаримни ташкил этишга күл ургани фақат шахсий муносабатларимиз туфайлигина эмасди. Бундай қилишининг босиши шундаки, у совет бозорига «Хендэ» билан кириб бориш япон компанияси учун ҳам фойдалы бўлади, деб ўйларди. Ахир бизнес — бу бир томонлама манфаатлар эмас. Икки томонга ҳам манфаатли бўлганда гина ишбилармонча қўл сикиш амалга оширилади.

«Ниссе Иваи»нинг фаол воситачилик ҳаракатига қарамай, Москвага чиқиши йўлини топиш осон кечмади. Ҳукуматларимиз ўртасида расмий муносабатлар йўқ эди, шу сабабли Совет Иттифоқидан таклиф қила олишмасди. Бориладиган жой бору, борадиган йўл йўқлигидан-да мураккаб ҳолат бўлмаса керак.

— Лекин умид бор.

1988 йил кузида телефон орқали сўзлашувда «Ниссе Иваи» компанияси масъули шундай деди.

СССР савдо-саноат палатасидаги бир амалдор Япониядан қайтишида Кореяга ташриф буюриб, мен билан учрашганидан кейингина тегишли қарор қабул қилинишини айтди.

Совет савдо-саноат ташкилоти вакили билан учрашуви миз вақтида мени некбин туйгулар қамраб ола бошлади. У Совет Иттифоқи ва Корея ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини ижобий баҳолади, шунингдек, «Хендэ» компаниясига қизиқиш билдириди. У СССРга қайтиб борди ва матбуот конференциясида Кореядаги учрашув муваффақиятли ўтганини эълон қилди. Тез орада у менга хабар жўнатди: «Афтидан, сизларни Совет Иттифоқига таклиф қилиш имконияти туғилади. Келишни режалаштираётган шахслар рўйхатини юборинг».

Шу пайтгача президент Чонг менинг Шимолга чиқишига оид маҳфий режаларимдан хабардор эмасди.

— Жаноб президент, Совет Иттифоқига сафар қилишга қандай қараган бўлардингиз?

Мен президент Чонгта бу ҳақда таклиф олишимиздан бир неча кун олдин айтдим. Чонгнинг дастлабки муносабати босиқ бўлди.

— Бу совуқ мамлакатда нима ҳам қиласырдык? Ли, сен үзинг бориб кел.

Президент Чонг Совет Иттифоқига алохыда қизиқиши билдиринасди. Аммо бу кореялик бизнесменларнинг ушбу мамлакатга биринчи ташрифи эди ва Чонг, Корея саноатчиларининг фахрий раиси сифатида, албатта бориши керак эди.

Совет Иттифоқига бориш ҳақидаги суҳбатимиздан бир қанча вақт ўтгач, Нью-Йоркка хизмат сафари билан бордик. Самолётда ўтган ўн олти соат давомида унга Совет Иттифоқига чиқиши бўйича режалар ҳақида сўзлаб бердим. Чонг гапимга тезроқ қўниши учун ҳаммасини бизнес нуқтаи назаридан тушунтириш керак эди.

— Совет Иттифоқи биз учун АҚШдан ҳам кўпроқ аҳамиятга эга. СССР бизда умуман мавжуд бўлмаган табиий ресурсларга жуда бой мамлакат. Бу нима учун совет бозорига чиқишимиз кераклигининг бош сабабидир. Биз бу табиий бойликларни ер усти йўли билан олиб келишимиз мумкин. Шимолий Корея бизга йўл очмайди, деб олдиндан айтиш керак эмас. Чунки уларга ҳам нефть ва газ керак, улар бизга йўл очишга мажбур бўлишади. 21-асрда бизга янада кўпроқ табиий ресурслар керак бўлади. Улар денгиз билан эмас, қуруқлик орқали ташиладиган бўлса, бу ишни анча енгилаштиради.

Президент Чонг қизиқиши билдира бошлади. Нью-Йоркдан қайтаётганимизда самолётда мен лойиҳанинг барча иқтисодий жиҳатлари, унинг натижалари ва, ниҳоят, Шимолга чиқишининг тарихий аҳамияти ҳақида гапирдим.

— Жаноб президент, ёшиниз ҳақида ўйлайдиган вақт келди. Агар Шимолга чиқишидек давлат учун катта аҳамиятга эга лойиҳада қатнашсангиз, бу бизнесмен сифатидаги фаолиятингизнинг муваффақиятли якунланишини билдиради.

— Шундайми? Унда кел, уриниб кўрамиз. Умуман мен қорни ёқтираман, бир қорни томоша қилиб келамиз.

Сеулга қайтгач, Совет Иттифоқига ташриф хусусида музокараларни бошлиб юбордим. Мамлакатимизнинг тегишли идоралари менинг сўровларимга ҳайрон бўлиб муносабат

билиардилар. Аммо ҳеч ким тўсқинлик қўлмасди. Чунки ҳеч ким бунга катта умид боғламаганди. Аммо хавфсизлик вазирлигига таклифимга дарорд жавоб беришди. Биз тайёргарликдан ўтдик, «иктисодиёт доирасидан чиқмаслик»ка ваъда бердик, шундан кейингина чиқишга рухсат беришди.

Делегациянинг барча аъзолари ўзлари билан сафарга иссиқ кийим ва пойабзал олишди. Биз совуқдан хавотирланардик, лекин ундан ҳам кўпроқ, ўзимиз биринчи бор ташриф бу юраётган мамлакатдаги, жаҳон коммунизмининг марказида ги мафкура бизни чўчитарди.

Ҳаммаси бўлиб, мен билан Чонгни ҳам ҳисобга олганда, беш киши эдик. Иккитаси дастлабки музокаралар учун Москвага 1989 йил 5 январда жўнаб кетишди, утамиз, жумладан, Чонг билан мен ҳам, Пекин орқали самолётда 7 январда келдик.

Биз кутишлар, умид ва хавотир аралаш, бағоят ҳаяжонланар эдик. «Аэрофлот» совет давлат авиакомпаниясининг «Ил» самолёти бортига чиққанимизда ҳазиллашиб ўтиридик. 62 даражада шимолий кенглиқ, самолёт Сибирь тундраси устидан учиб ўтар, унинг чеки-чегараси йўқ эди. Бу «Хендэ» ва бутун Корея ярим ороли учун 21- асрнинг бўлажак Маккаси эди. Авиалайнер дарчасидан бепоён Сибирга боқар эканман, ўзимча шундай қарорга келдим.

## **Шимолий кутбнинг ароқ билан эритилган музликлари**

1989 йил 10 январда Москвада Совет Иттифоқи савдо-саноат палатаси вакиллари билан учрашдик ва тезда музокараларга киришиб кетдик.

Бизнинг томондан биринчи таклиф киритилди. Шундай тизим яратиш керакки, унга мувофиқ корейс компаниялари Совет Иттифоқи билан иктисодий ҳамкорликни амалга оширсингилар. Биринчи лойиҳа сифатида эса, «Хендэ» Сибирни ўзлаштиришда иштирок этиш истагини билдириди.

Совет томонидан корейс компаниялари қайси соҳаларга инвестиция киритишни исташлари сўралди.

Биз Корея Республикаси ва СССР иқтисодий ҳамкорлигиди бўйича қўмита тузишни таклиф қилдик. Бу биринчи учрашув учун катта таклиф эди. Чунки Кореяда маҳаллий бизнесменлар Совет Иттифоқига ташриф буюришининг ўзи катта гап эди. Мамлакатларимизни ажратиб турувчи девор шунчалик баланд эди. Совет томони, афтидан, хусусий компаниялар даражасидаги иқтисодий ҳамкорликдангина манфаатдор эди, шу сабаб иқтисодий ҳамкорлик қўмитаси каби расмий орган тузиш уларнинг режаларида йўқ эди.

Шу сабабли совет вакиллари иккиланиб қолишиди. Улар бундай ташкилотни тузишдан олдин яхшилаб ўйлаб қўриш керак, чунки корейс компаниялари билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш ҳақида гапиришга ҳали эрта, деган фикр билдириллар. Улар Шимолий Корея билан дўстона алоқаларни ҳисобга олмай иложлари йўқлигини назарда тутгандилар.

Аммо биз бутунлай бошқача ўйлардик. Бизнинг асосий мақсадимиз «Хендэ» ва бошқа компанияларнинг Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлигигина эмасди. Мен иқтисодий ҳамкорлик орқали келгусида дипломатик алоқаларни ўрнатишга тайёргарлик қўриш лозим, деб ҳисоблардим. Бизнинг энг асосий лойиҳамиз кейинги авлодлар учун Совет Иттифоқини душман эмас, дўстга айлантириш эди.

Охир-оқибат, совет вакиллари бизнинг таклифимизга қаттий рад жавобини беришиди. Биринчи мажлис «тўхтаб» қолган вазият юзага келди. Музокараларда мен Корея томони вакили эдим, ишларнинг бориши юзасидан президент Чонгга ҳисобот берардим. У музокараларнинг энг аввалидаёқ енгиб бўлmas тўсиқларга дуч келганимиздан хафа бўлди.

— Кўрининишидан, қуруқ қайтадиганга ўхшаймиз. Агар ҳаммаси шу тариқа давом этса, биз қайтиб кетишимизни уларга айт. Ёки йўлини топиш учун музокараларни давом эттирасан. Кореяда кўплаб компаниялар яхши натижага эришишимизни кутиб турибди...

Шунда биз совет томонига кетиш ниятида эканлигимизни билдирганимизда, улар «марҳамат, кетишингиз мумкин», деб жавоб беришиди. Шу тариқа, биринчи музокаралар тўлиқ муваффақиятсизлик билан якунланди. Агар шундай лаҳзада

ҳаммасини ташлаб кетилса, корейс компанияларининг Совет Иттифоқига келишигина эмас, икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг нормаллашуви ҳам ноаниқ муддатга қолдирилган бўларди.

Аслида президент Чонг музокаралар қандай бўлмасин, давом этишини истарди. Аммо муаммо Совет Иттифоқида эди. Мен ушбу музокаралар эркин эмаслигини, совет томони вакилларини комунистик партия ва ДХҚ бошқараётганлиги ни ҳисобга олардим. Farb мамлакатлари билан музокараларда музокара иштирокчиларини ишонтириш кифоя эди. Аммо бу ерда совет томони «юқори»нинг рухсатисиз бирорта ҳам масалани ҳал эта олмасди. Шунда биз Михаил Горбачевнинг қарорисиз ҳеч нарса ўзгармайди, деган қарорга келдик. Музокаралар тўхтатилди. Мен СССР савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари В. Галанов билан ярим кечагача ароқ ичиб ўтиредим. Совет кишиси билан муомала қилиш учун ароқни кўп ичиш керак, дейишиди, бу рост. Агар чет эллик ароқни яхши ичса, совет одамлари унга эски қадрдондек муносабатда бўладилар. Бу худди ўзимиздагига ўхшайди — биз ҳам Кореяга келиб, корейсча ароқ — соджу ёки корейс гуруч виносини яхши ичган чет элликка дўстона ёндашамиз. Ўша куни биз жуда кўп ароқ ичдик ва дилдан суҳбат қурдик.

Жуда кеч бўлганди, мен яна музокаралар ҳақида гапира бошладим.

— Агар ўзингиз ҳал этишингиз қийин бўлса, президентимизнинг савдо-саноат палатаси президиуми раиси билан учрашувини ташкил қиласизми? Уни Москвада эмас, деяпсиз. Аслида ҳам шундайми?

Улар биринчи музокараларга ўз раисларини нега юбормаганликларини тушуниб турардим. Дипломатик алоқалар ўрнатилмаган давлат билан палата раисининг иштироқидаги музокаралар муваффақиятсизликка учраса, унча яхши бўлмасди. Афтидан, уларнинг музокара олиб бориш услублари шундай эди. Мен Галановга бу ҳақда очиқ айтдим. Кейин бу музокараларнинг аҳмияти ҳақида сўзлаб бердим.

— Мен билан келган президент Чонг Корея бизнес доираларининг бош вакили саналади. У 10 йил Корея саноат-

чилари федерациясининг раиси бўлиб келган, ҳозир фахрий раис ҳисобланади. Мен эса ўн уч йилдан бери Корея савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосариман. Шу сабабли, агар биз бир фикрга келсак, бу корейс компанияларининг Совет Иттифоқи билан келгусидаги муваффақиятли ҳамкорлигига катта таъсир кўрсатади. Давлатларимиз ўртасида ҳозирча расмий муносабатлар ўрнатилмаган бўлса ҳам, иктиносидий ҳамкорлик савдо-саноат палаталари каби хусусий каналлар орқали амалга оширилавади.

Кейин корейс компанияларининг Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ бозорларига чиққанлиги ҳақида гапрдим, Совет Иттифоқи иктиносидётининг ривожланишига кўмаклашишимиз мумкинлигига ургу бердим.

— Биз тадбиркорлар сифатидагина келдик. Ҳеч қандай сиёсий манфаатларни кўзламаганмиз. Сизларнинг Шимолий Корея билан муносабатларингизга ҳеч қандай таъсир кўрсатмоқчи эмасмиз. Сиз билан бўлган суҳбатимиз мазмунини ҳукуматингиз бошлиқларига етказсангиз. Шунда улар бизнинг самимий ҳоҳишларимизни тушунадилар.

— Яхши. Унда яна эртага музокараларда учрашамиз.

Биринчи музокаралардан кейин натижа бўлмаган тақдирда ҳам, бизни ҳеч ким танқид қила олмасди. Чунки бунинг сабаблари кўп эди: мафкура, сиёсий режим, инвестицияларнинг рентабеллилиги. Аммо мен, ҳар доимгидек, енгилишни истамасдим.

Эртасига эргалаб музокаралар янгидан бошланди. Куннинг иккинчи ярмида эса СССР савдо-саноат палатасидан хабар келди.

— Яхши янгиликлар. Биз шартнома имзолашга тайёрмиз. Уларни имзолаш учун учрашамиз.

Бу, айниқса, қуруқ кўл билан қайтадигандек кўринганимиздан кейин, катта муваффақият эди.

1989 йил 11 январь куни мамлакатлар тарихида биринчи бор Корея Республикаси ва Совет Иттифоқи ўртасида ҳужжат имзоланди.

Бизнесмен учун шартнома имзоланаётган пайтдан кўра катта шодиёна йўқ. Ҳужжат имзоланиб, ручкалар четга

күйилгандаги қониқиши ҳиссини тил билан ифодалаб бўлмайди.

Албатта, ҳеч қандай аниқ лойиҳалар бўйича келишувлар бўлмаганди, лекин ярим асрдан бери душманимиз бўлиб келган Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга йўл очилганинг ўзи бир олам қувонч баҳш этарди. Президент Чонг ҳам эришган натижаларимиздан мамнун эди.

Ўша кеча бизнинг томонимиздан кечки зиёфат ташкил қилинди.

Шу тариқа, биринчи ташрифимиз Совет Иттифоқига 1991 йилга қадар бўлган бошқа ташрифларга йўл очиб берди. «Хендэ» корпорацияси бошқарувчилари расмий ташриф билан етти бор боришли. Биз Совет Иттифоқининг бориши имконияти бўлган турли чеккаларида — Ленинград, Находка, Якутия, Восточнийда бўлдик. Ўша пайтларда бу мамлакат бўйлаб бундай эркин юра олган бошқа чет элликлар йўқ эди.

Ҳар куни эрталаб биз марказий ёки айрим республикалар ҳукумати вакиллари билан музокаралар ўтказардик, кейин турли корхона ва ташкилотларга бораардик. Амалий ташрифлар ярим кечага яқин тугарди, шунда норасмий ҳолатда янада яқинроқ танишиш мақсадида йигилардик. Шундай кунлар бўлардики, вертолётда ўн соатлаб учардик, ҳатто, маҳаллий амалдорлар ҳам чидаш бера олмай, бирга сафар қилишдан қатъий воз кечардилар.

Биз бутун Сибирь бўйлаб юрдик. Президент Чонг ва мен бундай саёҳат режимини яхши кўтарардик. Биз ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган бирорта корхона ёки ташкилотни қолдирмасдик ва барча нарсани, энг майда масалаларгача, назорат қиласдик. Щу сабаб, яна ёшариб қолгандек кўринардик.

Совет амалдорлари қандай ишлашимизни кўришди ва жуда хайрон бўлишди. Чунки, улардан бирининг айтишича, бу ерга Европадан, саноати ривожланган мамлакатлардан турли одамлар келишган, лекин Узоқ Шарқдаги кичкинагина мамлакатдан келган бизнинг делегациямиздек ишлашга иштиёқи зўр ва ишга бундай жиддий ёндашувчи бизнесменлар бўлмаган экан.

Натижа ҳам яхши эди. Биз Ленинградда йирик алюминий тозалаш заводи қурилиши, Приморье ўлкасида ўрмон хўжалиги бўйича қўшма корхона ва нефть-кимё маҳсулотлари қўшма корхонасини очиш, Ольга портида целялюзоза заводини қуриш, Ельгада кўмир қазиб чиқариш, Якутияда темир йўл қуриш, газ қазиб чиқариш бўйича ва бошқа кўплаб шартномаларни имзоладик.

1989 йилдан 1991 йилгача бўлған қисқа мuddатда «Хендэ»нинг Совет Иттифоқидаги ҳамма лойиҳалари обьектларга ташриф буюриш чогида қабул қилинганди. Уларнинг аксарияти амалга оширилишнинг бошлангич босқичида, қолгандари келажакка мўлжалланганди. Ушбу лойиҳаларнинг ҳар бири 21-асрда Корея иқтисодиётини юксалтириш учун муҳим эди.

Мен алоҳида эътибор қаратган лойиҳалардан бири Якутия Республикасида газ қазиб чиқариш эди.

## **Сибирь табиий гази — Кореяга**

Совет Иттифоқига биринчи бор кетаётганимда, 1989 йилда, Кимпо аэропортига кўплаб журналистлар келишганди. Ўщанда Эм-Би-Си телерадиокомпаниясининг журналисти аэропортгача машинада бирга кетганди.

— Совет Иттифоқига нима иш билан кетаяпсиз?

— Бу нотаниш мамлакат, сизда қандайдир аниқ мақсадлар борми?

— Балки қандайдир орзуингиз бордир?

Мен ундан сўзларим матбуотда чиқмаслигига ваъда олдим-да ўз «орзуим» ҳақида айтиб бердим.

— 21-аср тоза энергия асри бўлади, ер ости энергия манбалари орасида эса, фақат табиий газ тоза саналади. Шу сабабли у жуда катта ҳажмларда истеъмол қилинади. Табиий газ бизга дўст мамлакатларда ҳам қазиб олинади, лекин улар денгиз орқали олиб келиниши туфайли кўп қийинчиликлар мавжуд. Бу тарзда олиб келиш учун уни суюлтириш керак, бу алоҳида завод қурилишини талаб қиласди. Ташиб учун

максус кема лозим, суюқ газни сақлаб туралған қурилмалар, уни яна газ қолатига келтирүвчи жиҳозлар талаб этилади. Бу жарайн жуда мұраккаб. Бизга қулай ерлардаги газни эса Япония түлиқ истеъмол қилади. Япония етиб бормаган биргина жой — бу Совет Иттифоқи. Илмий материалдарда күрсатылғанки, Совет Иттифоқи худудида, Корея ярим орлидан узоқ бўлмаган жойда табиий газ конлари мавжуд. Орзуим — ана шу газни юртимизга ер усти йўли билан ташиб кириш.

Мен бу фақат орзу эканлитини айтдим, чунки иқтисодий жиҳатдан ечиш мұраккаб бўлган кўплаб муаммолар бор эди. Шу сабабли, агар бу матбуотта чиқса, одамлар куларди. Журналистдан менинг сўзларимни матбуотда чиқармасликни яна бир бор илтимос қилдим.

Аммо Совет Иттифоқидан қайтганимда маълум бўлдики, кетишимдан олдин айтган барча сўзларим газетада чоп этилган экан. Мен билан бирга машинада кетаётганида, журналист сухбатимизни яшириб қўйган диктофонига ёзиб олган экан. Эртасига газетанинг биринчи саҳифасида йирик ҳарфлардаги «Сибирь табиий газини Шимолий Корея орқали Жанубий Кореяга келтириш» сарлавҳаси остида мақола чоп этилибди.

Мен журналист томонидан алдандим, лекин, менинг орзуимнинг ушалишига имконият пайдо бўлди.

1990 йилнинг бошларида, Москвага ташриф буюрганимизда, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Кўмитаси бизни биринчи бор икки томонлама муносабатларнинг қолати ва истиқболига бағишлиланган брифингга таклиф қилди. Ўшанда КПСС МҚнинг халқаро алоқалар бўйича масъули бизга шундай деди:

— Биз узоқ муддат давомида Корея Республикасини қузатдик. Корея — муваффақиятли иқтисодий ривожланиш намунаси бўлиб хизмат қила олувчи янги мамлакатлардан бири. Совет Иттифоқи, жумладан, президент Горбачев, кўпдан бўён у билан қизиқмоқда. 1988 йилдаги Сеул Олимпия ўйинларида қатнашганимизда, КПСС МҚ халқаро алоқалар бошқармасидагилар Корея Республикаси АҚШга яқин бўлгани

сабабли бизнинг спортчиларимизга анча тўсқинликлар бўлади, деб ўйлагандилар. Шу сабабли биз у ерга жаҳонга машҳур артистлар ва санъат арблари ҳамроҳлигига боргандик. Бунинг боиси АҚШ билан яқин алоқада, Совет Иттифоқига нисбатан душманлик ҳолатида бўлган Корея билан маданият ва санъат орқали муносабатларни ўрнатиш эди. Аммо у ерга борганимизда билдикки, корейсларнинг СССРга бўлган душманлик муносабати биз ўйлаганчалик эмас экан. Биз, ҳатто, АҚШ бу Олимпия ўйинларига жуда кам эътибор берибди, деб ўйладик. Бундай вазият туфайли СССР Корея Республикасида мувваффақиятли иш бошлади. Биз Кореянинг йирик компаниялари: «Хендэ», «Самсунг» ва «Дэу» юзасидан маълумотлар тўпладик ва ўрганиб чиқдик. Қайси компания билан ҳамкорлик яхши натижа беришини таҳлил қилдик. Курилиш ва оғир саноатда фаол иш олиб бораётган «Хендэ» компанияси Совет Иттифоқи учун Сибирни ўзлаштиришга оид йирик лойиҳаларни амалга оширишда яхши шерик бўла олади, деб ўйладик.

Бу тадбирда Якутия Автоном Республикаси ҳукумати раисининг ўринбосари жаноб Жатиев қатнашарди. КПСС МҚ халқаро алоқалар бўйича масъули бир Жатиевга, бир бизга қаради ва деди:

— Менимча, Якутия Республикаси ривожланиши учун «Хендэ» каби компания билан ҳамкорлик қилиш жуда муҳим бўлади. Жаноб Жатиев «Хендэ» вакиллари билан учрашиб учун атайин келдилар. Марҳамат, танишинглар.

Якутиядан Москвагача самолёт 7 соат учаркан. Шунча узоқдан келган Якутия вакили, бирифинг материалларини кўриб чиқиб, ўз республикаси ва унинг табиий ресурслари ҳақида сўзлай бошлади. Уни тинглаб, Якутия ҳақиқатан табиий бойликлар хазинаси эканлигидан ҳайратга тушдик.

Якутияда шундай афсона бор.

— Оламни яратар экан, Худо, Ер устидан айланиб учиб, бир у ерга, бир бу ерга табиий бойликларни сочиб борибди. Якутия устидан ўтаётганда у шунчалик совуқ қотибдики, кафтини очиб юборибди ва барча бойликлар Якутия заминига тушибди.

Шунинг учун Якутияда олмос, күмир, олтин, темир рудаси, газ ва нефть конлари бунчалик кўп.

— Ана шундай табиий ресурсларга бой Якутия Республикаси ўзининг барча тараққиёт лойиҳаларида «Хендэ» компанияси иштирок этишига умид боғлайди.

— Биз албатта республикангизга борамиз.

Биз ваъда бердик ва 6 ойдан кейин Якутияга бордик.

Якутия Россиянинг шимоли-шарқида жойлашган. Бу шунчалик яқинки, Кореядан тўғри шимолга қараб училса, тўрт соатда етиб борса бўлади. Бинобарин, унинг географик жойлашуви иқтисодий алоқалар учун фойдали. Ери музлаган бўлса ҳам, худуди жуда катта, аҳолиси эса атиги бир миллион нафар эди.

Якутия пойтахтига келганимизда, ҳукумат қабуллар уйидан янги бўёқ иси келарди, афтидан, бизнинг келишимиз учун шошилинч таъмирашган бўлса керак. Биз ҳукумат бошлиғи ва унинг ўринбосари билан учрашдик, кейин иш жойларини кўришга отландик.

Биринчи бўлиб ташриф буюрган жойимиз пойтахтдан самолётда икки соатлик масофада, Вилуйск шаҳри ортида эди. Бу ҳали қидириши ишлари ўтказилмаган Кисил-сир газ кони бўлиб, Совет Иттифоқида ҳажми жиҳатидан иккинчи ўринда турарди. Чиқаётган газ ёқилгандаги олов оқ тунлар даврида музлаган осмонни иситарди. Бир қатра ҳам нефти бўлмаган мамлакатдан келган киши учун бу ҳавас қиласа арзигулик томоша эди.

Кейин вертолётда Мирний шаҳрига бордик. У ерда олмос очиқ усулда қазиб олинаркан. Бу қазиб олиш ҳажми бўйича, Жанубий Африкадаги конлардан кейин иккинчи ўринда турадиган олмос кони экан. Сал нарида олмосни қайта ишлаш заводлари жойлашганди. Иккинчи куни соат 9 да бизлар вертолётда Алдан шаҳрига бордик, олтин конини кўздан кечирдик, кейин Нерюнгри шаҳрига очиқ кўмир конини кўргани бордик. Бу дунёдаги энг катта кўмир кони эди, унинг кўринишидан тилингиз айланмай қоларди.

Бу табиий ресурслари умуман бўлмаган мамлакатдан келган инсон учун жуда таъсирчан манзара эди. Бутун бошли

күмир төфи! Төгни шунчаки қазисанг — бас. Шу ерда Кантон вилоятида юзлаб метр чуқурликда ишлайдиган шахтёрлар эсга түшди. Коннинг миёқсига яраша, күмир ташинш агрегаттарининг сифими ҳам 80, 120 тонна эди. Бу ердан Японияга йилига миллион тонналаб күмир жүнатишар экан.

Кейин Якутия Республикаси ҳукумати Нерюнгри шаҳридан сал наридаги қидириш ишлари олиб борилмаган Эльга күмир конини намойиш этмоқчи бўлди. Бу кон ҳам истиқболли деб баҳоланаарди. Якутияning катта оғиз режаларида ушбу конни Корея Республикасига күмир экспорт қилиш учун биргаликда ўзлаштириш мўлжалланганди.

Эльгани Транссибирь магистралига боғлаш ва юкни Владивостоккача, ундан Туман дарёсининг шимолидаги Посъет портига, кейин Корея Республикасига денгиз ёки қуруқликдан ташинш режалаштирилганди. Бунинг учун конни ўзлаштириш ва Эльгани Транссибирь магистрали билан боғловчи темир йўл участкасини қуриш керак эди. Бу лойиҳани жиддий муҳокама қила бошладик. Корея Республикасига ер усти бўйлаб, Владивостокдан Туман дарёси ва Шимолий Корея орқали жүнатиш имконияти масаласи, айниқса, катта қизиқиш уйғотди.

Ҳар куни, эрталабдан ярим тунга қадар вертолётда учиб, якутиялик амалдорлар билан биргаликда ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган турли объектларни кўздан кечирардик.

Биз учун энг жозибалиси Якутия гази эди. Маълумотларга кўра, Якутияда 6 млрд. тонна газ захираси мавжуд. Бунча газни Корея 21-асрда, газга бўладиган талаб ўсишини инобатга олганда, 50 йил давомида ишлатиши мумкин эди. Умуман, атиги 1,5 млн.га яқин аҳолига ва бундай улкан газ захираларига эга Якутия газни бемалол экспорт қиласа бўларди.

Лекин, қаерга экспорт қиласи, деган савол туғиларди. Якутия Европадан жуда узоқда жойлашган, шу сабабли бу давлатларга сотиш бефойда. Бинобарин, энг яхши бозор — бу Узоқ Шарқ ҳудуди саналади. Газни Жанубий Кореяга экспорт қилиш учун уни бор-йўти 3 минг 800 км. масофага

ташиш керак. Айнан шу газ Кореяning 21-асрдаги захирасини ташкил этган бўларди. Биз бундай бой конларни Кореяning шундоқ яқинидан топдик, бунинг учун худога шукрлар айтдим.

Лекин бу манбалардан Корея иқтисодиётини ривожлантириш йўлида фойдаланиш учун анча-мунча қийинчиликларни енгиш керак эди. Конни биргалиқда ўзлаштириш бўйича келишиб олсак ҳам, уни тўлиқ ишга тушириш учун марказий ҳукуматдан рухсат олиш керак эди.

Расмиятчилик ишлари битгандан кейин бундай оғир табиий шароитда қандай ишлаш мумкин, деган савол туғиларди — аввал бундай шароитда умуман ишламагандик. Бу ерда қишида ҳарорат минус 40гача тушиб кетади ва тун кунга қарандан анча узун бўлади, ёзда эса ҳарорат плюс 30—40 бўлганда деярли тун бўлмайди. Газни ташиш масаласи ҳам ҳал бўлмаганди. Шу сабабли, қатор катта қийинчиликлар борлиги учун турли мамлакатлар ва компаниялар вакиллари ўз режаларидан воз кечишига мажбур бўлишганди.

Аммо Европа учун бефойда ва мураккаб бўлган нарса биз учун жозибали эди. Ҳеч ким Якутияда оғир шароит туфайли иш бошлай олмаганди, шу сабабли айнан биз буни қилишимиз лозим эди.

Ушбу лойиҳа туфайли олинган газни ҳам Корея Республикасига материк орқали, яъни Шимолий Корея орқали ўтказиш керак, кейин эса, океан тубига қувур ётқизилиб, Японияга етказиш керак эди.

Агар Кореяга 21-асрда зарур бўладиган газ ер усти йўли билан етказилса, бу худди газ мамлакатнинг ўзида қазиб олинадигандек самара берарди. Яъни, масалага кенгроқ ёндашилса, бу Шимолда кенг худудни эгаллагандек гап эди.

Европа аллақачон Урал тоғларининг шарқидаги газ конларини ўзлаштиришни бошлаб юборди ва узунлиги 6 минг 500 км. ли газ қувурлари орқали газ олмоқда. Якутиядан газ етказиб беришга эса, атиги 3 минг 800 км. қувур керак. Бу Европа йўлидан икки баробар қисқа. Япониягача эса, океан тубида узунлиги 200 км. ли газ қувури ётқизилса етади.

Газ қувурининг ётқизилиши, газ етказиб беришдан ташқари, яна бир муҳим аҳамиятга эга, у ҳам бўлса, Шимоли-Шарқий Осиёда иқтисодий марказ ташкил қилишдир.

Приморье ўлкаси иқтисодиёти учун, жумладан, Хитойнинг Ізилинъ, Хэйлунцзян вилоятлари, Шимолий Корея худуди учун газ олиниши ниҳоятда муҳим эди. Якутиядан Корея Республикасигача бўлган газ қувурининг ўзи эса, келгусида бошқа табиий ресурслар ва, умуман, ишлаб чиқариш товарлари савдоси учун инфратузилма яратишга хизмат қиласади.

Бу лойиҳани амалга ошириш Кореядек кичик мамлакат жаҳон миқёсида юксалиши учун зарур эди. Биз буни амалга оширишга мажбурмиз. Дунё кенг. Агар бу дунёни ўзимизники қиласак, давра суҳбатларида глобаллашув ва байналмилалашув ҳақида гапиришдан ҳеч қандай наф бўлмайди.

Биз обьектларни айланиб чиқиши тутатдик ва Лена дарёсидаги паромда битим туздик. Лена — Якутиядаги дарё, у 4 минг км. узунликка эга бўлиб, Совет Иттилоқидаги учта энг йирик дарёлардан биридир. У Сибирнинг совуқ ерларидан оқиб ўтади ва Шимолий муз океанига қўйилади, баъзи жойларида кенглиги 12 км. га етади, дарёнинг ўртасидан туриб қарасангиз, қирғоқ кўринмайди ҳам.

Аммо, атроф-манзара қанчалик тўзал бўлмасин, таом қанчалик ширин бўлмасин, бизнес — бу бизнес. Музокаралар вақтида икки томон молиявий масала туфайли инқироз ёқасига бориб қолиши. Ҳатто, танаффус олиб, алоҳида йиғилиши, шошилинч мажлис ўтказиши, кейин музокараларни қайта давом эттириши. Шундай асабий дақиқалар ҳам бўлдики, томонлар столнинг икки томонида, бир-бirlарига миқ этмай ўтиришарди.

Шунга қарамай, сўнгти лаҳзада, музокаралар боши берк кўчага кириб қолгандек туюлганда, томонлар ҳар қалай келишиб олиши. Агар келишувга катта қийинчилик орқали эришилса, киши бундан икки баробар кўпроқ қувонади. Биз ўз мавқеимизни ушлаб қолиш учун бир-биримизга қарши қаттиқ турдик ва, охир-оқибат, келишувга эришдик. Бир-биримизга нисбатан инсоний, биродарларча яқинлик ҳис этдик.

Ҳатто халқаро музокараларнинг қаттиқ ва совуққон шароитида ҳам сенда яхши фикр уйғотадиган кишиларга дуч келасан ва ана шундай ёрқин дамлар келажакка умид уйғотади.

Натижада Якутия Республикасида газ ва күмир конини ўзлаштириш, темир йўл участкасини ётқизиш ва бошқа табиий ресурсларни қазиб чиқариш бўйича битим тузилди. Биз марказий ҳукумат билан келишиб олиш учун шу заҳоти Москвага учеб кетдик. Москвада, тантанали маросимда, ҳужжатни ҳукумат бошлиғи ўринбосари Жатиев, президент Чонг Джу Енг ва мен имзоладик.

Бу лойиҳалар «Хендэ» сиёсатга аралашганидан кейин сустлашди, собиқ Совет Иттифоқидаги сиёсий вазият ва Корея Шимоли ҳамда Жануби ўргасидаги муносабатлар ёмонлашгани туфайли тўхтаб қолди. Аммо бу лойиҳаларни амалга ошириш зарур, шунинг учун яқин келажакда улар давом этади. Кимdir яна, келажак учун, ушбу муҳим ишга бор кучини сарфлайди.

### **Горбачев лабиринти**

1991 йил нояброда мён Совет Иттифоқида еттинчи марта бўлдим. Москвага келганимда М. Горбачевнинг иқтисодий масалалар бўйича ёрдамчиси Н. Петраков — биз у билан олдинроқ танишгандик — мен билан боғланди ва шошилинч учрашув ҳақида огоҳлантирди. Лекин у менинг бир ўзим келишимни айтди. Қандайдир муҳим иш эканлигини қўнглим сезди.

Петраковнинг Кремль рўпарасида жойлашган хонасига келдим, у шу заҳоти сўради:

— Президент Горбачев билан учрашишни истамайсизми?

— Албатта истардим. Биз доимо президент билан учрашишни орзу қиласардик. Бу ерда қилмоқчи бўлган ишимиз ҳақида сўзлаб бериб, президентнинг фикрини эшитардик.

Менга бу таклифни билдирияптими, демак, Горбачев билан олдиндан келишиб олганлигини тушундим. Аммо, ҳар қалай, бу кутилмаган ҳол эди.

— Менга президент олдига киравчилар рўйхатини беринг-да, ахборотни сир сакланг.

Президент Чонг, бу янгиликни эшитиб, ҳаяжонга тушди. У жуда хурсанд эди ва деди:

— Келинг, Горбачев билан нима ҳақда суҳбатлашишни аввалдан тайёрлаб қўямиз. Ҳозир бу ерда Кей-Би-Эс вакиллари юришибди. Гаплашиб кўр, биз билан бориб бу воқеани ёритиб бера олишадими?

Эртасига эрталаб менга Петраков бир ўзимни учрашувга чақиравтганлигининг хабарини беришди.

— Эртага соат 5 да Кремлда президент билан учрашув бўлади. Корея томонидан Чонг Джун Енг, Ли Мён Бак ва таржимон бўлади, таржимон ким эканлигини олдиндан айтиб қўйинг.

Шу вақтдан кутилмагандаги муаммолар бошланди.

Соат бешгacha вақт бемалол эди, лекин «Хендэ»нинг Москвадаги филиали раҳбаридан фаол ҳамкорлик қилиш мўлжалланган Россия Республикаси раҳбарияти билан учрашиш илтимоси тушди. Биз учрашиш ҳақида олдиндан илтимос қилдик ва Горбачев хузурига киришдан бир кун олдин, соат 2 га келишдик. Президент Чонг, мен, Москва филиали раҳбари Россия Республикаси президенти хонасига келдик. Учрашув бўлиб ўтди ва биз «Хендэ» корпорацияси томонидан истеъмол маҳсулотлари етказиб бериш ва ҳақини эса Россия томонидан хом ашё тарзида олиш бўйича битим имзоладик. Икки мамлакат телекомпаниялари бу учрашувни эфирга узатишли.

Бироқ, музокараларда бошқа хом ашё турлари орасида нефть ҳақида ҳам гап борганди. Нефть, газ, олтин каби асосий табиий ресурслар марказий ҳукумат назорати остида бўлиб, бу ҳақда ҳеч нарса билмасдик. Эртасига бу ҳақда Россия телевидениеси орқали ва газеталарда хабар берилди.

Шу заҳоти Петраков қўнгироқ қилди, у мен билан қуруқ ва ҳиссиз гаплашди. Қандайдир қўнгилсизлик юз берганлигини сездим. Тезда Петраков хонасига бордим, у жуда газабланган эди. Узоқ вақт менга индамай турди.

— Катта хатога йўл қўйдингиз. Давлатимиз қоидаларини буздингиз. Президент хузурига миннатдорчилик ташрифи бекор қилинибгина қолмай, келгуси фаолиятингизда ҳам бизнинг қўмагимиздан маҳрум бўлдингиз.

Бу гап чиллада чаққан чақмоқдек бўлди. Менда ўзимни оқлаш учун сабаб бор эди.

— Бу қандай бўлиши мумкин? Бундай қоида борлигини билмас ҳам эдик. Бу ерда жавобгарлик фақат Россия Республикаси зиммасига тушади, ахир улар ҳаммасидан хабардор бўла туриб, ҳужжатни имзоладилар-ку. Биз президент билан учрашмасак ҳам майли, лекин келгусида бизнинг фаолиятимизни қўллаб-қувватлашни бекор қилиш тўғрисидаги қарорга рози эмасми.

— Бу қарор қабул қилинди. Кетинг.

Горбачев билан учрашув бекор қилинганлигини эшитган президент Чонгнинг жуда жаҳли чиқди. Меҳмонхонадаги номеридан чиқмай ўтираверди.

Бўлиб ўтган воқеа кейинги пайтларда қанча саъй-ҳаралатлар қилиб эришганимиз — Шимолга чиқиш тақиқланишини билдиради.

Ўша пайтда СССР президенти М. Горбачев ва РСФСР президенти Б. Ельцин ўртасидаги низо шу даражада жиддий эдики, ортга қайтишнинг иложи йўқ эди. Биз бу ҳолатни ўз вақтида тушуна олмадик, шу сабабли тегишли қарорлар қабул қиласмадик. Биз ўзимиз истамаган ҳолда Горбачев ва Ельцин ўртасидаги курашга аралашиб қолдик.

Мен ўзимни тинчлантиришга ҳаракат қиласдим.

«Петраковни кўндиришнинг бирор йўли бормикан?»

Мен қоя чеккасида туриб зим-зиё бўшлиққа тикилардим.

Демак, бундай. Россияяда ўз ички туйгуларингни инглизчала ифодалаш жуда қийин. Таржимон керак. Мен Ю Хак Гу га мурожаат қилдим. У асли Джинджу шаҳридан эди. Япон босқинчилиги даврида япон армияси офицери сифатида урушда қатнашган ва совет армияси томонидан асир олинганди. Урушдан кейин юргита қайтмай, Совет Иттилоқида қолган. Кейин у олим бўлди, Москвадаги давлат тадқиқот институтининг шарқшунослик бўлимида ишларди. Горбачев-

нинг ҳузурига кирмоқчи бўлганимизда меҳмонлар рўйхатига таржимон Юни ҳам киритиб қўйгандик (кейин, Корея президенти Но Тхэ У ва СССР президенти Горбачевнинг учрашви бўлганда у саммитда таржимон бўлиб ишлади).

Мен Петраковдан таржимон Ю иштирокида учрашишни илтимос қилдим. Лекин у бир нечта илтимосларимни совуклик билан рад этди.

«Мен уйга қайтаяпман. Сизга кетиш олдидан айтадиган гапим бор» деганимдан кейингина келишга рухсат берди. Соат кечки 5 эди. Таржимон Ю орқали унга ўз туйгуларимни билдиридим.


— Биз марказий ҳукумат сиёсатини бузган бўлсак-да, бу «Хендэ» томонидан атайин қилинмади. Сиз, қайта қуришга раҳбарлик қилаётган масъул шахсларнинг бири сифатида, нафақат Совет Иттифоқи учун, балки биз учун ҳам келажакка йўл кўрсатдингиз. Шу пайтга қадар бизнинг инвестицияларимиз Совет Иттифоқининг иқтисодий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатадиган самарали ҳамкорлик ҳақида гапирав эдик. Аммо агар, биз томонимиздан СССР даги ички қоидаларни билмаслигимиз сабаб йўл қўйилган биргина хато туфайли шу кунга қадар эришилган натижани бекор қилиб юборсак, мамлакатларимиз келажаги учун бу нооқилона йўл бўлар эди.

Дастлаб Петраков намойишкорона тарзда сўзларимни эшитишни истамаётганди, лекин кейин, уларнинг маъносини таржимон Ю Ҳак Гу орқали тушунгач, мени эътибор билан тинглай бошлади.

— Бу менинг сизга самимий инсоний мурожаатимдир. Горбачев билан учраша олмаганлигимиз сабабли зарар кўрдик. Аммо бу фақат «Хендэ» учунгина эмас, Совет Иттифоқи учун ҳам катта заардир. Мен иккала томон бундай зарар кўришининг сабабини тушуна олмаяпман.

Петраков бир муддат ўйлаб турди-да, хонасида кутиб туришимни айтди. Балки қилдек бўлса ҳам умид бордир? Мен жуда хавотирланардим. Кутар эканман, президент Чонг кўнгироқ қилди. У ҳам жим кутиб ўтира олмаётганди.

Узоқ кутиб ўтирганимдан кейин ниҳоят Петраков келди.



Президент Горбачев билан Кремлда

— Мен сизни тушунаман. Бизда бир таклиф бор. ТАСС ахборот агентлиги журналистлари билан матбуот конференцияси ўтказинг.

Тайёрлаб қўйилган чиқиши матнида «Хендэ» марказий ҳукумат қоидаларини билмаганлиги, шу сабабли нотўғри шартнома тузганлиги ва энди уни бир томонлама бекор қилиши айтилганди. Баёнотимиз матбуотда эълон қилинганидан кейин бир қарорга келишларини айтдилар. Ўзимиз истамаган ҳолда марказий ҳукуматнинг Россия Республикаси ҳукумати билан кураши гаровига айландик.

Лекин биз келажакда марказий ҳукумат ва РСФСР ҳолати қандай ўзгариши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмасдик. Бу жуда мураккаб вазият бўлиб, ҳеч бир томонга тарафкашлик қилиб бўлмасди.

Матбуот конференциясини ўтказишга қарор қилдим. Журналистларни бизга Петраков юборди. Матбуот конференцияси мазмуни матбуотда эртасига, 12 ноябрь соат 5 да Горбачев билан бўладиган учрашувимизга қадар эълон қилиниши керак бўлгани боис, кутишга вақт йўқ эди.

Эртасига тонг сахарлаб ТАСС журналистлари келишди. Улар матбуот конференцияси мазмунидан хабардор эдилар.

Мен журналистларга бўлиб ўтган воқеа ҳақида сўзлаб бердим. Аммо Петраков берган пресс-релиздаги баъзи жойларга «ўзгариши»лар киритдим. Чунки биз бир вақтнинг ўзида ҳам марказий ҳукуматнинг, ҳам Россия Республикасининг қарашларини ҳисобга олишимиз керак эди. Биз сўзларимизни юмшоқроқ ифодаладик: «Биз шартномани бекор қилмаймиз, балки бу шартнома, нотўғри тузилгани туфайли, қонуний кучга кира олмайди, деб айтамиз».

Баёнотимиз куннинг биринчи ярмида матбуотда эълон қилинди. Менга Петраков қўнфироқ қилди ва учрашишни таклиф қилди. Мен журналистлар олдидаги чиқишимда қилган ўзгаришларни оқлашим керак эди.

— Сиз кеча ҳужжатнинг бекор қилиниши ҳақида айтгандингиз, аммо биз ўйлаб кўрдик ва фақат қонунга мувофиқ тузилган шартномагина бекор қилиниши мумкин, деган холосага келдик. Бизнинг ҳолатимизда эса, шартнома тузилишининг ўзи қоидаларга хилоф бўлган, шу сабабли у ўз-ўзидан кучга кира олмайди. Шартноманинг ўзгаришилар киритилгунга қадар қонуний эмаслиги унинг бекор қилинишидан кўра каттароқ аҳамиятга эга.

Петраков бошини иргаб кўйди ва қаергадир чиқиб кетди. У юзи ёришиб қайтиб келди.

— Яхши. Президент билан учрашув, режалаштирилган-дек, соат 5 да бўлиб ўтади.

Петраковдан рухсат олиб, шу заҳоти президент Чонгга қўнфироқ қилдим ва бу ҳақда хабар бердим. Петраковдан яна бир нарса ҳақида илтимос қилдим — учрашувда Кей-Би-Эс телевидениесидан вакиллар қатнашишига рухсат беришини сўрадим. Бошида у хавфсизлик масаласи юзасидан қарши бўлиб турди-да, охир-оқибат рози бўлди.

Гуруҳимиз Кремлга белгиланган вақтда келди ва кутиши залида ўтириди. Роппа-роса соат 5 да котибият ходими чиқди ва узр сўради.

Аввал келган мәҳмонлар билан учрашуви ҳали тутамаганлиги туфайли президентнинг сұхбати орқароққа сурилишини айтди ва 10 дақиқа кутиб туришни илтимос қилди.

10 дақықадан кейин ўша киши яна чиқиб, 15 дақықа күтишни сұради. Мен Горбачевнің бундай хатты-харакатига ҳайрон қолдым. Чет зәл компанияси вакиллари бирор давлат раҳбари билан учрашадиган бўлишса, сабабини билмасдан 30 дақықа, бир соат кутиб ўтириш — бу одатий ҳол. Президент Горбачев эса, ушланиб қолиши сабабини изоҳлаб берди.

Кейин биз Горбачев билан учрашдик. Ялпи суратга тушиш учун бирга турдик, кейин президент ўтиришга таклиф қилди ва ушланиб қолгани учун дарров узр сұради.

— Бешта элчига ишонч ёрлиқлари топширишим керак эди, лекин жуда банд бўлғаним учун қила олмаёттандим, шунинг учун ҳаммаларини бугунга йиғдим. Кутдириб қўйганлигим учун чой устида суҳбатлашишни таклиф қилгандим. Элчилар эса, ўзингиз биласиз, гапиришни яхши кўришади. Шу сабабли, кечикканим учун яна бир бор узр.

Горбачев Россия ва Кореяning тарихий муносабатларидан яхшигина хабардор бўлиб, жуда очиқ муомала қиласади. У Совет Иттифоқидати иқтисодий муаммолар ҳақида гапириб, кореялик компаниялар билан ҳамкорлик жуда зарур эканлигини айтди.

— Россия фанлар академиясини бундан 200 йил олдин таъсис этган бизнинг машҳур олимларимиздан бири «Россия Шарқдан юксалади» деган эди. Россия шарқини ривожлантириш учун эса, ушбу минтақа мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш лозим. Айнан Корея Республикаси ушбу ролни ўз зиммасига олади, деб умид қиласади.

Шундан сўнг у дунёдаги асосий коммунистик давлат президентидан кутиш мумкин бўлмаган гапни айтди.

— Корея ярим ороли иккита давлатга ажralганда, Шимолий Корея яхшироқ ривожланган саноатта эга бўлиб, аҳоли даромади ҳам юқорироқ эди. Жанубий Корея эса, фақат қишлоқ хўжалигига таянарди. Аммо ҳозир аксинча. Шимолий Корея Жанубий Кореяга қараганда камбағал. Бунинг сабабини биласизми?

У нима демоқчи бўлганини билмаганимиз учун индамадик. Шунда Горбачев айтди:

— Чунки Шимолий Корея коммунизмни, Жанубий Корея эса — капитализмни танлади.

Бу дипломатик алоқалар ҳам бўлмаган давлат бизнесменлари билан учрашувда Совет Иттифоқи президенти томонидан айтилган ниҳоятда очиқ гап эди. Мен уни воқеликни холис баҳолай оладиган киши, деб ўйладим. Мафкуралар ўзгаришининг қийин вақтларида ҳам у катта таъсирларсиз тарих саҳифасини варактлай олди.

Кетидан у айтган фикр бизни янада лол қолдирди.

— Айнан Совет Иттифоқи Шимолий Кореяни социализмни танлашга мажбур қилди. Шу сабабли СССР унинг муаммолари учун катта масъулиятни ўз зиммасига олади. Жанубий ва Шимолий Корея бўлинишдан олдин ягона тил ва маданиятга эга бир халқ эди. Билмайман, бирлашиб қачон юз беради, лекин келинглар, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилгач, қўлимиздан келганча Шимолий Кореяга ёрдам берамиз. Албатта, иқтисодий ҳамкорликни тинмай ривожлантириб борамиз.

Бу фикрга ҳамма қўшилди, чунки Жанубий Корея ва Совет Иттифоқи иқтисодий ҳамкорлигининг моҳияти лўнда қилиб ифодаланганди. Горбачев икки томонлама муносабатларнинг келажаги ҳақида ўз фикрини очиқ баён қилди ва янги алоқалар ўрнатиш кераклигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у Корея компанияларининг СССРдаги фаолиятини яқиндан қўллаб-қувватлашини билдириди.

Горбачев ҳузурига миннатдорчилик билдириб қилган ташрифимиз мудаввағақиятли ўтди. Айниқса, президент Чонг ўз кучига ишонч ҳосил қилди. «Бир йўла Буш билан учрашаман» деб АҚШга учиб кетди. Сўнг Хитойда, ундан кейин Пхенъянда ҳам бўлди. Горбачев билан учрашувдан кейин у ўзини сиёсатда салмоқقا эга киши деб ҳисоблай бошлади. Аслида ҳам, у Шимолга бошқа бирор сиёсатчидан аввалроқ чиққан эди. Шунинг учун унинг қалби фурурга тўла эди.

## **Приморье ўлкаси — янги Когуре даври кони**

Приморье нисбатан яқин тарихда, Чосон суоласи даврида халқымыз учун бошпана бўлганди, агар яна ҳам олисроққа назар ташласак, унинг худуди, Манчжуриядек, Когуре қироллиги ҳукмронлиги остида бўлган. Демак, ҳозирда бу ерда оталаримиз ва боболаримиз даврларидағи ватандошларимиз яшайдилар.

Шимол ҳақида ўйлаганимда кўз олдимга, аввало, Приморье ўлкаси келади. Юз йил олдин аждодларимиз тарихий воқеалар боришини сезишганда ва империализмга қарши туроалишганда эди, ҳозир бизнинг «чегара»ларимиз Манчжурия ва Приморье худудларидан ўтган бўларди. Натижада Корея Шимоли-Шарқий Осиё иқтисодий марказидаги асосий иштирокчи бўларди.



Президент Чонг Джу Енг билан Сибирда

Шимолга чиқишига тайёргарлик кўраётганимда ўтмишдаги умумий бўлган корейс давлатининг парчаланиши нафақат ўтмишимизни, балки келажагимизни ҳам бузиб юборишини англадим. Агар корейс халқининг келажаги ҳақида ўйласак, чегара чизиқларини иложи борича тезроқ олиб ташлаш керак. Парчаланишнинг сиёсий, тарихий, миллатимизнинг ўзига хослиги билан боғлиқ ва бошқа сабабларини санаб ўтиришга вақтим йўқ. Мен икки Корея ҳамкорлигини ва келгусидаги иқтисодий нуқтаи назардан бирлашишини яққол тасаввур қилмоқдаман.

Жаҳон ягона бозор қонунлари бўйича иш олиб борувчи умумий иқтисодий маконга бирлашмоқда. Жаҳон иқтисодий тамойиллар асосида ҳаракат қилмоқда. Ер юзида иқтисодий мантиқ ҳисобга олинмайдиган бирорта ҳам жой қолмаган. Шарқий Европа ва сабиқ Совет Иттифоқи коммунистик мафкурадан юз ўтиришганининг сабаби, аслида, «нон»да яширинган. Зоро нон иқтисодиёт қонунлари бўйича ишлаб чиқарилади ва тарқатилади.

Менинг иқтисодий бирлашиш борасидаги назариям Приморье ўлкасидан бошланади, Шимолий ва Жанубий Корея-нинг иқтисодий ҳамкорлигига асосланади ҳамда Шимоли-Шарқий Осиё иқтисодий марказида жамланади. Бу иқтисодий бирлашиш назарияси миллатнинг келажагини ва Корея ярим оролининг 21-асрдаги қиёфасини намойиш этади.

Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорликни олга суришда мен энг катта эътиборни Приморье ўрмонларига қаратдим.

1989 йил октябринда Совет Иттифоқига учинчи бор ташриф буюрганимда Приморье ўлкаси ўрмончилик саноати уюшмаси директори Грабовский ва «Хендэ» комплекс ўрмончилик саноати акциядорлик жамияти ижрочи директори Чу Ганг Су кўйма корхона ташкил қилиш бўйича шартнома имзолашди. Бу корхона ҳудудни ижарага олиш ва у ерда ўрмончилик ишларининг барча турлари: дараҳт кесиш, ёғоч ташиш ва денгиз йўли орқали экспорт қилиш, ёғоч материалларни тайёрлаш ва, ҳатто, мебель ҳамда бошқа товарларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш билан шугулланиши мумкин эди.

Шартнома тузилгандан кейинги йил — 1990 йилда ушбу лойиха бүйича ишлар бошланди ва Корея ҳамда бошқа мамлакатларга катта миқдорда ёғоч экспорт қилинди. Приморъедаги корейс-совет ўрмончиллик хўжалиги қўшма корхонаси ҳокимият тепасида Горбачев турган ўша мураккаб даврдаги кўплаб лойиҳалар орасида ягона муваффақиятли чиққани бўлди.

Корея Республикасига зарур ёғочнинг 90 фоизи чет элдан келтирилади, шу сабабли биз Приморъеда фаол ишлай бошладик. Чунки ёғочни фақат ўша ердан ер усти йўли билан ташиш имкони бор эди. Табиий газ билан бўлганидек, биз Шимоли-Шарқий Осий иқтисодий марказини муваффақиятли ривожлантириш учун нафақат денгиз, балки ер усти йўли ҳам зарурлиги билан яна тўқнаш келдик.

## **Шимолий Кореяни кашф этиш — 21-асрни кашф этиш демакдир**

Приморъедаги ўрмончиллик саноатида қўшма лойиҳаларни амалга оширишни бошлаганимизда, Шимолий кореялик ўрмон кесувчилар ўз иш жойларини тарк эта бошладилар. Бу ишчилар режимли мамлакатдан ташқарига қочардилар, биз эса, шу режим худудига кириб бордик. Учинчи мамлакатда, Приморье ўлкасида бундай «учрашув» Жанубий ва Шимолий Корея қанчалик тез ўзгараётганлигини кўрсатади. Бу, иқтисодий мақсадга мувофиқлик қонунига кўра, иккала Корея яқинда учрашишининг ёрқин белгиси эди.

Хозир Приморье ўлкаси — бу Россия худуди. Ушбу ерни ўз «вatan»лари деб ҳисоблаган бизнинг ватандошларимиз 1937 йилда Сталин томонидан Марказий Осиёга кўчириб юборилгандилар ва ўша ерда ҳозир ҳам яшайдилар. Аммо кўплари Приморъега қайтиб келишган. Бундан кўриниб турибдики, Приморье — корейс худуди эмас, лекин бугун у янги, алоҳида аҳамиятга эга, чунки бу ерда бизнинг ватандошларимиз яшашади.

Бундай «миллий ҳудуд» Корея Республикасининг материкка иқтисодий чиқиши учун кўпприк бўлиб қолди. Бу ердан Шарқ дengизи орқали бешта океанга чиқиш мумкин, шунингдек, тўғридан-тўғри Европага олиб борувчи темир йўл мавжуд. Агар маҳсулотни Пусан портидан жўнатсангиз, у Малак бўгозидан ўтиб, Сувайш каналини кечиб, кейин белгиланган жойга боради. Бу йўлни вақт ва пул сарфи жиҳатидан Ервона билан темир йўл орқали тўғридан-тўғри боғланиш билан таққослаб бўлмайди. Ер усти бўйлаб юк ташиш анча арzonга тушади.

Агар Кореяning Жануби ва Шарқи бирлашади, деб тахмин қилсак, бу ҳудуднинг аҳамияти, Хитойning уч провинцияси аҳамияти қатори, кўп марта ортади.

Приморье лойиҳалари билан бирга биз Туман дарёси ортидаги Россияning музламайдиган Посъет портига чиқишига ҳам алоҳида эътибор бердик. Чунки Посъет порти келажакда муҳим пункт бўлиб қолади.

Шимоли-шарқдаги учта Хитой повинцияси — Цзилинь, Хэйлунцзян, Ляонинда 1 млн. 500 минг нафар этник корейс яшайди. Тез орада бизнинг ватандошларимиз жўшқин халқаро фаолият юритиши бошлайдилар, лекин бу ҳудуддан Тинч океанга чиқадиган йўл йўқ. Энг яқин йўл — бу Владивосток ва Посъет портларидир.

Булар Хитой чегарасидан 40 км. нарида жойлашган.

Посъет икки Корея, Хитой ва Россия иқтисодий фаолиятларида марказий пункт саналади.

Ҳозир Шимолий Корея Туман дарёсини уч участкани — Россиядаги Владивосток, Хитойдаги Чанчунь ва Шимолий Кореядаги Наджинни бирлаштириш учун ўзлаштириш лойиҳасини олға сурмоқда. Ушбу лойиҳада ҳам Посъет порти марказий ўрин эгаллаган.

Агар лойиҳа муваффақиятли чиқса, ён-атрофдаги ҳудудларда яшайдиган ватандошларимизгина фаол иқтисодий алоқалар марказида бўлиб қолмайдилар, балки, ниҳоят, Корея ярим оролида миллат бирлашуви рўй беради. Бу эса Шимоли-Шарқий Осиёда иқтисодий марказ ташкил этилишига хизмат қиласди. Шу тариқа, Шимолга чиқиш корейс миллиатининг келажаги билан чамбарчас боғлиқдир.

Мен корейс иқтисодиётининг келажагига некбинлик билан қарайман. Иқтисодиётимиз ютуқларга эришиб, инқирозларни ентиб, оғишмай ривожланди. 60-йиллар бошларида, Вьетнам урушида иштирок этилганидан сўнг, иқтисодий ривожланиш бошланди. Кейин, 70-йилларда Яқин Шарқقا чиқилди, Жануби-Шарқий Осиё ва Кореянинг ўзида қурилишларнинг кескин ўсиши кузатилган 80-йилларда ҳам ўшиш давом этди. Корея иқтисодиётининг ўсиши бевосита қурилиш бозорининг ўсиши билан боғлиқдир.

90-йиллардаги ўтиш онлари икки Кореянинг иқтисодий ҳамкорлик қилиши палласи бўлди. Бунга шимолий мамлакатлар — Россия ва Хитойни ҳам қўшиш мумкин.

Корея Жануби ва Шимолининг ҳамкорлиги иккала мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши билангина кифояланмайди. Бу замонавий дунёдаги мавжуд иқтисодий блокларга бўлинишга нисбатан самарали қарши туриш борасида ҳам муҳимдир. Икки Кореянинг иқтисодий ҳамкорлиги бошланниши билан ер усти йўли очилади, бу Шимоли-Шарқий Осиё иқтисодий блоки томонидан аниқ ҳаракатлар бошланнишига хизмат қиласди.

1990 йилда президент Чонг Джу Енг Шимолий Кореяга ташриф буориб, Кигансан төгларини ўзлаштириш лойиҳаси ҳақида келишиб олгани ҳам муҳим қадам бўлиши мумкин. Ўшанда биз президент Чонгнинг ғояларидан ҳеч бўлмаса биттасини амалга оширишимиз лозим эди. Аммо иқтисодий мақсадлар яна сиёsat қурбонига айланди. Агар иқтисодий ҳамкорлик ўшанда бошланганда эди, мамлакатларнинг бирлашувини анча яқинлаштирган бўларди. Бундан афсусланмай илож йўқ.

Эркин савдо бўйича Шимолий Атлантика зонаси (НАФТА) ва Евropa Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари билан биргаликда тўртта асосий иқтисодий марказни ташкил қиласган Япония ва Хитойнинг рақобатига бардош бериш учун Жанубий ва Шимолий Корея олдида ягона йўл мавжуд, у ҳам бўлса — бирлашиш.

Баъзилар бирлашиш билан боғлиқ улкан харажатлар ҳақида гапириб, бунинг натижасида Жануб ва Шимол таazziулга учрайди, деган тахминни илгари сурадилар. Аммо



Шимолий Корея билан чегарадаги Панмунджом павильони ёнида

бу нотүгри. Икки Кореяning иқтисодий ҳамкорлиги — бу бир томонлама, фақат биз тарафимиздан күрсатыладиган инсонпарварлық ёрдами эмас. Бу иқтисодий ҳамкорлик. Бу Жануб ва Шимолнинг биргаликдаги ривожланишидир.

Иш ҳақи юқориилиги туфайли ишчи кучи етишмовчилигини ҳис этаётган кичик ва ўрта корхоналарнинг Шимолий Кореяга келиши ўта самарали бўлади. Майли, ҳозирча бизнинг корхоналаримиздаги жиҳозлар ва технологиялар даражаси жиҳатидан ривожланган давлатлардагидан орқада бўлсин, лекин улар Шимолий Кореяда ишлай олади. Шимолий Корея эса, бизнинг компанияларимиз орқали аста-секин ўз иқтисодиётини ривожлантириб ва амалда капитализм қонунларини ўрганиб боради.

Шундан сўнг йирик компаниялар навбати келади, улар материкка чиқиш учун кўприк қурадилар. Шунда Хиндистонга, Яқин Шарқ, Европага йўл очилади. Пусандан бошлинувчи янги «Ипак йўли» юзага келади.

Хорижий мутахассисларнинг ҳисобларига кўра, 2002 йилда Хитойнинг харид қобилияти йилига 640 млрд. долларни,

Японияники эса — 520 млрд. долларни ташкил қиласи. Шу сабабли, агар импорт-экспортни ҳисобга олсак, Корея ярим ороли орқали юк ташиш ҳажми йилига 2 трлн. долларга етади. Шу тариқа, катта қисми бизники бўлиши мумкин бўлган улкан бозор бизнинг ҳаракатларимизга боғлиқ бўлиб турибди.

Аммо бир лаҳза бўлса-да бўш келсак, иқтисодиёти қудратли икки давлат бизни оҳанрабодек ўзига тортиб олади.

Айнан шунинг учун, Жануб ва Шимолнинг келгусида корейс миллатининг бирлашишига олиб борувчи иқтисодий ҳамкорлиги, яъни янги жаҳон иқтисодий тартиботига тўла мос келувчи байналмиллашув зарурияти юзага келди.

| Хотима ўрнида |

## Янги дунё сари

Сўнгти пайтларда мен ҳар якшанба черковга ёрдамга бораман — келаётганларга машинани қўйишига қулай жой кўрсатиб тураман. Менинг вазифам тонгда бошқалардан олдинроқ келиб, қавмнинг машинада келишини кутиш ва уларга машинани кулайроқ жойга қўйишида ёрдам беришдан иборат.

Бу ишни икки йил олдин бошладим ва у менга жуда ёқади. Тонгда доим мусаффо шабада эсиб туради, черковга ташриф буюрувчиларни кутиб олиш қалбимга ором бағишлайди. Якшанба кунини савобли иш билан бошлашга имкон бергани учун черковдан ҳамда Худодан миннатдорман. Бу жуда ҳам арзимас иш, лекин у менга ҳаётимни қандай давом эттиришим кераклигини кўрсатувчи аломат бўлиб туюлади.

Мен умримнинг ярмидан кўпроғини иқтисодиёт соҳасига бағишиладим.

Энди ўйлаб кўрсам, бу шиддатли ўсиш ва ривожланиш даври бўлган экан. Барча ўртоқларим ортига қарамай қочиштан бўлса, мен, бошқалардан фарқли ўларок, бор кучимни ишга сарфладим ва кўйилган мақсадлардан ҳам кўра юқорироқ натижаларга эришдим. Компания ҳам шундай шиддат билан ўси ва муваффақият чўққисини этгалиди. Мамлакат иқтисодиёти эса, ривожланиш даражасига кўра, дунёдаги дастлабки ўнликка кирди.

Аммо, нур бор жойда соя бўлганидек, муваффақиятли тараққиётнинг салбий томонлари ҳам бор.

Ишчилар, курувчилар, иқтисодий ходимлар орасида кўплаб қурбонлар бўлди. Бу одамлар биринчи навбатда яхши сўз билан эсланишга ва хурматта лойиқдирлар, чунки иқтисодиётнинг келгусидаги туллаб-яшнашига айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари ва кўзёшлари эвазига эришилди.

Иқтисодий тенгсизлик, даромадларнинг тақсимланиши ва бошқа зиддиятлар туфайли, анъанавий маданиятнинг бузилиши

ва атроф муҳитнинг ҳалокати сабабли аҳоли гуруҳлари орасида низолар юзага келади. Узоқ муддат авторитар бошқарув тизимида яшаганимиз боис, бу ҳолат, айниқса, бизда кўпроқ кузатилади.

Энди инсон ҳаёти учун яхшироқ шароитларни яратиб, мамлакат ва жамиятни оқилона бошқариш вақти етди.

Кўп кишилар мени муваффақият тимсоли сифатида қабул қиласидилар. Шу пайтга қадар мен қашшоқликни йўқотиш ва иқтисодий равнақ топиш асосларини ҳозирлаш учун қўлидан келган бор ишни қилган бизнесмен бўлган бўлсам, эндиликда зиммамга адолатли жамият барпо этиш учун ушбу равнақ натижаларини тенг тақсимлаш масъулияти тушди.

— Мён Бак, овқат берадиган бўлишса, олмагин, шунчаки бориб қарашиб юбор.

Тонгда қўлимда фонарь билан кўчага чиқар эканман, доим онамнинг шу сўзларини эслайман. Онам мени қатъий, ҳалол ва меҳнатсевар бўлишга, ҳаёт синови бўлган ҳар бир ишни охиригача олиб боришига ўргатганди. У менга ўзингни курбон қилмагунча ўзгага кўмакдош бўла олмайсан, деб ўргатганди. Онам ҳаёт бўлганида, шундай деган бўларди:

— Энди эса атрофинга боқ, ривожланиш жараёнидаги нуқсонларни топ. Сиёсат — бу бошқаларга ёрдам бериш ҳам демакдир.

Йигирма ёшимда иш ташлашларда иштирок этган талаба эдим.

1964 йил 3 июнь воқеаларидан сўнг, қамоқдалигимда, ҳолдан тойган мамлакатим учун нима қила оларкинман, дея ўйладим. Кўчаларда ишсизлар тўлиб ётар, университетни тутгатгандан кейин ҳам ишга жойлашиш мушкул эди. Егани овқат, кийгани кийим ва ётгани бошпана топилмайдиган бундай қашшоқ мамлакатда, аввало, мустаҳкам иқтисодиёт яратиш керак, деб ўйладим. Иқтисодиёт — бу назариёт ёки маъмурӣ бошқарув эмас, деб ҳисоблардим. Мавжуд аҳволга қарши фақат ўзимнинг бевосита иштироким орқали курашишим мумкин, деб ўйладим ва шу сабабли бизнесда иш бошладим.

Аммо яна ўтмишга қайтаман, йигирма ёшларимда сиёсатга ишқим тушган даврларни эслайман.

Үтган 27 йил менга нима берди? Үйлашимча, жуда күп нарсаларни ўргандим, агар сиёсатда қолганимда эди, улардан мутлақо бехабар үтган бўлардим.

Мен лойиҳаларни рӯёбга чиқаришни, одамлар билан ишлашни, пул топишни ўргандим. Маълумотларни таҳлил қилишни, стратегияни ишлаб чиқишни, тижорат тузилмасини бошқаришни ўргандим. Қишлоқ, давлат ва жаҳон иқтисодиётлари ўзаро қанчалик узвий боғлиқ эканлигини тушундим.

Аммо, зўр ишонч билан айта оламанки, ҳаётдан сабоқ оларканман, менда тадбиркорлик руҳи пайдо бўлди.

Тадбиркор — бу савдогар эмас. Ҳақиқий тадбиркор — йўқдан бор қилган қашфиётчига тенг. Ҳақиқий тадбиркор — бу ҳар қандай муаммони ҳал қила оловчи, имконсизни воқеликка айлантира оловчи инсон. Ҳақиқий тадбирлар самарасиз нарсани унумдор нарсага айлантира оловчи ислоҳотчидир. Ҳақиқий тадбиркор ишини пулдан кўра кўпроқ яхши кўради ва ишда қўйилган мақсадларга эришишга бирламчи аҳамият беради.

Ниҳоят, жаҳондаги иқтисодий тартибот қайта кўриб чиқилмоқда. Шу билан бирга иқтисодиёт сиёсатга, сиёсат эса иқтисодиётга айланаётган давр келмоқда. Шу сабабли собиқ тадбиркор учун сиёсий фаолиятнинг бошланиши бу соҳага тадбиркорлик руҳини олиб кириш билан боғлиқ. Яъни, компанияда бошқарув соҳасида ўзлаштирилган янгиликларни сиёсатда кўллаш керак.

Кўшимча даромадга эришиш учун янги давлат лойиҳаларини таклиф қилувчи ҳукуматни тузиш лозим. Бирон-бир масала-га кўр-кўrona ён босиши ёки уни инкор қилиш керак эмас, балки мамлакат рақобат дунёсида олдинги ўринлардан бирини эгаллашига эришиш, давлатимиз товар айланмаси ва соғ даромади ҳажмини ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур. Ҳукуматнинг заиф, кераксиз харажатлар қиласиган, депрессив тузилмаси ўrniga самарали ва маҳсулдор, мижозга йўналтирилган тузилма яратиш ва, шунга мувоғик, ишга ижодий ёндашувчи ходимларни топиш даркор. Ана шундагина давлатнинг мижози бўлмиш халқ ўз ҳаётидан қониқишига эришиш мумкин.

Бугун сиёсат эски маънодаги, сайловларда овозлар сонидан хавотирланадиган сиёсат бўлмаслиги керак. Балки узоқ муддатли инвестициялар киритишга асосланган ва 10, 20 йилдан кейин

даромад олишни мүлжаллаган давлат бошқаруви бўлиши лозим. Ўзи учун эмас, барча учун, ўзини фидо қилган ва самарали ёрдам берган ҳолда бошқариш даркор.

Ривожланган давлатлардаги етакчи сиёсатчилар шундай қилишди. АҚШда ҳукуматни ислоҳ қилиш жараёнида ислоҳотлар манбаи айнан таъбиркорлик руҳида мужассам эди. Япониядаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг муваффақият қозонаётган раҳбарлари ҳам бошқарувчилик руҳига эгалар. Ҳатто шундай ҳолатлар ҳам кузатиладики, ҳукумат ва муҳолиф партия вакиллари бир компанияни биргаликда бошқаришга таклиф этиладилар.

Агар 20-асрнинг ўрталарида армия энг ривожланган тузилмага эга бўлган бўлса, 20-аср охирларига келиб айнан тижорат компаниялари дастлабки ўринларни эгаллашди.

Бироқ компания ва ҳукумат, компания ва давлат -- бу бутунлай бошқа-бошқа нарса эканлиги ҳақиқатdir. Чунки компания ўз даромадларини оширишга интилади, давлат ва ҳукумат эса умумий даромад ва бутун мамлакат манфаатини бош мақсад қилиб олади. Агар шу фарқ тушуниб етисла ва шу асосларда бошқарилса, глобаллашув, чекланмаган рақобат даврида таъбиркорлик руҳининг ҳиссаси ниҳоятда улкан бўлади.

Компанияни бошқариш билан давлатни бошқаришнинг моҳияти бир эмасми? Мен шундай деб ўйлайман. Чунки мен йўлимнинг аввалига, йигирма ёшлик пайтларимга қайтдим. Мен компания ўсиши натижаларини кўриш учун файрат билан ишладим, энди бўлса, бизнинг умумий ривожланишимииз йўлида янада тинимсиз ҳаракат қиласман.

Ушбу холосани ёзишни бошлаганимда айтадиган гапларим жуда кўп эди. Аммо олдинда ҳали кўп ишлар турибди, шу сабабли мана шу ерда сўзимни якунлайман.

Бизни 21-аср -- катта ўзгаришлар асли кутмоқда.

Ёшлар!

Мўъжизалар содир бўлмайди. Лекин ҳозир тақдирнинг янги даъватлари сари боришимиз керак, тоқи, охир-оқибат, ўзимиз янги мўъжизаларни яратайлик.

1995 йил январь  
Ли Мён Бак

*3700 сум*

*Ли Мён Бак*

**МЎЪЖИЗА СОДИР БЎЛМАЙДИ**

Таржимон *M. Сафаров*

Муҳаррирлар *Ш. Мансуров, С. Мирзааҳмедова*

Техник муҳаррир *T. Харитонова*

Бадиий муҳаррир *X. Кутлуқов*

Компьютерда саҳифаловчи *L. Абкеримова*

Босишига руҳсат этилди 18.08.2009. Қоғоз формати 62x92<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Таймс гарнитурада оғсет усулида босилди. Шартли б.т. 20,47.

Нашр т. 14,95. Тиражи 5000. Буюртма № 09-231.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.